

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

**Ш.Ш.ШОДМОНОВ, У.В.ҒАФУРОВ,
Г.Т.МИНАВАРОВА, М.Ш.ХАЛИЛОВ**

**«ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ» ФАНИДАН
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Тошкент-2010

Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуров, Г.Т.Минаварова, М.Ш.Халилов. «Иқтисодиёт назарияси» фанидан таълим технологияси. Услубий қўлланма «Иқтисодий таълимда ўқитиш технологиялари» сериясидан. – Т.: ТДИУ, 2010, 329 бет.

**Иқтисод фанлари доктори, профессор
Б.Ю. Ходиев таҳрири остида.**

Лойиҳа муҳарри:

Иқтисод фанлари доктори, профессор А.Ш. Бекмурадов,
педагогика фанлари номзоди, доцент Л.В. Голиш.

Тақризчилар:

и.ф.д., проф. Расулов М.Р.
и.ф.н., доц. Хажиев Б.Д.
п.ф.н., доц. Хошимова М.

Услубий қўлланмада «Иқтисодиёт назарияси» фанини ўқитиш бўйича таълим технологиялари, уларни қўллаш бўйича услубий тавсиялар баён этилган. Ушбу тавсиялар дидактик тамойиллар, маъруза ва семинар машғулотлари технологияларини ишлаб чиқиш усул ва воситалари, уларнинг муҳим белгиларидан иборат таълимни технологиялаш қоидаларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилган.

Китоб олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва талабалари, иқтисодий фанларни ўқитишда замонавий педагогик технологияларини қўллаш жараёнларига қизиқувчилар учун мўлжалланган.

© Иқтисодиёт, 2010

М У Н Д А Р И Ж А

| | |
|---|------------|
| КИРИШ..... | 6 |
| «ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ» ЎҚУВ ФАНИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ..... | 7 |
| МАЪРУЗА ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ..... | 20 |
| 1-мавзу. “Иқтисодиёт назарияси” фанининг предмети ва билиш усуллари..... | 21 |
| 1.1. Кириш, визуал маърузани ўқитиш технологияси 1-машғулот ва 2-машғулот..... | 21 |
| 1.2. Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар машғулотини ўқитиш технологияси: 1-машғулот ва 2-машғулот..... | 31 |
| 2-мавзу. Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг натижалари..... | 36 |
| 2.1. Ахборот, визуал маъруза орқали ўқитиш технологияси..... | 36 |
| 2.2. Мунозара семинари орқали ўқитиш технологияси..... | 43 |
| 3-мавзу. Ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва мулкчилик муносабатлари..... | 46 |
| 3.1. Ахборот-маъруза, биргаликда ўқиш усули ва “Б.Б.Б” жадвали график органаюзеридан фойдаланган ҳолда ўтиладиган маъруза воситасида ўқитиш технологияси..... | 46 |
| 3.2. Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича муаммоли семинар орқали ўқитиш технологияси..... | 50 |
| 4-мавзу. Товар-пул муносабатлари ривожланиши бозор иқтисодиёти шаклланиши ва амал қилишининг асосидир..... | 53 |
| 4.1. Визуал маъруза, икки томонлама таҳлилга асосланган маърузани ўқитиш технологияси..... | 53 |
| 4.2. Мустақил ишлаш кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилган муаммоли семинар орқали ўқитиш технологияси..... | 65 |
| 5-мавзу. Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва амал қилиши..... | 69 |
| 5.1. Ахборот, визуал маъруза, “Инсерт”, “Венна” диаграммаси техникасини қўллаган ҳолда маърузани ўқитиш технологияси..... | 69 |
| 5.2. Муаммоли масалаларни ҳал этиш ва билимларни чуқурлаштириш кўникмаларни ривожлантиришга йўналтирилган семинар орқали ўқитиш технологияси..... | 75 |
| 6-мавзу. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари..... | 78 |
| 6.1. Маъруза – конференцияси воситасида ўқитиш технологияси..... | 78 |
| 6.2. Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга йўналтирилган семинар орқали ўқитиш технологияси..... | 81 |
| 7-мавзу. Талаб ва таклиф назарияси. Бозор мувозанати..... | 84 |
| 7.1. Ахборот, визуал маъруза, аниқ ҳолатларни ечишга асосланган маъруза ёрдамида ўқитиш технологияси..... | 84 |
| 7.2. Семинар-мунозара орқали ўқитиш технологияси..... | 95 |
| 8-мавзу. Рақобат ва монополия | 101 |
| 8.1. Визуал, ахборот маърузани ўқитиш технологияси..... | 101 |
| 8.2. Семинар-мунозарани ўқитиш технологияси..... | 109 |
| 9-мавзу. Нархнинг моҳияти ва шаклланиш хусусияти..... | 112 |
| 9.1. Талабалар билан ҳамкорликда бинар маърузани ўқитиш технологияси..... | 112 |
| 9.2. Муаммоли семинарни ўқитиш технологияси..... | 116 |

| | |
|--|------------|
| 10-мавзу. Тадбиркорлик фаолияти ва унинг шакллари. Тадбиркорлик капитали ва унинг айланиши..... | 122 |
| 10.1. Муаммоли маърузани ўқитиш технологияси..... | 122 |
| 10.2. Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича амалий машғулоти ўқитиш технологияси..... | 132 |
| 11-мавзу. Корхона (фирма) харажатлари ва фойдаси..... | 138 |
| 11.1. Ахборот, визуал маърузани ўқитиш технологияси..... | 138 |
| 11.2. Мунозара семинарини ўқитиш технологияси..... | 148 |
| 12-мавзу. Иш ҳақи ва меҳнат муносабатлари..... | 152 |
| 12.1. Муаллифлик маърузасини ўқитиш технологияси..... | 152 |
| 12.2. Семинар-мунозарани ўқитиш технологияси..... | 158 |
| 13-мавзу. Аграр муносабатлар ва агробизнес..... | 162 |
| 13.1. Ҳамкорликдаги, ахборот, визуал-маърузани ўқитиш технологияси..... | 162 |
| 13.2. Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича амалий машғулоти..... | 169 |
| 14-мавзу. Миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий ўлчамлари. Ялпи миллий маҳсулот ва унинг ҳаракат шакллари..... | 174 |
| 14.1. Ахборот маърузаси, “биргаликда ўрганиш” усули ва “Б.Б.Б” график органайзер жадвалидан фойдаланган ҳолда маърузани ўқитиш технологияси..... | 174 |
| 14.2. Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича муаммоли семинарни ўқитиш технологияси..... | 183 |
| 15-мавзу. Ялпи талаб ва ялпи таклиф..... | 186 |
| 15.1. Ахборот, визуал маъруза, “Б.Б.Б” техникасидан фойдаланган ҳолда маърузани ўқитиш технологияси..... | 186 |
| 15.2. Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш ҳамда муаммоли масалаларни ҳал этиш кўникмасини ривожлантириш бўйича семинар-мунозарани ўқитиш технологияси..... | 197 |
| 16-мавзу. Истеъмол, жамғарма ва инвестициялар..... | 201 |
| 16.1. Муаммоли маърузани ўқитиш технологияси..... | 201 |
| 16.2. Муаммоли вазифани ечиш бўйича билимни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш семинарини ўқитиш технологияси..... | 205 |
| 17-мавзу. Иқтисодий ўсиш ва миллий бойлик..... | 209 |
| 17.1. Биргаликда ўқиш ва муаммоли масалаларни ечиш усулларида фойдаланган ҳолда визуал маърузани ўқитиш технологияси..... | 209 |
| 17.2. Муаммоли семинарни ўқитиш технологияси..... | 214 |
| 18-мавзу. Миллий иқтисодиётнинг нисбатлари ва мувозанати..... | 217 |
| 18.1. Амалий топшириқларни ечиш ва график органайзер, “Кластер” асосида ахборот визуал маърузасини ўқитиш технологияси..... | 217 |
| 18.2. Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш ҳамда бинар семинар мунозара бўйича амалий машғулоти..... | 224 |
| 19-мавзу. Иқтисодиётнинг циклиги ва макроиқтисодий бекарорлик..... | 227 |
| 19.1. Визуал маърузани ўқитиш технологияси | 227 |
| 19.2. Муаммоли семинар асосида ўқитиш технологияси..... | 236 |
| 20-мавзу. Ялпи ишчи кучи, унинг бандлиги ва ишсизлик..... | 238 |
| 20.1. Муаллифлик маърузасини ўқитиш технологияси..... | 238 |

| | |
|--|------------|
| 20.2. Муаммоли семинарни ўқитиш технологияси..... | 244 |
| 21-мавзу. Молия тизими ва молиявий сиёсат..... | 247 |
| 21.1. Бинар маърузани ўқитиш технологияси..... | 247 |
| 21.2. Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича амалий машғулот..... | 257 |
| 22-мавзу. Пул-кредит тизими. Банклар ва уларнинг бозор иқтисодиётидаги роли..... | 260 |
| 22.1. Визуал маърузани ўқитиш технологияси..... | 260 |
| 22.2. Семинар-мунозарали ўқитиш технологияси..... | 275 |
| 23-мавзу. Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг иқтисодий роли..... | 278 |
| 23.1. Мунозара-маърузани ўқитиш технологияси..... | 278 |
| 23.2. Муаммоли семинарни ўқитиш технологияси..... | 284 |
| 24-мавзу. Аҳоли даромадлари ва давлатнинг ижтимоий сиёсати..... | 287 |
| 24.1. Муаллифлик маърузасини ўқитиш технологияси..... | 287 |
| 24.2. Семинар-мунозарани ўқитиш технологияси..... | 293 |
| 25-мавзу. Жаҳон хўжалиги ва унинг эволюцияси..... | 296 |
| 25.1. Маъруза-конференцияни ўқитиш технологияси..... | 296 |
| 25.2. Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича амалий машғулот..... | 302 |
| 26-мавзу. Халқаро иқтисодий интеграция ва Ўзбекистоннинг жаҳон хамжамиятига кириб бориши..... | 305 |
| 26.1. Инсерт, мутахассис билан ўтказиладиган маърузани ўқитиш технологияси..... | 305 |
| 26.2. Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича муаммоли семинарни ўқитиш технологияси..... | 310 |
| 27-мавзу. Жаҳон бозори. Халқаро валюта-кредит муносабатлари..... | 313 |
| 27.1. Ахборот маърузани ўқитиш технологияси..... | 313 |
| 27.2 Яқуний семинар-мунозарани ўқитиш технологияси..... | 321 |

К И Р И Ш

«Иқтисодиёт назарияси» фанидан таълим технологияси «Иқтисодий олий таълим муассасаларида маъруза ва семинарларни ўқитиш технологияси» ўқув қўлланмасида баён этилган дарс машғулотида янги технологияларни қўллаш қонун-қоидаларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган.

Талабаларга билим беришда замонавий таълим технологияларининг аҳамияти тўғрисида сўз борганда Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болаларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатадиган ўқитувчи ва домлаларга эътиборимизни янада ошириш, қисқача айтганда, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш диққатимиз марказида бўлиши даркор”¹ деган сўзларини таъкидлаш ўринлидир. Бу масала “Баркамол авлод йили” Давлат дастурида ҳам асосий йўналишлардан бири сифатида эътироф этилган.

Китобда келтирилган таълим технологияларининг ҳар бири ўзида ўқув машғулотини ўтказиш шарт-шароити тўғрисида ахборот материалларини, педагогик мақсад, вазифа ва кўзланган натижаларни, ўқув машғулотнинг режаси, ўқитишнинг усул ва воситаларини мужассамлаштирган. Шунингдек, бу ўқув машғулотининг технологик картасини, яъни ўқитувчи ва ўқувчининг мазкур ўқув машғулотида эришадиган мақсади бўйича ҳамкорликдаги фаолиятнинг босқичма-босқич таърифланишини ҳам ўз ичига олади.

Китоб таркиби кириш, таълим технологиясининг концептуал асослари, ҳар бир мавзу бўйича маъруза ва семинар машғулотида ўқитиш технологиясидан иборат. Маълумотлар максимал даражада умумлаштирилган ва тартибга солинган. Уларни ўзлаштириш ва ёдда сақлаб қолишни кучайтириш учун жадвал ва чизмалардан фойдаланилган.

Китобнинг концептуал асослари қисмида дастлаб «Иқтисодиёт назарияси» фанининг долзарблиги ва аҳамияти, мазкур ўқув фанининг таркибий тузилиши, ўқитишнинг усул ва воситаларини танлашда таянилган концептуал фикрлар, коммуникациялар, ахборотлар берилиб, сўнгра лойиҳалаштирилган, ўқитиш технологиялари тақдим қилинган.

(1) Тўққиз турдаги маъруза машғулоти: кириш, тематик, муаммоли, визуал-маъруза, бинар маъруза, маъруза-мунозара, ҳамкорликдаги маъруза, аввалдан режалаштирилган хатоли маъруза, шарҳловчи маъруза берилган.

(2) Семинар машғулотида муаммоли семинар, билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга йўналтирилган семинар, ишбилармонлик ўйинларига асосланган, аниқ ҳолатларнинг ечими бўйича семинар ўтиш технологиялари мавжуд ва ҳ.к.

Ҳозирги кунда жаҳон тажрибасидан кўриниб турибдики, таълим жараёнига ўқитишнинг янги, замонавий усул ва воситлари кириб келмоқда ва самарали фойдаланилмоқда. Жумладан, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ҳам инновацион ва замонавий педагогик ғоялар амалга оширилмоқда: ўқитувчи билим олишнинг ягона манбаи бўлиб қолиши керак эмас, балки талабалар мустақил ишлаш жараёнининг ташкилотчиси, маслаҳатчиси, ўқув жараёнининг менежери бўлиши лозим. Таълим технологиясини ишлаб чиқиш асосида айнан шу ғоялар ётади.

Муаллифлар, ушбу қўлланмани тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатгани ва қўллаб-қувватлагани учун профессор Б.Ю. Ходиевга, профессор А.Ш. Бекмуратовга, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси жамоасига, жумладан, техник ишларда ёрдам кўрсатганлиги учун Б.Э. Мамарахимовга, иқтисодиёт назарияси фани бўйича таълим технологиясининг рус тилидаги вариантини тайёрлаб унинг айрим жойларидан фойдаланиш имконини яратгани учун кафедранинг катта ўқитувчиси О.Б.Гимрановага ўз миннатдорчиликларини билдиради.

¹ Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустақкам пойдевордир. – Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

**“ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ”
ФАНИДАН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ
КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ**

Ижтимоий-гуманитар фанлар ичида иқтисодиёт назарияси алоҳида ўрин тутди. Чунки ҳар доим инсоннинг ҳаёти иқтисодиёт билан чамбарчас боғлиқ бўлган ва унинг асосида таъминлаб келинган. Шунингдек, иқтисодиётнинг муҳимлиги шундаки, у инсоннинг энг зарур моддий шароитини таъминлайди, яшаш учун шароит яратади. Иқтисодий жиҳатдан муваффақиятли ривожланаётган жамиятда тинчлик, тартиб ва барқарорлик ҳукм суради. Самарали иқтисодиёт тамойиллари ва қонунларини билиш эса инсонларда ўзига ишонч уйғотади, энг қийин иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш ва баҳолашга, шунингдек оптимал хўжалик қарорлари қабул қилишга имкон беради.

Иқтисодиёт назарияси фанини ўрганиш инсоннинг илмий дунёқараши ўзгаради, унинг интеллектуал ривожланишини рағбатлантиради, энг қизиқарли машғулотига айланади.

Иқтисодиёт назариясининг вазифаси – объектив иқтисодий жараёнларни ўрганиш асосида субъектлар ҳаракати моделларини оптималлаштиришдир. Фирма ёки корхонанинг маркетинг изланишларида ёки унинг иқтисодий стратегиясини белгилашда ва амалга оширишда турли моделлардан фойдаланиш истеъмолчиларнинг ўзгаришларга бўлган муносабатларини башорат қилишга ёки рақобатчиларнинг акс таъсирлари, хатти-ҳаракатларини маълум эҳтимоллик даражаси билан аниқлашга имкон беради.

Иқтисодиёт назарияси фанини мукамал ўрганишнинг афзаллиги яна шу билан изоҳланадики, тўғри қарор қабул қилишда инсонлар доимо керакли ва ишончли назарий билимга ва маълумотга эга бўлиши зарур. Агар улар ўз билимларига эга бўлмаса тажриба ва хатоларидан келиб чиққан, ҳолда ўзига қимматга тушган усулни қўллаши мумкин ёки бошқаларнинг тажрибаси, хатоларини ўрганиши мумкин, лекин иқтисодиёт назариясидан олган билимларига мурожаат қилса уларнинг иши анча енгиллашади, белгилаган стратегияси ва режаси аниқ бўлади.

Иқтисодиёт назарияси фани маълум бир объект ёки ҳодиса тўғрисида яхлит тасаввур берувчи билимлар тизими бўлиш билан инсонларда олдиндан кўра билиш, башорат қилиш, режалаштириш кўникмаларини ҳосил қилади, кўп хатолардан асрайди, ҳисоб-китоб қилишга ундайди. Иқтисодиёт назарияси фанини баҳолашда аниқ моделлар бўлмаслигини ёдда тутиш керак (модель содалаштирилган математик шаклга солинган ғоя ва тасаввурдир). Шунинг учун иқтисодий моделларнинг аҳамияти уларнинг ҳаққонийлиги билан эмас, балки маълум бир иқтисодий ҳодисани ўрганиш ва тушунтиришда уни қўллашнинг имкониятлари билан аниқланади. Иқтисодиёт назарияси аниқ иқтисодий ва амалий фанларнинг асосини ташкил қилади. Унинг амалиёт билан боғлиқлиги эса аниқ иқтисодий фанлар орқали амалга ошириб келинади. Ўқиш жараёнида олинган бу билимлар эса ҳаётда ҳар бир инсон учун керак бўлади.

Иқтисодиёт назарияси асрлардан бери ҳар бир давлатнинг иқтисодий сиёсатини асослаб келган, унинг муваффақиятли ривожланишига сабаб бўлган.

Бозор иқтисодиётига ўтишни муваффақиятли амалга ошириш фан, маданиятни ривожлантириш, демократик давлат куриш учун халқ онги, маънавиятини янада юқори босқичга кўтариш зарурдир.

«Иқтисодиётимизда эришилган натижалар негизида аввало бозор ислохотлари ва мамлакатни модернизация қилишнинг пухта ўйланган модели ва узоқ муддатга мўлжалланган дастурини босқичма-босқич амалга ошириш бўйича олиб борилаётган тизимли, изчил ва қатъий ҳаракатлар турганини кузатиш қийин эмас»¹.

Иқтисодий ислохотларни ҳаётга самарали татбиқ этишнинг яна бир шarti иқтисодий таълим тизимини модернизациялашдир, иқтисодиёт соҳаси учун мутахассисларни шакллантириш механизминини яратишдир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда таълим тизимидаги ислохотларнинг асосини шакллантирувчи қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган ва амалга оширилиб келинмоқда. Булар асосида “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлар алоҳида ўрин тутди. Бу қонунлардан келиб чиқадиган вазифа таълим дастурлари мазмунининг юқори сифатига эришиш ва янги педагогик технологияларни жорий қилишдир.

Илғор педагогик технологиялар дарс беришнинг интерфаол усулларини назарда тутди. Булар мунозара дарслари, иқтисодий музокаралар, ишбилармон ўйинлар, муаммоли ҳолатларни, кейс стадиаларини ечиш ва ҳоказолардир. Ушбу усуллар талабаларнинг ижодий фаоллигини оширишда,

¹ “Халқ сўзи” газетаси, № 29, 2006 йил 11 февраль.

иктисодий масалаларни ҳал қилишда, муаммони ҳал қилишнинг энг мақбул йўллари топишда ёрдам беради. Шунингдек, иқтисодиёт йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш давлат таълим стандартини амалга оширишда амалий восита ҳисобланади.

Давлат таълим стандартида бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қуйидаги талаблар қўйилган.

Бакалавр:

- дунёқарашни кенгайтирувчи билимлар тизимига эга бўлиши, гуманитар ва социал–иктисодий фанларнинг асосини, давлатнинг ҳозирги кундаги сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммо ва ҳодисаларни мустақил таҳлил қила олишга қодир бўлиши;

- мамлакатимиз тарихини билиши, миллий ғоя ва умуминсоний қадриятлар масалалари бўйича ўз нуктаи-назарини илмий асослаш, миллий мустақиллик ғояси асосида фаол ҳаётий нуктаи назарга эга бўлиши;

- табиат ва жамиятда содир бўладиган жараён ва ҳодисалар тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида илмий асосланган ҳолда фойдалана олиши;

- инсоннинг инсонга, жамиятга, атроф-муҳитга нисбатан бўлган муносабатини бошқаришнинг ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларини билиш, касбий иш жараёнида уларни ҳисобга ола билиши;

- ахборотни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва уни қўллаш усулларини билиши, ўзининг касбий иш тажрибасига асосланган хулосалар чиқариши;

- мустақил равишда янги билимларни ўзлаштириши, ўз малакасини ошириши ва меҳнатини илмга асосланган ҳолда ташкиллаштириши;

- соғлом ҳаёт кечириш тарзининг муҳимлиги тўғрисида илмий тушунчаларга ва асосларга, жисмоний ривожланиш борасидаги билим ва малакаларга эга бўлиши;

- кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида қўшимча касбий таълим олиши керак.

Иқтисодиёт назарияси ўқитувчиси доимо ўз педагогик маҳоратини ошириб, уни санъат даражасига етказиб бориши керак. Ўз фикрини тушунарли, қўرғазмали ифодалай билиш, жаҳон ва мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ҳаётидаги воқеаларга ўз муносабатини билдириши, таълим беришга ижодий ёндашувни ривожлантириб бориши керак.

Ўқитувчининг ижодий ёндашуви талаба томонидан иқтисодиёт назариясини ўрганишга ижодий ёндашувининг бевосита шартидир.

Одатдаги маъруза дарсларининг анъанавий тарзда, илғор педагогик усулларсиз олиб борилиши талабадан фаоллик талаб қилмайди. Дарсни ўзлаштириш ҳам осондай туюлади, фанга нисбатан қизиқиш уйғонмайди. Муаммоли ҳолатларнинг яратилиши, аниқ мисоллар ёрдамида иқтисодий масалаларнинг ечилиши, талабани фанга қизиқтириш, унинг фаоллигини ошириб, кенгрок фикрлашга, мақсадга қараб интилишга, керакли билим ва кўникмалар ҳосил қилишга ёрдам беради.

Республикамизда етакчи иқтисодчи олимлар томонидан бу соҳада муносиб ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида чоп этилаётган янги дарсликлар, ўқув қўлланмалар талаба ва ўқитувчиларнинг бу борадаги эҳтиёжларига қаратилган. Проф. Ш.Шодмонов ва доц.У.Ғафуровлар томонидан яратилган янги “Иқтисодиёт назарияси” фанидан таълим технологияси ҳам шулар жумласидандир. Унда ҳозирги замон иқтисодиёт назарияси билан боғлиқ кўп янгиликлар ўз аксини топган. Мураккаб иқтисодий жараёнлар ва ҳодисалар таҳлили чизмалар, график ва жадваллар орқали ифодаланган.

Шу билан бирга халқаро андозаларга мос келувчи мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларнинг юқори иқтисодий таълим даражасини таъминлаш, бу вазифани сифатли, самарали, тушунарли амалга ошириш иқтисодиёт назарияси фанининг асосий услубий вазифаси ҳисобланади. Уни амалга ошириш ўқитиш жараёнини технологиялаштириш, таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни зарур қилиб қўяди.

«Иқтисодиёт назарияси» фанидан маъруза ва семинар машғулоти мавзуларининг соатлар бўйича тақсимооти жадвали

| № | Мавзуларнинг номи | Аудитория соатлари | |
|--|---|--------------------|-------------------------|
| | | Маъруза соати | Семинар машғулоти соати |
| I бўлим. Иқтисодий ривожланишнинг умумий асослари | | | |
| 1 | «Иқтисодиёт назарияси» фанининг предмети ва билиш усуллари | 4 | 4 |
| 2 | Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг натижалари | 2 | 2 |
| 3 | Ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва мулкчилик муносабатлари | 2 | 2 |
| 4 | Товар-пул муносабатлари ривожланиши бозор иқтисодиёти шаклланиши ва амал қилишининг асосидир | 2 | 2 |
| II бўлим. Бозор иқтисодиёти назарияси | | | |
| 5 | Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва амал қилиши | 2 | |
| 6 | Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари | 2 | 2 |
| 7 | Талаб ва таклиф назарияси. Бозор мувозанати | 2 | 2 |
| 8 | Рақобат ва монополия | 2 | |
| 9 | Нархнинг моҳияти ва шаклланиш хусусияти | 2 | 2 |
| 10 | Тадбиркорлик фаолияти ва унинг шакллари. Тадбиркорлик капитали ва унинг айланиши | 2 | 4 |
| 11 | Корхона (фирма) харажатлари ва фойдаси | 2 | |
| 12 | Иш ҳақи ва меҳнат муносабатлари | 2 | 2 |
| 13 | Аграр муносабатлар ва агробизнес | 2 | 2 |
| III бўлим. Миллий иқтисодиёт (макроиқтисодиёт)нинг амал қилиши ва ривожланиш қонуниятлари | | | |
| 14 | Миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий ўлчамлари. Ялпи миллий маҳсулот ва унинг ҳаракат шакллари | 2 | 2 |
| 15 | Ялпи талаб ва ялпи таклиф | 2 | 2 |
| 16 | Истеъмол, жамғарма ва инвестициялар | 2 | 2 |
| 17 | Иқтисодий ўсиш ва миллий бойлик | 2 | 2 |
| 18 | Миллий иқтисодиётнинг нисбатлари ва мувозанати | 2 | |
| 19 | Иқтисодиётнинг циклиги ва макроиқтисодий бекарорлик | 2 | 2 |
| 20 | Ялпи ишчи кучи, унинг бандлиги ва ишсизлик | 2 | 2 |
| 21 | Молия тизими ва молиявий сиёсат | 2 | 2 |
| 22 | Пул-кредит тизими. Банклар ва уларнинг бозор иқтисодиётидаги роли | 2 | 2 |
| 23 | Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг иқтисодий роли | 2 | 2 |
| 24 | Аҳоли даромадлари ва давлатнинг ижтимоий сиёсати | 2 | 2 |
| IV бўлим. Жаҳон ҳўжалиги | | | |
| 25 | Жаҳон ҳўжалиги ва унинг эволюцияси | 2 | |
| 26 | Халқаро иқтисодий интеграция ва Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши | 2 | 2 |
| 27 | Жаҳон бозори. Халқаро валюта-кредит муносабатлари | 2 | 2 |
| Жами: | | 56 | 58 |

I-БЎЛИМ. ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

1-мавзу. “Иқтисодиёт назарияси” фанининг предмети ва билиш услублари

Иқтисодиёт тушунчаси ва унинг бош масаласи. Эҳтиёжларнинг мазмуни, турлари ва чексизлиги. Иқтисодий ресурсларнинг мазмуни, турлари ва чекланганлиги.

Иқтисодий билимларнинг шаклланиши ва ривожланиши. Қадимги Шарқ ва Ғарб халқларидаги иқтисодий ғоялар. “Иқтисодиёт назарияси”нинг фан сифатида шаклланишидаги асосий оқимлар: меркантилизм, физократлар, Англия классик иқтисодий мактаби, марксизм ва маржинализм. Ҳозирги замон иқтисодиёт назариясидаги асосий оқимлар.

“Иқтисодиёт назарияси” фанининг предмети. Иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар. Моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнидаги иқтисодий муносабатлар.

Иқтисодий қонунлар ва категориялар (илмий тушунчалар). Иқтисодий қонунлар тизими.

Иқтисодий қонунлар ва жараёнларни илмий билишнинг диалектик қоидалари. Иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш усуллари: илмий абстракция, индукция ва дедукция, эмпирик усул ва фаразлардан фойдаланиш. Микро ва макроиқтисодий таҳлил. Иқтисодий таҳлилда математик, статистик ва график усуллардан фойдаланиш. Позитив ва норматив усуллар.

“Иқтисодиёт назарияси” фанининг назарий ва амалий вазифалари, унинг бошқа ижтимоий ва иқтисодий фанлар билан чамбарчас боғлиқлиги. “Иқтисодиёт назарияси” - барча иқтисодий фанларнинг услубий пойдевори ва давлат иқтисодий сиёсатининг илмий асоси эканлиги. Ҳозирги замон иқтисодий тафаккурининг шаклланишида, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларини таҳлил қилиш ва билишда “Иқтисодиёт назарияси” фанининг роли. Иқтисодиёт назарияси фанининг талаба-ёшлар онгида илмий дунёқарашни шакллантиришда ва миллий истиқлол ғоясини сингдиришдаги аҳамияти.

«Иқтисодиёт назарияси» фанида Президент И.Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини талабаларга тушунтиришнинг аҳамияти.

2-мавзу. Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг натижалари

Иқтисодий фаолият ва унинг турлари. Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмуни ва унинг иқтисодий асослари. Ишлаб чиқариш жараёни товарлар ва хизматлар ҳажмининг кўпайиши ва қийматнинг ўсиш жараёнларининг бирлигидан иборат эканлиги. Ишлаб чиқаришнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ўзаро боғлиқлиги. Ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг туркумланишига турлича ёндашув. Ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирининг ўрнини босиши. Ишлаб чиқариш омилларидан тежамкорлик билан фойдаланиш. Вақтни тежаш қонуни. Меҳнат унумдорлиги ва унга таъсир қилувчи омиллар. Ишлаб чиқариш функцияси. Қўшилган меҳнат ва капитал унумдорлигининг пасайиб, қўшимча харажатларнинг ўсиб бориши қонуни.

Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари. Ялпи маҳсулот. Оралиқ маҳсулот, қўшилган маҳсулот, соф маҳсулот. Зарурий ва қўшимча маҳсулот. Қўшимча маҳсулот нормаси ва массаси. Қўшимча маҳсулотнинг заруриги ва аҳамияти.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги тушунчаси ва унинг кўрсаткичлари. ФТТ ва ишлаб чиқариш имкониятлари чегарасининг кенгайиши ҳамда такомиллашиши.

Ўзбекистон иқтисодий ресурслари имкониятларини (захираларини) умумий баҳолаш ва ундан тежаб фойдаланиш муаммолари.

3-мавзу. Ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва мулкчилик муносабатлари

Ижтимоий-иқтисодиёт тараққиёт босқичларини билишга турли хил ёндашувлар: технологик даражаси бўйича, маданийлашиш даражаси ва социал тузилиш бўйича. Ишлаб чиқаришнинг технологик усуллари. Индустириал ва постиндустириал ишлаб чиқариш.

Халқларнинг маданийлашган, ижтимоий адолатли жамиятга ҳаракат йўлларининг муқобиллиги ва кўп вариантлиги.

Иқтисодий тизим тушунчаси. Мулкчилик муносабатлари ва иқтисодий тизимларнинг ички ўзаро боғлиқлиги. Иқтисодий тизим моделлари: соф капитализм, маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти, аралаш иқтисодиёт, анъанавий иқтисодиёт.

Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмуни: ўзлаштириш, эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш тушунчаларининг мазмуни. Мулкчиликнинг иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатлари.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликнинг турли-туман шакллари. Давлат мулки, хусусий мулк, жамоа мулки ва аралаш мулк.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишда мулкчиликнинг ўрни. Мулкчилик шакллари ўзгартириш усуллари: миллийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш.

Ўзбекистон Республикасида мулкчиликни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг шакллари, йўллари ва усуллари.

Хусусий мулкчилик тармоғини кенгайтириш – мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида.

4-мавзу. Товар-пул муносабатлари ривожланиши бозор иқтисодиёти шаклланиши ва амал қилишининг асосидир

Ижтимоий хўжалик шакллари. Натурал ва товар ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг белгилари. Товар ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ва ривожланиши сабаблари. “Маҳсулот”, “товар”, “хизмат” тушунчалари.

Товар ва унинг хусусиятлари. Товарнинг нафлилиги ва айирбошланиш қобилияти (қиймати).

Товар қийматининг миқдори. Индивидуал ва ижтимоий-зарурий, меҳнат сарфлари. Меҳнат унумдорлиги ва интенсивлигининг товар қиймати миқдорига таъсири.

Қиймат ва нарх. Товар ва хизматлар қийматини тушунишнинг муқобиллиги. Кейинги қўшилган товар нафлилиги назарияси (маржинализм).

Пулнинг келиб чиқиши ва мазмуни. Пул тўғрисидаги металлстик, номиналистик ва миқдорий назариялари. Пулнинг асосий вазифалари: қиймат ўлчови, муомала воситаси, жамғариш воситаси.

Ҳозирги замон пулининг табиати ва мазмуни.

Ўзбекистонда миллий пул-сўмнинг муомалага киритилиши ва унинг аҳамияти. Бозор иқтисодиёти товар-пул муносабатлари ривожининг маҳсули эканлиги.

II-БЎЛИМ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ НАЗАРИЯСИ

5-мавзу. Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва амал қилиши

Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва унинг ривожланиши. Бозор иқтисодиётининг асосий белгилари. Бозор тизимининг ўз-ўзини тартибга солувчи механизми. Классик ва ҳозирги замон бозор иқтисодиёти, уларнинг умумий томонлари ва фарқлари. Бозор иқтисодиётида ресурслар, маҳсулотлар ва даромадларнинг доиравий айланиши. Бозор иқтисодиёти шароитида доимий муаммоларни ҳал қилиш ва ресурслардан самарали фойдаланиш йўллари. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва зиддиятлари.

Бозорнинг мазмуни ва унинг тузилиши. Бозорнинг турлари. Бозорнинг объектлари ва субъектлари. Бозор инфратузилмаси ва унинг таркиби.

6-мавзу. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари

Ўтиш даври назарияси. Бозор иқтисодиётига ўтиш - ҳамма мамлакатларга хос умумий жараён. Маъмурий-бўйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг хусусиятлари. Ўтиш даври иқтисодиётининг асосий белгилари. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг миллий андозалари. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек модели, унинг тамойиллари ва хусусиятлари.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш концепцияси ва стратегияси. Иқтисодий мустақилликни таъминлаш ва бозор муносабатларига ўтиш бўйича қўйилган вазифаларнинг бир йўла ҳал қилиниши. Иқтисодий ислохотларнинг босқичлари ва уларнинг вазифалари. Ўзбекистонда ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари. Мулкчиликнинг янги шакллари ва мулкдорлар синфининг пайдо бўлиши.

Иқтисодиётда давлат ва нодавлат секторлари нисбати. Рақобат муҳитининг яратилиши. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти инфратузилмаларининг яратилиши. Иқтисодиётда барқарорликни ва таркибий ўзгаришларни таъминлаш. Инвестиция муаммолари. Сўмнинг барқарорлигини таъминлаш. Молия-кредит сиёсати. Аҳоли табақаланишининг олдини олиш ва ижтимоий сиёсат. Бозор иқтисодиётига ўтиш ўзбек андозасининг қарор топиши.

7-мавзу. Талаб ва таклиф назарияси. Бозор мувозанати

Талаб тушунчаси. Индивидуал талаб ва бозор талаби. Талаб миқдорининг ўзгарувчанлиги. Талаб эгри чизиғи. Талаб миқдорига таъсир қилувчи омиллар: бозор нархлари, истеъмолчи диди, истеъмолчи пул даромади, нархлар ва истеъмолчи пул даромадлари ўзгаришининг кутилиши, ўрнини босувчи товарлар нархи. Харидорлар сонининг талаб ҳажмига таъсири. Талаб қонуни.

Таклиф тушунчаси. Таклифнинг ўзгарувчанлиги. Таклиф эгри чизиғи. Таклиф миқдорига таъсир кўрсатувчи омиллар: бозор нархлари, ишлаб чиқариш ҳажми, ресурслар нархи, солиқлар даражаси, ишлаб чиқарувчилар сони, ресурслар унумдорлиги, бошқа товарлар нархи, инфляциянинг кутилиши. Таклиф қонуни.

Иқтисодий ресурсларга талаб ва таклифнинг хусусиятлари.

Талаб ва таклиф миқдорларининг мос келиши. Бозор мувозанати. Хусусий ва умумий мувозанатлик. Ўзбекистонда бозор мувозанатининг таъминланиши.

Истеъмолчи хатти-ҳаракати назарияси. Нафлиликни ошириш қоидаси. Нарх ва даромадлар ўзгаришининг истеъмолчи танловига таъсири.

8-мавзу. Рақобат ва монополия

Рақобатнинг моҳияти ва объектив асослари. Рақобат ва монополия назариялари. Рақобатнинг турлари: тармоқлараро ва тармоқ ичидаги рақобат. Рақобат бозори турлари: соф рақобат, монополистик рақобат, олигополия, соф монополия ва моносония. Рақобатлашиш усуллари: нарх воситасидаги ва нархсиз рақобат, фирром ва ҳалол рақобат. Демпинг нархларни қўллаш. Рақобат курашининг замонавий шакллари: маҳсулот сифатини ошириш, маҳсулотни янгилаш, хизмат сифати, реклама, сервис ва ҳ.к.

Монополияларнинг моҳияти ва турлари. Ишлаб чиқариш ва капиталнинг тўпланиши ва марказлашуви. Табiiй монополиялар. Монополияларнинг афзалликлари ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари. Монополистик бирлашмалар шакллари.

Давлатнинг монополияга қарши тадбирлари. Ривожланган мамлакатларда монополияга қарши сиёсат борасидаги тажрибалар. Монополияга қарши қонунчилик ва уни қўллашнинг Ўзбекистондаги ўзига хос хусусиятлари.

9-мавзу. Нархнинг моҳияти ва шаклланиш хусусиятлари

Нархнинг мазмуни ва унинг объектив асослари. Нарх тўғрисидаги турли назариялар. Бозор иқтисодиёти шароитида нархнинг вазифалари. Нархнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар. Нарх турлари: улгуржи ва чакана нархлар. Шартномавий, эркин ва тартибга солинувчи нархлар. Ҳудудий, миллий ва жаҳон бозори нархлари.

Нарх ташкил топишининг бозор механизми. Рақобатнинг турли кўринишлари шароитида нархнинг шаклланиш хусусиятлари. Нархнинг давлат томонидан тартибга солиниши.

Нарх сиёсати ва унинг Ўзбекистонда амалга оширилиш хусусиятлари. Нархларни эркинлаштириш йўллари ва босқичлари.

10-мавзу. Тадбиркорлик фаолияти ва унинг шакллари.

Тадбиркорлик капитали ва унинг айланиши

Тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти ва асосий белгилари. Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари: шахсий, шерикчилик асосида, жамоа ва давлат тадбиркорлиги.

Корхона тадбиркорлик фаолиятининг асосий ва бошланғич бўғини. Корхоналар фаолиятининг ташкил қилиниши. Акционерлик жамияти ва акционерлик капитали. Акция ва унинг турлари. Акция курси. Дивиденд ва таъсисчилар фойдаси. Назорат пакети. Облигациялар.

Менежмент — корхоналарни бошқариш тизими сифатида. Маркетинг, унинг вазифаси, тамойиллари ва аҳамияти.

Тадбиркорлик капиталининг моҳияти ва доиравий айланишининг босқичлари. Тадбиркорлик капиталининг функционал шакллари: пул, унумли капитал ва товар.

Капиталнинг айланиши. Асосий ва айланма капитал. Капиталнинг айланиш тезлиги. Асосий капитални такрор ишлаб чиқариш: жисмоний, маънавий ва иқтисодий эскириши ва қайта тикланиши. Амортизация ва унинг нормаси. Жадаллашган амортизация. Асосий ва айланма капиталдан фойдаланиш самарадорлиги ва унинг кўрсаткичлари. Асосий капиталдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.

Бизнес учун қулай муҳит яратиш ва унинг кафолатларини мустаҳкамлаш – мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида.

11-мавзу. Корхона (фирма) харажатлари ва фойдаси

Фирманинг сарф-харажатлари ва унинг турлари. Ишлаб чиқариш харажатларининг мазмуни, таркиби ва турлари. Қисқа ва узоқ муддатли даврда ишлаб чиқариш харажатлари. Доимий ва ўзгарувчи харажатлар. Ички ва ташқи харажатлар. Ўртача ва умумий харажатлар. Кейинги қўшилган харажатлар тушунчаси. Тижорат харажатлари, унинг турлари ва қопланиш манбаи.

Корхона (фирма) нинг пул тушумлари ва фойдаси. Меъёрдаги фойда. Иқтисодий фойда, омад фойдаси. Корхоналар фойдасини кўпайтириш йўллари. Фойда миқдорини кўпайтиришда моддий

ресурсларни тежашнинг аҳамияти. Фойда нормаси ва массаси. Фойда нормасининг пасайиб бориш қонуни. Фойда нормасига таъсир кўрсатувчи омиллар. Фойданинг тақсимланиши ва ишлатилиши. Зарар тушунчаси. Зарар кўришнинг сабаблари. Корхоналарнинг банкрот бўлиши (синиши) ва санация қилиниши.

12-мавзу. Иш ҳақи ва меҳнат муносабатлари

Иш ҳақининг иқтисодий мазмуни. Номинал ва реал иш ҳақи. Реал иш ҳақининг даражаси ва ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар. Иш ҳақининг табақаланиши. Иш ҳақини ташкил қилиш шакллари ва тизимлари.

Рақобатнинг турли шакллари (соф рақобат ва монополия) асосланган ишчи кучи бозорида (иш ҳақи ставкаси) нинг аниқланиши.

Меҳнат муносабатлари. Меҳнат шартномалари. Касаба уюшмаларининг тадбиркорлар ва давлат билан ўзаро муносабатлари. Жамоа шартномалари ва ижтимоий суғурта тизими.

Меҳнат низолари, унинг сабаблари ва бартараф қилиш усуллари. Ҳозирги замон “капитал-меҳнат интеграцияси” нинг мазмуни.

Ўзбекистонда меҳнат муносабатларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари.

13-мавзу. Аграр муносабатлар ва агробизнес

Аграр муносабатлар ва уларнинг бозор тизимидаги хусусиятлари. Ернинг ресурс сифатидаги ўзига хос хусусиятлари. Ер мулкчилик ва хўжалик юритиш объекти. Ижара муносабатлари. Ижара ҳақи. Ер рентаси тушунчаси. Ер рентасининг турлари: дифференциал рента, абсолют рента, монополь рента, ундирувчи саноат ва қурилиш участкаларидан рента. Рента тўловининг шакллари. Ўзбекистонда ерга ягона солиқ ва уни рўёбга чиқариш амалиёти. Ернинг нархи ва уни белгиловчи омиллар.

Аграр саноат интеграцияси. Агробизнес ва унинг турлари. Дехқон, фермер ва ширкат хўжаликлари. Ўзбекистонда аграр ислохотларни амалга ошириш, фермер ва дехқон хўжалиklarини ривожлантиришнинг давлат дастурлари.

III-БЎЛИМ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ (МАКРОИҚТИСОДИЁТ)НИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ

14-мавзу. Миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий ўлчамлари.

Ялпи миллий маҳсулот ва унинг ҳаракат шакллари

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ва миллий иқтисодиётнинг шаклланиши. Миллий иқтисодиётнинг мазмуни ва унинг тузилиши.

Макроиқтисодиёт тўғрисидаги асосий назариялар: классик, кейнсча, монетаристик, неоклассик назариялар. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар.

Миллий маҳсулотнинг иқтисодий мазмуни ва унинг ҳаракат шакллари. Ялпи миллий маҳсулот ва ялпи ички маҳсулот. Номинал ва реал ялпи ички маҳсулот. Ялпи ички маҳсулотнинг таркибий тузилиши. Соф миллий маҳсулот, миллий даромад ва шахсий даромад.

Миллий ҳисоблар тизими ва Ўзбекистоннинг унга ўтиши. ЯММ ҳисоблаш усуллари.

Ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш муаммолари. Ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш омиллари. ЯИМ ва атроф-муҳит.

Хуфёна иқтисодиёт, унинг ўлчамлари ва намоён бўлиш шакллари.

Ўзбекистонда ички миллий маҳсулотни кўпайтиришда иқтисодий ресурсларни тежашнинг аҳамияти.

15-мавзу. Ялпи талаб ва ялпи таклиф

Ялпи талаб тушунчаси. Ялпи талабнинг таркиби ва унинг миқдорига таъсир этувчи омиллар. Ялпи талаб эгри чизиғи.

Ялпи таклиф тушунчаси. Ялпи таклиф таркиби ва унга таъсир қилувчи омиллар. Ялпи таклиф эгри чизиғи.

Ялпи талаб ва ялпи таклиф нисбати. Ж.Б.Сей қонуни. ялпи талаб ва ялпи таклиф эгри чизиқларининг кесишиши. Бозорнинг тўйинганлик даражаси. Такчилликнинг иқтисодий табиати ва уни бартараф қилиш йўллари.

16-мавзу. Истеъмол, жамғарма ва инвестициялар

Истеъмол ва жамғарманинг мазмуни. Соф миллий маҳсулотнинг тақсимланиши, истеъмол ва жамғарма фондларининг шаклланиши. Аҳоли даромадларининг табақаланиши ва истеъмол даражаси. Энгель қонуни.

Истеъмол ва жамғарма ўртасидаги оптимал нисбат. Истеъмол ва жамғаришга ўртача ва кейинги кўшилган мойиллик. Истеъмол ва жамғарма даражасини белгиловчи омиллар. Жамғаришнинг мазмуни ва унинг манбалари. Номинал ва реал жамғариш.

Инвестицияларнинг мазмуни ва вазибалари. Инвестицияларнинг манбалари ва тузилиши. Инвестициялар даражасини аниқловчи омиллар. Инвестицион фаоллик. Инвестициялашда тахликани ҳисобга олиш. Инвестициялар самарадорлиги. Ўзбекистонда инвестицион фаолиятни таъминлаш ва унинг шарт-шароитлари.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг аҳамияти.

Таркибий ислохотлар ва иқтисодиётни модернизациялашни янада чуқурлаштириш, унинг кўламини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун зарур шароитларни яратиш – мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида.

17-мавзу. Иқтисодий ўсиш ва миллий бойлик

Иқтисодий ўсишнинг мазмуни, мезонлари ва кўрсаткичлари. Иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив турлари. Иқтисодий ўсишнинг мақсади, самарадорлиги ва йўналишлари.

Иқтисодий ўсишнинг омиллари. Ялпи талаб ва ялпи тақлифнинг иқтисодий ўсишга таъсири.

Миллий бойлик тушунчаси ва унинг тузилиши. Моддий-буюмлашган, табиий ва интеллектуал бойлик.

Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиши ва иқтисодий ўсиш муаммолари.

Иқтисодий ўсиш самарадорлигини таъминлашда табиий, моддий ва молиявий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишнинг аҳамияти.

18-мавзу. Миллий иқтисодиётнинг нисбатлари ва мувозанати

Иқтисодий мувозанатлик тушунчаси. Турғун ва муттасил ривожланиб боровчи мувозанатлик. Хусусий ва умумий мувозанатликлар.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва унинг иқтисодий мувозанатга таъсири. Иқтисодий нисбатлар ва уларнинг турлари. Тармоқлараро баланс ва унинг мазмуни.

Макроиқтисодий мувозанатликка эришишнинг бозор механизми.

Ишлаб чиқариш мувозанатли ҳажмини аниқлашнинг Кейнс моделидаги икки усули: а) ялпи сарфлар ва ишлаб чиқариш ҳажмини таққослаш; б) жамғарма ва инвестицияларни таққослаш.

Иқтисодий мувозанатликни аниқдашда тармоқлараро баланс ҳамда даромад ва харажатларни таққослаш усулларидан фойдаланиш.

Иқтисодиётда мультипликатор самараси. Рецессион ва инфляцион фарқ. Миллий иқтисодиётнинг мувозанатлигига эришишда фискал сиёсатнинг роли.

Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишини қайта қуриш жараёнида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш муаммолари.

19-мавзу. Иқтисодиётнинг циклиги ва макроиқтисодий беқарорлик

Иқтисодий ривожланишдаги номутаносибликлар ва уларниш намоён бўлиш шакллари. Цикллилик — иқтисодий тараққиётнинг умумий шакли эканлиги. Иқтисодий циклнинг монетаристик, иқтисодий беқарорлик (Ж.Хикс) назариялари. Иқтисодий циклда мультипликатор ва акселераторларнинг ўзаро таъсири.

Иқтисодий циклнинг фазалари. Циклик тебранишлар. Инвестициялар ва бозор конъюнктурасидаги тебранишлар. Инновацион-инвестицион цикллар. Миллий ва жаҳон хўжалигидаги цикллар. Давлат иқтисодий сиёсатидаги циклга қарши тадбирлар. Мувозанатли ишчанли цикл ва сиёсий мақсадли цикл назариялари. Иқтисодий инқироз мазмуни, унинг моддий асоси, сабаблари ва турлари.

Таркибий инқирозлар ва иқтисодиётдаги таркибий силжишлар. Н.Д.Кондратьевнинг “узун тўлқинлар” назарияси ва унинг ҳозирги замон талқини. Аграр инқирозлар ва унинг хусусиятлари.

Ўзбекистонда инқирозли жараёнларнинг намоён бўлиш хусусиятлари ва уни бартараф этиш йўллари.

20-мавзу. Ялпи ишчи кучи, унинг бандлиги ва ишсизлик

Ялпи ишчи кучининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни. Ишчи кучини тақрор ҳосил қилиш. Ялпи ишчи кучининг миқдор ва сифат жиҳатдан аниқланиши. Нуфус қонуни. Ўзбекистонда социал-демографик жараёнларнинг хусусиятлари. ФТТни ишчи кучининг сифат жиҳатдан такомиллашувига таъсири.

Ишчи кучининг бандлиги ва унинг даражаси. Ишсизлик, унинг даражаси ва турлари. Ишсизлик тўғрисидаги турли хил назариялар. Ишсизликнинг иқтисодий ва ноиқтисодий оқибатлари. А.Оукен қонуни. Ишсизлик ва инфляциянинг ўзаро боғлиқлиги. Филлипс эгри чизиғи.

Ишчи кучининг айрим соҳалардан бўшаши ва уни қайта тақсимлашнинг бозор механизми. Ишчи кучи бозори ва бандлик хизмати (меҳнат биржалари). Ишчи кучига талаб ва таклиф ҳамда уни аниқловчи омиллар.

Ўзбекистонда ишчи кучи бозорини шакллантириш ва тартибга солиш. Ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш.

Аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг ўта муҳим шarti бўлган бандлик масаласини ҳал этиш – мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида.

21-мавзу. Молия тизими ва молиявий сиёсат

Молиянинг моҳияти, ўрни ва вазифалари. Молиявий муносабатларнинг объектлари ва субъектлари.

Молия тизими ва унинг бўғинлари. Давлат бюджети ва унинг молиявий ресурсларни шакллантиришдаги аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг тузилиши. Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари ҳамда унинг таркиби. Бюджет тақчиллиги ва давлат қарзлари, уларнинг иқтисодиётга таъсири.

Бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар ва унинг вазифалари. Солиқ солиш тамойиллари ва солиқ турлари. Лаффер эгри чизиғи. Ўзбекистонда солиқ тизимининг вужудга келиши. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида суғурта ва унинг ўрни.

Молиявий инқироз, унинг сабаблари, намоён бўлиш шакллари ва миллий иқтисодиётни молиявий соғломлаштириш йўллари.

Бозор иқтисодиётига ўтишда давлатнинг молия сиёсати. Молиявий сиёсатнинг дастаклари: солиқлар, давлат сарф-харажатлари, даромадлар сиёсати. Молиявий ресурслар бозорини шакллантириш.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ ва бюджет тизимини ислох қилиш йўллари.

Бюджет ва солиқ ислохотларини чуқурлаштириш, солиқ тизимини содалаштириш ва унификация қилиш ҳамда солиқ юкини янада камайтириш – мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида.

22-мавзу. Пул-кредит тизими. Банклар ва уларнинг бозор иқтисодиётдаги роли

Пул муомаласи. Пул тизими ва унинг турлари. Муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлаш ва унга таъсир этувчи омиллар. Пулнинг айланиш тезлиги. Пул миқдорини аниқлашга турлича ёндашувлар. Пул агрегатлари. Пул бозоридаги макроиқтисодий мувозанатлик.

Пул муомаласининг бузилиши. Инфляция, унинг сабаблари ва турлари (меъёрдаги, ўрмалаб борувчи, гиперинфляция). Инфляция даражаси ва суръати. Дефляция ва стагфляция. Инфляциянинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, Давлатнинг инфляцияга қарши сиёсати. Ўзбекистонда миллий пул бирлиги - сўмни барқарорлаштириш вазифалари. Кредитнинг моҳияти, вазифалари ва турлари. Кредит механизми, кредит ресурслари бозори. Фоизли даромад. Фоиз ставкаси ва унинг даражасини аниқловчи омиллар. Кредит-пул тизимини давлат томонидан тартибга солиш. Ўзбекистонда пул-кредит ислохотлари. Банклар ва Ўзбекистон Республикасининг банк тизими. Бозор иқтисодиётида банкларнинг ўрни. Марказий банк ва унинг вазифалари. Тижорат банклар ва уларнинг вазифалари. Банк операциялари ва банк фойдасининг ҳосил бўлиши. Банк тизимининг такомиллаштирилиши.

23-мавзу. Бозор иқтисодиётининг тартибга солишда давлатнинг иқтисодий роли

Иқтисодиётни тартибга солишнинг моҳияти ва зарурлиги. Иқтисодиётни тартибга солишнинг классик, монетаристик, кейнсча назариялари.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади. Давлатнинг иқтисодий ўрни ва вазифалари: бозор муносабатлари қатнашчиларини ҳуқуқий ҳимоялаш, рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш; ресурслар, маҳсулотлар ва даромадларни қайта тақсимлаш; иқтисодиётнинг ва пул муомаласининг барқарорлигини таъминлаш; ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш. Фан-техника таракқиёти, таркибий, ижтимоий ва регионал сиёсатни амалга оширишда давлатнинг ўрни. Иқтисодиётнинг давлат сектори ва унинг чегаралари. Давлатнинг макроиқтисодиётини тартибга солишнинг бевосита, билвосита усуллари ва шакллари. Давлат буюртмалари ва давлат харидлари.

Давлат томонидан молиялаштириш, субсидиялаш, дотациялаш ва трансферт тўловларини амалга ошириш механизми. Давлатнинг мақсадли инвестициялари. Давлатнинг истиқболли дастурлари ва стратегик йўналишларининг прогнозлари. Иқтисодиётга давлат аралашувининг

чегаралари. Ўтиш даврида давлатнинг бош вазифалари, уларнинг ислохотчи сифатида амал қилиши. Маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг иқтисодий асосини мустаҳкамлаш.

24-мавзу. Аҳоли даромадлари ва давлатнинг ижтимоий сиёсати

Ижтимоий адолат ғояси. Ижтимоий йўналтирилган бозор тизими шароитида ижтимоий адолат қоидаларининг ривожланиши. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши. Жамият аъзоларининг даромадлари, мол-мулкка эгаллиги ва ижтимоий аҳволи бўйича фарқлари. Лоренц эгри чизиғи.

Аҳоли даромадлари, унинг турлари ва шаклланиш манбалари. Номинал ва реал даромад. Даромадларнинг табақаланиш сабаблари ва омиллари. Турмуш даражаси ва сифати. Турмуш даражаси ва кашшоқликнинг кўрсаткичлари. Оила бюджети: даромадлар ва харажатлар таркиби. Даромадларни давлат томонидан қайта тақсимлаш ғояси, мақсади ва дастаклари. Ижтимоий фондлар, уларнинг ўрни, манбалари ва тузилиши. Ижтимоий тенглик. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлатнинг ижтимоий сиёсати. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: табақалаштирилган солиқ солиш, товон тўлаш сиёсати, ишсизлик бўйича нафақалар, хайр-эҳсон дастурлари.

Уй-жой-коммунал хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш – мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида.

IV-БЎЛИМ. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ

25-мавзу. Жаҳон хўжалиги ва унинг эволюцияси

Жаҳон хўжалигининг ташкил топиши, босқичлари ва асосий белгилари. Халқаро меҳнат тақсимоли ва ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви. Иқтисодий ўзаро боғлиқликнинг ўсиши ва бевосита халқаро ишлаб чиқаришнинг шаклланиши. Иқтисодиётнинг байналминаллашувида ФТТ ва трансмиллий капиталнинг ўрни.

Глобаллашув жараёнининг моҳияти ва асосий йўналишлари. Жаҳон хўжалиги глобаллашуви жараёнларининг зиддиятли томонлари.

Дунё мамлакатларининг иқтисодий ривожланиши бўйича табақаланиши: ривожланган, ўртача ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар. Янги халқаро иқтисодий тартиб. Халқаро иқтисодий хавфсизлик тизимининг яратилиши. Мамлакатлар ривожига миллий ва байналминал тамойиллар нисбати.

26-мавзу. Халқаро иқтисодий интеграция ва Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши

Халқаро иқтисодий интеграция жараёнлари тўғрисидаги турлича назариялар ва уларнинг асосий йўналишлари. Халқаро иқтисодий интеграциянинг мазмуни. Халқаро иқтисодий интеграциянинг асосий шакллари. Халқаро иқтисодий интеграция жараёнини тақозо қилувчи омиллар. Очик иқтисодиёт ва унинг ўзига хос белгилари.

Давлатлараро иқтисодий интеграциянинг ривожланишидаги шарт-шароитлар. Турли минтақалардаги асосий интеграцион гуруҳлар. Европа Иттифоқи (ЕИ), Эркин савдо тўғрисида Шимолий Америка битими (НАФТА), Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси (АСЕАН), Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ). Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига қўшилишининг шарт-шароитлари. Республиканинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувининг глобал, трансконтинентал, минтақалараро, минтақавий, маҳаллий даражалари. Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишлари.

Экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш ва валюта захираларини тежаш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш – мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида.

27-мавзу. Жаҳон бозори. Халқаро валюта ва кредит муносабатлари

Жаҳон бозори ва халқаро савдо. “Қиёсий устунлик” назарияси. Ташқи савдо мультипликатори ва унинг макроиқтисодий мувозанатга таъсири. Тўлов баланси ва унинг таркиби. Савдо баланси. Жаҳон бозори нархлари. Миллий ва халқаро бозорларининг ўзаро боғлиқлиги. Протекционизм ва эркин савдо. Божхона сиёсати. Жаҳон бозорини халқаро тартибга солиш. Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига фаол кириб бориш муаммолари. Халқаро валюта тизими: олтин стандарт, олтин-валюта ва сузиб юривчи валюта тизими. Халқаро валюта фондлари: Европа валюта иттифоқи — ЕВС, “Катта саккизлик” келишуви. Минтақа валюта фондлари. Валюта бозори ва валюта курслари. Валюталарни конвертация қилиш. Олтиннинг халқаро бозори. Халқаро валюта ҳисоб-китоб бирликлари: миллий валюталар, Европа валюта бирлиги (ЕВРО). Тўлов баланси. Ташқи қарз муаммолари. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистоннинг валюта муаммолари.

Суда капиталларининг жаҳон бозори. Халқаро кредит. Трансмиллий банкларнинг ўрни. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (МБРР). Еврокредит, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг вазифалари.

Таълим технологияси инсонийлик тамойилларига таянади. Фалсафа, педагогика ва психологияда бу йўналишнинг ўзига хослиги талабанинг индивидуаллигига алоҳида эътибор бериш орқали намоён бўлади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда “Иқтисодий назарияси” курсининг таълим технологияларини лойиҳалаштиришда қуйидаги асосий концептуал ёндашувларга эътибор бериш керак.

Таълимнинг шахсга йўналтирилганлиги. Ўз моҳиятига кўра бу йўналиш таълим жараёнидаги барча иштирокчиларнинг тўлақонли ривожланишини кўзда тутди. Бу эса Давлат таълим стандарти талабларига риоя қилган ҳолда ўқувчининг интеллектуал ривожланиши даражасига йўналтирилиб қолмай, унингнинг руҳий-қасбий ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олишни ҳам англатади.

- **Тизимли ёндашув.** Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам қилиши зарур: жараённинг мантиқийлиги, ундаги қисмларнинг ўзаро алоқадорлиги, яхлитлиги.

- **Амалий ёндашув.** Шахсда иш юритиш хусусиятларини шакллантиришга таълим жараёнини йўналтириш; ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш ва интенсифлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча лаёқати ва имкониятларини, синчковлиги ва ташаббускорлигини ишга солишни шарт қилиб қўяди.

- **Диалогик ёндашув.** Таълим жараёнидаги иштирокчи субъектларнинг психологик бирлиги ва ўзаро ҳамкорлигини яратиш заруратини белгилайди. Натижада эса, шахснинг ижодий фаоллиги ва тақдимот кучаяди.

- **Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш.** Демократия, тенглик, субъектлар муносабатида ўқитувчи ва ўқувчининг тенглиги, мақсадини ва фаолият мазмунини биргаликда аниқлашни кўзда тутди.

- **Муаммоли ёндашув.** Таълим жараёнини муаммоли ҳолатлар орқали намоёни қилиш асосида ўқувчи билан биргаликдаги ҳамкорликни фаоллаштириш усулларидан биридир. Бу жараёнда илмий билишнинг объектив зиддиятларини аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг диалектик тафаккурни ривожлантириш ва уларни амалий фаолиятда ижодий равишда қўллаш таъминланади.

- **Ахборот беришнинг энг янги восита ва усулларидан фойдаланиш,** яъни ўқув жараёнига компьютер ва ахборот технологияларини жалб қилиш.

Юқоридаги концептуал ёндашув ва “Иқтисодийёт назарияси” фанининг таркиби, мазмуни, ўқув ахборот ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ўқитишнинг қуйидаги усул ва воситалари танлаб олинди.

- **Ўқитиш усуллари ва техникаси:** мулоқот, кейс стади, муаммоли усул, ўргатувчи ўйинлар, “ақлий ҳужум”, инсерт, “Биргаликда ўрганамиз”, пинборд, маъруза (кириш маърузаси, визуал маъруза, тематик, маъруза-конференция, аниқ ҳолатларни ечиш, аввалдан режалаштирилган хатоли, шарҳловчи, якуний).

- **Ўқитишни ташкил қилиш шакллари:** фронтал, коллектив, гуруҳий, диалог, полилог ва ўзаро ҳамкорликка асосланган.

- **Ўқитиш воситалари:** одатдаги ўқитиш воситалари (дарслик, маъруза матни, таянч конспекти, кодоскоп)дан ташқари график органайзерлар, компьютер ва ахборот технологиялари.

- **Ўзаро алоқа воситалари:** назорат натижаларининг таҳлили асосида ўқитишнинг диагностикаси (ташҳиси).

- **Бошқаришнинг усули ва воситалари.** Ўқув машғулотини технологик карта кўринишида режалаштириш ўқув машғулотининг босқичларини белгилаб, қўйилган мақсадга эришишда ўқувчи ва ўқитувчининг ҳамкорликдаги фаолиятини талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишларини аниқлаб беради.

- **Мониторинг ва баҳолаш.** Ўқув машғулоти ва бутун курс давомида ўқитиш натижаларини кузатиб бориш, ўқувчи фаолиятини ҳар бир машғулоти ва йил давомида рейтинг асосида баҳолаш.

Маъруза машғулоти ташкил этишнинг шакл ва хусусиятлари:

| № | Маъруза шакллари | Ўзига хос тавсифловчи хусусиятлари |
|----|---|--|
| 1. | Кириш маърузаси | Фан тўғрисида яхлит тасаввур ҳамда маълум йўналишлар беради. Педагогик вазифаси: ўқувчини ушбу фаннинг вазифалари ва мақсади билан таништириш, касбий тайёргарлик тизимида унинг ўрни ва ролини белгилаш, курснинг қисқача шарҳини бериш, фаннинг ютуқлари ва таниқли олимлар номлари билан таништириб, келажакдаги изланишларнинг йўналишини белгилаш, тавсия қилинган ўқув-услубий адабиётлар таҳлилини бериш, ҳисобот ва баҳолашнинг муддатлари ва шакллари белгилаш. |
| 2. | Маъруза ахборот | Маърузанинг одатдаги анъанавий тури. Педагогик вазифаси: ўқув маълумотларини баён қилиш ва тушунтириш. |
| 3. | Шарҳловчи маъруза | Баён қилинаётган назарий фикрларнинг ўзагини, илмий тушунчалар ва бутун курс ёки бўлимларининг концептуал асосини ташкил этади. Педагогик вазифаси: илмий билимларни тизимлаштиришни амалга ошириш, фанларнинг ўзаро алоқадорлигини очиш. |
| 4. | Муаммоли маъруза | Янги билимлар қўйилган савол, масала, ҳолатнинг муаммолилиги орқали берилади. Бунда ўқувчининг ўқитувчи билан биргаликдаги билиш жараёни илмий изланишга яқинлашди. Педагогик вазифаси: янги ўқув ахборотининг мазмунини очиш, муаммони қўйиш ва уни ечимини топишни ташкил қилиш, ҳозирги замон нуқтаи назарларини таҳлил қилиш. |
| 5. | Визуал маъруза | Маърузанинг мазкур шакли визуал материалларни намойиш этиш ҳамда уларга аниқ ва қисқа шарҳлар беришга қаратилган. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотларини ўқитишнинг техник воситалари ва аудио, видеотехника ёрдамида бериш. |
| 6. | Бинар (икки кишилик) маъруза | Бу маъруза икки ўқитувчининг ёки иккита илмий мактаб намоёнчасининг, ўқитувчи-талабанинг диалогидан иборат. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотларининг мазмунини ёритиш. |
| 7. | Аввалдан режалаштирилган хатоли маъруза | Хатоларни излашга мўлжалланган мазмуни ва услубиятида, маъруза охирида тингловчилар ташхиси ўтказилади ва қилинган хатолар текширилади. Педагогик вазифаси: янги материаллар мазмунини ёритиш, берилган маълумотни доимий назорат қилишга талабаларни рағбатлантириш. |
| 8. | Маъруза конференция | Аввалдан қўйилган муаммо ва докладлар тизими (5-10 минут)дан иборат илмий-амалий дарс сифатида ўқув дастури чегарасида ўтилади. Докладлар биргаликда муаммони ҳар томонлама ёритишга қаратилиши керак. Машғулот охирида ўқитувчи мустақил ишлар ва талабаларнинг маърузаларга яқин ясаб, тўлдириб, аниқлаштириб хулоса қилади. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотнинг мазмунини ёритиш. |
| 9. | Маслаҳат маъруза | Турли сценарийлар ёрдамида ўтиши мумкин. Масалан, 1) «Савол-жавоб» - маърузачи томонидан бутун курс бўйича ёки алоҳида бўлим бўйича саволларга жавоб берилади. 2) «Савол-жавоб-дискуссия» - изланишга имкон беради. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотни ўзлаштиришга қаратилган. |

**“ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ” ФАНИДАН
МАЪРУЗА ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИДА
ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

| | |
|----------|--|
| 1-мавзу. | «Иқтисодиёт назарияси» фанининг предмети ва билиш усуллари |
|----------|--|

1.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

| | |
|---|---|
| Вақти – 4 соат | Талабалар сони: 25-30 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Кириш, визуал маъруза |
| Маъруза машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Иқтисодиёт ва унинг бош масаласи. 2. Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида шаклланиши. 3. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети. 4. Иқтисодий қонунлар ва категориялар (илмий тушунчалар). 5. Иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни илмий билишнинг асосий усуллари. 6. Иқтисодиёт назарияси фанининг вазифалари ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги. |
| <p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> “Иқтисодиёт назарияси” фанининг предмети ва билиш усуллари, ривожланиш тарихи бошқа фанлар билан алоқаси тўғрисида билимларни ҳамда тўлиқ тасаввурни шакллантириш.</p> | |
| <p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - иқтисодиёт назарияси тушунчаси билан таништириш ва фанининг предметини тушунтириш; - илк иқтисодий қарашлар билан ҳамда уларнинг намоёндалари билан таништириш; - иқтисодиётнинг бош масаласини тавсифлаш; - иқтисодий қонунлар ва категорияларни гуруҳлаш; - илмий билиш усуллариини изоҳлаш ва тасаввур ҳосил қилиш. | <p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - иқтисодиёт назарияси фанининг предметини изоҳлайди; - иқтисодиёт, эҳтиёж тушунчаларига таъриф беради; - иқтисодий оқимларни ифодалайди ва уларнинг асосчиларини айтиб беради; - иқтисодиётнинг бош масаласига тавсиф беради; - иқтисодий қонун ва категорияларга мисоллар келтиради; - илмий билишнинг асосий усуллариини санаб беради ва изоҳлайди; - “Иқтисодиёт назарияси” фанининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқасини ва уни фанлар ичида тутган ўрнини тавсифлайди. |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Визуал маъруза, блиц-сўров, баён қилиш, кластер, “ха-йўқ” техникаси |
| Ўқитиш воситалари | Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар, график органайзерлар. |
| Ўқитиш шакли | Жамоа, гуруҳ ва жуфтликда ишлаш. |
| Ўқитиш шарт-шароити | Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория |

Маъруза машгулотининг технологик картаси (1-машгулот)

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|----------------------------------|--|--|
| | Ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | 1.1. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машгулотидан кутилаётган натижалар маълум қилинади. | 1.1. Эшитади, ёзиб олади. |
| 2-босқич. Асосий (60 мин.) | <p>2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказади.</p> <p>- иқтисодиётга доир қандай атамаларни биласиз? - бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий тафаккурни шакллантириш зарурати нимада деб ўйлайсиз? - иқтисодий тафаккурни қайси фан шакллантиради?</p> <p>2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда давом этади. Иқтисодиёт, иқтисодий фаолият, такрор ишлаб чиқариш ва унинг босқичлари, микро-ва макроиқтисодиётнинг доимий ва асосий муаммоси тушунчаларини шарҳлайди.</p> <p>2.3. Илк иқтисодий ғояларнинг пайдо бўлишини ва уларнинг намоёндалари тўғрисидаги тақдимотни намоён қилади.</p> <p>а) Иқтисодиёт назарияси фани нимани ўрганади деб ўйлайсиз? б) У қандай вазифаларни бажаради? в) Бошқа фанлар билан қандай боғлиқлиги бор ва аҳамияти нимада? каби саволлар орқали “Иқтисодиёт назарияси” фанининг предметини тушунтириб берадилар.</p> <p>2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни ва ёзиб олишларини таъкидлайди.</p> | <p>2.1. Эшитади. Навбат билан бир-бирини такрорламай атамаларни айтади.</p> <p>Ўйлайди, жавоб беради.</p> <p>Жавоб беради ва тўғри жавобни эшитади.</p> <p>2.2. Схема ва жадваллар мазмунини муҳокама қилади. Саволлар бериб, асосий жойларини ёзиб олади.</p> <p>2.3. Эслаб қолади, ёзади. Ҳар бир саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. Таърифни ёзиб олади, мисоллар келтиради.</p> |
| 3-босқич. Яқуний (10 мин.) | <p>3.1. Мавзуга яқун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. Мустақил иш учун вазифа: “иқтисодиёт” сўзига кластер тузишни вазифа қилиб беради, баҳолайди.</p> | <p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради.</p> <p>3.2. Топшириқни ёзиб олади.</p> |

Визуал материаллар

1-савол. Иқтисодиёт ва унинг бош масаласи.

1-илова.


Иқтисодиёт – моддий ва номоддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишни акс эттирувчи ижтимоий хўжалик.

Иқтисодиётнинг доимий ва бош масаласи – эҳтиёжларнинг чексизлиги ва иқтисодий ресурсларнинг чекланганлиги.

Чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиб, кишиларнинг яшаши, камол топиши учун зарур бўлган ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қаратилган, бир-бири билан боғлиқликда амал қиладиган турли-туман фаолиятлар **иқтисодий фаолият** деб аталади.

2-илова.

Товарлар, хизматлар ва ресурсларнинг такрор ишлаб чиқариш фазаларидаги ҳаракати



Ишлаб чиқариш – инсоният жамиятининг ҳаёт кечириши ва ривожланиши учун зарур моддий неъматларни яратиш жараёни.

Тақсимот – ишлаб чиқарилган маҳсулотдаги ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг иштироки, улуши (миқдори, пропорцияси) ни аниқлаш жараёни.

Айирбошлаш – моддий неъмат ва хизматларнинг бир субъектдан бошқасига томон ҳаракати жараёни. **Товарни сотиш** – унинг пулга айирбошланиши, **харид қилиш** эса – пулларни товарга айирбошланиши. **Айирбошлашнинг** зарур шarti – ихтисослашиш, меҳнат тақсимоти, бу эса жамият аъзолари ўртасида меҳнат маҳсулини айирбошлашга олиб келади.

Истеъмол – инсоннинг эҳтиёжларини қондириш учун неъматлардан фойдаланиши.

Иқтисодиёт муаммоси ва унинг асосий масаласи


Ресурслар:

- неъматларни яратишда фойдаланилувчи зарур шарт-шароитлар йиғиндиси (ер, капитал, ишчи кучи, хом ашё ва бошқалар);
- жамият эҳтиёжларни қондириш учун мавжуд имкониятлар.

Инсон эҳтиёжлари – инсоннинг яшаши ва камол топиши учун зарур бўлган барча моддий ва номоддий буюмларга бўлган хоҳиш ва истаклари.

Эҳтиёжларнинг ўсиб бориш қонуни – иқтисодий қонун бўлиб, унга кўра кишиларнинг эҳтиёжи миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгаради, авлоддан авлодга ўсиб боради.

ИҚТИСОДИЁТ МУАММОСИ шундаки, жамият эга бўлган **ишлаб чиқариш ресурслари доимо чекланган**. Шунингдек кишилар турли неъматларни яратиш бўйича иқтисодий фаолиятда фойдаланувчи ишлаб чиқариш омиллари чекланган. Бу **чекланиш жамият олдида танлаш муаммоси** – эҳтиёжларни етарлича тўлиқ қондириш учун эга бўлган чекланган ресурслар (ишлаб чиқариш омиллари) ни қандай идора қилишни қўяди.




Нима ишлаб чиқариш – айнан қандай товарларни ва қанча миқдорда ишлаб чиқариш лозим; қайси эҳтиёжларни энг муҳим ҳисоблаш ҳамда турли-туман товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда қанча ресурсларни қандай тақсимлаш.


Қандай ишлаб чиқариш – товарлар қайси ресурслар ёрдамида ишлаб чиқарилади. Биринчи масала ҳал этилгач, ишлаб чиқариш технологиясини танлаш – ишлаб чиқариш омилларидан қандай бирликда фойдаланилишини аниқлаш.


Ким учун ишлаб чиқариш (натижаларга ким эга бўлади) – бу товарларни тақсимлаш тизими қандай тузилгани, ким товарларни истеъмол қилиши масаласи.

2-савол. Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида шаклланиши



5-илова.





3-савол. Иқтисодийёт назарияси фанининг предмети.

«Иқтисодийёт назарияси» дарсликлариди фанининг предметиға берилган таърифлар

| Муаллифлари | Таъриф | Манба |
|--------------------------------|--|---|
| М.Н.Чепурин, Киселева Е.А. | Иқтисодийёт назарияси кишиларнинг иқтисодий хатти-ҳаракатини, яъни уларнинг моддий ва номоддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ ҳаракатларини ўрганеди | Курс экономической теории: учебник / Под общ. ред. проф. Чепурина М.Н., проф. Киселевой Е.А. – 6-исправленное, дополнительное и переработанное издание. – Киров: «АСА», 2007, с.28. |
| С.С.Носова | Ишлаб чиқарувчи кучларнинг эришилган даражаси асосида моддий неъмат ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш бўйича кишилар ўртасида вужудга келувчи ишлаб чиқариш муносабатларининг йиғиндиси | Носова С.С. Экономическая теория. Элементарный курс: учебное пособие / С.С.Носова. – М.: КНОРУС, 2008, с.16. |
| Г.П.Журавлева, В.И. Видяпин | Умумий иқтисодийёт назарияси ижтимоий фан бўлиб, у чекланган ресурслар шароитида эҳтиёжларни қондириш мақсадида моддий неъматларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида кишилар ва гуруҳларнинг хатти-ҳаракатини ўрганеди | Экономическая теория (политэкономия): Учебник/ Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, акад. Г.П.Журавлевой. – 4-е изд. - М.: ИНФРА-М, 2004, с.31. |
| В.Д.Камаев | Бойлик ва ресурсларнинг чекланганлиги, улардан самарали фойдаланиш билан яхлит ҳолдаги ишлаб чиқариш муносабатлари тизимини, ишлаб чиқарувчи ҳамда истеъмолчи сифатидаги инсоннинг хатти-ҳаракатини ўрганеди. | Камаев В.Д. Экономическая теория: Краткий курс: учебник / В.Д.Камаев, М.З.Ильчиков, Т.А.Борисов-ская. - 2-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2007, с.21. |
| Д.Д.Москвин | Ишлаб чиқариш муносабатларини ва уларнинг ишлаб чиқариш кучлари билан ўзаро таъсирини ўрганеди | Основы экономической теории. Политэкономия: Учебник /Под ред. д-ра экон. наук, проф. Д.Д.Москвина. Изд. 3-е, исправл. – М.: Едиториал УРСС, 2003, с.24. |
| Е.Ф.Борисов | Неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишда таркиб толувчи кишилар ўртасидаги муносабатларни ўрганеди | Борисов Е.Ф. Экономическая теория: вопросы – ответы: Учеб. пособие. – 2-е изд., перераб. и доп. М.: ИНФРА-М, 2008, с.16. |

1-машғулот бўйича хулоса

1. Иқтисодиётнинг бош масаласи – эҳтиёжларнинг чексиз ўсиб бориши ва иқтисодий ресурсларнинг чекланганлиги ўртасидаги зиддият ва уни ҳал қилиш йўлини излаб топишдан иборатдир. Бу зиддиятли ҳолатни ечиш зарурияти кишилар олдида қуйидаги муаммоларни қўяди:

а) ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг оптимал вариантларини (энг зарур ва тежамли турларини) танлаб олиш ва ресурсларни кўпроқ ишлаб чиқаришга жалб қилиш;

б) мавжуд ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан тежаб тергаб, самарали фойдаланиш;

в) фан–техника ютуқларини ва янги технологияларни жорий қилиб, янги энергия, материал, хомашё турлари, уларнинг манбаларини топиб, фойдаланишга жалб қилиш, ресурслар унумдорлигининг ошишига эришиш;

г) кишиларнинг чуқур иқтисодий билимларга эга бўлиши.

2. «Иқтисодиёт назарияси» фан сифатида шакллангунча босиб ўтган йўл ва унда вужудга келган ғоялар, оқимлар жуда мураккаб, кўпинча бир-бирига зид ва қарама-қаршидир. Шу билан бирга айтишимиз керакки, ҳеч қайси иқтисодий мактабнинг назарияларини мутлоқ ва доимий ҳақиқатга эга деб бўлмайди. Шундай бўлсада, улар бир-бирини тўлдиради.

3. «Иқтисодиёт назарияси» фани барча иқтисодий фанларнинг назарий-услубий асосидир. У фундаментал фан бўлиб, одамларнинг ҳаёт фаолиятига йўналтириш беради, уларни назарий-услубий билим билан қуроллантиради.

Маъруза машғулотининг технологик картаси (2-машғулот)

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|----------------------------------|---|--|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (5 мин.) | 1.1. Мавзуни, унинг мақсади, ўқув машғулотдан кутилаётган натижаларини маълум қилади. | 1.1. Эшитади, ёзиб олади. |
| 2-босқич. Асосий (60 мин.) | 2.1. Талабаларнинг дарсга тайёргарлик даражасини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказида. 1. Иқтисодиёт ва унинг бош масаласи нима? 2. Иқтисодиёт назарияси нимани ўргатади? 3. Иқтисодиёт назарияси фанидаги асосий оқимларни айтинг? 2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда давом этади. (5-илова намойиш этилади). Иқтисодиёт, илмий билиш усуллари, уларнинг тамойиллари, қонун-қоидалари ва тушунчаларини шарҳлайди. 2.3. Илмий билишга ёндашиш йўллари, тамойиллари, қонун-қоидалари намойиш қилинади. 2.4. Қуйидаги саволлардан фойдаланган ҳолда мавзу ёритилади. а) Иқтисодий қонун нима? б) Билиш усуллари нима? в) Иқтисодиёт назарияси амалий-иқтисодчи учун керакми? 2.5. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига диққат қилишларини ва ёзиб олишларини таъкидлайди. | 1. Саволларга бирин-кетин жавоб олади. 2. Ўйлайди ва ёзиб олади. 3. Схема ва жадваллар мазмунини муҳокама қилади. Саволлар бериб, асосий жойларини ёзиб олади. Ҳар бир саволга жавоб ёзишга ҳаракат қилади. Таърифни ёд олади, мисоллар келтиради. Эслаб қолади. |
| 3-босқич. Яқуний (15 мин.) | Мавзу бўйича яқун ясади ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. “Иқтисодий таҳлил усули” сўзига кластер тузишни вазифа қилиб беради ва текширади, баҳолайди. | “Иқтисодий таҳлил усули” сўзига кластер тузади. Уйга вазифа олади. |

Визуал материалар

1-илова.


“Иқтисодиёт назарияси” фанининг бошқа фанлар билан алоқаси.

- Иқтисодиёт назарияси** – инсоннинг чекланмаган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш йўлларини танлаш шароитида хўжалик юритиш қонун ва қонуниятларини ўрганувчи фан.
- Микроиқтисодиёт** – иқтисодиётнинг алоҳида субъектлари хатти-ҳаракати, нарх ва бозорларни ҳар томонлама ўрганувчи иқтисодиёт назарияси бўлими.
- Макроиқтисодиёт** – иқтисодиётни бир бутунлигича ёки катта гуруҳларга бирлаштирилган элементларини ўрганувчи иқтисодиёт назарияси бўлими

2-илова.



3-илова.




4-илова.

Иқтисодий қонун – иқтисодий ҳаётнинг турли томонлари, иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги доимий, такрорланиб турадиган, барқарор сабаб-оқибат алоқаларини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодалайди.

Иқтисодий категория – доимо такрорланиб турадиган, иқтисодий жараёнлар ва реал ҳодисаларнинг айрим томонларини ифода этувчи илмий-назарий тушунча.

5-илова.





6-илова.

Иқтисодий қонунларнинг туркумланиши

Кишилик жамияти ривожланиши босқичлари





2-машғулот бўйича хулоса

1. Иқтисодиёт назарияси жамият тараққиёти тўғрисидаги ижтимоий фан бўлиб, у турли ижтимоий-гуманитар фанлар билан чамбарчас боғлиқдир.

2. Иқтисодиёт назарияси нафақат назарий фан, балки у бевосита амалий аҳамият ҳам касб этади. Иқтисодиёт назариясини билмай туриб, мураккаб иқтисодий жараёнларни тўғри хал қилиб бўлмайди.

3. «Иқтисодиёт назарияси» фани доирасида инсон ва жамиятнинг яшаш фаолиятининг ижтимоий, ахлоқий, миллий ва тарихий томонларини тадқиқ қилиш ва билиш мумкин.

4. Иқтисодиёт назариясининг билиш, амалий, услубий ва ғоявий-тарбиявий вазифалари мавжуд. Айниқса, мамлакатимиз мустақиллика эришгандан сўнг, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда иқтисодиёт назариясининг ғоявий-тарбиявий вазифасининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

2-маъруза машғулоти бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун вазифа**(Ҳа, йўқ техникаси).**

1. Инсон хошиш-истагига тааллуқли бўлмаган объектив иқтисодий қонунлар мавжудми?
2. Вақт ўтиши ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўзгариши билан иқтисодий қонунлар ўзгарадими?
3. Иқтисодий тадқиқотларда математик усуллардан фойдаланиладими?
4. Математикани ўрганмасдан иқтисодиётни ўрганиш мумкинми?
5. Иқтисодиёт назарияси амалиётда давлатни бошқаришда ёрдам берадими?

1.2. Семинар машғулотининг ўқитиш технологияси

| | |
|--|---|
| Вақти – 4 соат | Талабалар сони: 25-30 нафар |
| Ўқув машғулоти шакли | Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар машғулоти |
| Ўқув машғулоти режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Иқтисодиёт ва унинг бош масаласи. 2. Ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар, уларнинг таркиби ва турлари. Эҳтиёжларни қондириш муаммолари. 3. Шарқ ва Ғарбда иқтисодий ғояларнинг шаклланиши. Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида қарор топиши. 4. Ҳозирги замон иқтисодиёт назариясидаги асосий оқимлар ва йўналишлар. 5. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети. 6. Иқтисодий қонунлар ва категориялар уларнинг тизими ва амал қилиш механизми. 7. Шарқ ва Ғарбда иқтисодий ғояларнинг шаклланиши. Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида қарор топиши. 8. Ҳозирги замон иқтисодиёт назариясидаги асосий оқимлар ва йўналишлар |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Бу семинар машғулоти жараёнида саволлар ва муаммолар борасида суҳбат ўтказилади. Бу дарсда “ақлий ҳужум” усулини ҳам қўллаш мумкин. Шунингдек, тест ва масалалар ечиш мумкин. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> - мавзу бўйича билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш. - дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; - иқтисодий ахборотларни таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - иқтисодиёт, эҳтиёж, иқтисодиёт назарияси, иқтисодий ресурслар тушунчаларига таъриф беради. - иқтисодиётнинг асосий масалаларини тавсифлайди; - асосий иқтисодий оқимларни айтиб, улар илмий қарашларининг мазмунини ёритади; - иқтисодиёт назариясининг предмети таъриф бериб, вазифаларини кўрсатиб берадилар; - иқтисодий қонун ва категорияларга таъриф бериб, мисоллар келтирадилар; - иқтисодиёт назариясини ўрганишда асосий усулларни санаб, шарҳлаб берадилар. |

| | |
|----------------------------|--|
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Блиц-сўров, биргаликда ўқиймиз, иқтисодий эссе, “иқтисодиёт”, “эхтиёж” сўзларига кластер, мунозара. |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, ўқув қўлланмаси, проектор, флипчарт, маркер, доска. |
| Ўқитиш шакли | Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, индивидуал ва гуруҳ бўйича ўқитиш. |
| Ўқитиш шароитлари | Компьютер технологиялари, проектор билан таъминланган, гуруҳда дарс ўтишга мослаштирилган аудитория. |

Семинар машғулотининг технологик картаси (1-машғулот)

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|--------------------------------|--|---|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин) | 1.1. Мавзуни, мақсади режадаги ўқув натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамиятини ва долзарблигини асослайди. Машғулот ҳамкорликда ишлаш технологиясини қўллаган ҳолда ўтишни маълум қилади. 1.2. Ақлий ҳужум усулидан фойдаланган ҳолда аудиториянинг тайёргарлик даражасини аниқлайди: Иқтисодиёт билан боғлиқ қандай терминларни биласиз? Уларнинг мазмунларини ҳам биласизми? Мазмунининг муҳокамаси гуруҳларда давом этишини эълон қилади. | 1.1. Мавзуни ёзади ва саволларга жавоб беради. |
| 2-босқич асосий (60 мин) | 2.1. Талабаларни 3 гуруҳга бўлади, ҳар бирига вазифа беради (2-илова). Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади. 2.2. Гуруҳда ишлаш қондаси билан таништиради (1-илова). Баҳолаш мезонларини ҳам намойиш қилади. 2.3. Вазифани бажаришда ўқув материаллари (маъруза матни, ўқув қўлланма)ларидан фойдаланиш мумкинлигини эслатади. Гуруҳларда иш бошлашни таклиф этади. 2.4. Тайёргарликдан кейин тақдимотни бошлангани эълон қилинади. 2.5. Талабалар жавобини шархлайди, хулосаларга эътибор беради, аниқлик киритади. 2.6. Талабаларга Б.Б.Б усули бўйича ифодаланган жадвални намойиш қилади ва устунларни тўлдиришни айтади. Тушунчаларга изоҳларни тўғрилайди ва саволларга жавоб қайтаради. Гуруҳлар фаолиятига умумий балл беради. | 2.1. Ўқув натижаларини тақдим қиладилар. 2.2. Саволлар беради. 2.3. Жавобларни тўлдиради. 2.4. Жадвал устунларини тўлдиради ва муҳокамада иштирок этади. |
| 3-босқич Яқуний (10 мин) | 3.1. Машғулотни яқунлайди, талабаларни баҳолайди ва фаол иштирокчиларни рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш сифатида “Талабалар иқтисодий дунёқарашини шакллантиришда иқтисодиёт назариясининг ўрни” мавзусида “эссе” ёзишни топширади. | 3.1. Эшитадилар. 3.2. Топширикни оладилар. |

Ўқув топшириқлар

1- илова.

| Гуруҳ билан ишлаш қондалари |
|---|
| <p>Гуруҳ аъзоларининг ҳар бири</p> <ul style="list-style-type: none"> - ўз шерикларининг фикрларини ҳурмат қилишлари лозим; - берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим; - ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин; - ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим; - гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим; - “Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз ёки бирга кутиламиз” қондасини яхши билишлари лозим. |

2-илова

1. *Битта гап билан саволга жавобни шакллантиринг.*

Иқтисодиёт, истеъмол, иқтисодиёт назарияси, иқтисодий ресурслар, иқтисодиётнинг бош масаласи тушунчалари қандай боғлиқликда намоён бўлади?

2. “Иқтисодий мактаблар ва улардаги иқтисодий ёндошувлар” бўйича схема тузинг.

3. *Ушбу тушунчаларнинг мазмунини ёритинг.*

| |
|--|
| <p>Иқтисодиёт, эҳтиёж, иқтисодий ресурслар, иқтисодиёт назарияси тушунчаларининг мазмуни. Иқтисодиётнинг доимий ва бош муаммоси – эҳтиёжларнинг чексизлиги ва иқтисодий ресурсларнинг чекланганлигидир. Иқтисодиёт назариясидаги асосий иқтисодий оқимлар, уларнинг таълимотлари. Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида қарор топиши.</p> |
|--|

3-илова.

Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балл)

| Гуруҳ | 1 топшириқ | 2 топшириқ | 3 топшириқ (ҳар бир савол 0,2 балл) | | | Баллар йиғиндиси (3,0) |
|-------|------------|------------|-------------------------------------|---------|---------|------------------------|
| | (1,0) | (1,4) | 1-савол | 2-савол | 3-савол | |
| 1 | | | | | | |
| 2 | | | | | | |
| 3 | | | | | | |

4-илова.

Б.Б.Б. усули асосида билимларни синаш учун тарқатма материаллар

| | Тушунча | Биламан “+”, Билмайман “-”. | Билдим “+”, Била олмадим “-”. |
|----|--|--------------------------------|----------------------------------|
| 1 | Иқтисодиёт ва унинг бош масаласи | | |
| 2 | Иқтисодий ресурслар | | |
| 3 | Иқтисодиётнинг доимий ва бош муаммоси | | |
| 4 | Эҳтиёжларнинг чексизлиги | | |
| 5 | Иқтисодий ресурсларнинг чекланганлиги | | |
| 6 | Асосий иқтисодий оқимлар | | |
| 7 | Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида қарор топиши | | |
| 8 | Ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар | | |
| 9 | Эҳтиёжларнинг таркиби | | |
| 10 | Эҳтиёжларнинг турлари | | |
| 11 | Эҳтиёжларни қондириш муаммолари | | |
| 12 | Шарқ ва Ғарбдаги иқтисодий ғоялар | | |
| 13 | Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети | | |
| 14 | Иқтисодий қонунлар | | |
| 15 | Иқтисодий категориялар | | |

Семинар машғулотининг технологик картаси (2-машғулот)

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---------------------------------|--|---|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | <p>1.1. Мавзунинг мақсади режадаги ўқув натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди. Машғулот ҳамкорликда ишлаш технологиясини қўллаган ҳолда ўтилишини маълум қилади. 1.2. Блиц-сўров ўтказида ва аудиториянинг тайёгарлик даражасини аниқлайди: 1) Қандай иқтисодий оқимларни биласиз? Уларнинг иқтисодий ғояларини биласизми? Мавзу мазмунининг муҳокамаси гуруҳларда давом этишини эълон қилади.</p> | <p>1.1. Мавзуни ёзадилар ва саволларга жавоб берадилар.</p> |

| | | |
|----------------------------------|---|--|
| 2-босқич. Асосий (60 мин.) | 2.1. Талабаларни 4 гуруҳга бўлади, ҳар бирига вазифа беради. Ўқув натижаларини эслатади. 2.2. Вазифани бажаришда ўқув материаллари (маъруза матни, ўқув қўлланма)ларидан фойдаланиш мумкинлигини эслатади. Гуруҳларда иш бошлашни таклиф этади. 2.3. Тайёрланган тақдимотни намойиш этади. 2.4. Талабалар жавобини шархлайди, хулосаларга эътибор беради, аниқлик киритади. 2.5. Инсерт усулида 3-иловадаги топшириқни тайёрлашни таклиф этади. | 2.1. Ўқув натижаларини тақдим қиладилар. 2.2 Саволлар берадилар. Тўлдирадилар. 2.3. Топшириқни тайёрлайдилар. |
| 3-босқич Яқуний (10 мин) | 3.1. Машғулотни яқунлайди мавзу бўйича умумий хулосаларни шакллантиради. Гуруҳларга умумий балл беради. Талабаларни баҳолайди ва рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш сифатида тест беради. | Эшитадилар. Топшириқни оладилар. |

1- илова.

| | |
|--|--|
| Гуруҳ билан ишлаш қоидалари | |
| <p>Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ўз шерикларининг фикрларини ҳурмат қилишлари лозим; - берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим; - ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин; - ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим; - гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим; - “Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз ёки бирга қутиламиз” қоидабини яхши билишлари лозим. | |

2-илова

Гуруҳлар учун топшириқлар.

1- гуруҳ.

Иқтисодиёт, эҳтиёж, иқтисодий ресурслар, иқтисодиёт назарияси тушунчаларининг мазмунини ёритинг.

“Иқтисодиёт” сўзига кластер тузинг.

2- гуруҳ.

Иқтисодиётнинг бош масаласи қандай? У билан боғлиқ қандай муаммолар мавжуд?

“Эҳтиёж” тушунчасига кластер тузинг.

3- гуруҳ.

Иқтисодиёт назариясидаги асосий иқтисодий оқимлар қайсилар ва улар таълимотининг мазмуни қандай?

“Иқтисодий оқимлар” тушунчасига кластер тузинг.

4- гуруҳ.

Иқтисодиёт назариясининг асосий билиш усуллари қандай?

“Иқтисодий қонунлар ва категориялар” тушунчасига кластер тузинг

3-илова.

“Инсерт усули”

Инсерт - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

(v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.

(+) – янги маълумот.

(-) – мен билган нарсага зид.

(?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

| Тушунчалар | V | + | - | ? |
|-----------------------------|---|---|---|---|
| Иқтисодиёт | | | | |
| Эҳтиёж | | | | |
| Иқтисодиётнинг бош масаласи | | | | |
| Иқтисодий ресурслар | | | | |
| Иқтисодий қонунлар | | | | |
| Иқтисодий категориялар | | | | |
| Иқтисодий оқимлар | | | | |
| Ўрганиш услублари | | | | |

4-илова.

Тест.

1. Иқтисодиётнинг бош масаласи ва доимий муаммоси:

- а) нима, қандай, қанча ва ким учун ишлаб чиқариш;
- б) ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун қанча ишчи кучи сарфлаш керак;
- в) давлатнинг миллий даромадини қандай ошириш мумкин;
- г) маҳсулотни янги технология орқали ишлаб чиқариш керак;
- д) тўғри жавоб йўқ.

2. Иқтисодиёт назарияси фани қандай ҳодисаларни ўрганади ва уларни оммага етказди?

- а) ҳаётий;
- б) жамият;
- в) статистик;
- г) иқтисодий;
- д) сиёсий.

3. Иқтисодий назариянинг қайси оқимида савдо-сотик ва асосан ташқи савдо барча бойликларнинг манбаи деб ҳисобланади?

- а) меркантилизм;
- б) физиократлар;
- в) классик буржуа иқтисодий мактаби;
- г) марксистик назария;
- д) маржинализм.

4. Ҳозирги замон иқтисодий назариясининг қайси оқимида иқтисодий ўсишни таъминлашнинг ва тартибга солишнинг асосий воситаси пул деб ҳисобланади?

- а) кейнсчилар;
- б) монитаризм;
- в) институционализм;
- г) либерализм;
- д) барча оқимларда.

5. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети нимадан иборат?

- а) ижтимоий муносабатларни ўрганиш;
- б) сиёсий муносабатларни ўрганиш;
- в) иқтисодий муносабатларни ва ижтимоий хўжаликларни самарали юриштишнинг иқтисодий қонун-қоидаларини ўрганиш;
- г) ҳуқуқий муносабатларни ўрганиш;
- д) табиий жараён ва ҳодисаларни ўрганиш.

6. Фаннинг иқтисодий ҳодисаларни ўрганиш усуллари:

- а) илмий абстракциялаш, индукция, дедукция;
- б) анкеталар тузиш, сўровлар олиб бориш;
- в) математик ва статистик;
- г) а) ва в) жавоблар тўғри;
- д) а) ва б) жавоблар тўғри.

| | |
|-----------------|---|
| 2-мавзу. | Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг натижалари. |
|-----------------|---|

2.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

| | |
|---|---|
| Вақти – 2 соат | Талабалар сони: 30-60 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Ахборот, визуал маъруза. |
| Маъруза машғулотининг режаси | 1. Ишлаб чиқариш омиллари ва унинг таркиби. 2. Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмуни. 3. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари. 4. Ишлаб чиқариш имкониятлари ва унинг чегараси. 5. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва унинг кўрсаткичлари. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> ишлаб чиқариш жараёни ва унинг омиллари тўғрисидаги билимларни чуқурлаштириш, уларга тааллуқли турли назарияларни таҳлил қилиш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> -ишлаб чиқариш жараёнининг моҳиятини очиб бериш; -ишлаб чиқариш омилларига тавсиф бериш шу ҳақидаги турли назариялар билан таништириш; -ишлаб чиқариш имкониятлари чизиғининг моҳиятини очиб бериш ва уни ишлаб чиқариш самарадорлиги билан боғлиқ ҳолда тушунтириш. | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талабалар: - ишлаб чиқариш омилларини тавсифлайдилар; - ишлаб чиқариш натижалари тавсифлайдилар; - ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғининг моҳияти тўғрисида тасаввур ҳосил қиладилар; - ишлаб чиқариш функциясини аниқлайдилар. |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Маъруза, муаммоли ҳолатларни ечиш, синквейн, ЎТВ/КТ, блиц-сўров, график органайзер: кластер, концептуал жадвал. |
| Ўқитиш воситалари | Проектор, тарқатма материал, график органайзерлар, доска, бўр |
| Ўқитиш шакли | Индивидуал, фронтал, умумжамоа ва жуфтликда ишлаш |
| Ўқитиш шароитлари | Проектор ва компьютер билан таъминланган аудитория |

Маъруза машғулотининг технологик картаси


| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|--|---|
| | Ўқитувчининг | талабанинг |
| 1-босқич. Кириш (5 мин.) | 1.1. Мавзу, мақсад ва режалаштирилган ўқув натижаларини эълон қилади. 1.2. Режа ва муаммоли ҳолатларни ифодаловчи саволларни экранга чиқаради. | 1.1. Эшитадилар, ёзиб оладилар. 1.2. Ўйибора берадилар. |
| 2-босқич. Билимларни фаоллаштириш (10 мин.) | 2.1. Асосий категория ва тушунчаларни ва маъруза охирида ечиладиган масалаларни намоёни қилади. 2.2. Ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари маълум қилинади. | 2.1. Аниқлик киритадилар. Саволлар беради. |
| 3-босқич. Асосий (55 мин.) | 3.1. Қуйидаги саволни ўртага ташлайди: Айтингчи, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида қандай омиллар иштирок этади? Ана шу савол бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун “Синквейн” усулидан фойдаланган ҳолда (10-илова) ҳар бир омилга таъриф беради. Ишлаб чиқариш омилларини акс эттирувчи чизмани намоёни қилади. Ишлаб чиқариш омилларини туркумларга ажратади. 3.2. Ишлаб чиқариш жараёнининг моҳияти билан таништиради, меҳнат жараёнига таъриф беради. -моддий ишлаб чиқариш; -номоддий (хизмат кўрсатиш соҳаси); | 3.1. Омилларни санайди. Таърифларни ёзиб оладилар. Ишлаб чиқариш омилларини туркумлайди. 3.2. Ўйиб оладилар, муҳокама қиладилар. |

| | | |
|----------------------------------|--|---|
| | -биринчи бўлинма; -иккинчи бўлинмалар таркибини тушунтиради. 3.3. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижаларига таъриф беради. Зарурий маҳсулот, қўшимча маҳсулот, соф маҳсулотнинг мазмунини тушунтиради. Ишлаб чиқариш функциясининг мазмунини ва формуласини тушунтиради. Умумий маҳсулот, ўртача маҳсулот, сўнгги қўшилган маҳсулот категорияларининг мазмунини ёритади. | Гуруҳлаш мезонини тушунтирадilar. Ёзадилар. |
| 4-босқич. Яқуний (10 мин.) | 4.1. Мавзуга хулоса ясайди. Ўқув жараёнида фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 4.2. Мустақил ишлаш ва назарий билимларни мустақамлаш учун саволарни беради: меҳнат, ишчи кучи, ишлаб чиқариш воситаси, меҳнат предмети категорияларига “Синквейн” мисоли ёрдамида таъриф беришни топширади. | 4.1. Эшитади. Аниқлаштиради. 4.2. Топширикни ёзиб оладилар. |

Визуал материаллар.

1-илова.

Иқтисодий фаолият кишилар ҳаётининг асосини ташкил қилиб, ҳаётининг неъматлар ва бойликларни такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларини камраб олган.



2-илова.

Ишлаб чиқариш тушунчаси



Ишлаб чиқариш – иқтисодий неъматларни яратиш жараёни

Тор маънодаги ишлаб чиқариш – маълум давр мобайнида моддий ва маънавий неъматларни яратиш жараёни.


Кенг маънодаги ишлаб чиқариш – маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишнинг узлуксиз янгиланувчи жараёни сифатида олинган ижтимоий такрор ишлаб чиқариш.

Ишлаб чиқариш жараёни – фойдали товар ва хизматларнинг ҳажми ортиши ва қиймати ошиши жараёни йиғиндиси. Ҳар қандай иқтисодий тизимда хўжалик юритишнинг натижаси ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳисобланади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муҳим кўрсаткичи унинг *самарадорлиги* ҳисобланади. У ишлаб чиқариш натижаларининг харажатларга нисбати орқали аниқланади.




3-илова.



Замонавий ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари

Ишлаб чиқариш омиллари – иқтисодий неъматларни ишлаб чиқариш учун кишилар томонидан фойдаланилувчи ресурслар




4-илова.

Ишлаб чиқариш омиллари тизимида меҳнат

Меҳнат – инсоннинг бирор-бир фойдали натижага эришиш, ўз эҳтиёжларини қондириш учун табиат неъматларини ўзгартиш ва мослаштиришга қаратилган мақсадли фаолияти. **Ишчи қучи меҳнат жараёнида сотилади.**



Меҳнат қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида тавсифланади:

- иш вақти (иш куни) – инсон меҳнат қиладиган давр;
- *интенсивлик*- меҳнатнинг шиддати, у вақт бирлигида жисмоний ва ақлий қувватни сарфлаш даражаси ёрдамида аниқланади;
- *махсулдорлик* – вақт бирлигида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори.



Замонавий ишлаб чиқариш тузилмаси

Ишлаб чиқариш имкониятлари – бу маълум даврда, маълум ресурс ва технологиялар даражасида, ресурслардан тўлиқ фойдаланган ҳолда бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган товар ва хизматларнинг (уларнинг маълум йиғиндиси) юқори даражадаги миқдори




Жорий ишлаб чиқариш тузилмасини танлаш ва ишлаб чиқариш имкониятлари

Ишлаб чиқариш имкониятлари чегараси – иқтисодий модель бўлиб, мамлакат, фирма ёки алоҳида ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқариш имкониятларини намоиш этади.


Ишлаб чиқаришнинг бирор-бир муқобилини *олдидан танлаш* жамиятнинг эртанги ишлаб чиқариш имкониятларига таъсир этади.

Техникавий тараққиётга ижобий таъсир этувчи ишлаб чиқариш тузилмасини танлаш орқали юқори иқтисодий ўсишга эришиш таъминланади.

6-илова.






7-илова.



Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва иқтисодий ресурслар тақсимлаш жараёнидан ўтади. Маҳсулот тақсимланиши натижасида ундаги ишлаб чиқарувчилар, мулк ва ресурс эгалари ҳамда давлат улуши аниқланади. Иқтисодий ресурслар мамлакат ҳудудлари ва корхоналари ўртасида уларга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда тақсимланилади.

8-илова.





“Синквейн” (5 қатор) техникаси
 Мақсад – категорияга характеристика бериш

Синквейн схемаси:

- 1–қатор – тушунча;
- 2-қатор – тушунчани тавсифловчи 2 сифат;
- 3-қатор – ушбу тушунча вазибалари тўғрисидаги 3 та феъл;
- 4-қатор – ушбу тушунча моҳияти тўғрисидаги 4 сўздан иборат сўз бирикмаси;
- 5-қатор – ушбу тушунча синоними.

2.2. Семинар машғулотининг ўқитиш технологияси

| | |
|--|---|
| Вақти – 2 соат | Талабалар сони 25-30 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Мунозарали семинар |
| Семинар машғулоти режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Иқтисодий фаолият ва ишлаб чиқариш жараёнининг мазмуни. 2. Ишлаб чиқариш омиллари, уларнинг таркиби, ўзаро боғлиқлиги ва бириктириш усуллари. 3. Меҳнат унумдорлиги ва унга таъсир килувчи омиллар. Вақтни тежаш қонуни. 4. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари. Ялпи ва ички миллий маҳсулот. 5. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва унинг кўрсаткичлари. 6. Ишлаб чиқариш функцияси. Ишлаб чиқариш имкониятилари ва унинг ўсиши. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> ишлаб чиқариш жараёни ва унинг натижалари борасидаги билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> - мавзу бўйича билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш; - дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; - иқтисодий ахборотларни таҳлил қилиш ва ўз фикрини ифодалаш кўникмаларини ривожлантириш. | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - мавзудаги асосий тушунчалар, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш категорияларининг мазмунини ёрита олади; - уларни гуруҳлай олади, тизимлаштиради, ишлаб чиқариш омиллари ва ресурсларини фарқлай олади; - ишлаб чиқариш натижалари тўғрисида аниқ билимга эга бўлади. |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Мунозарали семинар, суҳбат, ақлий ҳужум. |
| Ўқитиш шакли | Жамоада ва гуруҳларда ишлаш. |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матнлари, проектор, маркер, скоч, А32 Ф қоғоз, конспектлар |
| Ўқитиш шароитлари | Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория |

Семинар машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|----------------------------------|---|---|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 1.1. Мавзуни, мақсади, режадаги ўқув натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамиятини ва долзарблигини асослайди. 1.2. Семинар мунозара тарзида ўтишини эълон қилади. 1.3. Билимларни фаоллаштириш мақсадида “Сиз қандай янги иқтисодий атамалар билан танишдингиз?” саволи билан мурожаат қилади. 1.4. Мунозара қоидаларини эслатади. | Мавзуни ёзадилар ва саволларга жавоб берадилар |
| 2-босқич. Асосий (60 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 2.1. Талабаларни мунозара саволлари билан таништиради - ишлаб чиқариш жараёнининг мазмуни қандай? - ишлаб чиқариш омилларининг мазмуни ва таркибини биласизми? - меҳнат унумдорлиги нима? - ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижаларини айта оласизми? 2.2. Талабалар мунозарасини ташкил этади. Ҳар бир жавобнинг мазмунига ва мантиқийлигига эътибор беради. Саволлар беришни таклиф этади. Турли нуқтаи назарлар тингланади ва умумлаштиради. Ҳар бир савол муҳокамаси умумий хулоса билан тугайди. 2.3. Талабаларнинг қўшимча саволларига жавоб беради. | <ol style="list-style-type: none"> 2.1. Эшитадилар ва жавобларни тайёрлайдилар. 2.2. Талабалар саволларга ўз нуқтаи назарларини билдирадилар, қўшимчалар қиладилар ва саволлар берадилар. |
| 3-босқич. Яқуний (10 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 3.1. Семинар машғулотини яқунлайди, саволлар бўйича хулосалар чиқаради, мунозара иштирокчиларини баҳолайди. 3.2. Мустақил иш учун вазифа беради. (Мавзу бўйича масалалар) | Эшитадилар. Хулосаларни ёзиб оладилар. Топшириқни оладилар. |

Мунозара қатнашчиларига эслатма

1. Мунозара муносабатлар йиғиндиси эмас, балки муаммо ечими услубиятидан иборат.
2. Кўп гапирмасдан, бошқаларнинг сўзлашига имкон бер.
3. Мақсадга эришиш йўлида хиссиётларини жиловлаб, батафсил ўйлаган ҳолда сўзла.
4. Рақибларнинг вазиятини ўрганиб, уларга хурмат билан муносабат қил.
5. Рақибларнинг томонидан айтилган фикрларга танқидий ва мулоҳазали ёндаш.
6. Мунозара предмети бўйича четга чиқмаган ҳолда тўғри ёндашиб гапир.

Муаммоли семинарнинг бошқарув дастаклари

Бошловчи барча вазифаларни ўзига олади – мунозара бошқарувчиларини бошқариш, жавобларнинг асосланиши ва тўғрилигини тасдиқлаш, қўлланган термин ва тушунчаларни аниқлаш, муносабатларни тўғри қўллаш ва бошқалар. Тақдимотларнинг тақсмотини тўғри бошқариш.

Тақризчи – томонларнинг маърузаларини йўналишлар бўйича белгилаш ва тўлиқ характерда баҳолаш: долзарблиги, илмий жиҳати, мантиқийлиги ва масалаларнинг аниқ қўйилганлиги, хулосаларнинг аниқ кўрсатилиши.

Рақиб – қабул қилинган тақдирот ўртасида рақобатчилик жараёнини шакллантиради. У фақатгина маърузачининг асосий ҳолатини танқид қилиш эмас, шу билан биргаликда, унинг айтган фикрларидан заиф ёки ҳато томонларини топиш ҳамда ўзининг хал қилувчи фикрларини тақдир қилиши ҳам мумкин.

Эксперт – барча мунозаларнинг, жумладан, мунозара қатнашчилари томонидан айтилган фикрларнинг, қилинган хулосаларнинг, тақдир ва гипотезаларнинг махсусдорлигини баҳолайди.

Мунозара регламентини ўтказиш тартиби

1. Бошловчи маъруза мавзуси ва маърузачиларнинг тақдиротларини эълон қилади.
2. Маъруза 5 минут давом этади.
3. Тақризчи – 2 минут.
4. Рақиб – маъруза мавзуси бўйича фикрларини 1-3 минут тақдир этади.
5. Жамоавий муҳокама – 5-10 минут.

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

| Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (балларда) | Мунозара иштирокчилари | | | |
|--|------------------------------------|---|---|---|
| | Маърузачилар (Ф.И.Ш.) | | | |
| | 1 | 2 | 3 | 4 |
| <i>Маърузанинг мазмуни (2,5):</i> | | | | |
| - мавзуга мос келиши (1,5); | | | | |
| - мантиқийлик, аниқлик (0,5); | | | | |
| - хулосаларни қисқалиги (0,5); | | | | |
| <i>Информацион технологиялардан фойдаланганлиги (кўргазмалilik) – (0,9).</i> | | | | |
| <i>Регламент (0,6)</i> | | | | |
| <i>Жами (4,0)</i> | | | | |
| | Тақризчилар (Ф.И.Ш.) | | | |
| <i>Маърузанинг тавсифи (3,0)</i> | | | | |
| - маърузанинг кучли томонлари аниқлаш (1,2) | | | | |
| - маърузанинг заиф томонлари аниқлаш (1,2) | | | | |
| <i>Регламент (0,6)</i> | | | | |
| <i>Жами (3,0)</i> | | | | |
| | Оппонентлар, иштирокчилар (Ф.И.Ш.) | | | |
| <i>Саволлар:</i> | | | | |
| - хар бири учун (0,3) | | | | |
| <i>Қўшимча</i> | | | | |
| - хар бири учун (0,3) | | | | |
| - моҳияти бўйича (0,3) | | | | |
| <i>Жами (3,0)</i> | | | | |

Муҳокама ва хулосаларни шакллантириш учун саволлар

Моддий ва номоддий ишлаб чиқариш ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.

1. «Моддий» ва «номоддий» ишлаб чиқариш тушунчаларининг иқтисодий моҳияти нимада?
2. Ушбу иқтисодий категорияларни пайдо бўлишига нималар таъсир кўрсатади?
3. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги қандай?

Ўзбекистоннинг ресурс потенциали ва улардан самарали фойдаланиш муаммолари.

1. Ўзбекистоннинг ресурс потенциалини қандай тавсифлаш мумкин?
2. Ишлаб чиқариш жараёнида ресурс потенциалидан самарали фойдаланишнинг моҳияти нимада?
3. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг ресурс потенциалидан самарали фойдаланишнинг қандай муаммолари мавжуд?

Меҳнат унумдорлиги иқтисодий ўсиш омили сифатида.

1. Меҳнат унумдорлиги тушунчасининг иқтисодий моҳияти нимада?
2. Меҳнат унумдорлигини ортишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
3. Меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий ўсиш категорияларининг ўзаро боғлиқликлари нимада?

Муҳокама ва хулосалар чиқариш учун саволлар

1. Иқтисодий фаолият ва ишлаб чиқариш жараёнининг мазмуни нимадан иборат?
2. Ишлаб чиқариш омиллари, уларнинг таркиби, ўзаро боғлиқлиги ва бирикиш усулларини айтиб беринг.
3. Меҳнат унумдорлиги ва унга таъсир қилувчи омиллар нималардан иборат?
4. Меҳнат тақсимоли, унинг кооперацияси ва ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви қандай?
5. Моддий ва номоддий ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги нималардан иборат?
6. Ўзбекистоннинг иқтисодий ресурслари ва ундан ишлаб чиқариш жараёнида самарали фойдаланиш муаммоларини айтиб беринг.
7. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижаларини айтиб беринг.
8. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва унинг кўрсаткичлари нималардан иборат?

| | |
|-----------------|--|
| 3-мавзу. | Ижтимоий - иқтисодий тизимлар ва мулкчилик муносабатлари. |
|-----------------|--|

3.1. Маъруза машғулотининг технологияси

| | |
|---|---|
| Вақти - 2 соат | Талабалар сони: 30-60 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Ахборот маъруза, биргаликда ўқиш усули ва “Б.Б.Б” жадвали график органайзердан фойдаланган ҳолда. |
| Маъруза машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт босқичлари ва уларни билишган бўлган турлича ёндашувлар. 2. Ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва уларнинг моделлари. 3. Мулкчилик муносабатларининг моҳияти ва иқтисодий мазмуни. 4. Мулкчилик шакллариининг хилма-хиллиги ва уларнинг турлари. Мулк объектлари ва субъектлари. 5. Мулкчиликнинг турли шакллари ва уларнинг иқтисодий мазмуни. 6. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўллари, мақсади ва усуллари. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> иқтисодий тизим ва ижтимоий–иқтисодий тараққиёт босқичлари ҳамда мулкчилик муносабатлари тўғрисида талабаларда аниқ тасаввур ҳосил қилиш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> - формацион, технологик, маданийлашган ёндашув тўғрисида маълумот бериш; - иқтисодий тизим моҳиятини очиб бериш; - мулк, мулкчилик муносабатларига таъриф бериш; - мулк шакллари тавсифлаш; - мулкни хусусийлаштириш йўллари кўрсатиб бериш. | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - формацион, технологик ва маданийлашган ёндашувнинг моҳиятини айтиб берадилар; - тизим, иқтисодий тизим, унинг турларини тавсифлай оладилар; - мулк, мулк объекти, субъекти, мулкчилик муносабатларига таъриф берадилар; - мулк шакллари гуруҳлай оладилар ва хусусийлаштириш йўллари айтиб бердилар. |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Ахборот маърузаси, Инсерт, блиц-сўров, презентация, график органайзер техникалари, аниқ ҳолатларни ечиш, Б.Б.Б. |
| Ўқитиш шакли | Фронтал маъруза, индивидуал, гуруҳ билан ишлаш |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, проектор, қоғоз, маркер, КТ/ОТВ, доска, бўр |
| Ўқитиш шароитлари | Жихозланган аудитория |

Маъруза машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---------------------------------|--|--|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин) | 1.1. Ўқув машғулотининг мавзу ва режасини маълум қилади. Эришадиган натижалар билан таништиради. Мазкур машғулот муаммоли тарзда ўтишини эълон қилади. | 1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар. |
| 2-босқич. Асосий (60 мин) | 2.1. Талабалар эътиборини режадаги саволлар ва улардаги тушунчаларга қаратади. Блиц-сўров ўтказади. 2.2. Билимларни янада аниқлаштириш мақсадида Б.Б.Б жадвалини дафтарга чизишни таклиф этади (1-илова). Доскага чиқаради. 2.3. Муаммоли саволларни ўртага ташлайди ва уларни биргаликда ўқишга чорлайди: 1. Қайси ижтимоий-иқтисодий мулк шакллари самарали ривожланади деб ўйлайсиз? | 2.1. Талабалар жавоб берадилар, дафтарларига чизадилар, жадвалнинг 1 ва 2 устунларини тўлдирадилар. 2.2. Муаммога |

| | | |
|---|---|---|
| | <p>2. Нима учун мулккий муносабатлар жамиятнинг асосий иқтисодий муносабатлари деб тан олинади? Бу саволларга жавоб бериш учун аввал тизим, иқтисодий тизим, тараққиёт босқичлари, уларга формацион, маданийлашиш, технологик жиҳатдан ёндашувлар, анъанавий, бозор иқтисодиёти, маъмурий буйруқбозлик, аралаш иқтисодиёт тушунчаларни ёритиб беради. Иқтисодиёт тизимларининг афзаллик ва камчиликларини тушунтириб беради.</p> <p>2.4. Муаммони ҳал қилиш учун қуйидаги саволларга аниқлик киритади.</p> <p>1. Мулк муносабатлари қачон ва нима сабабдан пайдо бўлган? 2. Мулк муносабатларига нималар киради? 3. Мулк объекти ва субъекти нима? 4. Мулкнинг қандай шакллари бор? деган саволларга схемалар ва жадваллар ёрдамида жавоб беради.</p> <p>2.5. Бозор иқтисодиётига ўтишда Ўзбекистонда мулкчилик масалалари қандай ҳал қилинмоқда?, деган саволни ўртага ташлайди.</p> <p>Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш босқичларини ифодаловчи жадвални намойиш қилади.</p> | <p>эътиборни қаратадилар ва ёзиб оладилар.</p> <p>2.3. Ёзиб олдилар ва ўз билимлари билан солиштирадилар.</p> <p>2.4. Муаммо юзасидан ўз ечимларини таклиф қиладилар. Мунозара қиладилар. Жавоб берадилар.</p> <p>2.5. Оптимал ечимлар юзасидан таклифлар берадилар. Б.Б.Б. жадвалининг 5-устунини тўлдирдилар.</p> |
| <p>3-босқич Якуний (10 мин)</p> | <p>3.1. Мавзуга хулоса қилади. 3.2. Режадаги натижага эришишда фаол иштирокчиларни рағбатлантиради. 3.3. Мустақил иш учун вазифа беради: “Мулкчилик муносабатларининг моҳияти” мавзусида эссе ёзишни топширади.</p> | <p>Эшитадилар, ўзларини тўғрилайдилар. Ёзиб оладилар</p> |

1-илова.

Б./ Б. /Б техникасини қўллаш қодалари

| № | Мавзу саволи | Биламан | Билишни хоҳлайман | Билдим |
|-----|--|---------|-------------------|--------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1. | Тизим | | | |
| 2. | Иқтисодий тизим | | | |
| 3. | Ишлаб чиқариш усули | | | |
| 4. | Ишлаб чиқарувчи кучлар | | | |
| 5. | Формация | | | |
| 6. | Анъанавий иқтисодиёт | | | |
| 7. | Бозор иқтисодиёти | | | |
| 8. | Маъмурий -буйруқбозлик | | | |
| 9. | Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти | | | |
| 10. | Мулк объекти | | | |
| 11. | Мулк субъекти а) мулкдан фойдаланиш; б) мулкни тасарруф этиш; в) мулкка эгалик қилиш. | | | |
| 12. | Давлат мулки | | | |
| 13. | Хусусий мулк | | | |
| 14. | Жамоа мулки | | | |
| 15. | Аралаш мулк | | | |
| 16. | Шахсий мулк | | | |
| 17. | Хусусийлаштириш | | | |
| 18. | Давлат тасарруфидан чиқариш | | | |

Иқтисодий тизим - бу ҳар бир давр ва маконда амал қилинадиган иқтисодий муносабатлар, иқтисодиётни ташкил қилиш шакллари, хўжалик юритиш механизми ва иқтисодий муассасаларнинг ўзаро узвий боғлиқлик асосида таркиб топган яхлит иқтисодий тузилмасидир.

| ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМ ТУРЛАРИ | |
|---|--|
| Анъанавий иқтисодий тизим – кишиларнинг иқтисодий хатти-ҳаракати ва жамиятдаги ҳамма масалаларнинг ҳал этилиши, яшаш учун кураш, урф-одат ва анъана асосида амалга оширилиши билан тавсифланади. | <p>Таснифлаш мезонлари–</p> <p>Уч асосий муаммони ҳал этиш усули:</p> <ul style="list-style-type: none"> * Нима ишлаб чиқариш? * Қандай ишлаб чиқариш? * Ким учун ишлаб чиқариш? |
| Маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодий тизим – ресурс ва даромадларнинг ишлаб чиқарилиши, тақсмоти давлат томонидан ҳал этилади, ҳамма моддий ресурслар ва ишлаб чиқариш маҳсулотлари давлатга тегишли экани билан тавсифланади. | |
| Бозор иқтисодиёти тизими – хусусий мулкка асосланган ҳар бир ишлаб чиқарувчининг шахсий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий муаммоларни ҳал этиш. | |
| Аралаш иқтисодий тизим – бозор давлат назорати ёрдамида тўлдирилади. | |

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш – бу давлат мулки ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шакллари вужудга келтиришдир.

Хусусийлаштириш – бу давлат мулкига эгалик ҳуқуқининг давлатдан алоҳида шахсларга ўтишидир.





ЭССЕ

Эссе – тақлиф этилган мавзуга 1000 дан 5000 гача сўз ҳажмидаги иншо.

|| **Эссе** – бу муаллифнинг шахсий нуқтаи назарини ёзма равишда эркин ифода этиш шакли; қандайдир предмет бўйича умумий ёки дастлабки дунёқарашни ўз ичига олади.

Беш дақиқалик эссе

|| **Беш дақиқали эссе** – ўрганилаётган мавзу бўйича олинган билимларни умумлаштириш, мушоҳада қилиш мақсадида ўқув машғулотида охирида 5 дақиқа оралиғида олиб борилади.

3.2. Семинар машғулотининг ўқитиш технологияси

| | |
|---|---|
| Вақти - 2-соат | Талабалар сони: 25-30 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича муаммоли семинар |
| Семинар машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Ижтимоий тараққиёт босқичларини билишга турлича ёндашувлар. 2. Ишлаб чиқаришнинг технологик усуллари. Индустриал ва постиндустриал ишлаб чиқариш. 3. Ижтимоий-иқтисодий тизим тушунчаси. Иқтисодий тизим нусхалари. 4. Мулкчилик муносабатларининг моҳияти. «Эгалик қилиш», «тасарруф этиш», «фойдаланиш» ва «ўзлаштириш» тушунчаларининг мазмуни. 5. Бозор иқтисодиёти шароитида мулк шакллариининг хилма-хиллиги ва уларнинг турлари. 6. Мулк шакллариини ўзгартириш йўллари ва усуллари: миллийлаштириш, хусусийлаштириш. 7. Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнининг босқичлари ва вазифалари. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва мулкчилик муносабатлари тўғрисида билимларини мустаҳкамлаш | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> - мавзу бўйича билим-ларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш; - дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; - иқтисодий ахборотларни таҳлил қилиш кўникма-ларини ривожлантириш. | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - ижтимоий тараққиёт босқичларига формацион, технологик, цивилизацион ёндошувларга таъриф беради; - ҳар бир босқични тавсифлай олади; - мулкчилик жиҳатларининг мазмунини ёритади; - мулк шакллариини санаб беради; - миллийлаштириш ва хусусийлаштиришнинг моҳияти ва йўллариини кўрсатиб беради. |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Муаммоли усул, ақлий ҳужум, блиц-сўров, график органайзер. |
| Ўқитиш шакли | Фронтал, коллектив, гуруҳларда |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, проект, флипчарт, маркер, доска бўр |
| Ўқитиш шароитлари | Гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |

Семинар машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|--|---|---|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | 1.1. Мавзу, режа ва мақсад, семинар машғулотининг режаси маълум қилинади. | 1.1. Эшитади ва ёзадилар. |
| 2-босқич. Билимларни фаоллаштириш (10 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 2.1. Асосий тушунчалар бўйича блиц-сўров ўтказида (1-илова). Бир неча жавобларни эшитади ва фаолият кичик гуруҳларда давом этишини айтади. 2.2. Асосий тушунчалар бўйича категориялар таснифини тайёрлашни айтади (2-илова). | <ol style="list-style-type: none"> 2.1. Эшитадилар, саволлар берадилар. 2.2. Жавоб берадилар. |

| | | |
|----------------------------------|--|--|
| 3-босқич. Асосий (50 мин.) | 3.1. Талабаларни 6 та кичик гуруҳларга бўлади ва топшириқ беради: 1) асосий тушунчалар бўйича категорияларни таснифлаш; 2) ишнинг натижаларини тақдимот шаклида тайёрлаш; 3) берилган топшириқ бўйича умумлаштирувчи хулосалар чиқариш. Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради (3-илова). Гуруҳда ишни бошланганини эълон қилади. Гуруҳлар ишларига маслаҳат беради. 3.2. Тақдимот жараёнини ва жамоа бўлиб муҳокама қилишни ташкил қилади. 3.3. Ўзлаштириш даражасини текшириш мақсадида ҳар бир талабага саволлар тўпламини таркатади (4-илова). | 3.1. Гуруҳларда ишлайдилар. - жамоа бўлиб маълумотларни тизимлаштиради; - категориялар жадвалини тақдимот қоғозларига ёзади. 3.2. Тақдимотни намойиш этади, саволларга жавоб беради. 3.3. Жадвални тўлдиради ва топширади. |
| 4-босқич. Якуний (10 мин.) | 4.1. Мавзуни яқунлайди, иштирокчиларни баҳолайди ва рағбатлантиради. 4.2. Мустақил иш сифатида “Ўзбекистонда хусусийлаштириш босқичлари” мавзусида эссе ёзишни топширади. | Эшитадилар ва топшириқни ёзиб оладилар. |

1-илова

Асосий категориялар

| |
|---|
| Ижтимоий-иқтисодий тизим, мулк, ўзлаштириш, эгалик қилиш, фойдаланиш, давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, миллийлаштириш. |
|---|

2-илова.

Категорияларни тавсифлашни ўтказиш қондаси

1. Гуруҳда “Ақлий ҳужум” ўтказасиз ва мавзу бўйича барча тушунчаларни ёзиб оласиз.
2. Бирон-бир белгиси бўйича олинган маълумотларни умумлаштирувчи категорияларни аниқлайсиз.
3. Категорияни қоғозга ёзинг ва олинган маълумотларни маълум мезонлар бўйича тақсимланг.
4. Тақсимлаш жараёнида бирон-бир категорияни номини ўзгартириш ёки қўшиш мумкин.
5. Категория жадвалини тузинг.

| Мавзу | Турлари/кўринишлари/хусусиятлари /сифати | | | |
|-----------------------|--|---|---|-----|
| Категориялар/белгилар | 1 | 2 | 3 | ... |
| | | | | |
| | | | | |

Масалан. Мавзу: Ижтимоий ривожланиш босқичлари.

| Мавзу | Турлари/кўринишлари/хусусиятлари /сифати | | |
|-------------------------------|--|---|---|
| Категориялар/белгилар | 1 | 2 | 3 |
| Ёндошув | Формацион | Технологик | Маданийлашган |
| Босқичларни ажратиш мезонлари | Ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатларини ривожланганлик даражаси | Техника ва технологияларни ривожланганлик даражаси | Маданий ривожланганлик даражаси |
| Босқичлар номи | ибтидоий; кулдорлик; феодал | индустриал; постиндустриал; неостиндустриал; ахборотлашган жамият | неолитик; шарқий кулдорлик; антик; илк феодал |

Категория бўйича тавсифлаш учун мавзулар

- 1-гуруҳ. Ижтимоий ривожланиш босқичларини билишга турли ёндошувлар.
- 2-гуруҳ. Ижтимоий тизимлар турлари.
- 3-гуруҳ. Мулкчилик муносабатлари.
- 4-гуруҳ. Мулкчилик шакллари ўзгартириш усуллари.
- 5-гуруҳ. Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнлари.
- 6-гуруҳ. Мулк шакллари.

3-илова.

Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балл)

| Гуруҳ | жадвални тўғри тузилганлиги | Жавобни тушунарлилиги ва аниқлиги | Хулосаларни шакллантириш | Баллар йиғиндиси |
|-------|-----------------------------|-----------------------------------|--------------------------|------------------|
| | (0,8) | (0,6) | (0,6) | (2,0) |
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |
| 3 | | | | |
| 4 | | | | |
| 5 | | | | |
| 6 | | | | |

4-илова

Мавзу бўйича назорат саволлари

| Саволлар | Жавоблар |
|--|----------|
| 1. Тараққиёт босқичларини билишда қандай ёндашувлар мавжуд? | |
| 2. Ишлаб чиқариш усули нима ва унинг таркибий қисмлари нималардан иборат? | |
| 3. Ишлаб чиқариш усуллариининг энг муҳим ўзига хос белгиларини кўрсатинг. | |
| 4. Ишлаб чиқариш технологик усулининг таркибий қисмларини сананг. | |
| 5. Ишлаб чиқариш технологик усуллариининг босқичлари бир-биридан нима билан фарқланади? | |
| 6. Иқтисодий тизим нусхаларини фарқлантирадиган асосий белгиларини санаб кўрсатинг. | |
| 7. Мулкчиликнинг моҳиятига таъриф беринг ва унинг турли шакллариининг иқтисодий мазмунини тушунтиринг. | |
| 8. Мулк субъектларининг кўп даражали бўлишига сабаб нима? | |
| 9. Бозор иқтисодиётига ўтиш нима учун мулкчиликнинг турли шакллариини тақозо қилади? | |
| 10. Хусусийлаштиришнинг қандай усуллариини биласиз? | |

| | |
|-----------------|--|
| 4-мавзу. | Товар-пул муносабатлари ривожланиши бозор иқтисодиёти шаклланиши ва амал қилинишининг асосидир. |
|-----------------|--|

4.1. Маъруза машғулотининг технологияси

| | |
|---|---|
| Вақти - 2 соат | Талабалар сони: 25-60 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Визуал маъруза, икки томонлама таҳлил. |
| Маъруза машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Натурал ишлаб чиқаришдан товар ишлаб чиқаришга ўтиш ва унинг ривожланиши. 2. Товар ва унинг хусусиятлари. Товар ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнатнинг тавсифи. 3. Қийматнинг меҳнат назарияси ва қўшилган миқдор нафлилиги назариялари. 4. Пулнинг келиб чиқиши, моҳияти ва вазифалари. 5. Ўзбекистонда миллий валюта пул - сўмнинг муомалага киритилиши ва эркин валюта алмаштиришининг йўлга қўйилиши. |
| <p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> ижтимоий хўжалик шакллари ривожланиши боқичларини тавсифлаш, натурал хўжаликдан товар хўжалигига ўтиш сабабларини аниқлаш, иқтисодиётнинг ривожланишида ижтимоий меҳнат тақсимотининг ўрнини белгилаш, товарнинг хоссаларини тушунтириш.</p> | |
| <p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - ижтимоий хўжалик шакллари ривожлантиришда тарихийлик тамойилларини қўллашнинг яққол мисоли беради. Натурал хўжаликдан товар хўжалигига ўтиш сабабларини аниқлайди; -иқтисодиётнинг ривожланишида ижтимоий меҳнат тақсимотининг ўрнини белгилайди; -товарнинг хоссаларини тушунтиради; -пулнинг келиб чиқиш моҳияти ва вазифаларини тасвирлайди. | <p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - товар тушунчасига таъриф беради ва унинг келиб чиқиш сабабларини кўрсатади; - товарнинг хоссаларини тушунтиради; - товар қийматини ва қийматнинг меҳнат назариясини асослайди. - пулга таъриф бериб, вазифаларини санайди. |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Маъруза, ҳикоя, ахборот, товар, пул |
| Ўқитиш шакли | Гуруҳий, коллектив |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, проектор, ЎТВ/КТ график органазаер |
| Ўқитиш шарт-шароити | Жиҳозланган аудитория |

Маъруза машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---------------------------------|---|---|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | 1.1. Маъруза мавзуси ва режаси эълон қилинади. Аввалги мавзуга савол-жавоб орқали боғланади. | 1.1. Эшитадилар, ёзадилар, жавоб берадилар. |

| | | |
|----------------------------------|---|--|
| 2-босқич. Асосий (60 мин.) | 2.1. Мавзуни ёритиш учун муаммоли саволларни таклиф этади. 2.2. Дарс аввалида ва сўнгида “биламан-билдим” жадвалини тўлдириш учун саволлар тарқатилади. 2.3. Товар ишлаб чиқаришнинг асосий сабабларини ёритиб беради. 2.4. Товар ва унинг хусусиятларини икки томонлама таҳлил усулини қўллаб ёритиб беради. 2.5. Қиймат ва унинг келиб чиқиш сабабларини, қиймат қонунининг мазмунини ёритиб беради. 2.6. Пулнинг келиб чиқиши унинг турлари тўғрисида маълумот бериб пул билан боғлиқ муаммоларни моҳиятини очиб беради. 2.7. Б.Б.Б. жадвалининг 2-устунини тўлдиришни таклиф этади. | 2.1. Муаммоли саволларга эътибор берадилар: «биламан-билдим» жадвалининг 1-устунини тўлдирадилар. 2.2. Эшитадилар, ёзадилар. 2.3. Б.Б.Б. жадвалининг 2-устунини тўлдиради. |
| 3-босқич. Яқуний (10 мин.) | 3.1. Мавзуга хулоса чиқаради. Асосий масала устида тўхталади. Б.Б.Б. жадвалини тўлдиришдаги савол-жавобларни таҳлил қилади ва фаол талабаларни баҳолайди. 3.2. Мустақил иш учун топшириқлар беради: муаммоли саволларга тайёргарлик кўриш. | 3.1. Эшитадилар, саволларини беради ёзиб оладилар. 3.2. Топшириқларни ёзиб оладилар. |

1-илова.


Б.Б.Б. методи асосида тарқатма материаллар

| | Тушунча | Биламан “+”, Билмайман “-”. | Билдим “+”, Билаолмадим “-”. |
|----|---|--------------------------------|---------------------------------|
| 1 | Натурал ишлаб чиқариш | | |
| 2 | Товар ишлаб чиқариш | | |
| 3 | Товар | | |
| 4 | Нафлилик | | |
| 5 | Товар қиймати | | |
| 6 | Алмашув қиймати | | |
| 7 | Аниқ меҳнат | | |
| 8 | Абстракт меҳнат | | |
| 9 | Меҳнат унумдорлиги | | |
| 10 | Меҳнат интенсивлиги | | |
| 11 | Пул | | |
| 12 | Ижтимоий зарурий нафлилик | | |
| 13 | Ижтимоий зарурий иш вақти | | |
| 14 | Қийматнинг меҳнат назарияси | | |
| 15 | Оддий меҳнат | | |
| 16 | Мураккаб ва малакавий меҳнат | | |
| 17 | Қиймат қонуни | | |
| 18 | Кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назарияси | | |
| 19 | Пул вазифалари | | |
| 20 | Ҳозирги замон пулининг иқтисодий мазмуни ва табиати | | |
| 21 | Олтин ва қоғоз пулларнинг ўзаро боғлиқлиги | | |
| 22 | Реал нафлилик | | |
| 23 | Расмий нафлилик | | |
| 24 | Олтининг қиймати | | |
| 25 | Қиймат белгиси | | |
| 26 | Нақд ва кредит пулларинг хусусиятлари | | |
| 27 | Нақд пуллар | | |
| 28 | Кредит пуллар | | |

Визуал материаллар.

2-илова.

Ижтимоий хўжаликни ташкил этиш шакллари



3-илова.

Натурал ва товар хўжаликларининг бир-биридан фарқланиши

| Асосий жиҳатлар | Натурал хўжалик | Товар хўжалиги |
|---|---|--|
| 1. Моддий неъматларни ишлаб чиқариш мақсади | Шахсий эҳтиёжларни қондиришда фойдаланиш | Бошқа товарларга айирбошлаш, бозорда олди-сотди қилиш |
| 2. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот таркибининг аниқланиши | Эҳтиёжлар ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда олдиндан аниқланади | Бозордаги муайян талаб ва ишлаб чиқарувчининг хусусий манфаати асосида аниқланади |
| 3. Истеъмолчини ўзига жалб этиш учун кураш | Бундай кураш мавжуд эмас | Бундай кураш мавжуд ва товар хўжалигининг ривожланиши билан кучайиб боради |
| 4. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг истеъмол қилиниши даражаси | Барча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тўлалигича истеъмол қилинади | Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар айрим турлари ва қисмларининг сотилмай қолиши, яъни истеъмол қилинмаслиги |
| 5. Ишлаб чиқариш жараёнида ишчи кучининг иштирок этиш тамойиллари | Ишлаб чиқариш жараёнида фақат ўзининг ва оила аъзоларининг ишчи кучидан фойдаланилади | Ишлаб чиқариш жараёнида ёлланма ишчи кучидан ҳам фойдаланиш мумкин |

4-илова.

Натурал ва товар ишлаб чиқариши


Ҳар қандай хўжаликни ташкил қилишда қуйидаги масалалар ҳал этилиши лозим:

- ким учун (қандай истеъмолчилар учун) неъматлар яратиш;
- фойдали моддийликни тайёрловчилар меҳнатини қандай ташкил этиш;
- ишлаб чиқариш ва истеъмолчи ўртасидаги хўжалик алоқаларини қандай йўлга қўйиш.




Жамият хўжалик бирликлари (якка деҳқон хўжалиги, жамоа хўжалиги, йирик ер эгелари) йиғиндисидан иборат. Ҳар бир бирлик **ишлаб чиқариш ресурсларига** таянади ва яшаб қолиш учун ўзини ўзи таъминлайди. У турли кўринишдаги хомашёни излаб топишдан тортиб, якуний истеъмолга тайёр ҳолда етказишгача бўлган барча ишларни бажаради. Бунда **оддий техника**; омоч, кетмон каби кўлда ишлатиладиган меҳнат куроллари қўлланилади. Меҳнат фаолияти кам фойдали бўлади, **ишлаб чиқариш тез суръатларда ўсмайди.**

- Товар ишлаб чиқаришнинг юзага келиш сабаблари ва шарт-шароитлари:**
- ишлаб чиқарувчиларнинг муайян товарни ишлаб чиқаришга ихтисослашуви юз берувчи ижтимоий меҳнат тақсимоти;
 - ишлаб чиқарувчиларнинг мулкий муносабатлар орқали бир-биридан иқтисодий алоҳидалашуви



- Товар ишлаб чиқариш қуйидагича фарқланади:**
1. **Оддий** – хусусий мулкчиликка ва ишлаб чиқарувчининг шахсий меҳнатига асосланади.
 2. **Кенгайтирилган** – хусусий мулкчиликка ва ёлланма ишчи кучига асосланади.

**Товар хўжалигининг вужудга келиши ва амал қилишининг
ижтимоий-иқтисодий асослари**



Товар ва унинг хусусиятлари

Товар – олди-сотди объекти ҳисобланувчи моддий-ашёвий ва идеал шаклдаги иқтисодий ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсули. Ҳар қандай товар икки иқтисодий хусусият: истеъмол қиймати ва қийматга эга.

Истеъмол қиймати – товарнинг фойдалилиги, муайян йўналиши.

Қиймат ижтимоий меҳнат сарфининг товардаги ифодаси

Меҳнат жараёнининг икки тури ажратиб кўрсатилади:

1.Конкрет меҳнат – меҳнатнинг бошқа турларидан меҳнат предметлари, меҳнат воситалари, меҳнат усуллари ва меҳнат натижалари билан фарқ қилиб, **товарнинг истеъмол қиймати (нафтлилик)ни яратади.**

2. Абстракт меҳнат – **товар қийматини ҳосил қилувчи** инсоннинг ақл ва идрок қуввати сарф-ҳаражатлари сифатида қаралади.

Товар икки хусусиятга эга бўлади:

1. Истеъмол қиймати.

2. Алмашинув қиймати.

Товарнинг кишилар ёки жамиятнинг у ёки бу эҳтиёжларини қондириш хусусияти


Маълум миқдор ва пропорцияда бошқа товарга алмашиниш хусусияти

Қиймат – товар ишлаб чиқаришга сарф этилган ижтимоий-зарурий меҳнат миқдори

Товарнинг ички қарама-қаршиликлари:

- истеъмол қиймати каби барча товарлар турли ва бир хил ўлчовга эга эмас;
- улар қиймат каби ижтимоий-зарурий меҳнатда гавдаланади ва шу асосда ўлчанади

Товар қиймати ҳажми




Товарнинг ижтимоий қиймати уни ишлаб чиқаришда талаб этилаган ижтимоий-зарурий вақт билан аниқланади.

Ижтимоий-зарурий иш вақти – бу ишлаб чиқариш ижтимоий нормал шароитларда ва жамиятнинг меҳнат қобилияти ва интенсивлигининг ўртача ҳолатида товарни тайёрлашга сарфланган вақт.

Қийматни аниқлашга асосий ёндашувлар


8-илова.

Товар ва унинг хусусиятлари




9-илова.

Меҳнатнинг икки ёқлама характеридан келиб чиқувчи товарнинг икки хил хусусияти




10-илова.

Товар қиймати миқдорига таъсир этувчи омиллар



Меҳнат унумдорлиги ошишига таъсир кўрсатувчи омиллар




12- илова.

Товар нархининг ижтимоий қийматидан четга чиқиш шарт-шароитлари

Талаб = таклиф бўлган ҳолда: нарх = қиймат.
 Талаб > таклиф бўлган ҳолда: нарх > қиймат.
 Талаб < таклиф бўлган ҳолда: нарх < қиймат.

13-илова.

Товарлар дунёсининг иккига ажралиши



12-илова.

Ўқув материаллар Қиймат қонуни

Иқтисодиёт назарияси фанида товар қийматининг негизини нима ташкил қилади деган саволга жавоб беришда икки хил йўналиш мавжуд ҳамда улар ўртасида доимий равишда тортишувлар ва мунозаралар бўлиб келмоқда. Биз куйида шу икки хил йўналишдаги назарияларнинг мазмунини ўқувчига хавола қиламиз.

Қийматнинг меҳнат назарияси. Бу назариянинг асосчилари бўлиб Уильям Петти, Адам Смит, Давид Рикардолар ҳисобланади.

У.Петти – қийматнинг меҳнат назариясининг дастлабки асосчиси бўлиб, у қийматнинг манбаи меҳнат ҳисобланишини, айнан меҳнат сарфи товар қиймати миқдорини белгилаб беришини кўрсатиб ўтган. Бироқ, У.Петти товарнинг истеъмол қиймати ва қиймати ўртасидаги фарқни кўра олмаган. У товарнинг қиймати фақат қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқаришга сарфланувчи меҳнат орқали яратилади, деб ҳисоблаган.

А.Смит ўзининг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқотлар» (1776 й.) номли асарида товарнинг истеъмол ва алмашув қийматини фарқлаб берган. У товар қийматининг ягона манбаи бўлиб моддий ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай соҳасида сарфланган меҳнат ҳисобланади, деган хулосага келган. Шу билан бирга, товар қийматининг миқдорини ҳар қандай меҳнат эмас, балки жамият учун зарур бўлган ўртача меҳнат белгилаб беришини кўрсатиб ўтган.

Д.Рикардо қийматнинг ягона мезони бўлиб товар ишлаб чиқаришга сарфланган ҳамда иш вақти сарфлари орқали аниқланувчи меҳнат ҳисобланишини исботлаб берган. У товарнинг истеъмол қиймати ва қиймати ўртасидаги фарқни аниқ кўрсатиб, ҳар қандай ишлаб чиқаришда товарнинг қиймати сарфланган меҳнат орқали аниқланишини таъкидлаган.

Қийматнинг меҳнат назариясига кўра ижтимоий зарур иш вақти ўзига хос ижтимоий меҳнат меъёри ролини ўйнайди. Бу меъёр бозорда аниқланади ва товар ишлаб чиқарувчилар унга амал қилишлари зарурдир. Керагидан ортикча меҳнат сарфлари қиймат яратмайди, яъни жамият томонидан эътироф этилмайди, рад этилади. Бозорда муайян турдаги товарларнинг асосий массасини ишлаб чиқариш учун зарур бўлганидан амалдаги ортикча меҳнат сарфларига ҳеч ким ҳақ тўламайди.

Қиймат қонуни ресурсларнинг турли ишлаб чиқариш соҳалари ўтрасида тақсимланишини тартибга солиб туриш вазифасини бажараётганда ҳам нархлар динамикаси муҳим рол ўйнайди. Агар у ёки бу аниқ товар ижтимоий эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлганидан камроқ ишлаб чиқарилса, бу талабнинг таклифдан ошиб кетишига сабаб бўлади. Товар нархи ошиб кетади. Нархлар, шу билан бирга даромадлар камаяди, бу тармоқдаги ишлаб чиқариш ресурслари даромад юқори бўлган бошқа тармоқларга ўтиб кетади. Қийматнинг меҳнат назарияси моделларида қиймат қонунига асосланган ишлаб чиқариш нисбатларини тартибга солувчи бозор механизми ана шундай тавсифланади.

Кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назарияси. Юқорида қараб чиққанemizдек, қийматнинг меҳнат назариясига кўра, меҳнат сарфларининг ижтимоий зарурий даражаси фақат бозорда, айирбошлашда юзага чиқади. Қиймат фақат бозорда алмашув қиймат кўринишида ўзининг ифодаланиш шаклини олади. Қисқача айтганда, қиймат ишлаб чиқаришда яратилади, бироқ бозорда, яъни айирбошлаш вақтида намоён бўлади. Шу ерда қўшилган миқдор нафлилиги назариётчилари қарашлари билан қарама-қаршилик пайдо бўлади. Унинг моҳияти нимадан иборат? Агар товар бозорда сотиб олинса, бу кимдир товар ишлаб чиқаришига кетадиган сарфларни ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари сифатида баҳолаши сабабли эмас, балки мазкур товар харидор учун нафлиликка эга бўлиши сабабли рўй беради, харидор маълум нафлиликка эга бўлган товарни қадрлайди.

Кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назариясининг асосчилари бўлиб австрия мактаби вакиллари К.Менгер(1840-1921), Ф.Визер(1851-1926), Е.Бем-Баверк(1851-1914) ва бошқалар ҳисобланади. Ҳозирда бу назария ғояларини бир қатор олимлар қўллаб-қувватлаб, ривожлантириб келмоқдалар. Мазкур назарияга кўра, кишилар томонидан жуда хилма-хил моддий ва маънавий неъматлар (ҳамда хизматлар) уларни ишлаб чиқаришга ижтимоий зарурий меҳнат сарфланганлиги учун эмас, балки ушбу неъматлар нафлиликка эга бўлиши сабабли қадрланади. Инсонлар томонидан маълум нафлиликларга эҳтиёж сезилганлиги сабабли у ёки бу товарни ишлаб чиқаришга меҳнат сарфлари амалга оширилади. У ёки бу меҳнат сарфларининг ижтимоий зарурлиги ким томонидан ёки нима билан аниқланади, деган саволга оддий тарзда бозор томонидан, деб жавоб бериш тўғри бўлади, бироқ бу жавоб умумий ва тўлиқ эмас. Кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назарияси тарафдорлари фикрларига кўра, фақат товарнинг нафлилиги меҳнат сарфларига «ижтимоий зарурий» деб номланадиган тавсиф бериши мумкин.

Кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назарияси билан қийматнинг меҳнат назариясининг бири-бирига тўғри келмаслиги турли хил истеъмол қийматларини ёки нафлилигини ҳисобга олиш муаммоси билан боғлиқ. Чунки, турли кўринишдаги иккита товарнинг нафлилигини шунчаки умумий тарзда ўзаро таққослаш мумкин эмас. Эътибор берилса, масаланинг бу тарзда қўйилишининг ўзи кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назариясига зидлигини кўриш мумкин. Иқтисодий ҳаётда ҳам хўжалик қарорлари қабул қилиш чоғида умуман эҳтиёжларни таққосламасдан, у ёки бу моддий ва маънавий неъматларнинг фойдали самарасига баҳо бермасдан туриб ҳеч қандай иқтисодий фаолиятни бошлаш мумкин бўлмайди.

Кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назарияси тарафдорлари, нафлиликнинг икки турини ажратиш кўрсатиш зарур деб ҳисоблайдилар: а) абстракт ёки умумий нафлилик, яъни неъматларнинг кишилар бирон-бир эҳтиёжларини қондириш лаёқати; б) аниқ нафлилик, бу неъмат мазкур нусхаси фойдалилигининг субъектив нархини билдиради. Бу субъектив нарх икки омилга боғлиқ: мазкур неъматнинг мавжуд захираси ва унга бўлган эҳтиёжнинг тўйинганлик даражаси.

Кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назарияси тарафдорлари субъектив нафлилик миқдорини ҳисоблашда Г.Госсен (немис иқтисодчиси, 1810-1858 йй.) қонунидан фойдаланадилар. Бу қонун сўнгги қўшилган миқдор нафлилигининг пасайиб боришини ифодалаб, Госсеннинг биринчи қонуни деб аталади. Мазкур қонунга биноан, эҳтиёж қондирилиб борилиши билан «тўйинганлик даражаси» ўсади, аниқ қўшилган миқдор нафлилиги эса пасаяди («зарурий эҳтиёж» даражаси). Бу мазкур эҳтиёжни қондирувчи ҳар бир навбатдаги қўшимча неъмат олдингисига қараганда камроқ нафлиликка эга бўлишини билдиради, неъматлар захираси чекланган бўлганда эса унинг «зарурий эҳтиёжни» қондирувчи кейинги нусхаси мавжуд бўлади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, мазкур турдаги барча неъматларнинг қиймати уларнинг энг сўнгги қўшилган миқдорининг нафлилиги билан аниқланади.

Ўзининг биринчи қонунидан келиб чиққан ҳолда, Госсен иккинчи қонунни ҳам ишлаб чиқади. Унга кўра, «истеъмол қилинаётган турли неъматларнинг умумий миқдори шундай тарзда аниқланадики, бунда сотиб олинган бир неча турдаги неъматнинг сўнгги қўшилган миқдори нафлилиги ўзаро бир-бирига тенг бўлади». Бошқача айтганда, ҳар бир истеъмолчи бир вақтнинг ўзида қўшлаб турдаги неъматларни

истеъмол қилиш учун уларнинг шундай тўпламини сотиб оладики, бу тўпландаги ҳар бир неъматнинг сўнги қўшилган миқдори нафлилиги ўзаро тенг бўлади ёки истеъмолчида бир хил миқдордаги қониқиш ҳосил қилади.

Қиймат ва нарх назариясида янги йўналишни бошлаб берган киши машҳур инглиз иқтисодчиси А.Маршалл ҳисобланади. Товарларнинг қийматини аниқлашда меҳнат назарияси ҳам, қўшилган нафлилик назарияси ҳам етарли асосга эга эмас, деб ҳисоблаган А.Маршалл бир нечта назарияларни синтез қилиш йўли билан аниқлик киритишга ҳаракат қилди. Қўшилган миқдор нафлилиги назариясининг бир томонлилигини у қийматни фақат нафлилик билан тушунтиришда кўрди. А.Маршалл кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назариясини талаб ва таклиф назарияси ҳамда ишлаб чиқариш харажатлари назарияси билан боғлашга ҳаракат қилди.

А.Маршалл фикрича, товар қиймати тенг даражада кейинги қўшилган миқдор нафлилиги ва ишлаб чиқариш харажатлари билан аниқланади. Шундай қилиб, А.Маршаллдан бошлаб иқтисодиёт назариясида турли назарияларни синтез қилишга ўтилди.

Лекин А.Маршалл ушбу синтезни охиригача етказа олмади. У ижтимоий зарурий нафлилик ва ижтимоий зарурий меҳнат товарнинг икки томони эканлигини аниқ кўра олмади. Шунинг учун, у ижтимоий нафлилик ўрнига қўшилган нафлиликни, ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари ўрнига ишлаб чиқариш харажатларини қўйди. Натижада товарнинг қиймати ҳам, нафлилиги ҳам тўлиқ ҳисобга олинмади. Умуман айтганда узоқ тарихий даврдан бошлаб тортишувга сабаб бўлган нарса товарда гавдаланган ижтимоий меҳнатнинг икки ёқлама тавсифи ва шу асосда ҳосил бўладиган товарнинг икки хил хусусиятига эга бўлишини инобатга олмасликдир. Меҳнат назариячилари товарга сарфланган меҳнат миқдори асосий эътиборни қаратган бўлса, маржиналистлар унинг нафлилигига эътибор бериб келдилар. Уларнинг бири кўпроқ товарни ишлаб чиқарувчилар манфаати нуқтаи назаридан таҳлил қилган бўлса, иккинчиси истеъмолчи (харидорлар) манфаати нуқтаи-назаридан қарайдилар. Холбуки товарнинг қийматини ва бинобарин нархини аниқлашда унинг икки томонига ва сотувчилар билан харидорлар манфаати тўқнашган тугунга эътибор қаратиш зарур.


13-илова.

Пул ва унинг вазифалари


Пул – товарларни айирбошлашда умумий эквивалент вазифасини бажарувчи махсус товар.

Тўлақонли пуллар – ҳақиқий пуллар бўлиб, унда қийматга эга пулли товар иштирок этади.

Тўлиқсиз пуллар – тўлақонли пулларнинг ўринбосари бўлиб, қиймати муҳим бўлмаган ва шунга мувофиқ номиналига тўғри келмайдиган пул белгилари .



Пулнинг асосий вазифалари



Пулнинг ривожланиши

14-илова.

Умумий эквивалент ролининг олтинга юклатилиш сабаблари

- сифат жиҳатдан бир хил ўлчамга келтириш мумкинлиги;
- зангласлиги ва узоқ муддат сақлаш мумкинлиги;
- бўлинувчанлиги ва бўлгандан кейин яна яхлит ҳолга келтириш мумкинлиги;
- бўлинганда ҳам ўз қийматини сақлаб қола олиши;
- табиатда нисбатан камёблиги;
- озгина миқдордаги ва оғирликдаги нодир металлнинг қиймати анча юқорилиги.


15-илова.

Олтин ва қоғоз пулларнинг ўзаро боғлиқлиги



16-илова.


Нақд ва кредит пулларнинг хусусиятлари



Пулниг ривожланиш боскичлари



Бозор иқтисодиёти шароитида пулниг икки хил мазмуни



Маъруза юзасидан муаммоли саволлар:

1-савол.

1. Натурал ишлаб чиқаришдан товар ишлаб чиқаришга ўтишнинг асосий сабаблари.

2-савол.

1. Ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситаларининг қиймати қайси меҳнат тури билан янги товарга ўтказилади?

2. Товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан унинг қиймат таркибида қандай ўзгариш пайдо бўлади? (Ўтказилган қиймат ва янги яратилган қиймат улушлари қандай ўзгаради?).

3-савол.

1. Маржиналистик товар қийматининг асосини нима ташкил этади:

- А) маржиналистлар фикри бўйича;
- Б) классик иқтисодий мактаб фикри бўйича;
- В) Сизнинг фикрингизча?

4-савол.

1. Олтин ва қоғоз пулларнинг қандай хусусиятлари бор?
2. Олтин пул хусусиятларидан қайси бири қоғоз пулларга ўтади?
3. Ҳозирги замон қоғоз ва кредит пуллари товарми ёки товар эмасми? Фикрингизни асосланг.

4.2. Семинар машғулоти ўқитиш технологияси

| | |
|---|---|
| Вақти - 2-соат | Талабалар сони: 25-30 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Мустақил ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш бўйича муаммоли семинар. |
| Семинар машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Наратурал ва товар ишлаб чиқариш. Товар ишлаб чиқаришнинг вужудга келиш ва ривожланиш сабаблари. 2. Товар ва унинг хусусиятлари. Товарнинг нафлилиги ва айирбошланиш нисбати (қиймати). 3. Товар қийматининг миқдори ва унга таъсир қилувчи омиллар. 4. Қиймат қонуни, унинг вазифалари ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги аҳамияти. 5. Пулнинг келиб чиқиши, иқтисодий мазмуни ва вазифалари. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш, тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш. Мавзу бўйича иқтисодий категорияларни моҳиятини ўрганиш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> – мавзу бўйича билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш. – дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш. – иқтисодий ахборотларни таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш. | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: – товар, қиймат, истеъмол қиймати, алмашув қиймати, пул категорияларига таъриф беради; – товар хусусиятларини тавсифлайди; – пулнинг вазифаларини санайди. – қиймат қонунининг мазмунини ёритади; – қиймат қонуни билан боғлиқ муаммоли вазифаларни ҳал қилишда назарий билимларни қўллайди. |
| Ўқитиш услуби | Муаммоли усул, блиц-сўров. |
| Ўқитиш шакли | Фронталь, жамоа ва гуруҳларда ишлаш. |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, проектор, флипчарт, маркер, конспектлар |
| Ўқитиш шарт-шароити | Гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |

Семинар машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|----------------------------------|--|---|
| | Ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | 1.1. Мавзу, режа ва мақсад, семинар машғулотининг режаси маълум қилинади. | Эшитадилар ва мавзунинг ёзадилар |
| 2-босқич. Асосий (60 мин.) | <p>2.1. Муаммоли масалаларни ўқиб беради муаммони шакллантиради ва муаммоли дарс қондасини эслатиб ўтади (1-илова).</p> <p>2.2. Билимларни фаоллаштириш мақсадида асосий тушунчалар борасида блиц сўров ўтказилади (илова 2).</p> <p>2.2. Талабаларни гуруҳларга бўлади ва гуруҳлар эътиборига вазифани ҳавола қилади.</p> <p>Уйга вазифа сифатида берилган муаммоли саволларнинг жавобларини гуруҳларда ўзаро муҳокама қилади ва тақдимотга тайёрлайди.</p> <p>2.3. Гуруҳ сардорлари муҳокамани, ўз презентацияларини тақдимотларини намойиш қилишига таклиф этади.</p> <p>2.4. Ноаниқ жиҳатларни аниқлаштиради, саволларга жавоб беради. Бажарилган ишларни, гуруҳлар фаолиятини баҳолайди. Ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун назорат саволлари беради.</p> | <p>2.1. Эшитадилар, эслайдилар. Саволларга жавоб берадилар.</p> <p>2.2. Гуруҳларда ишлайдилар тақдимотга тайёрланадилар.</p> <p>2.3. Рақиб гуруҳга саволлар беради. Мунозарада иштирок этади.</p> <p>Эшитадилар, ёзиб оладилар.</p> <p>2.4. Саволларга жавоб берадилар.</p> |
| 3-босқич. Яқуний (10 мин.) | <p>3.1. Мавзунинг яқунлайди, умумий хулоса чиқаради, иштирокчиларни баҳолайди, рағбатлантиради.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топширик: “Ўзбекистон</p> | Эшитади, аниқлаштиради ва топшириқни ёзиб оладилар. |

| | | |
|--|---|--|
| | <p>миллий валютасининг муомалага киритилиши ва унинг мамлакат иқтисодиёти учун аҳамияти”, “Пластик карточкаларнинг муомалага киритилиши ва уларнинг аҳамияти” мавзуларидан бирига реферат ёзиш.</p> | |
|--|---|--|

1-илова.

Тестлар

1. Товар хўжалигининг вужудга келиши ва ривожланиш шарт-шароитлари нимадан иборат?

- а) ижтимоий меҳнат тақсимоти;
- б) мулк эгаларининг алоҳидалашуви;
- в) маҳсулотнинг айирбошлаш учун ишлаб чиқарилиши;
- г) бозорларнинг вужудга келиши;
- д) юқоридагиларнинг барчаси.

2. Товар қиймати қандай меҳнат сарфларини ифодалайди?

- а) индивидуал;
- б) зарурий;
- в) қўшимча;
- г) ижтимоий-зарурий;
- д) умумий.

3. Пулнинг қайси вазифаси нархнинг шаклланиши билан боғлиқ?

- а) муомала воситаси;
- б) тўлов воситаси;
- в) қиймат ўлчови;
- г) жамғарма воситаси;
- д) жаҳон пули.

4. Меҳнат унумдорлиги қандай аниқланади?

- а) маҳсулот миқдорини уни ишлаб чиқаришга кетган иш вақтига нисбати билан;
- б) маҳсулот миқдорини қилинган сарф-харажатларга нисбати билан;
- в) маҳсулот миқдорини асосий капиталга таққослаш йўли билан;
- г) маҳсулот миқдорини айланма капиталга таққослаш йўли билан;
- д) юқоридаги барча усулларда.

5. Меҳнат интенсивлиги нима?

- а) меҳнатнинг аниқ турининг маҳсулдорлиги;
- б) меҳнатнинг сарфланиш тезлиги ва жадаллиги;
- в) қўлланиладиган меҳнат ҳажмининг ортиши;
- г) қўлланиладиган меҳнат ҳажмининг қисқариши;
- д) юқоридагиларнинг барчаси.

6. Пулнинг қайси вазифаси нархнинг шаклланиши билан боғлиқ?

- а) муомала воситаси;
- б) тўлов воситаси;
- в) қиймат ўлчови;
- г) жамғарма воситаси;
- д) жаҳон пули.

7. Пулнинг вазифаси нимадан иборат?

- а) пул истеъмоли билан ижтимоий талабга бўлган инвестиция омили;
- б) ижтимоий таклиф ва алмашув учун зарур бўлган миқдорни белгилайдиган капитал қўйилмалар омили;
- в) даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш тизими;
- г) ягона ҳисоб-китоб юргизиш, алмашув, жамғарма, муомала, тўлов воситаси вазифасини бажаради;
- д) иқтисодий фаолиятни рағбатлантиради.

8. Пулнинг қутилмаган қадрсизланишидан аҳолининг қайси қисми кўпроқ жабр кўради?

- а) облигация эгалари;
- б) ишлаб чиқарувчилар;
- в) қарз олувчилар;
- г) деҳқон (фермер) хўжалиги;
- д) доимий даромад олувчилар.

9. Пулнинг айланиш тезлиги нимага таъсир қилади?

- а) товар баҳосига;
- б) муомала учун зарур пул миқдорига;
- в) айирбошлаш курсларига;
- г) фоиз ставкасига;
- д) соф экспорт ҳажмига.

10. Пулнинг вазифаларидан қайси бири унинг муомаладан чиқарилишини тақозо қилади?

- а) муомала воситаси;
- б) қиймат ўлчов воситаси;
- в) жаҳон пули;
- г) тўлов воситаси;
- д) бойлик тўплаш воситаси.

2-илова.

Ўқув материаллар Пулнинг вазифаси ва моҳияти

Пулнинг моҳиятини тўлароқ тушуниш учун унинг вазифаларини кўриб чиқамиз. Чунки, «замонавий иқтисодий фан учун пулнинг моҳиятини унинг функцияларидан келтириб чиқаришга асосланган ёндошув хосдир. Пул ишлаб чиқариш ва муомала жараёнида бир қатор вазифаларни бажаради: 1) қиймат ўлчови; 2) муомала воситаси; 3) бойлик тўплаш воситаси; 4) тўлов воситаси.

Пул вазифаларининг ривожланиш даражаси товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига боғлиқ.

Пул кўп томонлама, мураккаб иқтисодий тушунча бўлганлиги сабабли, унинг янги мазмунини аниқлашни қоғоз пулларнинг олтин пулга боғлиқлиги ва ундан фарқини кўрсатишдан бошлаш лозим. Қоғоз пулларнинг ўз ўтмишдоши ва табиий негизи бўлган олтин пуллар билан ўхшашлик жиҳати шундаки, у олтин пулда мавжуд бўлган икки хусусиятни, яъни расмий нафлилик ва қиймат белгиси сифатидаги хусусиятларни қабул қилиб олади. Олтиннинг моддий товар сифатидаги икки хусусияти: реал нафлилиги ва қиймати қоғоз пулларда бўлмайди. Лекин аввалги икки хусусият қоғоз пулларнинг умумий эквивалент сифатида амал қилиши учун етарлидир.

Қоғоз пуллар бозор иқтисодиёти ёки унга ўтиш даврида олдинги мазмунини тарк этмагани ҳолда, яъни махсус товар сифатида, умумий эквивалентлик мазмунини сақлаб қолгани ҳолда, янги мазмун касб этади. Бу даврда унинг табиати, таркиби янада мураккаблашиб боради. Агар оддий товар ва хизматлар айирбошланиши, яъни олди-сотди бўлишида пулга товар сотиб олишдан асосий мақсад Бирон-бир нафлиликни (истеъмол қийматини) истеъмол қилиш учун сотиб олиш, ўзларининг шахсий эҳтиёжини қондириш бўлса, бозор иқтисодиёти ёки унга ўтиш даврида пулдан фақатгина шахсий эҳтиёжни қондириш мақсадида эмас, балки даромад, фойда олиш мақсадида фойдаланилади.

Пулдан уни банкка қўйиб фоиз олиш, ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи сотиб олиб, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ёки тижорат фаолиятини олиб бориб, фойда олиш, турли қимматли қоғозларни сотиб олиб, дивиденд даромадлари олиш мақсадларида фойдаланилади. Бу шундан далолат берадики, энди пул фақатгина умумий эквивалент бўлиб эмас, балки ўз эгасининг кўлида фойда, даромад олиш воситаси бўлиб хизмат қилади, ўзидан-ўзи ўсувчи қийматга, бир сўз билан айтганда пул капиталга айланади. Бунинг натижасида қоғоз пуллар иккита таркибий қисмга ажралади: нақд пуллар (қоғоз пул, танга-чақалар) ва кредит пуллар (чек, вексел, сертификат, тўлов талабномалари ва ҳ.к.).

Бундан кўринадики, пул капитал сифатида муомалада бўлади, унга қўшимча ижтимоий вазифа юклатилади. Энди у даромад келтирадиган махсус воситага айланади.

Демак, юқорида таъкидланганидек, ҳозирги замон иқтисодий фанлардаги пул тушунчасига икки жиҳатдан ёндашилади: тез алмашадиган (ликвид) пул ва декрет (қонун билан белгиланган) пул сифатида.

Тез алмашиш (ликвидлик) тушунчаси, ҳозирги замон қоғоз пуллари (сўм, танга, доллар, лира ва ҳ.к.) бевосита сотиб олиш кучига эга эканлигини билдиради. Тез алмашадиган воситалар, демак, осонлик билан мақсадингизни рўёбга чиқаради. Масалан, агар сизда ортиқча енгил автомашина бўлса, бу умуман хоҳлаган вақтда уни сизга керак бўлиб қолган ҳар қандай буюмга алмаштириш мумкинлигини билдирмайди. Агар сиз маълум миқдордаги пул суммасига (доллар, марка ва ҳ.к.) эга бўлсангиз, сиз ҳар доим уларни ҳар қандай керакли буюмга айирбошлай оласиз.

Нима учун кредит–қоғоз пуллар мутлоқ тез сарфланиш хусусиятига эга бўлади? Биз бу ерда ҳозирги замон пулининг табиатига тааллуқли бўлган иккинчи жиҳатга эътиборни қаратамиз.

Пул – бу айирбошлашнинг умуман тан олинган воситаси. Бу ерда «умуман тан олинган» сўзига эътиборни қаратиш жуда муҳим. Пулнинг қадр–қиммати (қиймати) нима билан аниқланади? Қоғоз пул қийматга эга бўладими?

Қатор иқтисодчи неоклассиклар нуқтаи–назарига кўра, пул шу сабабли қадрлики, улар қийматга эга бўлган «қоғоз»дан қилинади деган ноаниқ фикрни билдиришади. Агар одамлар томонидан ниманидир пул

деб ҳисоблашга келишилса, ана шу «нимадир» пул ҳисобланади, деган нотўғри фикрларни кўриш мумкин. Демак, пулнинг қадри унинг қийматидан эмас, балки унга билдирилган ишончдан келиб чиқади деган субъектив ёндашувлар мавжуд. Ҳозирги замон пулининг барқарорлиги (харид қилиш лаёқатининг ўзгармаслиги) умуман олтин захиралари билан ҳам боғлиқдир. Табиатда олтин чекланган миқдорда бўлгани каби, Марказий банк ҳам пул таклифини чеклаши зарур. Агар қоғоз пуллар нисбатан чекланганлик хусусиятига эга бўлишдан тўхтаса, бунда уларнинг қадр-қиймати бутунлай йўқолгунча тушиб боради. Шундай экан қоғоз пулларнинг қадри ҳақидаги масала муомала учун зарур бўлган қоғоз пуллар миқдори муаммоси билан узвий боғлиқ.

Мустақил иш учун топшириқ ушбу мавзулардан бирига реферат ёзинг:

1. “Ўзбекистон миллий валютасининг муомалага киритилиши ва унинг мамлакат иқтисодиёти учун аҳамияти”.
2. “Пластик карточкаларнинг муомалага киритилиши ва уларнинг аҳамияти”.

3-илова.

| |
|--|
| <p>Мунозара қатнашчиларига эслатма</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Мунозара муносабатлар йиғиндиси эмас, балки муаммо ечими услубиятидан иборат. 2. Кўп гапирмасдан, бошқаларнинг сўзлашига имкон бер. 3. Мақсадга эришиш йўлида хиссиётларинни жиловлаб, батафсил ўйлаган ҳолда сўзла. 4. Рақибларнинг вазиятини ўрганиб, уларга хурмат билан мурожаат қил. 5. Рақибларнинг томонидан айтилган фикрларга танқидий ва мулоҳазали ёндаш. 6. Мунозара предмети бўйича четга чиқмаган ҳолда тўғри ёндашиб гапир. |
| <p>Мунозара регламентини ўтказиш тартиби</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Бошловчи маъруза мавзуси ва маърузачиларнинг тақдимотларин эълон қилади. 2. Маъруза 5 минут давом этади. 3. Тақризчи – 2 минут. 4. Рақиб – маъруза мавзуси бўйича фикрларини 1-3 минут тақдим этади. 5. Жамоавий муҳокама – 5-10 минут. |

4-илова.

Блиц-сўров учун саволлар

1. Товарнинг хусусиятларидан қайси бири асосий ҳисобланади?
2. Товар қийматининг миқдорига таъсир этувчи омиллар қайсилар?
3. Пул сотиладими, сотилса қиймати нимага тенг бўлади?
4. Товарнинг нафлилиги ва аниқ меҳнат ўртасида қандай боғлиқлик бор?
5. Товарнинг алмашув қиймати ва абстракт меҳнат ўртасида қандай боғлиқлик бор?
6. Товар қийматининг асосини нималар ташкил этади?

5-илова.

Муаммоли семинарга саволлар

1-савол.

1. Натурал ишлаб чиқаришдан товар ишлаб чиқаришга ўтишнинг асосий сабаблари.

2-савол.

1. Ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситаларининг қиймати қайси меҳнат тури билан янги товарга ўтказилади?
2. Товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан унинг қиймат таркибида қандай ўзгариш пайдо бўлади? (Ўтказилган қиймат ва янги яратилган қиймат улушлари қандай ўзгаради?).

3-савол.

1. Маржиналистик товар қийматининг асосини нима ташкил этади:
 А) маржиналистлар фикри бўйича;
 Б) классик иқтисодий мактаб фикри бўйича;
 В) Сизнинг фикрингизча?

4-савол.

1. Олтин ва қоғоз пулларнинг қандай хусусиятлари бор?
2. Олтин пул хусусиятларидан қайси бири қоғоз пулларга ўтади?
3. Ҳозирги замон қоғоз ва кредит пуллари товарми ёки товар эмасми?
 Фикрингизни асосланг.

| | |
|-----------------|---|
| 5-мавзу. | Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва амал қилиши |
|-----------------|---|

Маъруза машғулотининг технологияси

| | |
|---|--|
| Вақти - 2 соат | Талабалар сони: 30-60 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Ахборот, визуал маъруза, “Инсерт”, “Венна” диаграммаси техникасини қўллаган ҳолда. |
| Маъруза машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва унинг асосий белгилари. 2. Бозор иқтисодиётида доимий ва асосий муаммоларнинг ҳал қилиниши. 3. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва зиддиятлари. 4. Бозор тушунчаси ва бозорнинг вазифалари. 5. Бозор турлари ва тузилиши. 6. Бозор инфратузилмаси ва унинг унсурлари. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> талабаларга бозор иқтисодиётининг амал қилиши ва ривожланиши тўғрисида чуқурроқ билим бериш. “Бозор иқтисодиёти” ва “бозор” тушунчаси ўртасидаги фарқни ифодалаш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> -бозор иқтисодиёти мазмунини ёритиш; -асосий белгилари, субъектлари ва объектлари билан таништириш; -унинг доимий ва асосий муаммолари тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш; -афзалликлари ва зиддиятларини тушунтириш; -бозор ва унинг турларига эътиборни қаратиш. | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: -бозор иқтисодиётига таъриф бера оладилар ва уни шарҳлайдилар. -бозор иқтисодиётининг 2 тури ва уларга хос белгиларни ажратиш берадилар; -бозор иқтисодиёти субъекти ва объектини аниқлайдилар; - бозор иқтисодиётига хос муаммоларни санайдилар ва уларнинг ечимини таклиф қиладилар; - бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва зиддиятини асослайдилар; -“бозор” тушунчасига таъриф бериб, бозорларни гуруҳлайдилар. |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Мунозарали маъруза, инсерт, аклий хужум, блиц-сўров, кластер, ЎТВ/КТ |
| Ўқитиш шакли | Фронтал, гуруҳий, жуфтликда ишлаш |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матнлари, проектор, график органзамерлар, доска, бўр |
| Ўқитиш шарт-шароити | Намунадаги аудитория |

Маъруза машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|--|--|
| | Ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (5 мин.) | 1.1. Дарснинг аввалида талабаларга маърузалар матни ва ўқув топшириқларни тарқатади (1-илова). 1.1. Машғулот мавзусини эслатади ва кутилаётган натижани ва дарсни олиб бориш тартибини маълум қилади. | 1.1. Эшитадилар, ва маъруза матнини оладилар. |
| 2-босқич. Билимларни фаоллаштириш (10 мин.) | 2.1. Жуфтликка ажралишларига топшириқ беради. Маъруза матн ва ўз нуқтаи-назаридан, бозор иқтисодиётининг асосий фарқлари, бўйича жуфтликларда муҳокама қилиш ва саволларга жавоб беришни таклиф этади. Блиц-сўров ўтказилади. | 2.1. Топшириқларни бажаради, муаммоларни жуфтликда муҳокама қилади, саволларга жавоб беради. |
| 2-босқич. | 2.1. Маъруза матнидан келиб чиққан ҳолда куйидаги | 2.1. Маъруза матнидаги |

| | | |
|-----------------------------------|---|---|
| <p>Асосий (55 мин.)</p> | <p>саволни ўйлаб кўришни тавсия этади. -бозор иқтисодиётининг алоҳида белгилари нимада? 2 киши бўлиб саволни муҳокама қилишни тавсия этади. 2.2. “Вена” диаграммаси асосида классик (соф) бозор иқтисодиёти ва ҳозирги замон бозор иқтисодиётини таққослаб, умумий ва хусусий белгиларини аниқлаш вазифасини беради. -“Бозор иқтисодиётининг доимий ва асосий муаммоси нимада, у қандай ҳал қилинмоқда?” саволига жавоб беришни таклиф этади. 2.3. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва мавжуд камчиликларини сабабларини ўйлашни таклиф этади. Бу савол бўйича камчиликларни тўлдиради, хатоларни тўғирлайди ва хулоса чиқаради. 2.4. Бозор тушунчасига таъриф беришни, унинг турларини санаб беришни таклиф этади. Бозорнинг асосий вазифаларини шарҳлаб беради. -“Бозор” ва “Бозор иқтисодиёти” тушунчалари ўртасида қандай фарқ бор? 2.5. “Бозор инфратузилмаси” деганда нимани тушундингиз? саволига мисоллар ёрдамида жавоб беришни сўрайди.</p> | <p>белгиларга эътибор берадилар.</p> <p>2.2. Саволга жавоб берадилар. “Инсерт” жадвалини тўлдирадилар.</p> <p>2.3. Дафтарларига “Вена” диаграммасини чизадилар ва тўлдирадилар.</p> <p>2.4. Саволни муҳокама қиладилар ва жавоб берадилар. Афзалликлари ва камчиликларини санаб берадилар.</p> <p>2.5. Мисоллар келтирадилар.</p> |
| <p>3-босқич. Асосий (10 мин.)</p> | <p>3.1. “?” белгиси қўйилган ноаниқ қолган саволларга жавоб беради. 3.2. Мавзуга хулоса қилади ва фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 3.3. Уйга топшириқ беради.</p> | <p>Эштадилар. Ёзиб оладилар.</p> |

1-илова.

Блиц-сўров учун саволлар


| |
|---|
| <ol style="list-style-type: none"> 1. Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва асосий белгилари нималардан иборат? 2. Классик ва ҳозирги замон бозор иқтисодиётининг умумий томонларини ва фарқларини тушунтириб беринг. 3. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва зиддиятлари нималардан иборат? 4. Бозор иқтисодиётининг асосий иштирокчилари кимлар ва улар ўртасидаги иқтисодий алоқалар қай тарзда кечади? 5. Бозор тушунчасининг таърифини беринг ва унинг асосий вазифаларини кўрсатинг. 6. Бозорни туркумлашда қандай мезонлар асос қилиб олинади? |
|---|

2-илова.

Венна диаграммаси

Классик бозор иқтисодиёти

Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти



“Инсерт усули”



Инсерт - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб бериледи. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.


Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

| Тушунчалар | V | + | - | ? |
|-------------------------------|---|---|---|---|
| Бозор | | | | |
| Бозор иқтисодиёти | | | | |
| Классик бозор иқтисодиёти | | | | |
| Бозор иқтисодиёти субъектлари | | | | |
| Бозор турлари | | | | |

Бозор иқтисодиёти субъектлари**Бозор иқтисодиётини тартибга солиш механизми**



Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва зиддиятлари






10-илова.

Бозор инфратузилмаси

Бозор инфратузилмаси – бу товар ва хизматлар ҳаракатига кўмаклашувчи ташкилий-ҳуқуқий шакллар йиғиндиси.

Бозор иқтисодиёти инфратузилмаси – бу алоҳида бозорлар доирасида ҳаракатланувчи ва уларнинг меъёрий тартибда амал қилишини таъминлаш бўйича маълум вазифаларни бажарувчи ўзаро боғлиқ ихтисослаштирилган институтлар йиғиндиси.

Бозор инфратузилмаси институтлари – бозор муносабатлари амал қилиши, барча бозор фаолияти турларининг муваффақиятли фаолиятини таъминловчи корхоналар йиғиндиси.



Инфратузилмавий фаолият

| | | |
|---------------------|---|-------------------------|
| инфратузилма | Улгуржи ва чакана савдо корхоналари, ким ошди савдолари, ярмаркалар, воситачилик фирмалари, товар биржалари | ТОВАР БОЗОРИ |
| | Банклар, суғурта компаниялари, фондлар, фонд бозорлари | МОЛИЯВИЙ БОЗОР |
| | Меҳнат биржалари | ИШЧИ КУЧИ БОЗОРИ |
| | Ахборот марказлари, адлия идоралари, реклама агентликлари, аудиторлик фирмалари | |

| | |
|---------------------------------------|---|
| Бозор инфратузилмаси вазифалар | бозор муносабатлари иштирокчиларининг манфаатларини амалга оширишни енгиллаштириш; |
| | ихтисослаштириш асосида бозор субъектлари иши самарадорлигини ва тезкорлигини ошириш; |
| | бозор муносабатларини ташкилий расмийлаштириш; |
| | ишбилармонлик амалиётини давлат томонидан ва ижтимоий тартибга солиш, юридик ва иқтисодий назорат шаклини енгиллаштириш |

Ҳозирги бозор инфратузилмаси ва унинг вазифалари

5.2. Семинар машғулотида ўқитиш технологияси.

| | |
|--|--|
| Вақти – 2 соат | Талабалар сони: 25-30 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Муаммоли масалаларни ҳал этиш ва билимларни чуқурлаштириш кўникмаларни ривожлантириш бўйича семинар |
| Семинар машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Бозор иқтисодиётининг моҳияти ва асосий белгилари. Бозор муносабатларининг объекти ва субъектлари. 2. Бозор иқтисодиёти амал қилишининг умумий жиҳатлари: ресурслар, маҳсулотлар ва даромадлар доиравий айланиши. 3. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари, унинг чекланганлиги ва зиддиятлари. 4. Бозор, унинг вазифалари ва турлари. 5. Бозор инфратузилмаси ва унинг унсурлари. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> бозор иқтисодиёти, унинг турлари, бозор тўғрисида талабаларга чуқурроқ билим бериш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> - маърузада олинган билимларни мустаҳкамлаш ва улар асосида докладлар тайёрлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; - билимлар тизимлаштириш, таққослаш, умумлаштириш, иқтисодий категорияларни таҳлил қилиш жараёнларни ташкил этиш; - дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; - иқтисодий ахборотларни таҳлил қилиш кўникмаларини | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - бозорнинг турларини санаб беради; - бозор, бозор иқтисодиёти тушунчаларининг мазмунини баён этади ҳамда уларни бир-бирларидан фарқини очиб беради; - ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини мазмунини ёритади; - бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва камчиликларини фарқлайди; - бозор иқтисодиётида ресурсларнинг доиравий айланишини тавсифлайди; - классик бозор иқтисодиёти ва ҳозирги замон бозор иқтисодиётининг фарқларини айтади; - бозор инфратузилмасини тавсифлайди. |

| | |
|----------------------------|--|
| ривожлантириш. | |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Конференция – семинар, ақлий ҳужум, тест, блиц-сўров, тақдимот |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, ўқув қўлланма, проектор, доска, бўр, А32 бичимидаги қоғоз, маркер |
| Ўқитиш шакли | Гуруҳий, индивидуал, жамоада ишлаш |
| Ўқитиш шароитлари | Проектор, компьютер технологиялари билан таъминланган намунадаги аудитория. |

Семинар машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|--|
| | Ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (5 мин.) | 1.1. Мавзу, режа ва кутилаётган мақсад, семинар машғулотининг режаси ҳамда уни ўтказиш тартибини маълум қилинади. Экранга баҳолаш мезонини чиқаради (1-илова). | 1.1. Эшитадилар ва мавзунини ёзадилар |
| 2-босқич. Билимларни фаоллаштириш (10 мин.) | 2.1. Экранга тестларни чиқаради (2-илова), тест олади ва текширади. 2.2. Тест натижаларини таҳлил қилади ва хатоларга тўхталиб ўтади. | 2.1. Тест саволларига алоҳида жавоб танлайди. 2.2. Тест натижаларини таҳлил қилади. |
| 3-босқич. Асосий (55 мин.) | 3.1. Талабаларни 3 та гуруҳга бўлади ва топшириқларни қайтаради (3-илова). Иш якунланганда қандай натижага эга бўлиши кутилаётгани билан таништиради. Ақлий ҳужум ёрдамида муаммоли саволларни ечиш қоидалари билан таништиради (4-илова). 3.2. Тақдимотни намойиши ва ўзаро баҳолаш натижаларни ҳал этишни ташкил этади. Изоҳлайди, жавобларни тартибга солади, ўқув жараёни давомида олинган хулосаларга эътибор қаратади. | 3.1. Топшириқларни бажаради: -гуруҳ сардори муаммони ҳал этишни ва презентацияни тайёрлашни ташкиллаштиради. 3.2. Презентация билан таништиради. Ўз фикрларини айтади, саволлар беради, бошқа гуруҳларни баҳолайди. |
| 4-босқич. Яқуний (10 мин.) | 4.1. Мавзунини якунлайди, иштирокчиларни баҳолайди, рағбатлантиради. 4.2. Мустақил иш учун топшириқ беради: келгуси мавзу бўйича маърузани ўқиб келиш, маърузачиларга саволлар тайёрлаш. Реферат мавзуларини тақсимлайди, маърузачи, тақризчи, оппонентларни белгилайди муҳокама тартиби билан таништиради. | Эшитадилар ва аниқлаштирадилар. Реферат мавзуларини ёзиб оладилар. |

1-илова.

Ишларни баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Ҳар бир талаба кўрсаткич ва мезонлар бўйича бал йиғади. 0,1 балдан тестнинг тўғри жавоби учун (максимал 3 балл)

| Гуруҳ | 1-топшириқ | | 2-топшириқ | | Жавобни лўндалиги (0,5) | Умумий бал (2,6) |
|-------|---------------------------|----------------------|-----------------------------|---------------------|-------------------------|------------------|
| | Жавобнинг тўғрилиги (0,4) | Асосланганлиги (0,4) | Кўргазмалилик (схема) (0,8) | Асосланганлик (0,5) | | |
| 1 | | | | | | |
| 2 | | | | | | |
| 3 | | | | | | |

Тест.

1. Бозорни тартибга солиш механизми:

- а) талаб, таклиф, баҳо, рақобат;
- б) монополия, олигополия, моносония;
- в) тадбиркорлик, бизнес, фойда;
- г) тўғри жавоб йўқ.

2. Бозор инфратузилмаси- бу:

- а) монополия, олигополия, талаб, таклиф;
- б) айирбошлаш муносабатларига хизмат қилувчи муассасавий тузилма;
- в) бозорга жалб этилган товар ва хизматлар;
- г) ҳаммаси тўғри.

3. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг қандай моделлари мавжуд?

- а) Осиёча модел;
- б) Собик социалистик мамлакатлар модели;
- в) Африка ва лотин Америкаси мамлакатлари модели;
- г) барча жавоблар тўғри.

4. Бир тизимдан иккинчи бир тизимга ўтишнинг қандай йўллари мавжуд?

- а) индуктив ва дедуктив;
- б) эволюцион ва инкилобий;
- в) «караҳт қилиб даволаш»;
- г) барча жавоблар тўғри.

Гуруҳларда ишлаш учун топшириқлар**1-гуруҳ**

1-топшириқ. Ушбу фикр тўғри ёки нотўғрилигини аниқланг (жавобни асосланг).

Бозор иқтисодиёти шароитида қандай товар ва хизматлар ишлаб чиқилиши кераклигини истеъмолчи аниқлайди.

2-топшириқ. Муаммоли саволга ақлий ҳужум усулида жавоб топинг.

Бозор иқтисодиёти тавсифланади, масалан, хусусий мулкчилик мавжудлиги, ижтимоий меҳнат тақсимоти, товарни эквивалентлик асосида пулга айирбошланиши.

2-гуруҳ

1-топшириқ. Ушбу фикр тўғриёки нотўғрилигини аниқланг (жавобни асосланг).

Аралаш иқтисодиёти - бозор иқтисодиёти бўлишига қарамасдан, нима, қанча, ким учун каби муаммоларни давлат томонидан нархларни назорат қилиш орқали ҳал этилиши керак.

2-топшириқ. Муаммоли саволга ақлий ҳужум усулида жавоб топинг.

Бозор иқтисодиётини ушбу тавсифлари юқори технологик ишлаб чиқариш, юқори сифатли маҳсулот, бозорларда товар ассортиментларини кўплиги ва тақчилликнинг йўқлиги қандай ўрин тутди?

3-гуруҳ

1-топшириқ. Ушбу фикр тўғриёки нотўғрилигини аниқланг (жавобни асосланг).

Автомобилга ёқилғи қуйиш шаҳобчаси – бу бозорга мисол бўлади.

2-топшириқ. Муаммоли саволга ақлий ҳужум усулида жавоб топинг.

Бозор иқтисодиёти тавсифланади, масалан, хусусий мулкчилик мавжудлиги, ижтимоий меҳнат тақсимоти, товарни эквивалентлик асосида пулга айирбошланиши.

Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари

1. Мустақил фикрланг ҳаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар такрорланаётган бўлса, махсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гуруҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гуруҳ муаммосини ечиш учун гуруҳлаштириш мумкин.
6. Гуруҳнинг умумий жавоби шакллантирилади.

| | |
|-----------------|---|
| 6-мавзу. | Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари. |
|-----------------|---|

Маъруза машғулотининг технологияси

| | |
|--|--|
| Вақти - 2 соат | Талабалар сони: 30-60 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Маъруза - конференция. |
| Маъруза машғулотининг режаси | 1.Ўтиш даври иқтисодиёти назарияси, унинг белгилари, турлари ва қонуниятлари. 2.Бозор иқтисодиётига ўтиш моделлари, уларнинг фарқлари ва умумий томонлари. 3.Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш йўлларининг хусусиятлари ва тамойиллари. 4.Ўтиш даврида Ўзбекистонда бозор ислохотларнинг концепцияси ва стратегияси. 5.Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида Республикада макроиқтисодий барқарорликка эришиш вазифалари. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг зарурлиги ва унинг турли йўллари ҳақида талабаларга чуқурроқ билим бериш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> - бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг зарурлигини асослаш; - бозор иқтисодиётига ўтишнинг турли йўлларини баён қилиш ва мисоллар келтириш; - ўтиш даврида Ўзбекистоннинг хусусиятларини тушунтириш; - Республикамизда бозор ислохотлари стратегиясини ва тактикасини тушунтириш | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - ўтиш даври зарурлиги сабабларини санайдилар; - бозор иқтисодиётига ўтиш йўлларини айтиб, уларга мисол келтирадидилар; -ўтиш даврининг энг таниқли моделлари нусхаларини таҳлил қиладидилар; - “Ўзбек модели”нинг хусусиятларини аниқлайдилар ва моҳиятларини тушунтирадидилар. |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Маъруза - конференция, муаммоли маъруза, ақлий ҳужум, мунозара, тақдимот |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, проектор, график органайзерлар – ЎТВ/КТ |
| Ўқитиш шакли | Фронтал, индивидуал, гуруҳ билан ишлаш, |
| Ўқитиш шароитлари | Намунадаги аудитория |

Маъруза машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---------------------------------|--|---|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | 1.1. Мавзу, унинг мақсади ва ўқув машғулотидан кўзланган натижаларни эълон қилади. Машғулот маъруза конференция-мунозара тарзида ўтишини эълон қилади: 1) мазкур машғулотда ҳал этиладиган маъруза мавзуларини таклиф этади (1-илова). 2) уларнинг ўқув фанини ўзлаштиришдаги аҳамиятини, шунингдек, бўлажак мутахасисликни эгаллашдаги муҳимлигини тушунтиради. 3) маърузага тайёргарлик кўриш учун адабиётлар, журналларга йўналтиради. 4) барча талабаларга маъруза матни бўйича маърузачиларга савол тайёрлашлари айтилади (2-илова). 5) баҳолаш мезонлари билан таништиради (3-илова). | 1.1. Маърузага тайёргарлик кўрадидилар. Маърузачилар презентация тайёрлашлари ва реферат бўйича режа тузишлари мумкин. Баҳолаш мезонлари билан танишади. Маъруза қилишга тайёргарлик кўради. |

| | | |
|----------------------------------|---|--|
| | б) тайёрланган рефератлар билан таништиради. Зарур ҳолатларда саволлар тузади. | |
| 2-босқич. Асосий (60 мин.) | 2.1. Маъруза ва ахборотлар юзасидан чиқишларни ташкил этади: -мавзу мазмунининг ёритилишида мантиқийликка эътибор беради; -баён қилинаётган материални муҳокама қилиш зарурати туғилганда, маърузачини тўхтатиб, коллектив мунозарага имкон яратади. 2.2. Маърузанинг коллектив тарздаги муҳокамасини ташкил этади. Бошловчи билан бирга: -саволлар беради; -асосий кўрсатмаларни аниқлаштиради; -докладга янгиликлар, статистик материалга эътибор қаратишни сўрайди. | 2.1. Иштирокчилар маърузаларини ўқиб, эшитиладилар ёки оғзаки баён қиладилар. 2.2. Иштирокчилар коллектив тарзда машғулоти муҳокама қиладилар. 2.3. Экспертлар ҳар бир мавзу бўйича мунозара натижаларини баҳолайди. 2.4. Энг яхши доклад рағбат сифатида университет конференциясига тавсия этилади. |
| 3-босқич. Якуний (10 мин.) | 3.1. Барча иштирокчиларнинг фаолиятини умумлаштириб, машғулоти якунлайди. 3.2. Маъруза – конференциядаги докладчи, тақризчи ва оппонентларнинг фаоллигини баҳолайди. 3.3. Олинган билим ва илмий изланиш кўникмаларининг келажакдаги фаолиятда аҳамиятини таъкидлайди. 3.4. Конференцияда иштирок этмаган талабаларга бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва камчиликлари мавзусида эссе ёзишни топширади. 3.5. Мустақил иш учун вазифа беради: И.А.Каримов асарларидан бирини конспект қилиш (4-илова). | 3.1. Экспертлар: 1) маърузачи тақризчи, оппонентларни тайёргарлигини белгилайди; 2) баҳолаш натижаларини эълон қилади. 3.2. Эшитадилар, аниқлик киритадилар, ёзадилар. Топширикни оладилар. |

1-илова.

Маъруза машғулоти докладлари мавзулари.

1. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг зарурлиги, асосий йўллари ва хусусиятлари.
2. Швеция, Туркия, Жанубий Корея, Америка моделларининг хусусияти.
3. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси ва ислохотлар стратегияси, “Ўзбек модели”.
4. Республикада бозор ислохотларини амалга оширишнинг асосий йўналишлари .

2-илова.

Хулосани шакллантириш учун саволлар

- I. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг зарурлиги, асосий йўллари ва хусусиятлари.
 1. Ўтиш даврининг зарурлиги нимада?
 2. Ўтиш даври давомийлигининг узун ёки қисқалиги нималарга боғлиқ?
 3. Ўтиш даврининг жаҳон тажрибасида синалган қандай йўллари бор?
- II. Швеция, Туркия, Жанубий Корея, Америка моделларининг хусусияти.
 1. Нима учун Швеция моделида ижтимоий ҳимоя устун туради?
 2. Туркиянинг иқтисодий ривожланишига нималар сабаб бўлди?
 3. Жанубий Кореянинг қандай тажрибаларини қўллаш мумкин?
 4. Эркинлик, демократиянинг ўзи Американинг иқтисодий тараққиёти учун етарли бўлганми?
- III. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси ва ислохотлар стратегияси, “Ўзбек модели”.
 1. “Ўзбек модели”нинг моҳияти нимада?
 2. Республика иқтисодиётини ислоҳ қилишга қандай тамойиллар асос қилиб олинди?
 3. Бозор муносабатларини босқичма-босқич қарор топтириш принципининг мазмуни нимада?
- IV. Республикада бозор ислохотларини амалга оширишнинг асосий йўналишлари .

1. Республикада қандай ислохотларни ўтказиш кўзда тутилган?
2. Бозор иқтисодиётини шакллантиришда давлатнинг етакчилик фаолияти нимада?
3. Президентимизнинг қайси асрларида бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси баён этилган?

3-илова.

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

| Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (балларда) | Мунозара иштирокчилари | | | |
|--|------------------------------------|---|---|---|
| | Маърузачилар (Ф.И.Ш.) | | | |
| | 1 | 2 | 3 | 4 |
| <i>Маърузанинг мазмуни (2,5):</i> | | | | |
| - мавзуга мос келиши (1,5); | | | | |
| - мантикийлик, аниқлик (0,5); | | | | |
| - хулосаларни қисқалиги (0,5); | | | | |
| <i>Информацион технологиялардан фойдаланганлиги (кўргазмалилик) – (0,9).</i> | | | | |
| <i>Регламент (0,6)</i> | | | | |
| Жами (4,0) | | | | |
| | Такризчилар (Ф.И.Ш.) | | | |
| <i>Маърузанинг тавсифи (3,0)</i> | | | | |
| - маърузанинг кучли томонлари аниқлаш (1,2) | | | | |
| - маърузанинг заиф томонлари аниқлаш (1,2) | | | | |
| <i>Регламент (0,6)</i> | | | | |
| Жами (3,0) | | | | |
| | Оппонентлар, иштирокчилар (Ф.И.Ш.) | | | |
| <i>Саволлар:</i> | | | | |
| - ҳар бири учун (0,3) | | | | |
| <i>Қўшимча</i> | | | | |
| - ҳар бири учун (0,3) | | | | |
| - моҳияти бўйича (0,3) | | | | |
| Жами (3,0) | | | | |

4-илова.

Семинарға тайёргарлик кўриш учун саволлар

1. И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган маърузаси.
2. И.А.Каримовнинг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан қилган маърузаси.
3. И.А.Каримов Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқоралик жамияти асосини шакллантиришнинг асосий йўналишлари ҳақида.
4. И.А.Каримов ислохотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётни эркинлаштириш тўғрисида.
5. И.А.Каримов иқтисодиётни бошқаришда демократик усулларни кучайтириш тўғрисида.
6. Иқтисодиёт назариясини ривожлантиришда И.А.Каримов асарларининг аҳамияти.
7. И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодиётининг интеграциялашиши тамойиллари ҳақида.
8. И.А.Каримов асарларида иқтисодий потенциалдан самарали фойдаланиш муаммолари.
9. И.А.Каримов 2008 йилда мамлакатимиз иқтисодиётида эришилган асосий натижалар ҳамда изчил ривожланишнинг муҳим омиллари ҳақида.
10. И.А.Каримов иқтисодий ўсишни таъминлаш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодиётда мувозанатликка эришилиш ҳақида.
11. И.А.Каримов кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш - устувор масала сифатида.
12. И.А.Каримов молия ва банк тизимида ислохотларни чуқурлаштириш ҳақида.
13. Жаҳон молиявий инқирозининг мазмуни, намён бўлиш шакллари ва келиб чиқиш сабаблари (Президент И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асари асосида).
14. Молиявий-иқтисодий инқирознинг алоҳида мамлакатлардаги микёси, кўлами ва оқибатларини белгилловчи омиллар (Президент И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асари асосида).

6.2. Семинар машғулотида ўқитиш технологияси.

| | |
|---|---|
| Вақти-2 соат | Талабалар сони: 25-30 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича семинар |
| Семинар машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Ўтиш даври назарияси. Бозор иқтисодиётига ўтиш тарихий жараён эканлиги. Ўтиш даврининг асосий белгилари, турлари ва қонуниятлари. 2. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг миллий андозалари, уларнинг умумийлиги ва фарқли жиҳатлари. 3. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг «ўзбек модели» ва унинг хусусиятлари. 4. Бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси ва ислохотлар стратегияси. 5. Мулкдорлар синфининг шаклланиши ва рақобатчилик муҳитининг яратилиши. 6. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида давлатнинг иқтисодий сиёсати ва унинг асосий йўналишлари. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> бозор иқтисодиёти ва бозор борасидаги маърузада олинган билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> - маърузада олинган билимларни мустаҳкамлаш ва улар асосида докладлар тайёрлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; - билимларни тизимлаштириш, таққослаш, умумлаштириш, иқтисодий категорияларни таҳлил қилиш жараёнларни ташкил этиш; - дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; - иқтисодий ахборотларни таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш. | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - бозор иқтисодиёти ўтиш даврига таъриф беради; - ўтиш даврининг миллий андозаларини тавсифлайди; - Ўзбек моделининг хусусиятларини санайди; - ислохотлаштириш стратегияси мазмунини ёритади; - мулкдан самарали фойдаланиш учун йўналишлар рўйхатини тузади; - ислохотлар чуқурлаштириш борасида муаммоли вазифаларни ҳал қилишда назарий билимларни қўлайди. |
| Ўқитиш усуллари ва техникаси | Муаммоли усул, суҳбат, ақлий ҳужум, мунозара, намойиш қилиш. |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни А32 форматдаги қоғоз, маркер, скотч, ўқув материаллари. |
| Ўқитиш шакллари | Коллектив, гуруҳларда, индивидуал |
| Ўқитиш шароитлари | Гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |

Семинар машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---------------------------------|---|--|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 1.1. Мавзуни, мақсади режадаги ўқув натижаларини эълон қилади уларнинг аҳамиятини ва долзарблигини асослайди. 1.2. Олинган билимларни текшириш мақсадида асосий тушунчалар борасида савол-жавоб ўтказди (5-илова). 1.3. Дарс машғулотини гуруҳларда ишлаш технологиясидан фойдаланган ҳолда амалга оширилишини эълон қилади. Гуруҳда ишлаш қоидаларини эслатади. Иш тартиби ва регламентни аниқлаштиради (1,2-илова). | 1.1. Эшитадилар, мавзуни ёзадилар, саволларга жавоб берадилар ва аниқлаштирадилар. |

| | | |
|----------------------------------|--|---|
| 2-босқич. Асосий (60 мин.) | 2.1. Талабаларни 3-6 нафардан қилиб гуруҳларга ажратади. Назорат ва натижаларни баҳолаш учун экспертлар гуруҳини шакллантиради. Гуруҳларга ўқув топшириқларини топширади (3-илова). Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (4-илова) билан, қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги билан (дарслик, маърузалар матни, Президент И.А.Каримов асарлари) таништиради. Гуруҳларда ишлаш бошланганлигини эълон қилади. 2.2. Тақдимот ва натижаларни баҳолашни ташкил этади. Изохлайди, жавобларни тартибга келтиради, асосан ишларни бажариш жараёнида шаклланган хулосаларни умумлаштиради. | 2.1. Ўқув топшириқлари, баҳолаш мезонлари билан танишади, топшириқни гуруҳга тақсимлайди, умумий маърузани шакллантиради. 2.2. Натижаларни презентация қилади, назорат саволларига жавоб беради. Қолган иштирокчилар тақдимотни тўлдирдилар ва саволлар беради. Экспертлар баҳолайди |
| 3-босқич. Яқуний (10 мин.) | 3.1. Ўқув фаолиятини яқунлайди. Талабалар диққатини асосий жиҳатларга қаратади. Муаммони ҳал қилиш жараёнида ғолиб бўлган гуруҳни аниқлайди ва баҳолайди. 3.2. Мустқил иш учун вазифа беради. | 3.1. Тинглайдилар, аниқлаштирадилар. Мустақил иш учун вазифаларни ёзиб оладилар. |

1-илова.

| |
|--|
| Семинарда ишлаш тартиби ва регламент |
| <ol style="list-style-type: none"> 1. Гуруҳда ишлаш ва презентацияни ёзиш – 20 мин. 2. Ишнинг натижаларини тақдимот этиш – 5 мин. 3. Жамoa бўлиб муҳокама қилиш ва гуруҳни баҳолаш – 5 мин. |

2-илова.

| |
|--|
| Гуруҳ билан ишлаш қоидалари |
| <p>Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ўз шерикларининг фикрларини ҳурмат қилишлари лозим; - берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим; - ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин; - ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим; - гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим. |

3-илова

Гуруҳларга топшириқлар.

1-гуруҳ.

1-топшириқ. Тест.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг қандай моделлари мавжуд?

- а) Осиёча модел;
- б) собиқ социалистик мамлакатлар модели;
- в) Африка ва лотин Америкаси мамлакатлари модели;
- г) барча жавоблар тўғри.

2-топшириқ. Ўтиш даври тушунчасининг замонавий жиҳатлари ва уни жаҳонда намоён бўлиш хусусиятларини тавсифланг.

Жавоб беришда график органайзердан фойдаланинг: “Мантиқий-таркибий схема”.

3-топшириқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларидан иловалар келтиринг.

И.А.Каримов иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакатдаги сиёсий ўзгаришлар ва давлат қурилиши тўғрисида.

4-топшириқ. Қисқача хулоса қилинг.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг хусусиятлари нимадан иборат?

2-гурух.

1-топшириқ. Тест.

Бир тизимдан иккинчи бир тизимга ўтишнинг қандай йўллари мавжуд?

- а) индуктив ва дедуктив;
- б) эволюцион ва инқилобий;
- в) «карахт қилиб даволаш»;
- г) барча жавоблар тўғри.

2-топшириқ. Ўзбекистонни бозор иқтисодиётига ўтиш модели, унинг тамойил ва хусусиятларини тавсифланг.

Жавоб беришда график органайзердан фойдаланинг: “Мантиқий-таркибий схема”.

3-топшириқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларидан иловалар келтиринг.

И.А.Каримов ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида.

4-топшириқ. Қисқача хулоса қилинг.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар концепцияси ва стратегиясини роли нимада?

3-гурух.

1-топшириқ. Тест.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш қайси йўл билан боряпти?

- а) Туркия модели асосида;
- б) «карахт қилиб даволаш», йўли билан;
- г) эволюцион йўл билан;
- д) барча жавоблар тўғри.

2-топшириқ. Бозор иқтисодиётига ўтишда ислохотлар босқичи ва масалаларни тавсифланг.

Жавоб беришда график органайзердан фойдаланинг: “Мантиқий-таркибий схема”.

3-топшириқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларидан иловалар келтиринг.

И.А.Каримов мулк эгаларини шаклланиши ва валюта бозорини шаклланиши тўғрисида.

4-топшириқ. Қисқача хулоса қилинг.

Нима учун бозор иқтисодиётига ўтишда турли ислохотлар ва масалалар мавжуд бўлади?

4-илова.

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (балл)

| Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (балларда) | Гуруҳлар | | |
|--|----------|---|---|
| | 1 | 2 | 3 |
| 1-топшириқ (0,3) | | | |
| 2-топшириқ: | | | |
| - мавзуга мос келиши, кўргазмалилик (0,8); | | | |
| - мантиқийлик, аниқлик (0,5); | | | |
| 3-топшириқ (0,5) | | | |
| 4-топшириқ: | | | |
| - хулосаларни аниқ шакллантирилганлиги (0,5); | | | |
| Регламент (0,2) | | | |
| Назорат саволларига тўғри жавоб учун (0,1) | | | |
| Бошқалар томонидан тўлдирилганлиги учун (0,1) | | | |
| Жами (3,0) | | | |

5-илова.

Муаммоли саволлар.

1. Бошқаришнинг маъмурий усуллари асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари?
2. Ўтиш даври иқтисодиётида давлатнинг пул-кредит сиёсати?
3. Республикада иқтисодий ислохотларни босқичлари, асосий якуналари ва вазифалари?
4. Ўзбекистонда кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш вазифалари?

| | |
|----------|---|
| 7-мавзу. | Талаб ва таклиф назарияси. Бозор мувозанати. |
|----------|---|

Маъруза машғулотининг технологияси

| | |
|---|--|
| Вақти – 2 соат | Талабалар сони: 30- 60 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Ахборот визуал маъруза, аниқ ҳолатларни ечиш. |
| Маъруза машғулотининг режаси | 1.Талаб тушунчаси, унинг эгри чизиғи ва талаб қонуни. Талабнинг ҳажмига ва миқдорига таъсир этувчи омиллар. 2.Талаб эластиклиги. Талаб эластиклигидан реал ҳаётда фойдаланиш. 3.Таклиф тушунчаси, унинг эгри чизиғи ва таклиф қонуни. Таклифнинг ҳажмига таъсир этувчи омиллар. 4.Таклиф эластиклиги. 5.Талаб ва таклифнинг мос келиши. Бозор мувозанати. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> талаб ва таклиф, бозор мувозанати бўйича билимларни шакллантири, бозор иқтисодиётини ривожланиши ва мувозанатга эришишида талаб ва таклифнинг аҳамиятини очиқ бериш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> -талаб тушунчаси, талаб эгри чизиғи ва талаб қонуни тўғрисида тушунча бериш; -унга таъсир этувчи омиллар билан таништириш; -таклиф тушунчаси, унинг эгри чизиғи ва таклиф қонуни тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш -унинг ҳажмига таъсир этувчи омилларни ажратиш. | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - талаб ва талаб қонунига таъриф берадилар; - талаб эгри чизиғини мисол асосида чизадилар; - унга таъсир этувчи омилларни гуруҳлайдилар ва санайдилар; - таклиф қонунига таъриф берадилар; - таклиф эгри чизиғини чизадилар; - унга таъсир этувчи омилларни айтадилар; - мувозанат ҳолатини аниқлайдилар. |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Маъруза, кластер, мунозара, техника: тақдимот, блиц-сўров, график органайзерлар. |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, проектор, ЎТВ/КТ технологиялари, доска, бўр |
| Ўқитиш шакли | Фронтал маъруза, гуруҳ ва жуфтликларда ишлаш |
| Ўқитиш шароитлари | Намунадаги аудитория |

Маъруза машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|----------------------------------|--|---|
| | Ўқитувчининг | талабанинг |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | 1.1. Маърузанинг мавзуси, мақсади ва режасини маълум қилади, машғулотдан кутилаётган ўқув натижалари билан таништиради. 1.2. Машғулот давомида аниқ ҳолатларни таҳлил қилишга эътибор қилишни эслатади (талабалар кўлларида ўтган дарс охирида тарқатилган маъруза матнлари мавжуд). | 1.1. Тинглайди ва ёзадилар. |
| 2-босқич. Асосий (60 мин.) | 2.1. Аввалги мавзуни эсга солиш ва маъруза матни ўқиш натижасида нималарни ўрганганлигини аниқлаш мақсадида блиц-сўров ўтказилади. Визуал материаллар асосида маъруза ўқийди: -бозор меҳанизмининг ҳаракатга келтирувчи кучлар қайсилар деган савол билан мурожаат қилади; -улардан бири бўлган талаб категорияси нима ва унинг миқдорига нималар таъсир қилишини жадвал ва чизма, график ёрдамида тушунтиради; -талаб миқдорига таъсир қилувчи омилларни тавсифлайди. | 2.1. Эслайди, саволларга жавоб беради. Ёзиб боради. Талаб категориясига кластер тузадилар. 2.2. Графикни чизадилар, мисоллар келтирадилар. |

| | | |
|----------------------------------|--|---|
| | <p>Талаб категориясига кластер чизишни таклиф қилади (14-илова).</p> <p>2.2. Таклиф, унинг миқдорига таъсир қилувчи омиллар тўғрисида ахборот беради. Таклиф категориясини ифодаловчи чизмани доскага чизиб кўрсатади ва аниқ мисол ва масалалар ёрдамида графикни ўзгартиришни тушунтиради.</p> <p>-талаб ва таклифга таъсир қилувчи омилларни гурухлаш мақсадида Венна диаграммасини тузишни таклиф этади (13-илова).</p> <p>2.3. Истеъмолчи ҳатти-ҳаракати назариясини тушунтиришда:</p> <ul style="list-style-type: none"> -нафлилик функцияси; -сўнгги қўшилган нафлилик; -ялпи (умумий) нафлилик; -нафлиликни максималлаштириш қондаси; -истеъмолчининг мувозанатли ҳолати; -бефарқлик эгри чизиғи; -истеъмолчининг оптимал танлови тушунчаларини ёритиб беради. <p>2.4. График ва венна диаграммасининг тақдимотини ўтказди.</p> | <p>2.3. Венна диаграммасини чизадилар.</p> <p>Формулаларни ёзадилар ва графикларни чизадилар.</p> <p>2.4. Ўзлари тайёрлаган график ва Венна диаграммаларини тақдимотини қилади.</p> |
| 3-босқич. Якуний (10 мин.) | <p>3.1. Мавзуга яқун ясайди, умумий хулосаларни шакллантиради, фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. Олинган билимларни аҳамиятини очиб беради.</p> <p>3.2. Фаоллик кўрсатмаган талабаларга қўшимча вазифа беради.</p> <p>3.3. Мустақил иш учун вазифа: мисол ва масалаларни ечиш (12-илова).</p> | <p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради.</p> <p>Топшириқларни ёзиб оладилар.</p> |


Ўқув – визуал материаллари
Талаб тушунчаси ва унинг миқдорига таъсир қилувчи омиллар.
Талаб қонуни

1-илова.

Талаб – харидор маълум нархда, у рационал ёки муҳит таъсири остида амал қилишидан қатъий назар мазкур бозордан сотиб оладиган товар ва хизматлари миқдори.

Талаб ҳажми – харидорлар маълум вақт ва маълум жойда мазкур нарх бўйича харид қилишга тайёр бўлган товар (хизмат)лар миқдори.



Талаб қонуни - ҳар қандай бозорда, исталган вақтда бошқа тенг шароитларда товар нархи ва унга талаб ҳажми орасида тесқари боғлиқлик мавжуд.



Талаб эгри чизиғи – Q_d ва P нинг тескари боғлиқлигини намоён этувчи график кўриниш. У салбий оғиш бурчагига эга ва DD билан белгиланади.

D (demand) – талаб, P (price) – нарх, Q – талабдаги товар миқдори

Талаб миқдорининг ўзгариши товар нархи ўзгариши натижасида ҳосил бўлади. Бунда талабнинг ўзи ўзгармайди.



Талабнинг нархга боғлиқ бўлмаган омиллари


- истеъмолчиларнинг таъби ўзгариши
- харидорлар сони ўзгариши
- истеъмолчилар даромади ўзгариши
- ўринбосар товарлар нархи ўзгариши
- истеъмолчилар истакларидаги ўзгаришлар

2-илова.


Нарх ва сотиб олинadиган товар миқдори ўртасидаги боғлиқлик

| Бир кг ун нархи (сўм) | 1 ой давомида унга бўлган яқка талаб миқдори (кг) | 1 ой давомида унга бўлган бозор талаби миқдори (тн) |
|-----------------------|---|---|
| 350 | 10 | 1,0 |
| 300 | 20 | 2,0 |
| 250 | 30 | 3,0 |
| 200 | 50 | 5,0 |
| 150 | 60 | 6,0 |

Талаб эгри чизиғи



Талабнинг туркумланиши.





Таклиф тушунчаси. Таклиф миқдорига таъсир қилувчи омиллар. Нарх ва таклиф миқдори ўртасидаги боғлиқлик.

Таклиф – ишлаб чиқарувчилар маълум нарх бўйича бозорда сотишни кўзда тутган ва сота оладиган муайян товарнинг миқдори.

- ▶ **Таклиф ҳажми** - муайян вақт оралиғида маълум нархда сотишга таклиф этилган товарлар миқдори.
- ▶ **Таклиф қонуни** - ҳар қандай бозорда, исталган вақтда бошқа тенг шароитларда товар нархи ва унга таклиф ҳажми орасида тўғридан-тўғри боғлиқлик.

Таклиф эгри чизиғи – Q_s нинг P га тўғридан-тўғри боғлиқлигининг график кўриниши. У ижобий оғиш бурчагига эга ва SS билан белгиланади. Таклиф эгри чизиғи ишлаб чиқарувчиларнинг жорий вақтда турли нархларда қанча миқдорда маҳсулот сотишга тайёр эканликларини кўрсатади.



Товарнинг нарх ўзгаришидан ташқари бошқа барча омиллари “**нархга боғлиқ бўлмаган**” омиллар деб аталади.

Бу SS таклиф чизиғида бир нуқтадан иккинчисига ўзгаришини эмас, балки таклиф эгри чизиғининг ўзининг ўзгаришини билдиради.

- агар таклиф ортса, эгри SS таклиф чизиғи ўнгга (паستга), агар таклиф камайса, чапга (юқорига) ўзгаради.

$$S=f(P,Pr,kK,T,N,B)$$

Pr- ресурслар нархи, **K**- мавжуд технология характери, **T**- солиқлар ва субсидиялар.


Таклифга таъсир этади



- ресурслар нархи ўзгариши
- технологиялар ўзгариши
- солиқ ва субсидиялар ўзгариши
- ўринбосар товарлар нархи ўзгариши
- ишлаб чиқарувчилар сони ўзгариши


5-илова.

| 1 кг ун нархи (сўм) | 1 ой давомида уннинг якка таклифи миқдори (кг) | 1 ой давомида уннинг бозор таклифи миқдори (тн) |
|---------------------|--|---|
| 350 | 60 | 6,0 |
| 300 | 50 | 5,0 |
| 250 | 30 | 3,0 |
| 200 | 20 | 2,0 |
| 150 | 10 | 1,0 |



Талаб миқдори ва таклиф миқдори ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши. Бозор мувозанати.

6-илова.



Истеъмолчи ҳатти-ҳаракати назарияси.


7-илова.

Музқаймоқ истеъмол қилишдан олинган сўнгги қўшилган ва ялпи нафлилик

| Истеъмол қилинган музқаймоқлар сони | Сўнгги қўшилган нафлилик (MU) | Ялпи нафлилик (U) |
|-------------------------------------|-------------------------------|-------------------|
| 0 | - | 0 |
| 1 | 4 | 4 |
| 2 | 3 | 7 |
| 3 | 2 | 9 |
| 4 | 1 | 10 |
| 5 | 0 | 10 |
| 6 | -3 | 7 |

8-илова.


Бэфарқлик картаси.



9-илова.

Даромад ўзгаришининг бюджет чизиғига таъсири.


A товар



10-илова.


Нарх ўзгаришининг бюджет чизиғига таъсири.

A товар



11-илова.

Истеъмолчининг оптимал танлови.



12-илова.

Тест.

1. Талаб- бу.....

- а) эҳтиёж;
- б) пул билан таъминланган эҳтиёж;
- в) бозорга сотишга чиқарилган маҳсулотлар миқдори;
- г) товар қийматининг пулдаги ифодаси;
- д) ҳаммаси тўғри.

2. Бозор талаби- бу.....

- а) индивидуал талаб;
- б) ўзгармас бозор талаби;
- в) индивидуал талабларнинг йиғиндиси;
- г) бозорда сотишга чиқарилган товар ва хизматларнинг миқдори;
- д) ҳамма жавоблар тўғри.

3. Талабга қуйидаги омиллар таъсир этади:

- а) товарларнинг нархи ва миқдори, истеъмочилар сони ва даромади;
- б) биржадаги товарлар ва хизматлар нархи ва акциялар курси;
- в) ишчиларни ёллаш ва уларга ҳақ тўлаш;
- г) сотувчи ва харидорларнинг миқдори;
- д) ресурслар нархи ва ишлаб чиқариш технологияси.

4. Талаб қонуни- бу.....

- а) нарх ошган сари талаб ҳам ошади ва аксинча;
- б) нарх ошган сари талаб камаяди ва аксинча;
- в) нархнинг пасайиши билан талаб камаяди;
- г) нархнинг ўзгариши талабга таъсир этмайди;
- д) тўғри жавоб йўқ.

5. Талабнинг ўзгарувчанлиги- бу.....

- а) талабнинг устуворлигидир;
- б) ҳамма омиллар доимий бўлган ҳолда талабнинг ўзгариши;
- в) талабнинг омилларга боғлиқ ҳолда тебраниши;
- г) талаб билан таклифнинг мос келиши;
- д) тўғри жавоб йўқ.

6. Талаб ўзгармас бўлган ҳолда нархнинг ўсиши:

- а) истеъмолчилар харажатларининг ошишига олиб келади;
- б) истеъмолчиларга ҳеч қандай таъсир этмайди;
- в) истеъмолчилар даромадининг ошишига олиб келади;
- г) истеъмолчилар харажатларининг камайишига олиб келади;
- д) тўғри жавоб йўқ.

7. «Нарх» билан «талаб» ўртасида:

- а) тўғри боғланиш мавжуд;
- б) тескари боғланиш мавжуд;
- в) боғланиш мавжуд эмас;

- г) корреляцион боғланиш мавжуд;
- д) нотўғри жавоб йўқ.

8. Талаб > таклиф бўлса:

- а) пул тақчил бўлади;
- б) бозорда товарлар ўтмай йиғилиб қолади;
- в) бозор мувозанатига эришилади;
- г) бозорда такчиллик ҳукм суради;
- д) нотўғри жавоб йўқ.

9. Ишлаб чиқариш омиллари бозорида талаб ва таклиф қонуни амал қиладими?

- а) ҳа, албатта;
- б) айрим ҳолларда;
- в) умуман амал қилмайди;
- г) фақат ишлаб чиқариш воситалари бозорида амал қилади холос;
- д) тўғри жавоб йўқ.

10. Таклиф- бу.....

- а) истеъмолчи сотиб олишга қодир бўлган товарлар ва хизматлар миқдори;
- б) ишлаб чиқарувчи бозорга сотишга чиқарадиган товарлар ва хизматлар миқдори;
- в) пул билан таъминланган эҳтиёж;
- г) товар ва хизматларнинг сотувидан олинадиган даромад;
- д) тўғри жавоб йўқ.

11. Таклифга қуйидаги омиллар таъсир этади:

- а) сотувчилар ва харидорларнинг миқдори;
- б) товар ва ресурсларнинг нархи, талаб ва рақобат;
- в) бозордаги монополистлар ва монополистик рақобат;
- г) ишчиларни ёллаш ва уларга ҳақ тўлаш;
- д) ҳамма жавоблар тўғри.

12. Таклиф қонуни- бу.....

- а) нарх ошиши билан таклиф ҳам ошади ва аксинча;
- б) нарх ошиши билан таклиф камаяди ва аксинча;
- в) нарх пасайиши билан таклиф ошади ва аксинча;
- г) нархнинг ўзгариши таклифга ҳеч қандай таъсир этмайди;
- д) тўғри жавоб йўқ.

13. Таклиф эгри чизиғи юқорига кўтарилади, чунки қанчалик нарх бўлса, шунчалик фирмаларнинг товар ишлаб чиқариш ва сотиш имконияти ошади.

- а) паст;
- б) юқори;
- в) ўртача;
- г) эркин;
- д) ҳаммаси тўғри.

14. Талаб ва таклифнинг мувозанат нуқтаси- бу.....

- а) талаб ва таклиф эгри чизиқларининг кесишиши нуқтаси;
- б) талаб ва таклиф эгри чизиқларининг узоқлашиш нуқтаси;
- в) ордината ўқини кесиш нуқтаси;
- г) талаб ва таклиф эгри чизиғининг тегиб ўтиш нуқтаси;
- д) ҳамма жавоблар тўғри.

15. Бозор мувозанати- бу.....

- а) талаб ва таклиф миқдорининг тенгсизлиги;
- б) талаб ва таклиф миқдорининг тенглиги;
- в) талабнинг таклифдан ортда қолиши;
- г) ҳаддан ташқари кўп ишлаб чиқариш;
- д) нарх билан товарлар миқдори ўртасидаги бевосита ёки тўғридан-тўғри боғлиқлик.

13-илова.

Мисол ва масалалар

1. Тарвузга бўлган талаб 100 дона бўлганда ҳар бир тарвуз нархи 21 сўмни ташкил қилади. 160 дона бўлганда бир дона тарвуз 19 сўм бўлсин.
Ёйсимон эластиклик коэффицентини ҳисобланг?

2. Калишга бўлган талаб 150 дона бўлганда, ҳар бир пой калиш нархи 40 сўмни ташкил қилсин, талаб 250 дона бўлганда бир пой калиш нархи 37 сўм бўлсин. Ёйсимон эластик коэффициентини ҳисобланг?

3. Талаб ва таклифнинг нархга боғлиқлиги .

1 кг гўштнинг нархи 30 сўм тургандагина қўйилган талаб ва товар таклифи миқдорига тенг. 1 кг гўшт 10 сўм турса , товарнинг (гўшт) талаби қанчага тенг, таклифи қанча тоннага тенг? Нарх 30 сўмдан юқори бўлса, айтайлик 40 сўм бўлса, бозорда гўштга бўлган ҳолат қандай бўлади?

| 1 кг гўшт нархи | Талаб қилинган гўшт миқдори | Таклиф қилинган гўшт миқдори | Талабнинг (+) ва таклифнинг ошиб кетиши (-) |
|-----------------|-----------------------------|------------------------------|---|
| 10 | 8 | 1 | +7 |
| 20 | 6 | 2 | +4 |
| 30 | 4 | 4 | +9 |
| 40 | 2 | 6 | -4 |
| 50 | 1 | 8 | -7 |

4. Истеъмолчининг даромади йилига 700000 сўмдан 1 млн.га ошди. Макаронга бўлган талаб йилига 3 кг дан 1 кг га пасайди. Ёғга бўлган талаб 5 кг дан 7 кг га ошди, даромадга нисбатан ва маҳсулот характерига нисбатан талаб эластиклигини аниқланг?

5. Кир ювиш қуқунининг талаб эластиклиги – А нархга нисбатан тўғри 4,5, даромадга нисбатан 0,8. Хўжалик совуни нархига кесишувида 2,5. 1) 1% га ошганда, 2) аҳолини даромадлари 1% га ошганда. Агарда: 3) хўжалик совунининг нархи 1% га ошганда, 4) бир вақтнинг ўзида а) ушбу ювиш қуқунининг нархи 4% пасайганда б) аҳоли даромадлари 5% пасайганда в) хўжалик совунининг 6% пасайганда, ушбу ювиш қуқунининг талаб ҳажмида қанақа ўзгариш рўй беради ?

6. Товар таклифи қўйидаги тенглама билан изоҳланади $As+0,4P$. Агарда товар нархи 50000 сўмдан 100000 сўмга ўзгарганда таклиф эластиклиги ўзгарадими?

7. Агарда даромадларнинг 1,1 маротобага ортиши натижасида чойнақларга бўлган талабнинг 5 % га ортиши натижасида чойнақлар бўйича олинган даромадларнинг эластиклиги нимага тенг?

8. Сотувчи телевизорини қуйида берилган жадвалда келтирилган нархга сотишга ва харидор шу жадвалда келтирилган нархга сотиб олмоқчи.

| Харидор | А | Б | В | Г | Д |
|-------------|-----|-----|-----|-----|-----|
| Нархи, сўм. | 150 | 180 | 220 | 300 | 350 |
| Сотувчи | Е | З | Ж | И | К |
| Нархи, сўм | 150 | 200 | 300 | 400 | 450 |

Ушбу маълумотларга асосан қуйидагиларни аниқланг:

а) талаб ва таклиф шкаласини аниқланг?

б) бозордаги тушум чегарасини тўғрисидаги фикрингиз?

в) ушбу бозорда қайси тенгликда қандай сотувчилар ўз маҳсулотларини сотадилар ва қайси харидорлар маҳсулотларни харид қиладилар?

9. 1915-1916 йиллари Форд заводи Т моделдаги автомобилнинг баҳосини 18 фоизга ошириши натижасида сотиш ҳажмини 62 фоизга оширишга эришди.

Барча усуллар асосида эластикликни аниқланг.

10. Буғдойга бўлган нархнинг талаб эластиклиги 0,8 га тенг бўлган ҳолда барча харажатларни сақлаган ҳолда фермерларга ҳосилдорликни 10 фоизга ошириш фойдалими?

11. X товарнинг Y товар билан кесишув эластиклиги (-2) га тенг. Агарда Y товарнинг эластиклиги 2 % га ошса, X товарнинг талаб эластиклиги қандай ўзгаради?

12. Дафтарга бўлган талаб 100 дона бўлганда ҳар бир дафтар нархи 50 сўмни ташкил қилади. Талаб 200 дона бўлганда битта дафтар нархи 45 сўм бўлсин. Ёйсимон эластиклик коэффициентини ҳисобланг?

13. Фирма «JBF» бозорни рағбатлантириш мақсадида компьютерларнинг бир моделини нархини 1000 доллардан, 800 долларга туширди. Натижада келгуси ойда олдингига нисбатан икки баробар кўп компьютерларни сотишга эришди. Бу ҳолда:


а) фирма тушуми қандай ўзгарди?

б) нуқтали эластиклик коэффиценти ва тўла компьютер моделига бўлган талабнинг характери бўйича хулоса қилинг.

14. Чилонзор туманининг «Океан» магазинида энг яхши балиқ маҳсулотига бўлган талаб қунига 500 килограмм бўлиб, 1993 йили 20 000 сўмни ташкил этарди. Агарда эгри эластиклик (-11/7) ва 24 000 сўм миқдорида бўлганда унинг талаб ҳажмини аниқланг?


| Талаб | Таклиф |
|--|--------------------------------|
| 1. Истеъмолчи диди. | 1. Ресурслар нархи. |
| 2. Истеъмолчи даромади. | 2. Ишлаб чиқариш технологияси. |
| 3. Бир-бирига боғлиқ товарлар нархи. | 3. Солиқ ва субсидия. |
| 4. Келажакдаги нархларнинг ўзгариш эҳтимоли. | 4. Бошқа товарлар нархи. |
| | 5. Нарх ўзгаришини кутиш. |
| | 6. Бозордаги сотувчилар сони |

14-илова.



15-илова.

Кластер тузиш бўйича мисол



7.2. Семинар машғулотида ўқитиш технологияси.

| | |
|---|---|
| Вақти-2 соат | Талабалар сони: 25-30 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Семинар-мунозара. |
| Семинар машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Талаб тушунчаси, унинг эгри чизиғи ва қонуни. Талаб ҳажмига таъсир қилувчи омиллар. 2. Таклиф тушунчаси, унинг эгри чизиғи ва қонуни. Таклиф ҳажмига таъсир қилувчи омиллар. 3. Иқтисодий ресурсларга талаб ва таклифнинг хусусиятлари. 4. Талаб ва таклифнинг мос келиши. Бозор мувозанати ва унинг турлари. 5. Истеъмолчи хатти-ҳаракати назарияси. Кейинги товар нафлигининг камайиб бориш қоидаси. |
| Ўқув машғулотининг мақсади: талаб ва таклиф тўғрисидаги билимларни чуқурлаштириш, ўқув қўлланмаси билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш. | |
| <p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; - билимларни таққослашни, умумлаштиришни, таҳлилни тизимлаштириш кўникмасини ҳосил қилиш; - ўз фикрни шакллантириш ва билдириш жараёнини ташкил қилиш; - коммуникация, гуруҳда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш. | <p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - талаб ва таклиф тушунчаларига таъриф беради; - талаб ва таклифга таъсир қилувчи омилларни санаб беради ва тушунтиради; - талаб ва таклиф қонунининг мазмунини ёритади; - истеъмолчи хатти-ҳаракати назариясини тавсифлайдилар. |
| Ўқитиш усуллари | Муаммоли семинар, мунозара, техника: тақдимот, блиц-сўров, “Давра суҳбати”, Вена диаграммаси, |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матнлари, проектор, маркерлар, скотч, А32 бичимдаги қоғоз варақлари. |
| Ўқитиш шакллари | Индивидуалл, фронтал, гуруҳлар, жуфтликларда ишлаш. |
| Ўқитиш шароитлари | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |

Семинар машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|--|---|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (5 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади. 1.2. Машғулот мунозара тарзида ўтишини маълум қилади. | 1.1. Дикқат билан тинглайдилар ва ёзиб оладилар |
| 2-босқич. Билимларни фаоллаштириш (10 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 2.1. Мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади ва шу асосида блиц-сўров ўтказади (1-илова) 2.2. Иш гуруҳларда / жуфтликларда ўқув вазифани бажарилгандан сўнг “Муаммоли семинар” сифатида давом эттирилишини эълон қилади. “Муаммоли семинар” қоидалари билан таништиради (2-илова). Гуруҳларда ишлаш қоидаларини эслатади. | 2.1. Иқтисодий тушунчаларга тариф берадилар. |

| | | |
|---|--|--|
| <p>3-босқич. Асосий (55 мин.)</p> | <p>3.1. Талабаларни 4 та гуруҳларга ажратади. Давра суҳбатида муҳокама қилиш учун саволлар ва вазифаларни тарқатади (3-илова). Вазифани бажаришда қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлигини таъкидлайди. 3.2. Гуруҳларни ўзаро баҳолашни ташкил этади. Натижаларни баҳолаш варақларини тарқатади (4-илова). 3.3. Гуруҳларда иш бошлаганлигини эълон қилади, маслаҳатлар беради. 3.4. Презентацияларни тақдим этишларини таклиф қилади ва мунозарани шакллантиради. Мунозара савол-жавобларига аниқлик киритади. Мунозара бўйича хулосалар қилади.</p> | <p>3.1. Ўқув вазифаси оладилар ва танишиб чиқадилар. 3.2. Вазифани бажарадилар, тақдимот варақларини расмийлаштиради. 3.3. Бошқа гуруҳлар учун саволлар тайёрлайди. Мунозарада иштирок этади. Ёзиб олади.</p> |
| <p>4-босқич. Якуний (10 мин.)</p> | <p>4.1. Ишга якун ясайди умумий хулослар қилади талабаларни баҳолайди. 4.2. Мустақил иш учун вазифа беради: нон маҳсулотларига бўлган талаб ва таклифни график тарзда ифодаланг. Келгуси мавзунини Инсерт усулида ўқиб келинг.</p> | <p>4.1. Тинглайдилар, вазифани ёзиб оладилар.</p> |

1-илова

Блиц-сўров саволлари

Талаб
Таклиф
Талаб қонуни
Таклиф қонуни
Мувозанат
Бозор мувозанати
Умумий мувозанат
Хусусий мувозанат
Истеъмолчи диди.

Ўқув материаллар Талаб ва таклиф тушунчалари

Эҳтиёжнинг фақат пул билан таъминланган қисми талабга айланади. Демак, талаб – бу пул билан таъминланган эҳтиёждир. Эҳтиёж зарур миқдордаги пул билан таъминланмаса, у «хохиш», «истак» бўлиб қолаверади. Талабнинг бир қатор муқобил вариантлари мавжуд бўлади, чунки нарх ўзгариши билан товарнинг сотиб олинган миқдори ҳам ўзгаради. Шу боғлиқликдан келиб чиқиб, талабга қуйидагича таъриф бериш мумкин: маълум вақт оралиғида, нархларнинг мавжуд даражасида истеъмолчиларнинг товар ва хизматлар маълум турларини сотиб олишга қодир бўлган эҳтиёжи **талаб** дейилади. Бошқача қилиб айтганда талаб – пул билан таъминланган эҳтиёждир.


Талаблар турлича бўлиб, одатда бир хил товар ёки хизматларга бўлган талабнинг икки тури фарқ қилинади: якка талаб ва бозор талаби. Ҳар бир истеъмолчининг, яъни алоҳида шахс, оила, корхона, фирманинг товарнинг шу турига бўлган талаби **якка талаб** дейилади. Бир қанча (кўпчилик) истеъмолчиларнинг шу турдаги товар ёки хизматга бўлган талаблари йиғиндиси **бозор талаби** дейилади.

Ҳозирда иқтисодий адабиётларда талабнинг турли кўринишлари ажратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, **ишлаб чиқариш омилларига талаб** (ишлаб чиқариш талаби) ва **истеъмол буюмларига талаб** (аҳоли талаби) фарқланади.

Шунингдек, **ҳақиқий** (товар ва хизматларга ҳақиқатда намоён бўлувчи), **қондирилган** (ҳақиқий талабнинг бозорда товар ва хизмат сотиб олиш орқали қондирилган қисми) ва **қондирилмаган** (ҳақиқий талабнинг бозорда зарур товарларнинг йўқлиги ёки улар ассортименти ва

сифатининг харидор талабига жавоб бермаслиги сабабли қондирилмаган қисми) талаблар фарқланади. Қондирилмаган талаб турли шаклларда намоён бўлиши мумкин: **яширин, жорий, ҳаракатчан, тўпланган талаб**.

Товарга бўлган талаб кўплаб омиллар, масалан, рекламадан фойдаланиш, мода ва дидлар, афзал кўриш, атроф-муҳит, товарларни қўлга киритиш имконияти, даромад миқдори, нафлилик, ўзаро ўринбосар товарлар нархи, аҳоли сони, келгусидаги нархларнинг ўзгариши ва бошқаларнинг таъсирида ўзгариши мумкин. Шунга кўра, экзоген ва эндоген талаб фарқланади. **Экзоген талаб** – бу давлат ёки эркин бозор тизимидан ташқаридаги қандайдир кучнинг аралашуви натижасида ўзгарган талаб. **Эндоген** ёки **ички талаб** – бу жамиятда мавжуд бўлган омиллар таъсирида жамият ичида таркиб топган талаб. Талабнинг бундай туркумланишини қуйидаги махсус тизим кўринишида тасвирлаш мумкин.



Талабнинг туркумланиши.

Индивидуал, яъни якка талаб ҳам, бозор талаби ҳам миқдор жиҳатдан аниқланади. Лекин бу миқдор ҳар доим ҳам бир хил бўлиб турмайди, балки ўзгарувчан бўлади. Талаб миқдорининг ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қилади. Уларнинг ичида энг кўп таъсир қиладиган омил нарх омилдир.


Нарх ва сотиб олинadиган товарлар миқдори ўртасидаги бўладиган боғлиқликни қуйидаги жадвал маълумотлари асосида қараб чиқамиз.

Нарх ва сотиб олинadиган товар миқдори ўртасидаги боғлиқлик.

| Бир кг ун нархи (сўм) | 1 ой давомида унга бўлган якка талаб миқдори (кг) | 1 ой давомида унга бўлган бозор талаби миқдори (тн) |
|-----------------------|---|---|
| 350 | 10 | 1,0 |
| 300 | 20 | 2,0 |
| 250 | 30 | 3,0 |
| 200 | 50 | 5,0 |
| 150 | 60 | 6,0 |

Жадвал маълумотлари товар нархининг пасайиши сотиб олинadиган товар миқдорининг ўсишига ва аксинча, нархнинг ўсиши талаб миқдорининг камайишига олиб келишини кўрсатади. Маҳсулот нархи ва сотиб олинadиган товар миқдори ўзгариши ўртасида бўладиган тесқари ёки қарама-қарши боғлиқлик **талаб қонуни** дейилади.

Товар нархи ва унинг харид қилинадиган миқдори (талабнинг) ўртасидаги тесқари боғлиқликни оддий икки ўлчамли графикда ҳам тасвирлаш мумкин: ётиқ чизик талаб миқдорини, тик чизик нархни кўрсатади.



Талаб эгри чизиғи.

Графикдаги DD чизик нарх ва талаб ҳажми ўртасидаги тескари боғлиқликни тасвирий акс эттиради.

Графикдаги ҳар бир нуқта товарнинг аниқ нархи ва истеъмолчи шу нархда сотиб олиши мумкин бўлган товар миқдорини кўрсатади.

Нарх ва талаб ҳажмининг ўзгариши ўртасидаги тескари боғлиқликни кўрсатувчи бу чизик **талаб эгри чизиғи** дейилади.

Агар талаб эгри чизиғи ўзининг олдинги ҳолатида қолса ва бунда у ёки бу товарни сотиб олишдаги ҳар қандай миқдорий ўзгариш талаб миқдорининг ўзгарувчанлигини билдиради.

Талаб қонунининг амал қилиши қуйидаги сабаблар орқали изоҳланади:

1) ҳар қандай нарх истеъмолчи учун тўсиқ вазифасини ўтайди. Истеъмолчилар маълум бир товарни унинг нархи паст бўлса, кўпроқ сотиб ола бошлайди. Истеъмолчи учун нарх сотиб олишга халақит қилувчи тўсиқ сифатида намоён бўлади. Бу тўсиқ қанча юқори бўлса, у шунча кам товар сотиб олади. Бошқача айтганда, юқори нарх истеъмолчининг харид қилиш истагини сўндиради, паст нарх эса бу истакни кучайтиради.

Реал иқтисодий ҳаётда баъзан бу қоидага зид бўлган, яъни айрим товар нархининг ўсиши билан унга бўлган талаб миқдорининг янада ортиши ҳолати ҳам учрайди. Бу ҳолат **Гиффен самараси** деб (инглиз иқтисодчиси Р.Гиффен номи билан) аталади. Гиффен камбағал ишчи оилалари картошка қимматлашишига қарамасдан уни истеъмол қилиш кенгайишини кузатиб, бу самарани тасвириллаб кўрсатган. Тушунтириш шунга асосланадиги, картошка камбағал оила овқатида маҳсулотларнинг асосий қисмини эгаллайди. Агар картошка нархининг ўсиши рўй берса, бунда камбағал оила гўшт сотиб олишдан умуман воз кечишга мажбур бўлади, ўзининг кўп бўлмаган даромадининг барчасини картошка сотиб олишга сарфлайди.

Маълум вақт оралиғидаги нархларнинг муайян даражасида ишлаб чиқарувчи ёки сотувчилар томонидан маълум турдаги товар ва хизматларнинг бозорга чиқарилган миқдори таклиф дейилади. Нарх ўзгариши билан сотишга чиқариладиган маҳсулот миқдори ҳам ўзгариши сабабли талаб каби таклифнинг ҳам бир қатор муқобил вариантлари мавжуд бўлади. Алоҳида ишлаб чиқарувчи ҳамда бозор таклифини ифодаловчи мисол жадвалда кўрсатилган.

Таклиф нархларнинг турли даражасида қанча миқдордаги маҳсулотнинг сотишга чиқарилишини кўрсатади.

Нархнинг ошиши билан шунга мос равишда сотишга чиқариладиган товарлар таклифи миқдори ҳам ортади, нархнинг тушиши билан таклиф ҳажми қисқаради. Нархнинг ўзгариши билан таклиф этилаётган товар миқдорининг тўғри боғлиқликдаги ўзгариши **таклиф қонуни** дейилади.

Нарх ва таклиф миқдори ўртасидаги боғлиқлик.

| 1 кг ун нархи (сўм) | 1 ой давомида уннинг якка таклифи миқдори (кг) | 1 ой давомида уннинг бозор таклифи миқдори (тн) |
|---------------------|--|---|
| 350 | 60 | 6,0 |
| 300 | 50 | 5,0 |
| 250 | 30 | 3,0 |
| 200 | 20 | 2,0 |
| 150 | 10 | 1,0 |


Истеъмолчи учун нархнинг ошиши тўсиқ ролини ўйнаса, ишлаб чиқарувчи учун рағбатлантириш вазифасини бажаради.

Нарх даражаси ва таклиф миқдори ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни кўрсатувчи жадвалдаги маълумотларни графикда ифодалаб, **таклиф эгри чизиғини** тасвирлаш мумкин.

Бозорда таклиф қилинадиган товар ҳажмига **нархдан ташқари бир қатор омиллар** ҳам таъсир қилади. Бу омилларнинг асосийлари куйидагилар:

- 1) ресурсларнинг нархи;
- 2) ишлаб чиқариш технологияси;
- 3) солиқ ва субсидиялар;
- 4) бошқа товарларнинг нархи;
- 5) нарх ўзгаришининг кутилиши;
- 6) бозордаги сотувчилар сони.

Р, сўм



Таклиф эгри чизиғи.

2-илова.

Мунозара қатнашчиларига эслатма

1. Мунозара муносабатлар йиғиндиси эмас, балки муаммо ечими услубиятидан иборат.
2. Кўп гапирмасдан бошқаларнинг сўзлашига имкон бер.
3. Мақсадга эришиш йўлида хиссиётларини жиловлаб, батафсил ўйлаган ҳолда сўзла.
4. Рақибларнинг вазиятини ўрганиб, уларга хурмат билан мурожаат қил.
5. Рақибларнинг томонидан айтилган фикрларга танқидий ва истехзоли ёндаш.
6. Мунозара предмети бўйича четга чиқмаган ҳолда тўғри ёндашиб гапир.

Муаммоли семинарнинг бошқарув дастаклари

Бошловчи барча вазифаларни ўзига олади – мунозара бошқичларини бошқариш, жавобларнинг асосланиши ва тўғрилигини тасдиқлаш, қўлланган термин ва тушунчаларнинг аниқлаш, муносабатларни тўғри қўллаш ва бошқалар. Такдимотларнинг таксимотини тўғри бошқариш.

Такризчи – томонларнинг маърузаларини йўналишлар бўйича белгилаш ва тўлиқ характерда баҳолаш: долзарблиги, илмий жиҳати, мантиқийлиги ва масалаларнинг аниқ қўйилганлиги, хулосаларнинг аниқ кўрсатилиши.

Рақиб – қабул қилинган тадқиқот ўртасида рақобатчилик жараёнини шакллантиради. У фақатгина маърузачининг асосий ҳолатини танқид қилиш эмас, шу билан биргаликда, унинг айтган фикрларидан заиф ёки хато томонларини топиш ҳамда ўзининг ҳал қилувчи фикрларини таклиф қилиши ҳам мумкин.

Эксперт – барча мунозараларнинг, жумладан, мунозара қатнашчилари томонидан айтилган фикрларнинг, қилинган хулосаларнинг, таклиф ва гипотезаларнинг махсулдорлигини баҳолайди.

Мунозара регламентини ўтказиш тартиби

1. Бошловчи маъруза мавзуси ва маърузачиларнинг такдимотларини эълон қилади.
2. Маъруза 5 минут давом этади.
3. Такризчи – 2 минут.
4. Рақиб – маъруза мавзуси бўйича фикрларини 1-3 минут такдим этади.
5. Жамоавий муҳокама – 5-10 минут.

Муҳокама ва хулосалар чиқариш учун саволлар

| |
|--|
| <p>1. Талаб қонунини тушунтиринг. Талабга қандай омиллар таъсир қилади? Бу омиллардан ҳар бири ўзгарса, талаб эгри чизиғида қандай ўзгариш рўй беради?</p> <p>2. Таклиф қонунини тушунтиринг. Таклифга қандай омиллар таъсир қилади? Бу омиллардан ҳар бири ўзгарса, талаб эгри чизиғида қандай ўзгариш рўй беради?</p> <p>3. Энгель қонунининг моҳиятини тушунтириб беринг.</p> <p>4. Истеъмолчи хатти-ҳаракати назариясининг асосида нималар ётади? Бу назариянинг асосий қонун-қоидаларини изоҳланг.</p> <p>5. Истеъмолчининг афзал кўриши нима? У истеъмолчи танловига қандай таъсир кўрсатади?</p> <p>6. Ялпи (умумий) нафлилик ва сўнгги қўшилган нафлилик тушунчалари ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?</p> <p>7. Бефарқлик эгри чизиғи нимани ифодалайди? Бефарқлик картаси-чи? Уларнинг истеъмолчи хатти-ҳаракатини тушунтиришдаги аҳамиятини изоҳланг.</p> <p>8. Истеъмолчи бюджети чизиғига нарх ва даромаддаги ўзгаришлар қандай таъсир кўрсатади?</p> |
|--|

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

| Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (балларда) | Мунозара иштирокчилари | | | |
|---|------------------------|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 |
| <i>Маърузанинг мазмуни (2,5):</i> | | | | |
| - мавзуга мос келиши (1,5); | | | | |
| - мантиқийлик, аниқлик (0,5); | | | | |
| - хулосаларни қисқалиги (0,5); | | | | |
| Информацион технологиялардан фойдаланганлиги (кўргазмалилик) – (0,9). | | | | |
| Регламент (0,6) | | | | |
| Жами (4,0) | | | | |
| <i>Маърузанинг тавсифи (3,0)</i> | | | | |
| - маърузанинг кучли томонлари аниқлаш (1,2) | | | | |
| - маърузанинг заиф томонлари аниқлаш (1,2) | | | | |
| Регламент (0,6) | | | | |
| Жами (3,0) | | | | |
| <i>Саволлар:</i> | | | | |
| - ҳар бири учун (0,3) | | | | |
| Қўшимча | | | | |
| - ҳар бири учун (0,3) | | | | |
| - моҳияти бўйича (0,3) | | | | |
| Жами (3,0) | | | | |

Мустақил иш учун вазифа

1. Нон маҳсулотларига бўлган талаб ва таклифни график тарзда ифодалаб келиш.

| | |
|-----------------|------------------------------|
| 8-мавзу. | Рақобат ва монополия. |
|-----------------|------------------------------|

8.1. Маъруза машғулоти технологияси

| | |
|---|--|
| Вақти – 2 соат | Талабалар сони: 30-60 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Визуал, ахборот маъруза |
| Маъруза машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Рақобатнинг моҳияти, объектив асослари ва ривожланиш босқичлари. 2. Рақобатнинг шакллари ва усуллари. 3. Монополияларнинг иқтисодий асоси ва уларнинг турлари. 4. Монополияларнинг афзалликлари ва ижтимоий оқибатлари. 5. Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитининг вужудга келиши ва монополияга қарши қонунчилик. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> рақобат бозор иқтисодиётининг такомиллашиб боришидаги аҳамиятини очиб бериш ва унинг қўлланиши мумкин бўлган усуллари илгари суриш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> - рақобат тўғрисида дастлабки тушунча бериш; - рақобатнинг усуллари ва 2 турини ёритиш орқали улар билимини чуқурлаштириш; - монополиялар пайдо бўлиши ва ривожланишининг иқтисодий асосларини ўрганиш; - монополияга қарши қонунлар тўғрисида тушунча бериш. | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - рақобатга таъриф бериб, унинг турини айтадилар; - гуруҳ намоёндалари ҳар бир рақобат усулини шарҳлайди ва ўз мисолини келтиради; - монополиялар фаолиятининг ижобий ва салбий томонларини асослайдилар; - монополияга қарши қонунларнинг амалий аҳамиятини таҳлил қиладилар. |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Ахборот- маъруза, инсерт, ҳамкорликда ўқитиш техникаси, синквейн |
| Ўқитиш шакли | Фронтал, гуруҳларда |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, проектор, график органайзерлар, ЎТВ/КТ |
| Ўқитиш шарт-шароити | Намунадаги аудитория |

Маъруза машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|-----------------------------|--|---|
| | ўқитувчи | талаба |
| Тайёргарлик босқичи (5 мин) | Аввалги дарснинг сўнгида маъруза матни талабаларга берилди. «Инсерт» техникасини қўллаган ҳолда ўқиб чиқиш тайинланади. Гуруҳларда ўқитиш учун ҳар бир гуруҳ вазифаси ишлаб чиқилади. | Вазифани оладилар ва бажарадилар. |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 1.1. Мавзу мақсад ва режадаги ўқув натижаларини ва уни ўтказиш режасини маълум қилади. Машғулотнинг ўзаро алоқа усулида ўқитишни эълон қилади. 1.2. Талабаларга берилган вазифани эслатади. Мазкур мавзудан қандай янги маълумот олганликларини сўрайди. 1.3. Қандай саволлар туғилганлигини билиш учун, уларни доскага ёзиб чиқади. | <ol style="list-style-type: none"> 1.1. Эшитадилар, ёзиб оладилар. 1.2. Саволларни ўртага ташлайдилар. |
| 2-босқич. Асосий (55 мин.) | 2.1. Талабаларни кичик гуруҳларга ажратади. Ҳар бир гуруҳ мавзунинг маълум бир саволи бўйича “эксперт” бўлишини ва бошқаларни ўқитишни маълум қилади. Эксперт варақалари, оқ қоғоз (А32) маркерларни тарқатади. Саволларнинг мазмунини тушунтирилади. Қайси материалдан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Иш регламенти, баҳолаш мезони билан таништирилади ва машғулот | <ol style="list-style-type: none"> 2.1. Гуруҳлар вазифаларини оладилар ва муҳокама қиладилар. Кичик гуруҳларда ишлашни бошлайдилар. 2.2. Гуруҳда жавобларни тайёрлайди. Кўргазмали материал тайёрлайди. |

| | | |
|--------------------------------|---|--|
| | бошланганини эълон қилади (1,2-илова). 2.2. Мавзу саволларининг жамоа бўлиб муҳокамаси ва тақдимотини эълон қилади. 1) ўзи консультант-арбитр вазифасини ўтайди; 2) қўшимча саволлар беради. 3) ҳар бир савол муҳокамасининг сўнгида ўзаро баҳолашни ташкил этиб, якуний хулоса қилади ва талабалар эътиборини масаланинг муҳим томонларига қаратади. 2.3. Талабалар билимини текшириш мақсадида мавзу саволларига жавоб беришни таклиф қилади. Тезкор савол-жавоб ёки тест ўтказди. | 2.3. Гуруҳ етакчилари ёки аъзолари ўзларининг саволлари бўйича ахборот берадилар. Кўргазмали материалдан фойдаланадилар ва қўшимча саволларга жавоб берадилар. 2.4. Бошқа гуруҳ жавобларини баҳолайди, саволлар беради. |
| 3-босқич Якуний (10 мин) | 3.1. Ўқув фаолиятига якун ясайди. Ўзаро ўқитиш натижаларини эълон қилади. Фаол иштирокчиларни белгилади ва олинган билимларининг келажақдаги аҳамиятини таъкидлайди. 3.2. Мустақил иш учун вазифа беради: мавзу бўйича кластер тайёрлаш. | Вазифани ёзиб оладилар. |

1-илова.

Регламент.

1. Муаммони ечиш ва презентация вароғини ёзиш учун гуруҳда ишлашга - 20 мин.
2. Муаммо ечимини презентация қилиш – 8 мин. гача.
3. Жамоа бўлиб муҳокама қилиш, хулосаларни шакллантириш - 10 мин. гача.
4. Ўзаро баҳолаш – 1 мин.

2 – илова.

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳлар тақдимотни баҳолайди, мезонлар бўйича балларни жамлайди.

| Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари | Максимал балл | 1 гуруҳ | 2 гуруҳ | 3 гуруҳ | 4 гуруҳ |
|--|---------------|---------|---------|---------|---------|
| Ечимлар: | 1,2 | | | | |
| - муаммони ва қуйи муаммони тўғри шакллантириш; | 0,4 | | | | |
| - ечимни муаммо ва қуйи муаммо шаклига мос келиши; | 0,4 | | | | |
| - мантикийлик, аниқлик, хулосаларни қисқалиги. | 0,4 | | | | |
| Тақдимот: | 1,4 | | | | |
| - жавобларни аниқлиги ва тушунарлилиги; | 1,0 | | | | |
| - ҳар бир гуруҳ иштирокчисининг фаоллиги (саволлар, қўшимчалар). | 0,4 | | | | |
| Регламент | 0,4 | | | | |
| Умумий баллар йиғиндиси | 3,0 | | | | |

3-илова.

1-эксперт варағи.

1. Рақобатнинг моҳияти, шакллари, усуллари, вазифаларини айтинг.
(Т-схема, кластер, инсерт техникасидан фойдаланган ҳолда)

2-эксперт варағи.

2. Монополиянинг иқтисодий асосини айтинг ва унинг турларини кўрсатиб беринг.
(Т-схема, кластер, инсерт техникасидан фойдаланган ҳолда)

3-эксперт варағи.

3. Монополияга қарши қандай қонун ва чеклашларни биласиз?
(Т-схема, кластер, инсерт техникасидан фойдаланган ҳолда)

4-эксперт варағи.

4. Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитининг вужудга келиши ва монополияга қарши қонунчилик борасида қандай ишлар қилинмоқда?

(Т-схема, кластер, инсерт техникасидан фойдаланган ҳолда)


4-илова.



Гуруҳларга бериладиган қўшимча саволлар.



1. Рақобатнинг моҳияти ва мақсадини тушунтириб беринг.
2. Рақобатнинг асосий вазифалари нималардан иборат? Бу вазифаларнинг бир-биридан фарқини ажратиб кўрсатинг.
3. Рақобат шаклларига тушунча билан ва уларнинг ҳар бирига хос белгиларини кўрсатинг.
4. Тармоқ ичидаги ва тармоқлараро рақобатнинг фарқини тушунтириб беринг.
5. Ҳалол ва ғирром рақобатлашув усулларига нималар киради?
6. Рақобатлашувнинг демпинг нархларни қўллаш усули қандай шароитларда амалга оширилади?
7. Монополия нима ва унинг вужудга келишининг иқтисодий асослари нималардан иборат? Монополиянинг қандай турлари мавжуд?
8. Капиталнинг тўпланиши ва марказлашуви ўртасида қандай фарқ бор?
9. Табiiй, легал ва сунъий монополияларнинг бир-биридан фарқланишини кўрсатинг.
10. Монополиянинг ижобий ва салбий томонлари нималарда намоён бўлади?
11. Монополияга қарши сиёсат ва монополияга қарши қонунчиликнинг моҳияти қандай?
12. Рақобат муҳитининг шаклланишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
13. Ўзбекистонда монополияга қарши курашувчи ва рақобатни қўллаб-қувватловчи қандай ташкилот бор ва қачон ташкил этилган?

Визуал материаллар

5-илова.







Рақобатда томонларнинг манфаатлари тўқнашади.
Бу манфаатлар уларнинг асосий **мақсадларини** ифодалайди.



Ўқув материаллар

Монополияларнинг иқтисодий асослари ва уларнинг турлари

Иқтисодиётда бозор механизмнинг самарали амал қилиши ва рақобат муҳитининг таъминланиши монополиялар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва амал қилиш хусусиятларини кўриб чиқишни тақозо этади.

Монополия тушунчасига турли ўқув адабиётларида турлича таъриф берилади. Жумладан, баъзи ўринларда уни «давлат, корхоналар, ташкилотлар, сотувчиларнинг қандайдир хўжалик фаолиятини амалга оширишдаги мутлақ ҳуқуқи» сифатида қаралса, бошқа ҳолатларда «фаолиятнинг у ёки бу соҳасида шахс ёки кишилар гуруҳининг ҳар қандай (баъзи адабиётларда – якка) ҳукмронлик ҳолати» деб таърифланади.

Бу таърифлардаги монополиянинг «мутлак ҳуқук» ёки «ҳар қандай ёки яқка ҳукмронлик ҳолати» каби тавсифлари унинг моҳиятини аниқ ёритиб беролмаслиги сабабли, уни қуйидагича таърифлаш ўринли деб ҳисоблаймиз: **монополия – монопол юқори нархларни ўрнатиш ҳамда монопол юқори фойда олиш мақсадида тармоқлар, бозорлар ва яхлит макроиқтисодиёт устидан ҳукмронликни амалга оширувчи йирик корхоналар (фирма, корпорациялар)нинг бирлашмалари.**

«Монополия» атамасининг келиб чиқиши бозорга оид тушунчалардан (яъни, грекча «monos» - ягона, битта ва «poleo» - сотаман) таркиб топсада, бироқ унинг иқтисодий асослари аслида ишлаб чиқаришга бориб тақалади.

Монополиялар вужудга келишининг моддий асоси ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ҳисобланади. **Ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг йирик корхоналарда тўпланишини намоён этади.**

Ишлаб чиқариш тўпланишининг асосий сабаби бўлиб олинаётган фойда ҳажмининг кўпайиши ҳисобланади. Фойдани мунтазам равишда кўпайтириб бориш мақсадида тадбиркор олинган кўшимча маҳсулот (фойда)нинг бир қисмини капиталлаштиради, яъни унга кўшимча ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи сотиб олади. Бу эса баъзи бир корхоналарнинг ўсиши ҳамда ишлаб чиқариш миқёсларининг кенгайишига олиб келади. Шу билан бирга рақобат амалдаги капиталларнинг ихтиёрий ёки мажбурий бирлаштириш, марказлаштириш тенденциясини келтириб чиқаради. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш тўпланишининг моддий асоси бўлиб капиталнинг тўпланиши ва марказлашуви ҳисобланади.

Капиталнинг тўпланиши – бу кўшимча қийматнинг бир қисмини жамғариш (капиталлаштириш) натижасида капитал ҳажмининг ошишидир. Бу жараён қуйидаги кўрсаткичлар орқали тавсифланади: корхонадаги ишловчилар сони, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, қайта ишланаётган хомашё миқдори, товар айланмаси ҳажми, фойда ҳажми.

Капиталнинг тўпланиши капиталнинг марказлашуви жараёни билан янада тўлдирилади. **Капиталнинг марказлашуви – бу бир капитал томонидан бошқа бирининг қўшиб олиниши ёки бир қанча мустақил капиталларнинг акциядорлик жамияти шаклида ихтиёрий бирлашиши орқали капитал ҳажмининг ўсишидир.**

Ишлаб чиқаришнинг горизонтал ва вертикал тўпланиши фарқланади.

Ишлаб чиқаришнинг горизонтал тўпланиши – бу миллий иқтисодиётнинг маълум тармоғи доирасидаги корхона ва фирмаларнинг йириклашувидир. У эркин рақобат даври, шунингдек, ХХ асрнинг бошларида ишлаб чиқариш тўпланишининг асосий шакли сифатида майдонга тушган эди.

Ишлаб чиқаришнинг вертикал тўпланиши – бу миллий иқтисодиётдаги бир неча ўзаро боғлиқ тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўпланишидир. У илмий-техника инқилоби шароитларида кенг ривожланди.

Ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ўз ривожининг маълум даражасида монополияларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ҳамда монополияларнинг пайдо бўлиши ўртасидаги ички алоқалар қуйидагиларда намоён бўлади:

1) тармоқларда бир неча йирик корхоналарнинг ҳукмрон мавқега эга бўлиши уларнинг бир-бири билан келишувига ҳамда монополистик бирлашмалар тузишига имкон яратади;

2) йирик корхоналар ўртасидаги рақобат жуда қалтис бўлиб, улар учун катта миқёсдаги йўқотишларга олиб келиши мумкин. Шунга кўра, рақобатни чеклаш, товарларга юқори нархлар белгилаш ва юқори фойда олиш учун йирик ишлаб чиқарувчиларнинг монополистик иттифоқларга бирлашиши лозим бўлади.

Монополияларнинг вужудга келишида ишлаб чиқаришнинг тўпланишидан ташқари яна бир қатор омиллар таъсир кўрсатади:

1) давлатнинг протекционистик божхона сиёсати. У чет элдаги рақобатчиларнинг ички бозорга кириш имкониятини йўқотиб, монополияларнинг пайдо бўлишига шароит яратади;

2) банкларнинг фаолияти ва молиявий сиёсати. Банклар саноат монополияларининг жадал ўсишига имкон беради.

Монополияларнинг моҳиятини очиб беришда унинг турларини кўриб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Монополияларнинг турларини бир неча мезонларга кўра ажратиш мумкин.

1. Бозорни қамраб олиш даражасига кўра: соф монополия, олигополия ва монополия.

Соф монополия – тармоқдаги ягона ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг нарх ва ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашдаги яқкаҳукмронлик ҳолати ҳисобланади. Ўзбекистонда соф монополиялар сифатида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ДАК, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасини мисол келтириш мумкин. Дарҳақиқат, улар ўз тармоқларидаги тегишли фаолиятларнинг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланадилар. Шунингдек, баъзи ҳолларда тармоқдаги монополистик ишлаб чиқарувчилар сонининг кўпайиб бориши монополистик рақобат ҳолатининг вужудга келишига сабаб бўлади. **Монополистик рақобат – тармоқдаги ишлаб чиқарувчи ёки сотувчилар сони кўп ҳамда улар ўртасида маълум даражада рақобат мавжуд бўлган, бироқ ҳар бир ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи ўз товар ёки хизматининг алоҳида, махсус хусусиятлари мавжудлиги сабабли уларнинг нархи ва ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашдаги маълум даражада**

хукмронлик ҳолати ҳисобланади. Бунга мисол тариқасида кўплаб мебель, кийим-кечак турлари, кир ювиш воситалари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларини келтириш мумкин.

Олигополия – тармоқдаги бир неча йирик ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг нарх ва ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашдаги хукмронлик ҳолати ҳисобланади. Олигополист-ишлаб чиқарувчиларга Ўзбекистонда цемент (асосан Бекобод, Қувасой, Оҳангарон, Навоий шаҳарларида жойлашган), кўмир (Ангрен шаҳри, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё (Шарғун) ва Бойсун (Тўда) туманларида жойлашган) ишлаб чиқаришни мисол келтириш мумкин.

Монополия – тармоқдаги ишлаб чиқарувчи ёки сотувчилар сони жуда кўп бўлиб, улар товар ёки хизматларининг ягона истеъмолчиси ёки харидори мавжуд бўлган шароитдаги яккахукмронлик ҳолати ҳисобланади. Бунга «ЎздЭУавто» корхонаси яққол мисол бўла олади. Мазкур йирик корхона мамлакатимиздаги энгил автомобилларни ишлаб чиқаришда зарур бўлган кўплаб эҳтиёт ва бутловчи қисмларни уларнинг нисбатан майда ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олишда яккахукмронлик мавқеига эга бўлади.

2. Монополиянинг вужудга келиши сабаби ва тавсифига кўра: табиий монополия, легал монополия, сунъий монополия.

Табиий монополия таркибига камёб ва ишлаб чиқаришнинг эркин тарзда такрор ҳосил қилиб бўлмайдиган унсурлари (масалан, нодир металллар, фойдали қазилмалар ва ҳ.к.)га эга бўлган мулкдорлар ва хўжалик ташкилотлари киради. Шунингдек, мазкур монополия таркибига ўзига хос технологиянинг қўлланадиган сабабли рақобатни ривожлантириб бўлмайдиган баъзи бир тармоқлар ва ишлаб чиқариш турлари ҳам киритилади.

Табиий монополия – корxonанинг технологик хусусиятлари сабабли маҳсулотга бўлган талабни қондириш рақобат мавжуд бўлмаган шароитда самаралироқ амалга оширилувчи товар бозорининг ҳолати. Бундай самарадорлик ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиб бориши билан товар бирлигига тўғри келувчи хўжалик харажатларининг аҳамиятли даражада пасайиб боришида намоён бўлади. Шу билан бирга, табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар истеъмолчини бошқа турдаги маҳсулотлар билан алмаштириб бўлмайди.

Легал (қонуний) монополия – бу қонуний тарзда ташкил этилувчи монополистик ҳолат. Улар таркибига рақобатдан ҳимоя қилувчи қуйидаги монополия шакллари киритиш мумкин:

1) патент тизими – бу ихтирочи ва муаллифлар томонидан яратилган ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналарини тасдиқловчи ҳамда уларга мутлақ ҳуқуқни тақдим этиш тизими. Бу жараён махсус гувоҳномалар – патентлар орқали амалга оширилади;

2) муаллифлик ҳуқуқи – илмий, бадиий ва санъат асарлари, ижро санъати фонограммалари, кўрсатувлар, эфир тўлкини ёки кабель орқали тасвир узатиш кабиларни яратиш ва улардан фойдаланиш муносабатларини қонуний тарзда тартибга солиш шакли. Муаллифлик ҳуқуқи фақат муаллифлар томонидан ўз маҳсулотларини маълум вақтга ёки бутунлай сотиш, улардан нусха олиш ва кўпайтиришга рухсат бериш имконини таъминлайди;

3) товар белгилари – бу савдо белгилари, нишонлари, махсус рамзлари, номи ва бошқаларни рўйхатга олиш, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича пайдо бўлган муносабатларни қонуний тарзда тартибга солиш шакли.

Сунъий монополия – монопол фойда олиш мақсадида ташкил этилувчи бирлашмаларнинг шартли (табиий монополиялардан ажратиб туриш учун) номи.

Сунъий монополия ўз манфаатлари йўлида бозор муҳити тузилишини атайлаб ўзгартиради, яъни:

- бозорга янги рақибларнинг кириб келишига йўл қўймаслик учун турли тўсиқлар ҳосил қилади (хомашё ва энергия манбаларини эгаллаб олади; банкларнинг янги корхоналарга кредит беришини тақиқлашга ҳаракат қилади ва бошқалар);

- ишлаб чиқаришнинг энг юксак даражадаги технологиясига эришиб, қолган рақибларининг бу даражага чиқишига имкон бермайди;

- ишлаб чиқариш миқёси самарасидан унумлироқ фойдаланиш имконини берувчи нисбатан йирик ҳажмдаги капитални қўллайди;

- ўз фаолиятини юқори даражада реклама қилиш орқали бошқа рақобатчиларни бозордан сиқиб чиқаришга ҳаракат қилади.

Сунъий монополиялар картель, синдикат, трест, консорциум, концерн каби аниқ шаклларда намоён бўлади.

Монополиянинг **салбий томони** сифатида қуйидаги жиҳатларни кўрсатиш мумкин:

1) ресурсларнинг оқилона тақсимланмаслиги. Бу ҳолат монополияларнинг юқори фойда кетидан қувиб, сунъий равишда ишлаб чиқаришни чеклаш воситасида нархларни кўтариши, маҳсулотларнинг у қадар яхши бўлмаган турларини, паст техникавий даражасини, паст сифати ҳамда сотишнинг ёмон шароитларини вужудга келтириши орқали намоён бўлади. Натижада, рақобат шароитида амал қилувчи иқтисодиёт самарадорлигини бозор воситасида тартибга солиш механизми ишдан чиқади.

Монополиялар билан боғлиқ бўлган иқтисодий фаолиятлар эркин ҳамда оқилона танлов имкониятидан маҳрум бўлади, монополияларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланмаган шарт-шароит ва

нархлари тазйикига чидай олмайди, иш фаоллигини пасайтириб, баъзи ҳолларда хонавайрон бўладилар. Оқибатда ишлаб чиқариш қисқариб, ишсизлик ва инфляция ўсади, хўжаликнинг издан чиқиши кучаяди. Жамият бойлиги ресурсларнинг оқилона рақобатли-бозор тақсимооти шароитида қўлга киритилиши мумкин бўлган миқдорига қараганда камайиб кетади;

2) даромадлардаги тенгсизликнинг кучайиши. Бу ҳолат ҳам нархларнинг монопол тарзда оширилиши (пасайтирилиши) ҳамда юқори фойда олиниши билан боғлиқ бўлиб, бу аҳоли қолган қисми даромадларининг нисбатан камайишига олиб келади;

3) иқтисодий турғунлик ва фан-техника тараққиётининг секинлашуви. Бундай ҳолатнинг вужудга келиши монополистларнинг рақобатчилар босимини сезмасликлари ҳамда аксарият ҳолларда юқори фойдани қўшимча уринишларсиз ўзларининг бозордаги ҳукмронликлари ҳисобига олишлари мумкин. Бу эса уларни ишлаб чиқаришни рационаллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш имкониятларини қидириш, маҳсулот сифатини ошириш, унинг ассортименти кенгайтириш, ФТТни ривожлантириш ва харидорлар манфаатлари тўғрисида қайғуриш каби хатти-ҳаракатлардан қайтаради;

4) иқтисодиётда демократик ҳаракатларнинг тўсиб қўйилиши. Монополистлар иқтисодиётдаги эркин ва ҳалол рақобатга тўсқинлик қилиб, нисбатан кучсиз бўлган корхоналарни ўзларига бўйсундиришлари, жамиятга ўз ишчиларининг меҳнатига пасайтирилган миқдорда ҳақ тўлаш, паст сифатли товарларни ишлаб чиқариш, ўта даражада ошириб юборилган сотиш нархлари (ёки пасайтирилган харид нархлари), ўз маҳсулотини истеъмол қилишга билвосита усул орқали мажбурлаш каби ўзларининг камситувчи шартларини кўндаланг қўйишлари мумкин.

Бундан кўринадики, монополистик фаолият иқтисодий ривожланишига анча жиддий таъсир кўрсатиши, тараққиёт йўлига ғов бўлиши ҳам мумкин. Шунга қўра, бугунги кунда деярли барча мамлакатлар иқтисодиётида монополияларни давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари қўлланилиб, бу **монополияга қарши сиёсат** деб аталади. Давлатнинг монополияга қарши сиёсати асосини **монополияга қарши қонунчилик** ташкил этиб, у турли мамлакатларда турли даражада ривожланган бўлади.

Одатда АҚШдаги монополияга қарши қонунчилик нисбатан илгарироқ ва мукамалроқ ишлаб чиқилган, деб ҳисобланади. У қуйидаги учта қонунчилик ҳужжатларига асосланади:

1. Шерман қонуни (1890 йилда қабул қилинган). Бу қонун савдони яширин монополлаштириш, у ёки бу тармоқдаги яқка назоратни қўлга олиш, нархлар бўйича келишувларни тақиқлайди.

2. Клейтон қонуни (1914 йилда қабул қилинган). Бу қонун маҳсулот сотиш соҳасидаги чекловчи фаолиятларни, нарх бўйича камситиш, маълум кўринишдаги бирлашиб кетишлар, ўзаро боғланиб кетувчи директоратлар ва бошқаларни тақиқлайди.

3. Робинсон-Пэтмэн қонуни (1936 йилда қабул қилинган). Бу қонун савдо соҳасидаги чекловчи фаолиятлар, «нархлар қайчиси», нарх бўйича камситишлар ва бошқаларни тақиқлайди.

1950 йилда Клейтон қонунига **Селлер-КефOVER тузатиши** киритилди. Унда ноқонуний бирлашиб кетишлар тушунчасига аниқлик киритилиб, активларни сотиб олиш орқали бирлашиб кетиш тақиқланди. Агар Клейтон қонуни йирик фирмаларнинг горизонтал равишдаги бирлашиб кетишларига тўсиқ қўйган бўлса, Селлер-КефOVER тузатиши вертикал равишдаги бирлашиб кетишларга чеклов киритди.

8.2. Семинар машғулотида ўқитиш технологияси.

| | |
|---|--|
| Вақти-2 соат | Талабалар сони: 25-30 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Семинар-мунозара |
| Ўқув машғулотининг режаси | 1. Рақобатнинг моҳияти, мақсади ва объектив асослари. 2. Рақобат ва монополия назарияси. 3. Рақобат турлари. Рақобат курашининг шакл ва усуллари. 4. Монополияларнинг моҳияти ва турлари. Ишлаб чиқариш ва капиталнинг тўпланиши ва марказлашуви. 5. Давлатнинг монополияларга қарши тадбирлари. Ривожланган мамлакатлар ва Ўзбекистоннинг монополияларга қарши қонунчилиги. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> рақобат унинг турлари ва монополия борасида талабалар билимини кенгайтириш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> - мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; - билимларни таққослашни, | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - рақобатга таъриф берадилар; - рақобат турларини тавсифлайдилар; |

| | |
|---|--|
| умумлаштиришни, таҳлилни тизимлаштириш кўникмасини ҳосил қилиш; - ўз фикрни шакллантириш ва билдириш жараёнини ташкил қилиш; - коммуникация, гуруҳда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш. | - монополиянинг мазмунини ёритадилар; - ишлаб чиқаришнинг ва капиталининг тўпланишига қисқача характеристика берадилар. |
| Ўқитиш усуллари ва техникаси | Ҳамкорликда ўқитиш, мунозара, тақдирот, блиц-сўров, “Давра суҳбати”, инсерт |
| Ўқитиш воситалари | Ўқув қўлланмалар, проектор, маркерлар, скотч, А32 бичимдаги қоғоз варақлари. |
| Ўқитиш шакллари | Индивидуал, фронтал, гуруҳлар / жуфтликларда ишлаш. |
| Ўқитиш шароитлари | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |

Семинар машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|--|---|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | 1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади. 1.2. Мавзунини мунозара тарзида ўтишини маълум қилади. | 1.1. Диққат билан тинглайдилар ва ёзиб оладилар |
| 2-босқич. Асосий (45 мин.) | 2.1. Мавзу бўйича асосий тушунчаларга тариф беришни таклиф қилади ва шу асосида блиц-сўров ўтказилади. Рақобат унинг моҳияти ва мақсадини ифодалаб беришни топширади. 2.2. Иш гуруҳларда /жуфтликларда ўқув вазифани бажарилгандан сўнг “Давра суҳбати” сифатида давом эттирилишини эълон қилади. “Давра суҳбати” қоидалари билан таништиради (илова 1). Гуруҳларда ишлаш қоидаларини эслатади. | 2.1. Иқтисодий тушунчаларга тариф берадилар. 2.2. Эссе ёзадилар ва ўқиб берадилар. 2.3. Тинглайдилар, саволлар берадилар. |
| 3-босқич. Гуруҳларда жуфтликларда ишлаш (20 мин.) | 3.1. Талабаларни гуруҳларга/ жуфтликларга ажратади. Давра суҳбатида муҳокама қилиш учун саволлар ва вазифаларни тарқатма ва гуруҳлар/жуфтликларга тақсимлайди (илова 2). Вазифани бажаришда қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкин эмаслигини тушунтиради. Натижаларни баҳолаш варақларини тарқатади. 3.2. Гуруҳларда иш бошлаганлигини эълон қилади, маслаҳатлар беради. | 3.1. Ўқув вазифаси, йўриқнома ва натижалар карточкиси билан танишадилар; 3.2. Вазифани бажарадилар, тақдирот варақларини расмийлаштирадилар. |
| 4-босқич. Яқуний (5 мин.) | 4.1. Ишга яқун ясайди, баҳолаш қўяди. 4.2. Мустақил иш учун вазифа беради | 4.1. Тинглайдилар, вазифани ёзиб оладилар. |

1- илова.

Гуруҳ билан ишлаш қоидалари

Ҳар бир гуруҳ аъзоси:

- ўз шерикларининг фикрларини ҳурмат қилишлари лозим;
- берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
- ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;
- ёрдам сўраганларга қўмак беришлари лозим;
- гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим;
- “Биз бир кемадамыз, бирга чўкамыз ёки бирга қутиламиз” қоидасини яхши билишлари лозим.

Гуруҳлар учун вазифалар

1. Гуруҳ.

1. Иқтисодиётда монополиялар, уларнинг фаолият қилиши ва тартибга солиниши изоҳланг.

2. Гуруҳ.

1. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришни изоҳланг.

3. Гуруҳ.

1. Эркин рақобатнинг афзалликлари изоҳланг.

Баҳолаш кўрсаткичлари (баллда)

| Гуруҳ | Мавзунинг ечими | Тушунтириш (аниқлик, мантиқ) | Гуруҳ фаоллиги (қўшимчалар, саволлар) | Жами баллар | Баҳо |
|-------|-----------------|------------------------------|---------------------------------------|-------------|------|
| | (1,2) | (1,2) | (0,6) | (3,0) | |
| 1. | | | | | |
| 2. | | | | | |
| 3. | | | | | |
| 4. | | | | | |

“Инсерт усули”

Инсерт - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилди. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

(v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.

(+) – янги маълумот.

(-) – мен билган нарсага зид.

(?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

| Тушунчалар | V | + | - | ? |
|---------------------------|---|---|---|---|
| Рақобат | | | | |
| Тармоқлар ичидаги рақобат | | | | |
| Тармоқлараро рақобат | | | | |
| Монополия | | | | |
| Соф монополия | | | | |
| Олигополия | | | | |
| Монополистик рақобат | | | | |

Рақобат иштирокчиларининг асосий мақсадлари



| | |
|-----------------|--|
| 9-мавзу. | Нархнинг моҳияти ва шаклланиш хусусиятлари. |
|-----------------|--|

9.1. Маъруза машғулотининг технологияси

| | |
|--|---|
| Вақти – 2 соат | Талабалар сони: 30-60 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Талабалар билан ҳамкорликда бинар маъруза. |
| Ўқув машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Нархнинг мазмуни ва объектив асослари 2. Нархнинг ҳажмига таъсир этувчи омиллар ва нархнинг вазифалари. 3. Нарх турлари ва уларнинг мазмуни. 4. Рақобатнинг турли кўринишлари шароитида нархнинг шаклланиш хусусиятлари. 5. Нарх сиёсати ва унинг Ўзбекистонда амалга оширилиш хусусиятлари. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> нархнинг моҳияти, асоси ва вазифалари борасида аниқ билим бериш, нархларни эркинлаштириш сиёсатининг аҳамиятини очиш ёки рақобатчилик муҳитининг шаклланишида нархларнинг аҳамиятини кўра билиш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> <ul style="list-style-type: none"> - нархнинг мазмуни ва асосий вазифалари билан таништириш; - нарх турлари ва уларнинг мазмуни билан таништириш; - нарх шаклланиши бўйича талабаларда мантиқий ва таҳлилий фикрлашни шакллантириш; - нархларнинг шаклланиши хусусиятларини кўрсатиб бериш. | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: <ul style="list-style-type: none"> - нархнинг мазмунини ёртиши; - унинг вазифаларини санаб бериш; - унинг даражасига таъсир этувчи омилларни кўрсата билиш; - нарх турларига мисоллар келтириш; - нархларни эркинлаштириш борасидаги муаммоларга ўз ечимларини таклиф қиладилар. |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Маъруза, 2 кишилик (бинар) диалог, кластер, Инсерт |
| Ўқитиш шакли | Фронтал, коллектив, гуруҳ |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, проектор, график органайзерлар, чизмалар ЎТВ/КТ |
| Ўқитиш шарт-шароити | Намунадаги аудитория |

Маъруза машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---------------------------------|---|--|
| | Ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 1.1. Мавзу, мақсад ва режалаштирилган ўқув натижаларни маълум қилади. 1.2. Режа ва бинар (2 кишилик) маърузанинг хусусияти билан таништиради. 1.3. Маърузадаги асосий категория ва тушунчаларни мустақил ишлаш учун саволларни, кўшимча адабиётлар рўйхатини келтиради. 1.4. Мазкур машғулотда ўқув фаолиятининг кўрсаткичлари ва баҳолаш мезонларини маълум қилади. | <p>Эшитадилар.</p> <p>Ёзиб оладилар.</p> <p>Аниқлик киритадилар.</p> |

| | | |
|---|--|---|
| <p>2-босқич. Асосий (60 мин.)</p> | <p>2.1. Товар-пул муносабатлари мавзуси билан боғлиқ тезкор саволларни эсга солади. 2.2. Машғулот режасига асосан нархнинг мазмуни ва унинг вазифаларини аниқлаштиради: - нарх, қиймат, ижтимоий қиймат, ижтимоий нафлилик ва пул тушунчаларининг мазмунини 2-чизма ёрдамида тушунтиради. - нарх даражасига таъсир қилувчи омиллар ва нархнинг вазифаларининг мазмунини ёритиб беради. 2.3. Нархнинг турларини санаб, уларга таъриф беради, мисоллар келтиради. 2.4. Рақобатнинг турли шаклларида нархнинг шаклланиши хусусиятлари масаласини ёритишда нарх борасидаги мутахассисга мурожаат қилади ва саволлар беришни таклиф этади: - у турли шароитда нархнинг шаклланиши ва унинг ўзгаришини чизмалар ёрдамида тушунтиради; - шунингдек, ўтиш даврида Ўзбекистонда амалга оширилган нарх сиёсати ва унинг хусусиятларини ёритиб, нархларни эркинлаштириш борасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларига тўхталади. Талабалар саволига жавоб беради.</p> | <p>Бирин-кетин жавоб берадилар. Конспект қиладилар. Ёзиб оладилар, эсда олиб қоладилар. Эшитадилар. Савол берадилар. Фикрлайдилар, саволлар берадилар.</p> |
| <p>3-босқич. Якуний (10 мин.)</p> | <p>3.1. Мавзу бўйича яқун ясайди, талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. 3.2. Нарх категорияси билан боғлиқ Кластер тузиш вазифасини топширади. 3.3. 2 та энг яхши кластерни намойиш қилади, баҳолайди. 3.4. Мустақил иш учун назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида 3 та масала беради (4-илова).</p> | <p>Кластер тузадилар Намойишга тайёрланади. Ёзиб оладилар.</p> |


1 –илова.

Категория бўйича жадвал «Нархлар назарияси»


| КАТЕГОРИИ | | | | |
|-----------|--|--|--|-------|
| | | | | n ... |
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |
| n ... | | | | |

| Таҳлил йўналиши | Таққослама тавсиф | | | | | |
|--------------------|--|-------------------------------|---|-----------------------------|-------------------------------|---|
| | Маршал бўйича | | | Маркс бўйича | | |
| | Объектив асоси | Шаклланиш шarti | Акс фикр | Объектив асоси | Шаклланиш шarti | Акс фикр |
| Нархнинг моҳияти | Алмашинув қиймати нархни шакллантиради | Талаб ва таклиф ўзаро таъсири | + Мувозанат нуктасида талаб ва таклифни тескари харакати нархни издан чиқади | Қиймат нархни шакллантиради | Талаб ва таклиф ўзаро таъсири | - Ижтимоий бозор қиймати ва нарх товарларнинг асосий массасини ўртача қиймати асосида аниқланади |


Товар хусусиятларининг нархга таъсири



Нархга таъсир қилувчи омиллар



Нархнинг вазифалари




МУВОЗАНАТ НАРХ

Мувозанатли нарх – рақобатли кучлар таъсири натижасида бозорда талаб ва таклифни мувозанатлаштирувчи нарх.

Эришилган мувозанат юзага келган бозор вазиятларининг катта иқтисодий самарадорлигидан далолатдир.

Мувозанатли нарх ва мувозанатли товар миқдори хусусиятлари:

1. Бозорда инсонлар истеъмоли учун зарур бўлган миқдордан кўп ҳам, кам ҳам бўлмаган товарлар такдим этилади. Неъматларни ишлаб чиқариш харажатлари уларнинг мувозанатли нархи бўйича қопланади.
2. Мувозанат нуқтасида катта иқтисодий самара ҳам ифодаланган. Истеъмолчи мувозанатли нархга фойдали маҳсулотларнинг катта (унинг даромадига) миқдорини сотиб олади.
3. Бозорда товарлар ортиқчалиги ҳам (аҳоли даромадларининг мазкур ҳажмида сотиш учун ортиқча миқдор), неъматлар танқислиги ҳам кузатилмайди.



Е нуқта – нарх мувозанати нуқтаси

- А) мувозанат нархидан юқори нархларда (P_3)да - талаб таклифдан АВ кесими миқдорига ортиқ бўлади (бозорда товарлар ортиқчалиги).
- Б) мувозанат нархидан паст нархларда (P_1)да - таклиф талабдан MN кесими миқдорига ортиқ бўлади (бозорда товар етишмаслиги).

Бозор нархи D ва S эгри чизиклари кесишган нуқтада ҳосил бўлади. Бу нуқта харидор ва сотувчини тенг қониктиради. Бу бўйича қуйидаги бозор нархлари шаклланиши амал қилади.

Нарх талаб ва таклиф тенг ҳолатдаги даражага интилади

D нинг S дан ортиши - мувозанат нархининг ўсиши

D ва S нинг бир вақтда ўсиши – мувозанат сотув ҳажминин ошишини келтириб чиқаради

S нинг D дан ортиши –мувозанат нархининг түшиши

D ва S бир хил ўзгарса – мувозанат нархи ўзгармайди

Мустақил топширик учун масалалар.

Фирманинг ишлаб чиқариш функцияси куйидагича кўринишга эга:

$$Q = 2xLxK$$

Капитал нархи 6000 сўм, ишчи кучи нархи 10000. Агар фирма бюджети 100000 минг сўм бўлса, у максимал миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш учун қанча ишчи кучидан ва қанча миқдордаги капиталдан фойдаланади? Максимал ишлаб чиқариш ҳажми қанча бўлади?

Фирма 80 бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун 8 бирлик капиталдан ва 5 бирлик ишчи кучидан фойдаланади.

2) Бирор фирманинг ишлаб чиқариш функцияси куйидагича берилган бўлсин:

$$Q = 2 \times L \times K$$

Бир бирлик меҳнат нархи 2 минг сўм, бир бирлик капитал нархи 8 минг сўмга тенг бўлсин. Фирма $Q = 1458$ бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун қанча миқдорда меҳнатга ва капиталга эга бўлиши керак.

3) Агар капитал айланиш узунлиги 4 ойни ташкил этса у вақтда капиталнинг айланишлар сонини аниқланг.

9.2. Семинар машғулотида ўқитиш технологияси.

| | |
|--|---|
| Вақти-2 соат | Талабалар сони: 25-30 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Муаммоли семинар |
| Ўқув машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Нарх, унинг объектив асослари ва вазифалари. 2. Нарх тўғрисидаги турли назариялар. 3. Нарх ташкил топишнинг бозор механизми. Нархнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар. 4. Нарх турлари ва уларнинг қўлланилиш доираси. 5. Бозорнинг турли нусхаларида нархнинг ташкил топиш хусусиятлари. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> нарх унинг турлари, объектив асослари ва вазифалари тўғрисидаги маърузада олинган билимларни мустаҳкамлаш ва аниқлаштириш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> – мавзу бўйича билимларни онгли равишда ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга ундаш. – мавзу бўйича билимларни тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш. – муаммоли масалаларни ечиш одатларини ривожлантириш, муаммони таҳлил қилиш, муқобил ечимларни илгари суриш, якуний хулосани шакллантириш. | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - нарх категориясига таъриф беради; - нархнинг объектив асосини тавсифлайди; - вазифаларини санаб беради; - нарх турларини мазмунини ёритади; - нархдан самарали фойдаланиш учун йўналишлар рўйхатини тузади; - нархнинг ташкил топшидаги муаммоли вазифаларни ҳал қилишда назарий билимларни қўлайди. |
| Ўқитиш усуллари | Муаммоли усул, суҳбат, ақлий ҳужум, мунозара, намойиш қилиш, инсерт. |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, проектор, А32 форматдаги қоғоз, маркер, скотч, ўқув материаллари, конспектлар. |
| Ўқитиш шакллари | Жамоа, гуруҳларда |
| Ўқитиш шароитлари | Гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |

Семинар машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---------------------------------|--|--|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | <p>1.1. Мавзуни, мақсади режадаги ўқув натижаларини эълон қилади уларнинг аҳамиятини ва долзарблигини асослайди.</p> <p>1.2. Саволлар бўйича талабалар билимини ва мазмунли жавобларни долзарблантиради.</p> | Мавзуни ёзадилар ва саволларга жавоб берадилар |

| | | |
|--------------------------------|---|--|
| | Билимларни долзарблаштириш жараёнида талабалар томонидан олинган билимларнинг камлигини эътироф қилади. 1.3. Машғулотнинг муаммоли тарзда ўтишини таъкидлайди. | |
| 2-босқич асосий (55 мин) | 2.1. Муаммоли вазифани талабаларга ўқиб беради (илова 1). Муаммони шакллантиришни ташкил қилади. Таклиф этилган муаммони шакллантириш вариантларини талабалар билан биргаликда таҳлил қилади ва муҳокама қилади. Уларнинг ичидан аниқлаштирилган ва таҳрир қилинган бир вариантни танлайдилар. 2.2. Талабаларни 3 гуруҳга ажратади. Муммоли вазифани ҳал қилишни топширади. Ўқув вазифасини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини тарқатади. Муаммони ҳал қилиш бўйича услубий кўрсатмаларни, кутилаётган натижаларни тушунтириб беради. Ақлий ҳужум, ғояларни танлаш ва баҳолаш, гуруҳларда ишлаш қоидаларни эслатади. Гуруҳ ишларини бошланганлигини эълон қилади. 2.3. Тақдимотни бошлашни эълон қилади. Тақдимот жараёнида жавобларни шарҳлайди. Тўғри қарорни таъкидлайди, хатоларни кўрсатади. Муаммоли вазифа ечимларини мунозара шаклида муҳокамасини ташкил қилади. Талабалар билан биргаликда жавобларни баҳолайди. Жавоблар тўлиқ бўлмаган ҳолда ўзи жавоб беради. Гуруҳларнинг ўзаро баҳолашини ташкил этади. 2.4. Яқун чиқаради. | 2.1. Эшитадилар, муаммони шакллантириш бўйича таклифларни киритадилар. 2.2. Гуруҳларда ишлайдилар: Муаммоли вазифани ҳал қиладилар, тақдимот варақаларини расмийлаштирадилар. 2.3. Муаммоли вазифанинг натижаларини тақдимот қиладилар. Муаммони ҳал қилиш бўйича қарорлар вариантларини муҳокама қиладилар. Ўзаро баҳолайдилар. 2.4. Тинглайдилар |
| 3-босқич Яқуний (15 мин) | 3.1. Ўқув фаолиятини яқунлайди. Талабалар диққатини асосий жиҳатларга қаратади. Муаммони ҳал қилиш жараёнида гуруҳлар фаолиятидаги мувофақиятларни таъкидлайди. Бажарилган ишнинг касбий фаолият учун аҳамиятини таъкидлайди. 3.2. Мустқил иш учун вазифа беради. | 3.1. Тинглайдилар, аниқлаштирадилар. Мустақил иш учун вазифаларни ёзиб оладилар. |

1-илова.

Мунозара қатнашчиларига эслатма

1. Мунозара муносабатлар йиғиндиси эмас, балки муаммо ечими услубиятидан иборат.
2. Қўп гапирмасдан бошқаларнинг сўзлашига имкон бер.
3. Мақсадга эришиш йўлида ҳиссиётларни жиловлаб, батафсил ўйлаган ҳолда сўзла.
4. Рақибларнинг вазиятини ўрганиб, уларга хурмат билан мурожаат қил.
5. Рақибларнинг томонидан айтилган фикрларга танқидий ва мулоҳазали ёндаш.
6. Мунозара предмети бўйича четга чиқмаган ҳолда тўғри ёндашиб гапир.

Муаммоли семинарнинг бошқарув дастаклари

Бошловчи барча вазифаларни ўзига олади – мунозара босқичларини бошқариш, жавобларнинг асосланиши ва тўғрилигини тасдиқлаш, қўлланган термин ва тушунчаларни аниқлаш, муносабатларни тўғри қўллаш ва бошқалар. Тақдимотларнинг тақсимотини тўғри бошқариш.

Тақризчи – томонларнинг маърузаларини йўналишлар бўйича белгилаш ва тўлиқ характерда баҳолаш: долзарблиги, илмий жиҳати, мантиқийлиги ва масалаларнинг аниқ кўйилганлиги, хулосаларнинг аниқ кўрсатилиши.

Рақиб – қабул қилинган тақдирот ўртасида рақобатчилик жараёнини шакллантиради. У фақатгина маърузачининг асосий ҳолатини танқид қилиш эмас, шу билан биргаликда, унинг айтган фикрларидан заиф ёки хато томонларини топиш ҳамда ўзининг ҳал қилувчи фикрларини таклиф қилиши ҳам мумкин.

Эксперт – барча мунозараларнинг, жумладан, мунозара қатнашчилари томонидан айтилган фикрларнинг, қилинган хулосаларнинг, таклиф ва гипотезаларнинг махсулдорлигини баҳолайди.

Мунозара регламентини ўтказиш тартиби

1. Бошловчи маъруза мавзуси ва маърузачиларнинг тақдимотларин эълон қилади.
2. Маъруза 5 минут давом этади.
3. Такризчи – 2 минут.
4. Рақиб – маъруза мавзуси бўйича фикрларини 1-3 минут тақдим этади.
5. Жамоавий муҳокама – 5-10 минут.

2-илова.

Муҳокама ва хулосалар чиқариш учун саволлар

1. Нархнинг иқтисодий мазмунини унинг вазибалари орқали тушунтириб беринг.
2. Қандай нарх турларини биласиз? Уларга қисқача тавсиф беринг.
3. Нархнинг ташкил топиши борасида қандай назариялар мавжуд?
4. Назарияларнинг афзаллик ва камчилик томонларини кўрсатиб беринг.
5. Нарх сиёсати нима?
6. Ўзбекистонда нарх сиёсати амалга оширилишининг қандай хусусиятлари мавжуд?

3-илова.

«Олигополия бозорида нархни шаклланиши»

Эксперт варағи 1

«Дельта» фирмаси школад ишлаб чиқарувчи учта йирик компаниянинг бири ҳисобланади. Бирданига бир фирма ўз маҳсулотининг нархини 20% пасайтирди.

Сизни “Дельта” фирмасининг директорлар кенгашига таклиф қилдилар ва “*Яширинча келишувда нархнинг шаклланиши*” бўйича эксперт бўласиз.

1. Сиз ушбу стратегияни тақдим этишингиз керак.
2. Мавжуд шароитда уни қўллаш имкониятини баҳолайди.
3. “Дельта” фирмасининг кейинчалик нарх стратегиясини тўғрисида ўз ечимингизни таклиф этинг.

Ушбу стратегияни ижобий ва салбий томонларини “Т-схема”си асосида ифодаланг.

Эксперт варағи 2

«Дельта» фирмаси школад ишлаб чиқарувчи учта йирик компаниянинг бири ҳисобланади. Бирданига бир фирма ўз маҳсулотининг нархини 20% пасайтирди.

Сизни “Дельта” фирмасининг директорлар кенгашига таклиф қилдилар ва “*Яширинча келишувда нархнинг шаклланиши*” бўйича эксперт бўласиз.

1. Сиз ушбу стратегияни тақдим этишингиз керак.
2. Мавжуд шароитда уни қўллаш имкониятини баҳолайди.
3. “Дельта” фирмасининг кейинчалик нарх стратегиясини тўғрисида ўз ечимингизни таклиф этинг.

Ушбу стратегияни ижобий ва салбий томонларини “Т-схема”си асосида ифодаланг.

Эксперт варағи 3

«Дельта» фирмаси школад ишлаб чиқарувчи учта йирик компаниянинг бири ҳисобланади. Бирданига бир фирма ўз маҳсулотининг нархини 20% пасайтирди.

Сизни “Дельта” фирмасининг директорлар кенгашига таклиф қилдилар ва “*Нархлар бўйича лидерликда нархни шаклланиши*” бўйича эксперт бўласиз.

1. Сиз ушбу стратегияни тақдим этишингиз керак.
2. Мавжуд шароитда уни қўллаш имкониятини баҳолайди.
3. “Дельта” фирмасининг кейинчалик нарх стратегиясини тўғрисида ўз ечимингизни таклиф этинг.

Ушбу стратегияни ижобий ва салбий томонларини “Т-схема”си асосида ифодаланг.

Эксперт варағи 4

«Дельта» фирмасы школад ишлаб чиарувчи учта йирик компаниянинг бири ҳисобланади. Бирдани бир фирма ўз маҳсулотининг нархини 20% пасайтирди.

Сизни “Дельта” фирмасининг директорлар кенгашига таклиф қилдилар ва “Харажат плюс тамойили бўйича нархни шаклланиши” бўйича эксперт бўласиз.

1. Сиз ушбу стратегияни тақдим этишингиз керак.
2. Мавжуд шароитда уни қўллаш имкониятини баҳолайди.
3. “Дельта” фирмасининг кейинчалик нарх стратегиясини тўғрисида ўз ечимингизни таклиф этинг.

Ушбу стратегияни ижобий ва салбий томонларини “Т-схема”си асосида ифодаланг.

4-илова.

Баҳолар мезони ва кўрсаткичлари жадвали

| Доклад қилувчилар | Докладдаги маълумотнинг тўлиқлиги 60% | Ахборотнинг янгилиги 15% | Ахборотни тасвирлашда воситаларнинг ишлатилиши 15% | Регламент 10% | Жами |
|-------------------|--|-----------------------------|---|------------------|------|
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |
| 4 | | | | | |

| Опонентлар | Докладга қилинган қўшимчалар 40% | Мунозарада қатнашганлиги 20% | Саволлар | | Жами |
|------------|-------------------------------------|---------------------------------|----------|--------|------|
| | | | Микдори | Сифати | |
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |
| ... | | | | | |

| Дискуссия қатнашчилари | Саволлар (0,1 ҳар бири учун) | Мақсадлилиги (0, 3) | Қўшимчалар (0,2 ҳар бири учун) | Жами |
|------------------------|------------------------------|---------------------|--------------------------------|------|
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |
| 3 | | | | |
| 4 | | | | |

Ўқув материаллар

5-илова.

Рақобатнинг турли кўринишлари шароитида нархнинг шаклланиши.

Нархнинг шаклланишига бозорнинг ҳолати бевосита таъсир кўрсатади, чунки нархнинг шаклланишида бозордаги талаб ва таклиф нисбати асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Мукамал рақобат шароитида нархнинг шаклланиши. Эркин рақобат кураши шароитида нархнинг ташкил топиш хусусиятларини тадқиқ этган дастлабки иқтисодчилардан бири А.Маршалл ҳисобланади. Унинг фикрича, товарнинг олди-сотди жараёнига қадар икки хил, яъни сотувчи ва харидор нархлари мавжуд бўлади. Назарий жиҳатдан ҳар икки нархнинг юқори ва куйи даражалари мавжуд. Сотувчи ўз товари нархининг имкон қадар юқори бўлишидан манфаатдор, чунки бундай нарх

унинг фойдаси ҳажмини оширади. Бироқ, эркин рақобат шароитида нархни бошқалардан юкори даражада белгилашга интилиш мазкур сотувчининг бозордан сиқиб чиқарилишига олиб келиши мумкин. Сотувчи нархининг энг паст даражаси шу товарни ишлаб чиқариш учун кетган харажатларни қоплаши керак. Харидор товарни энг паст нархда сотиб олишдан манфаатдор, бироқ эркин рақобатли бозор шароитида унинг ҳам товар сотиб ололмай қолиш хавфи мавжуд бўлади. Харидор нархининг юкори даражаси эса, Маршалл таъбирича, сўнги қўшилган миқдор нафлиликка тенг бўлиши керак.

Монополия шароитида нархнинг шаклланиши. Монополия шароитида нарх шаклланишининг ўзига хос жиҳати шундаки, агар майда товар ишлаб чиқарувчилар фақат ўзларининг индивидуал нархларини ўзгартира олсалар, улардан фаркли ўлароқ бозор иштирокчилари сифатидаги монополиялар бозор нархларини ўзлари белгилай оладилар. Бунда монополиялар оммавий талабнинг ошиши билан нархнинг ошиши ҳамда оммавий таклифнинг ошиши билан нархнинг пасайиб боришидан ўзига хос тарзда фойдаланадилар.

Оммавий тартибда товарларни сотувчи монополиялар ўз манфаатлари йўлида таклиф кам бўлганда нархнинг ошиши тенденциясидан фойдаланадилар.

Монопсония шароитида нархнинг шаклланиши. Монопсония майда товар ишлаб чиқарувчилардан товарларнинг катта ҳажмини сотиб олиб, талаб бўйича нарх қонунидан ўзига хос тарзда фойдаланади.

Олигополия шароитида нархнинг шаклланиши. Олигополия шароитида нархнинг шаклланиши тармоқдаги товар ишлаб чиқарувчилар томонидан қўлланилувчи «эргашиш» ҳамда «инкор этиш» ҳатти-ҳаракатлари орқали изоҳланади.

«Эргашиш» ҳолатида бир олигополист томонидан нарх бўйича қилинган ўзгариш (нархнинг пасайиши ёки оширилиши)га қолган олигополистлар томонидан ҳам эргашиш, яъни шундай ўзгаришлар қилиш кузатилади. Одатда, бозорда ўз товарларига нархни пасайтириш орқали истеъмолчилари сони ҳамда сотиш ҳажмини оширишга қарор қилган олигополист ҳатти-ҳаркатида жавобан қолган олигополистлар ҳам нархларни пасайтирадилар. Натижада нархнинг умумий пасайиши рўй бериб, бозордаги улуш олдинги ҳолда қолади, яъни олигополистнинг ҳатти-ҳаракати самара бермайди.

«Инкор этиш» ҳолатида бир олигополист томонидан нарх бўйича қилинган ўзгариш (нархнинг пасайиши ёки оширилиши)га қолган олигополистлар томонидан инкор этиш, яъни ҳеч қандай жавоб ўзгаришлари қилмаслик кузатилади. Кўпинча бундай ҳолат олигополист томонидан ўз товарига нархни оширган чоғида рўй беради, яъни қолган олигополистлар товарлари нархларини оширмайдилар. Натижада, нархни оширган олигополист ўз истеъмолчиларини йўқотиб, бозордан сиқиб чиқарилади.

6-илова.

“Инсерт усули”

Инсерт - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

| Тушунчалар | V | + | - | ? |
|--------------------|----------|----------|----------|----------|
| Улгуржи нарх | | | | |
| Чакана нарх | | | | |
| Дотациялашган нарх | | | | |
| Демпинг нарх | | | | |
| Нуфузли нарх | | | | |
| Нарх диапазони | | | | |

Муаммоли саволлар

1. Ўзбекистонда давлатнинг нарх сиёсати қандай ва унинг асосий йўналишлари нимадан иборат?
2. Бозор иқтисодиёти шароитида нархнинг шаклланиш механизмини айтинг?

Тестлар

1. Нарх-.....:

- а) олди-сотди воситаси;
- в) ишчи кучининг баҳоси;
- г) қийматнинг ва нафлиликнинг пулдаги ифодаси;
- д) қўшимча қиймат.

2. Баҳолар оралиғидаги фарқларнинг пулдаги миқдорий ифодаси қандай ном билан аталади?

- б) нарх кўрсаткичи;
- в) нарх диапазони;
- г) нарх чегараси;
- д) юқоридаги барча ном билан.

3. Баҳо шаклланишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?

- а) иқтисодий харажатлар;
- в) товарнинг нафлилиги;
- г) рақобат ва давлат сиёсати;
- д) юқоридагиларнинг барчаси.

| | |
|------------------|--|
| 10-мавзу. | Тадбиркорлик фаолияти. Тадбиркорлик капитали ва унинг айланиши. |
|------------------|--|

10.1. Маъруза машғулотининг технологиси.

| | |
|---|--|
| Вақти – 2 соат | Талабалар сони: 30-60 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Муаммоли маъруза. |
| Ўқув машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти ва асосий белгилари. Бизнесни ташкил қилиш асослари. 2. Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари. Акционерлик жамиятини ташкил қилиш ва фаолиятининг асосий тамойиллари. Акция ва облигациялар. 3. Менежмент – корхонани бошқариш тизими сифатида маркетинг, унинг вазифаси, тамойиллари ва аҳамияти. 4. Тадбиркорлик капиталининг моҳияти, унинг ҳаракати ва доиравий айланишининг босқичлари. Тадбиркорлик капиталининг турлари: асосий ва айланма капитал. 5. Тадбиркорлик капиталининг айланиш вақти ва айланиш тезлиги. Асосий ва айланма капиталдан фойдаланиш самарадорлиги. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Тадбиркорлик фаолияти тўғрисида яхлит тасаввур ҳосил қилиш ва тадбиркорлик капитали ҳаракат босқичлари тўғрисидаги билимларни чуқурлаштириш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> -“Тадбиркор”, “мулкдор” тушунчаларига изоҳ бериш; -акция, акционерлик жамияти, облигация, дивиденд тушунчалари-ни моҳиятини очиқ бериш; -менежмент, маркетингнинг моҳия-ти ва вазифалар мазмуни ёритиш; -тадбиркорлик шакллари билан таништириш; -тадбиркорлик капитали, асосий капитал, айланма капитал, амор-тизация ажратмасига таъриф бериш; | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> -“Тадбиркор” ва “мулкдор” тушунчалари ўртасидаги фарқни айтадилар” -акционерлик жамияти ва унинг турларини айтиб берадилар; -облигация, акция, дивидендга таъриф бера оладилар; -менежмент, маркетинг тамойилларини санайдилар; -тадбиркорлик капитали, ҳаракат босқичлари, асосий капитал, айланма капитални изоҳлаб берадилар. |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Муаммоли, фикрлар ҳужуми, |
| Ўқитиш шакли | Фронтал |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, проектор, визуал материаллар, доска, бўр |
| Ўқитиш шарт-шароити | Жиҳозланган аудитория |

Маъруза машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|----------------------------------|--|--|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (5 мин.) | 1.1. Мавзу, мақсад ва маъруза режасини маълум қилади. Ўқув машғулотининг натижалари билан таништиради. Мазкур машғулот муаммоли маъруза тарзида ўтишини эълон қилади. | 1.1. Эшитадилар ёзиб оладилар. |
| 2-босқич. Асосий (65 мин.) | 2.1. Муаммони ҳал қилишдаги изланувчанлик фаолиятида талабалар билимини етарлигини аниқлаш учун аввалги мавзулар бўйича тезкор савол-жавоб ўтказилади. 2.2. Нима деб ўйлайсиз, нима учун тадбиркорлик фаолияти ҳозирги кунда иқтисодий ривожланишнинг асосий фаолият тури бўлиб қолмоқда? Муаммони биргаликда ҳал қилишни таклиф этади. 2.3. Талабалар фаоллигини ошириш мақсадида “аклий | 2.1. Саволларга жавоб берадилар. 2.2. Муаммони ёзиб оладилар. |


| | | |
|----------------------------------|---|---|
| | <p>хужум”дан фойдаланишни таклиф этади (10- илова). Ҳар қандай фикр қўллаб-қувватланади.</p> <p>2.4. Муаммонинг муҳокамасини ташкил этади.</p> <p>Бунинг учун ҳал қилинадиган кичик муаммолар аниқланади (11-илова).</p> <p>1) ўқитувчи маслаҳатчи – арбитр вазифасини ўтайди.</p> <p>2) қўшимча саволлар беради.</p> <p>3) жавобларга изоҳ беради, хулоса қилади, ўзаро баҳолашни ташкил этади.</p> <p>4) фикрлар ичидан энг мақбулини танлайди, шарҳлайди, талабани рағбатлантиради.</p> <p>Мавзу бўйича олинган билимларни текшириш мақсадида доскага савол ёзади ва жавоб беришни сўрайди. Айниқса “фикрлар хужуми”да иштирок этмаган талабалардан кўпроқ сўрашга ҳаракат қилади.</p> | <p>2.3. Ўз ечимларини таклиф этадилар, кўргазмалардан мисоллардан фойдаланиб жавоб берадилар.</p> <p>Жавоб берадилар.</p> |
| 3-босқич. Яқуний (10 мин.) | 3.1. Ўқув фаолиятига яқун ясайди, эришилган натижаларни умумлаштиради. Энг яхши фикрларни баҳолайди. | Эшитадилар, мустақил иш учун вазифаларни ёзиб оладилар. |

Ўқув материаллари

1-илова.

Тадбиркорлик

Тадбиркорлик – ишлаб чиқариш жараёнида унинг омиллари: ер, меҳнат, капитални бирлаштирувчи, билим ва ташаббускорлик ва таваккалчилик асосида даромадли ишлаб чиқаришни ташкил этишни назарда тутувчи ишлаб чиқаришнинг махсус омили



Тадбиркорликнинг хусусиятлари


Тадбиркорлик объектлари

- * корхона (фирма)
- * даромадли иш

Тадбиркорлик субъектлари

- * тадбиркор
- * ишлаб чиқариш омиллари мулкдорлари
- * менежерлар (бошқарувчилар)
- * акционерлар
- * товарларни етказиб берувчилар (харидорлар)
- * давлат
- * касаба уюшмалари

Тадбиркорлик объектлари ва субъектлари




2-илова.

Тадбиркорлик турлари, менежмент

Молиявий тадбиркорлик – тижоратнинг бир тури. Бу ерда пуллар, валюта, қимматли қоғозлар олди-сотди объекти ҳисобланади.

Воситачилик тадбиркорлиги – ўзаро манфаатдор томонларнинг бирлаштириш бўйича фаолият.

Тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари



Тадбиркорлик турлари


Асосий капитал (асосий фондлар) – меҳнат воситаларида табиий мужассам бўлган ишлаб чиқариш капиталининг бир қисми, ишлаб чиқаришнинг бир неча даврларида хизмат қилади, охиригача табиий шаклини сақлаб қолади, қийматини амортизация кўринишида моддалар бўйича маҳсулотга ўтказди, бу амортизация ҳисобидан қайта тикланади ва фирмага маҳсулотни сотиш бўйича қайтарилади (бинолар, иншоотлар, машиналар, дастгоҳлар, асбоблар).

Айланма капитал (айланма фондлар) – меҳнат воситаларида табиий мужассам бўлган ишлаб чиқариш капиталининг бир қисми, бир ишлаб чиқариш даврида хизмат қилади, маҳсулотни сотишга қийматини бутунлай ўтказди, ҳар бир даврда тикланади ва ҳар бир сотувда фирмага қайтади (хомашё, материаллар, ёкилги, энергия).


Табиий эскириш – асосий капитал элементларининг ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилиб келгусида фойдаланиш учун табиий равишда кераксиз бўлиб қолиши жараёни.

Маънавий эскириш – янада арзон ёки янада замонавий ускуна пайдо бўлиши натижасида асосий капиталнинг қадрсизланиши жараёни. ФТИ билан боғлиқ.

Амортизация (лот. *amortisatio* - қоплаш) – асосий фондлар қийматининг улар ёрдамида ишлаб чиқарилувчи маҳсулот ёки хизматга аста-секин ўтиши, пул воситаларини мақсадли тўплаш ва уларни эскирган асосий фондларни қоплаш учун қўллаш.



Асосий фондларни активлар ва пассивларга бўлиниши
Асосий жамғармаларнинг тuzилиши



Менежмент, унинг усул ва вазифалари

Маркетинг

Маркетинг – айирбошлаш орқали кишилар эҳтиёжини қондиришга қаратилган фаолият тури

Маркетингнинг мақсадлари

Истеъмолчини юқори даражада қондиришга эришиш

Иложи борича юқори даражадаги истеъмолга эришиш

Товар ва хизматларнинг юқори даражадаги танловини тақдим этиш

Кишиларнинг турмуш сифатини юқори даражада ошириш (сифат, ассортимент, хизмат кўрсатиш маданияти ва ҳ.к.)

Маркетинг хизматининг вазифалари

- Макро - ва микромуҳитни (демографик, сиёсий, иқтисодий, табиий ва ҳ.к.) баҳолаш;
- бозор (харидорлар, товарлар, нархлар, сотувчилар ва ҳ.к.) тавсифини ўрганиш;
- бозорнинг салоҳиятини (имкониятини) ўрганиш;
- бозорни сегментлаш (улуши) таҳлили, бозорнинг мақсадли сегментларини танлаш;
- товар савдоси таҳлили, товарларни тақсимлаш каналларини топиш (яратиш) (воситачилик хизмати);
- рақобатчилар товарларини (хизматларини) ўрганиш (сифат, ассортимент, номенклатура ва ҳ.к.);
- қисқа муддатли прогнозлаш;
- товарлар (хизматлар) ҳаётийлик даврининг ҳисоб-китоби;
- бозорга кириш усуллари ва янги товарни бозорга чиқариш босқичларини ишлаб чиқиш;
- талаб ва таклифни мослаштириш;
- янги (товар, нарх, сервис ва ҳ.к.) дан таъсирланишни баҳолаш;
- узоқ муддатли прогнозлаш;
- давлатнинг нарх сиёсати ва бозорни ўрганиш;
- нарх ҳосил бўлишининг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқиш;
- сотишни рағбатлантириш (реклама, тарғибот), ахборотни тарқатиш воситаларини танлаш

Маркетинг тамойиллари:


*«Эҳтиёжларни топинг ва уларни қондиринг»
«Ишлаб чиқараётганингизни сотишга урингандан кўра, сотиш мумкин бўлган
нарсаларни ишлаб чиқаринг»*

Маркетингнинг мақсадлари, вазифалари ва тамойиллари

4-илова.



5-илова.



6-илова.

Акция ва акция курси


Акция - бу унинг эгаси ҳиссадорлик жамияти капиталига ўзининг маълум ҳиссасини қўшилганлигига ва унинг фойдасидан дивиденд шаклида даромад олиш ҳуқуқи борлигига гувоҳлик берувчи қимматли қоғоз

Акциянинг номинал қиймати - акцияда ифодаланган пул суммаси.
 Акция курси-қимматли қоғозлар бозорида акцияларнинг сотиладиган баҳоси


$$\text{Акция курси} = \frac{\text{Дивиденд}}{\text{Ссуда фонди}} * 100$$




Тадбиркорлик капитали - тадбиркорлар ихтиёрида бўлиб, ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган барча моддий воситалар, товарлар ва пул маблағлари




Тадбиркорлик капитали ва унинг ҳаракатидаги икки томонлама хусусиятнинг намоён бўлиши



2.1. Кичик бизнесни ривожлантириш мақсадли ривожланиш концепцияларининг ижроси





Фикрлар ҳужуми - (брейнсторминг –ақлий ҳужум) фикрлар бўрони

- амалий ёки илмий муаммони ҳал қилишда ғояларни коллектив равишда илгари суриш усули. Фикрлар ҳужуми вақтида иштирокчилар биргаликда қийин масала ёки муаммони ечдилар. Иложи борича кўпроқ ғоялар таклиф этилиб, улар танқид остига олинмайди. Бу усулнинг афзаллиги ҳам шундан иборат бўлиб, ҳар қандай ғоя, ҳатто мантиқсизлари ҳам ҳисобга олинади. Уларнинг ҳаммаси ёзилади, таҳлил қилинади, баҳоланади ва шундан кейингина улар ичидан энг самарали, оптимал рационал ечими танлаб олинади. Коллектив фикрлар ҳужумида 15 тагача иштирокчи бўлиб, 1 соатгача давом этади. Ялпи фикр ҳужумида катта аудитория (60 кишигача), микрогуруҳларда ўтказиш мумкин.

МУАММОЛАР

1-муаммо. Нима деб ўйлайсиз, нима учун тадбиркорлик фаолияти ҳозирги кунда иқтисодий ривожланишнинг асосий фаолият тури бўлиб қолмоқда?

Кичик муаммолар:

1. “Тадбиркор” тушунчасининг “мулкдор” тушунчасидан фарқи нима?
2. “Тадбиркорлик” ва “Бизнес” тушунчаларининг-чи?
3. Нима учун тадбиркор таҳлика билан фаолият кўрсатади?

2-муаммо. Тадбиркорлик фаолиятининг у ёки бу шаклининг устунлиги нимага боғлиқ?

Кичик муаммолар:

1. Қандай шароит тадбиркорликнинг келиб чиқишига сабаб бўлган?
2. Тадбиркорлик шакллари бир-биридан қайси хусусиятлари билан фарқ қилади?

3-муаммо. Нима учун капитал доимо доиравий айланишда бўлади?

Кичик муаммолар:

1. Асосий ва айланма капиталнинг ўзи нима?
2. Улар ўртасидаги нисбат нимага боғлиқ?
3. Амортизация фондидан қандай фойдаланиш самаралироқ?

Асосий тушунчалар.

Тадбиркорлик фаолияти – шакли ва соҳасидан қатъий назар фойда олишга ва ундан самарали фойдаланиш мақсадига қаратилган иқтисодий фаолият.

Акциядорлик жамияти – кўпроқ фойда олиш мақсадида акциялар чиқариш орқали меҳнат, меҳнат қуроллари ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари ҳамда пул ресурс (капитал)ларини бирлаштирган уюшма.

Акция – бу унинг эгаси акциядорлик жамияти капиталига ўзининг маълум ҳиссасини қўшганлиги ва унинг фойдасидан дивиденд шаклида даромад олиш ҳуқуқи борлигига гувоҳлик берувчи қимматли қоғоз.

Акция курси – қимматли қоғозлар бозорида акцияларнинг сотиладиган нархи.

Облигация – унинг эгаси жамиятга қайд қилинган фоиз олиш шарти билан пул қўйганлигини тасдиқловчи қимматли қоғоз.

Таъсисчилик фойдаси – сотилган акциялар ва акциядорлик корхонасига ҳақиқатда қўйилган маблағлар суммаси ўртасидаги фарқ.

Дивиденд – акция эгаси ўзлаштирадиган даромад тури.

Тадбиркорлик капитали – тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган барча моддий воситалар, товарлар ва пул маблағлари.

Айланма капитал – унумли капиталнинг бир доиравий айланиш давомидаги ишлаб чиқариш жараёнида тўлиқ истеъмол қилинадиган, ўз қийматини яратилган маҳсулотга тўлиқ ўтказадиган ва ашёвий-буюм шаклини ҳам йўқотадиган қисми.

Асосий капитал – унумли капиталнинг ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) жараёнида бир қатор доиравий айланишлар давомида қатнашиб, ўзининг қийматини тайёрланаётган маҳсулотга (хизматга) бўлиб-бўлиб ўтказиб борадиган ва хизмат муддати давомида ўзининг ашёвий-буюм шаклини ўзгартирмайдиган қисми.

Амортизация нормаси – амортизация ажратмалари йиллик суммасининг асосий капитал

қийматига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

10.2. Семинар машғулотида ўқитиш технологияси

| | |
|---|--|
| Вақти- 4 соат | Талабалар сони: 25-30 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича амалий машғулот. |
| Семинар машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти, асосий белгилари ва вазифалари. 2. Тадбиркорлик фаолиятининг асосий шакллари ва уларнинг тавсифи. 3. Акционерлик жамиятлари, уларни ташкил қилиш тамойиллари ва фаолият қилишининг хусусиятлари. Акция ва облигациялар, уларнинг турлари. 4. Корхоналарни бошқаришда менежмент тизими. Маркетинг, унинг турлари, вазифалари. 5. Тадбиркорлик капиталининг моҳияти, унинг ҳаракат шакллари ва доиравий айланиши. 6. Тадбиркорлик капиталининг турлари: асосий ва айланма капитал. Асосий капитални такрор ишлаб чиқариш. Амортизация фонди. 7. Тадбиркорлик капиталидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> тадбиркорлик фаолияти, акционерлик жамиятлари, менежмент, маркетинг, тадбиркорлик капитали тўғрисида талабалар билимларини аниқлаштириш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> - мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; - билимларни таққослашни, умумлаштиришни, таҳлилни тизимлаштириш кўникмасини ҳосил қилиш; - ўз фикрни шакллантириш ва билдириш жараёнини ташкил қилиш; - коммуникация, гуруҳда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш; | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - тадбиркорлик фаолияти акция, облигаци, менежмент, маркетинг тушунчаларига таъриф беради; - очик турдаги акционерлик жамиятларига таъриф беради ва мисоллар келтиради; - акция ва облигациянинг бир-биридан фарқини топади; - асосий ва айланма капитални тавсифлайди; - амортизациянинг моҳиятини очиб беради; - тадбиркорлик капиталининг айланиш босқичларини ифодалайди. |
| Ўқитиш усуллари ва техникаси | Биргаликда ўқиш, мунозара, тақдимот, Блиц сўров, график ташкил этувчилар, Т- жадвал, “Вена” диаграммаси |
| Ўқитиш воситалари | Ўқув қўлланмалар, маъруза матни, флип чарт, маркер, скотч, қоғоз |
| Ўқитиш шакллари | Гуруҳий, коллектив. |
| Ўқитиш шароитлари | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлашга мослаштирилган аудитория. |

Семинар машғулотининг технологик картаси (1-машғулот)

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|--------------------------------|--|--|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (5 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади. 1.2. Талабаларни фаоллаштириш мақсадида мавзунинг таянч иборалари асосида блиц-сўров ўтказиши (1-илова). 1.3. Ўқитиш гуруҳларда ишлаш технологияси асосида олиб борилишини эълон қилади. | <ol style="list-style-type: none"> 1.1. Тинглайдилар, ёзиб оладилар. 1.2. Саволларга жавоб берадилар |
| 2-босқич. Асосий | 2.1. Талабаларни 4 гуруҳга ажратади. Ўқув топшириқларини тарқатади (2-илова). | 2.1. Ўқув топшириқларини баҳолаш |

| | | |
|----------------------------------|--|--|
| (65 мин.) | <p>Ҳар бир талаба гуруҳ баҳосига мос равишда баҳо олишини тушунтиради, гуруҳларда ишлаш қоидалари билан таништиради (1-илова). Гуруҳларда ишлаш натижаси А32 бичимдаги қоғозларда кўрсатилиши кераклигини маълум қилади.</p> <p>Мавзу муҳокамаси гуруҳларга ишлар тақдимотидан сўнг давом этишини эълон қилади.</p> <p>2.2. Вазифа бутун гуруҳ томонидан бажарилишини эълон қилади. Вазифани бажаришда дарслик, маъруза матнлари ва бошқа қўлланмалардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади.</p> <p>Гуруҳларда ишларни бошлашни эълон қилади.</p> <p>2.3. Тақдимот ва гуруҳларда ишлаш натижаларини ўзаро баҳолашни ташкил этади. Жавобларни шарҳлайди, билимларни умумлаштиради, вазифани бажариш жараёнидаги асосий хулосаларга эътиборни қаратади.</p> | <p>кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишадилар. Вазифани бажарадилар.</p> <p>2.2. Тақдимот қилади, тўлдиради, бошқа гуруҳларга саволлар беради ва ўзаро баҳолашни амалга оширади. Ёзиб олади.</p> |
| 3-босқич. Якуний (10 мин.) | <p>4.1. Машғулотга яқун ясайди, хулосаларни умумлаштиради, гуруҳда фаол иштирок этган талабаларни баҳолайди.</p> <p>4.2. Мустақил иш учун вазифа беради: Венна диаграммаси тўлдириш (6-илова).</p> | <p>4.1. Тинглайдилар, аниқлаштирадилар.</p> <p>4.2. Мустақил иш учун вазифани ёзиб оладилар.</p> |

1-илова.

Асосий тушунчалар.

| |
|---|
| <p>Тадбиркорлик фаолияти, акциядорлик жамияти, акция, акция курси, облигация, таъсисчилик фойдаси, дивиденд, тадбиркорлик капитали, айланма капитал, асосий капитал, амортизация нормаси.</p> |
|---|

2-илова.

Гуруҳ билан ишлаш қоидалари

Ҳар бири ўз шерикларининг фикрларини ҳурмат қилишлари лозим;
 Ҳар бири берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
 Ҳар бири ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;
 Ҳар бири ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;
 Ҳар бири гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим.

3-илова.

“Синквейн” (5 қатор) техникаси

Мақсад – категорияга характеристика бериш
 Синквейн схемаси:

- 1–қатор – тушунча
- 2-қатор – тушунчани тавсифловчи 2 сифат
- 3-қатор – ушбу тушунча вазифалари тўғрисидаги 3 та феъл
- 4-қатор – ушбу тушунча моҳияти тўғрисидаги 4 сўздан иборат сўз сўз бирикмаси
- 5-қатор – ушбу тушунча синоними.

4-илова.

Ўқув топшириқлар

1-гуруҳ

1. «Тадбиркорлик», «капитал» тушунчаларига синквейн тузинг.
2. Жадвалдан фойдаланиб тадбиркорлик шаклларини таққосланг:

| Тадбиркор-лик шакллари | Қандай шакл-ланади | Кимга тегишли | Ким бошқаради | Фойда (зарар) қандай тақсимланади | Асосий устувор томонлар | Асосий камчиликлар |
|------------------------|--------------------|---------------|---------------|-----------------------------------|-------------------------|--------------------|
| Шахсий | | | | | | |
| Хусусий | | | | | | |
| Акционерлик жамияти | | | | | | |

2-группа

- «Менеджмент», «маркетинг» тушунчаларига синквейн тузинг.
- Жадвалдан фойдаланиб капиталнинг функционал шакллари таққосланг:

| Капитал | Айланиш босқичлари (формула) | Функцияси (вазифаси) | Соҳаси |
|--------------------------|------------------------------|----------------------|--------|
| Пул кўринишида | | | |
| Товар кўринишида | | | |
| Ишлаб чиқарувчи (унумли) | | | |

3-группа

- «Облигация», «амортизация» тушунчаларига синквейн тузинг.
- Жадвалдан фойдаланиб самарадорлик кўрсаткичларини таққосланг:

| <i>Самарадорлик кўрсаткичи</i> | | <i>Ҳисоблаш формуласи</i> | |
|--------------------------------|--|---------------------------|--|
| Умумий | | | |
| Асосий фондлардан фойдаланиш | | | |
| Айланма фондлардан фойдаланиш | | | |

4-группа

- “Самарадорлик”, “акция” тушунчаларига синквейн тузинг.
- Жадвалдан фойдаланиб акция ва облигацияларга тавсиф беринг:


| | Иқтисодий моҳияти | Даромадлилик | Амал қилиш муддати | Эмитент | Таваккалчилик (риск) | Асосий умумий белгилари | Асосий фарқлар |
|-----------|-------------------|--------------|--------------------|---------|----------------------|-------------------------|----------------|
| Акция | | | | | | | |
| Облигация | | | | | | | |

5-илова.

Семинарни баҳолаш жадвали

| Группа | Синквейн аъло – 0,5 балл яхши -0,4 балл қон-ли – 0,3 балл | | | | | Таққослама таҳлил аъло – 0,5 балл яхши -0,4 балл қон-ли – 0,3 балл | | | | | Умумий балл (5+10 устун) | Баҳо |
|--------|--|---|---|---|------|---|---|---|---|------|--------------------------|---|
| № | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| | 1 | 2 | 3 | 4 | жами | 1 | 2 | 3 | 4 | жами | 3 балл | 2-3 –«аъло» 1-2 –«яхши» 0,5-1-«қон-ли». |
| 1 | - | | | | | - | | | | | | |
| 2 | | - | | | | | - | | | | | |
| 3 | | | - | | | | | - | | | | |
| 4 | | | | - | | | | | - | | | |

Венна диаграммаси



Семинар машғулотининг технологик картаси (2-машғулот)

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|----------------------------------|---|--|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (5 мин.) | <p>1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади.</p> <p>1.2. Талабаларни фаоллаштириш мақсадида мавзунинг таянч иборалари асосида блиц-сўров ўтказилади, тадбиркорликни самарали амалга ошириш учун уч омил айтилади.</p> <p>1.3. Ўқитиш гуруҳларда ишлаш технологияси асосида олиб борилишини эълон қилади.</p> | <p>1.2. Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>1.2. Саволларга жавоб берадилар</p> |
| 2-босқич. Асосий (65 мин.) | <p>2.1. Талабаларни 4 гуруҳга ажратади. Ўқув топшириқларини тарқатади.</p> <p>Ҳар бир талаба гуруҳ баҳосига мос равишда баҳо олишини тушунтиради, гуруҳларда ишлаш қоидалари билан таништиради. Гуруҳларда ишлаш натижаси А32 бичимдаги қоғозларда кўрсатилиши кераклигини маълум қилади.</p> <p>Мавзу муҳокамаси гуруҳларга ишлар тақдимотидан сўнг давом этишини эълон қилади.</p> <p>2.2. Вазифа бутун гуруҳ томонидан бажарилишини эълон қилади. Вазифани бажаришда дарслик, маъруза матнлари ва бошқа қўлланмалардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади.</p> <p>Гуруҳларда ишларни бошлашни эълон қилади.</p> <p>2.3. Тақдимот ва гуруҳларда ишлаш натижаларини ўзаро баҳолашни ташкил этади. Жавобларни шарҳлайди, билимларни умумлаштиради, вазифани бажариш жараёнидаги асосий хулосаларга эътиборни қаратади.</p> | <p>2.1. Ўқув топшириқларини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишадилар. Вазифани бажарадилар.</p> <p>2.2. Тақдимот қилади, тўлдирди, бошқа гуруҳларга саволлар беради ва ўзаро баҳолашни амалга оширади. Ёзиб олади.</p> |
| 3-босқич. Яқуний (10 мин.) | <p>4.1. Машғулотга яқун ясайди, хулосаларни умумлаштиради, гуруҳда фаол иштирок этган талабаларни баҳолайди.</p> <p>4.2. Мустақил иш учун вазифа беради: Венна диаграммаси тўлдириш (6-илова).</p> | <p>4.1. Тинглайдилар, аниқлаштирадилар.</p> <p>4.2. Мустақил иш учун вазифани ёзиб оладилар.</p> |

Семинарни баҳолаш жадвали

| Гуруҳ | Жавобларнинг тўлиқлиги, аниқлиги (1,0) | | | | Кўрғазмалилик (0,5) | | | | Ҳар бир гуруҳ аъзосининг фаоллиги (0,5) | | | | Умумий баллар йиғиндиси (2,0) |
|-------|--|---|---|---|---------------------|---|---|---|---|---|---|---|-------------------------------|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 1 | 2 | 3 | 4 | 1 | 2 | 3 | 4 | |
| 1 | - | | | | - | | | | | - | | | |
| 2 | | - | | | | - | | | | | - | | |
| 3 | | | - | | | | - | | | | | | |
| 4 | | | | - | | | | - | - | | | | |

Алоҳида тест ишлаш 1 балл.

Тест.

1. Тадбиркорлик фаолияти.....

- а) фойда олиш мақсадида таваккалчилик билан амалга ошириладиган фаолият;
- б) бозор субъектлари ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ таваккалчиликка эга бўлиш учун курашни англатади;
- в) истеъмол жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган восита;
- г) асосий капитални кенгайтириш ва уни такрор ишлаб чиқаришга қилинадиган сарфлар;
- д) иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган тадбирлар.

2. Тадбиркор фойда олишга қаратилган мақсадни қандай вазифаларни бажариш орқали рўёбга чиқаради?

- а) бизнесга тегишли асосий қарорлар қабул қилиш;
- б) иқтисодий ресурсларни бирлаштириш;
- в) ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятида ташаббус кўрсатиш;
- г) таҳликага бориш;
- д) юқоридагиларнинг барчаси орқали.

3. Бизнес – режанинг моҳияти қуйидаги тасдиқлардан қайси бирида тўлароқ намоён бўлади?

- а) режалаштиришнинг аниқ ифодаланиши;
- б) фирмани бошқариш воситаси;
- в) янги ғоя мақсадининг асосланиши;
- г) мақсадга эришиш йўллариининг таклиф қилиниши;
- д) юқоридагиларнинг барчаси.

4. Бизнес фаолият тури сифатида қуйидагилардан қайси бирини ўз ичига олади?

- а) ишлаб чиқариш ва уни ташкил этишни (режалаштириш ва таъминот ҳам ўз ичига олган);
- б) маркетинг фаолиятини (реклама ва нарх сиёсати билан бирга);
- в) бошқаришни;
- г) молиявий таъминлашни;
- д) юқоридагиларнинг барчасини.

5. Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиш шарт-шароитлари нимадан иборат?

- а) хўжалик юритиш субъекти сифатида иқтисодий эркинликка эга бўлиш;
- б) мулкчилик ҳуқуқига эга бўлиш;
- в) иқтисодий муҳит ва ижтимоий-сиёсий шарт-шароит;
- г) мулкчилик ва хўжалик юритишнинг турли-туман шакллари;
- д) юқоридагиларнинг барчаси.

6. Тадбиркорлик капитали қандай шаклларда мавжуд бўлади?

- а) пул ва унга тенглаштирилган қимматли қоғозлар шаклида;
- б) унумли капитал ёки ишлаб чиқариш воситалари шаклида;
- в) товар ва маҳсулот захиралари шаклида;
- г) тугалланмаган ишлаб чиқариш ва эҳтиёт фондлари шаклида;
- д) юқоридагиларнинг барчаси.

7. Бизнеснинг асосий унсури

- а) савдо;
- б) ишчи кучи;
- в) меҳнат;

- г) тадбиркорлик;
- д) харидор.

8. Акциянинг даромад келтиришига кўра қандай турлари мавжуд?

- а) қисқа муддатли ва узоқ муддатли;
- б) оддий ва имтиёзли;
- в) ютуқли ва ютуқсиз;
- г) бирламчи ва иккиламчи;
- д) тўғри жавоб йўқ.

9. Дивиденд -

- а) акционерлик жамияти соф фойдасининг акционерларга тегадиган бир қисми;
- б) қимматли қоғоз;
- в) муддатли қарз;
- г) иқтисодий ёрдам;
- д) тўғри жавоб йўқ.

10. Акционерлик мажлисида овоз бериш ҳуқуқига эга шахслар

- а) облигация эгалари;
- б) оддий акция эгалари;
- в) имтиёзли акция эгалари;
- г) чек эгалари;
- д) сертификат эгалари.

3-илова.

Гуруҳларда ишлаш учун топшириқлар

Эксперт варағи 1.

1-масала

Қиймати 25000 сўм бўлган машинанинг маънавий эскиришини аниқланг, агар у 10 йил давомида амортизация орқали қопланса, лекин 4 йилдан сўнг, қиймати 16000 сўм, амортизация муддати ана шундай бўлган, янги машина билан алмаштирилган.

Эксперт варағи 2.

2-масала

Қорхонанинг оборот капитали харажати бир йилга 2 млн. сўм, авансланган оборот капитал эса 4 млн. сўм. Йиллик қўшилган қиймат меъёрини аниқланг, агар олинган фойда йилига 3 млн. сўм.

Эксперт варағи 3.

3-масала

Асосий капиталнинг қиймати 40000 сўм капитални таъмирлаш учун сарфлар 15000 сўм хизмат даври 10 йил.

Амортизация нормасини аниқланг.

Эксперт варағи 4.

4-масала

Тижорат фирмаси бир йилда савдо сотиқ ишини юритиш учун 15 млн. долл. жорий сарф қилган, шунинг эвазига 1,4 млн. фойда кўрган. Бинобарин фойда нормаси 9,3 % ни ташкил этади.

Фирма 20 млн. долл. капитал сарфлади. 1,4 млн. долл. фойда олди. Ушбу масалада қўйилган капиталнинг фойда келтириш даражасини аниқланг.

| | |
|------------------|---|
| 11-мавзу. | Корхона (фирма) харажатлари ва фойдаси |
|------------------|---|

11.1. Маъруза машғулотининг технологик картаси

| | |
|---|---|
| Вақти – 2 соат | Талабалар сони: 30-60 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Ахборот, визуал маъруза |
| Ўқув машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси ва унинг таркиби. 2. Ишлаб чиқариш харажатлари турлари 3. Қисқа ва узоқ даврда ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгариш тамойиллари. 4. Фойданинг мазмуни. Фойда нормаси ва массаси. 5. Фойданинг тақсимланиши ва ишлатилиши. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> ишлаб чиқариш харажатлари ва фойдасининг иқтисодий мазмуни, шакллари ва турлари, зарар ва банкротлик тўғрисидаги талабалар билимини шакллантириш ва чуқурлаштириш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> <ul style="list-style-type: none"> - харажатларининг моҳияти, таркиби, таснифланиши ва аниқлашнинг турли йўналишлари билан таништириш; - ишлаб чиқариш харажатларининг турларини тавсифлаш, уларнинг қисқа ва узоқ муддатлардаги хусусиятларини изоҳлаш; - даромад ва фойданинг шаклланиши тушунтирилади; - фойда нормаси, фойда массаси тушунчалари ва уларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар тушунтирилади; - фойданинг тақсимланиш механизмини тушунтириш. | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: <ul style="list-style-type: none"> - ишлаб чиқариш харажатларига таъриф берадилар ва таркибини айтиб берадилар; - умумий, доимий, ўзгарувчан харажатлар, ички ва ташқи, ўртача харажатларни, ишлаб чиқариш ва муомала харажатларини, даромад ва фойданинг шаклланиши, меъёрий фойда, иқтисодий фойда, фойда массаси ва нормаси тушунчаларини тавсифлаб, мисоллар келтирадилар; - фойданинг тақсимланиш механизмини тушунтириб берадилар. - Зарарнинг моҳияти ва вужудга келиш сабаблари тушунтирилади; - фойда массаси ва нормаси ҳамда зарар миқдорига таъсир қилувчи омиллар айтиб берилади, мисоллар келтирилади. |
| Ўқитиш услублари ва техникаси | Визуал маъруза, “биргаликда ўқиймиз”, инсерт, тақдимот, тест, амалий топшириқлар, блиц-сўров |
| Ўқитиш шакли | Коллектив, гуруҳий, фронтал. |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, проектор, доска, бўр, КТ-ЎТВ, |
| Ўқитиш шарт-шароити | КТ-ЎТВ билан жиҳозланган аудитория |

Маъруза машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---------------------------------|---|---|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 1.1. Маъруза машғулотининг визуал тарзда ўтишини маълум қилади. 1.2. Мавзу, унинг мақсади, режа ва ўқув машғулотининг натижалари, дарс жараёнининг режаси, билан таништиради. Дарсни мустақкам-лаш учун тарқатма материаллар тарқатилади. 1.3. Мавзу бўйича билимларни аниқлаштириш ва билимларни фаоллаштириш мақсадида тезкор савол-жавоб ўтказилади. (Дарс жараёнининг 1-босқичи бу сўров дарс самарадорлигини аниқлаш учун ҳам керак. 1.4. Дарснинг таҳлилий маъруза услубида бўлишини эълон қилади. | 1.1 Эшитадилар, ёзадилар, тарқатма материаллар билан танишиб чиқадилар, жавоб берадилар |

| | | |
|----------------------------------|--|--|
| 2-босқич. Асосий (55 мин.) | 2.1. Экранга ишлаб чиқариш харажатлари мазмуни ва турларини, фойда унинг турлари, фойда массаси ва фойда нормаси тушунчаларини, Корхонанинг зарар кўриш сабабларини, “Санация” тушунчаси кўргазмали равишда акс эттирувчи визуал материаллардан фойдаланиб маъруза ўтади. 2.2. Асосий минимум саволлари бўйича саволларга жавоб олинади. 2.3. Мавзуга яқун ясайди, хулосалар чиқаради. 2.4. Талабаларни фаоллаштириш мақсадида талабаларни 10 тадан ошмаган гуруҳларга бўлиб, аниқ ечим талаб қиладиган; ўйлашга ва мушоҳадага чорлайдиган муаммоли саволлар берилади. (15-илова) | 2.1. Гуруҳлар бўйича савол-лар муҳокама қилинади ва жавоб берадилар. 2.2.Эшитадилар, ўз фикрлари ва саволлари билан фаол иштирок этадилар. 2.3. Саволлага жавоб берадилар. |
| 3-босқич. Яқуний (15 мин.) | 3.1. Олинган билимлар юзасидан тест савол-жавоби ўтказади (16-илова) ва умумий назорат натижаларини эълон қилади. 3.2. Мустақил иш учун вазифа беради (17-илова). | Тест ечадилар ва топширикни олададилар |

Визуал материаллар

1-илова.


Харажатлар ва корхона фойдаси

Харажатлар – ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқариш омиллари харид қилиш ва ундан фойдаланиш харажатлари.

Фойда – товар ва хизматлар даромадларининг бу товарларни ишлаб чиқариш ва сотишга қилинган харажатлардан ортган қисми.


▶ **Ташқи (бухгалтерия) харажатлар** – фирманинг ташқаридан ресурсларни харид қилишга бевосита пул харажатлари.

▶ **Ички харажатлар** – фирманинг пулда ҳисобга олинмаган ички ресурслари харажатлари.




Харажатларнинг кўринадиган ва кўринмайдиган турларга бўлиниши

2-илова.



Иқтисодий ва бухгалтерия харажатлари ҳамда корхонанинг умумий тушуми таркибидаги фойда

3-илова.




Харажатларнинг доимий, ўзгарувчан, умумий, ўрта ва чегаравий (маржинал) турларга бўлиниши

4-илова.

Доимий, ўзгарувчан, умумий, ўрта ўртача ва чегаравий (маржинал) харажатларни аниқлаш ва уларга оид мисоллари

| Харажатлар | Маълум | Масалан |
|---|--|--|
| Доимий FC (Fixed costs) | Ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмаган харажатлар | 1000 ш.б. |
| Ўзгарувчан VC (Variable costs) | Ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ ҳолда ўзгарувчи харажатлар | 1400 ш.б. (5та буюм) |
| Умумий TC (Total costs) | Ишлаб чиқаришнинг доимий ва ўзгарувчан суммаси | 1000+1400=2400 ш.б. |
| Ўрта ATC(Average Total costs) | Ишлаб чиқаришнинг маҳсулот бирлигига харажатлари | 2400:5=480 ш.б. |
| Чегаравий (маржинал) MC (Marginal costs) | Ҳар қайси янги маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришда умумий харажатларнинг ортиши | 5-маҳсулот – 2400 6-маҳсулот – 3000 } 600 ш.б |




Ишлаб чиқаришни кенгайтиришда корxonанинг фойда ва зарарлари
Фирманинг фойда ва зарарлари динамикаси


5-илова.

Корхона – маҳсулот, товарлар, хизматларни ишлаб чиқарувчи, ишларни бажарувчи, фойда олиш мақсадида иқтисодий фаолият турлари билан шуғулланувчи юридик шахс ҳуқуқига эга мустақил хўжалик юритувчи субъект.



5-илова.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига таъсирига қараб
 харажатларни туркумлаш







Фирманинг амал қилиши хусусиятлари



Харажатларнинг намоён бўлиш соҳасига кўра туркумланиши.



Харажатларнинг жалб этилиш манбаига кўра туркумланиши



Маҳсулот қиймати таркиби.

| | | |
|---|---------------------|-----------------------------------|
| Сарфланган ишлаб чиқариш воситалари қиймати (Қ_{ив}) | Иш хақи (ИХ) | Ялпи фойда (Ф_я) |
| ←———— Маҳсулот таннари (Т) —————→ | | |
| ←———— Маҳсулот қиймати (Қ) —————→ | | |

12-илова.

Фойда

Фойда (марксча изоҳ) –қўшимча қийматнинг ўзгартирилган шакли ёки сотилган қўшимча қиймат.

Фойда (замонавий изоҳ) – «капиталнинг чегаравий (маржинал) маҳсулоти»дан даромад.

Фойда меъёри – фойданинг ишлаб чиқариш харажатларига нисбатининг фоизда ифодаланиши

Иқтисодий
категориянинг
изоҳи

- ❖ фойда – ишлаб чиқаришнинг ҳамма омилларидан даромад, яъни рента, фоиз ва иш хақи;
- ❖ фойда – тадбиркорлик фаолияти ва техникани такомиллаштириш усуллари қўлланганлиги учун мукофот;
- ❖ фойда – қалтислик ва ноаниқлик учун тўлов

Фойданинг сифат тавсифи

Фойда – товар ва хизматлардан олинган даромаднинг бу товарларни (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларидан ортиши. Тадбиркорлик субъектини хўжалик юритиш фаолияти молиявий натижаларининг муҳим кўрсаткичи.

Ялпи фойда – хўжалик юритиш фаолияти маҳсулотини сотишдан тушум ва ишлаб чиқариш омиллари харажатлари йиғиндиси ўртасидаги пулда ифодаланган фарқ.

Соф фойда – солиқ, йиғим ва ажратмалар тўлангач қоладиган маблағ.


Бухгалтерия фойдаси – нарх (савдодан тушган даромадлар) ва ҳисобга олинган бухгалтерия харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланади.

Иқтисодий фойда – фирманинг харажатлардан ортувчи (меъерий фойдани ўз ичига олувчи) умумий даромади.

Меъерий фойда – мазкур корхона доирасида тадбиркорлик қобилиятини сақлаб қолиш учун зарур энг кам тўлов. Ички харажатларга боғлиқ.

Монопол фойда фирманинг бозордаги монопол ўрни (газ, нефть, темир йўл ва ҳ.к.), шунингдек қулай табиий шарт-шароитлар (ноёб фойдали қазилмалар, қулай иқлим ва ҳ.к.) да юзага келади.


Таъсисчилик фойдаси – очик обуна бўйича акцияларни сотиш қиймати ва корхонага жойлаштирилган реал капитал ўртасидаги фарқ бўлиб, акциядорлик жамияти таъсисчилари томонидан ўзлаштирилади.



Фойда меъёрини белгилувчи ишлаб чиқариш омиллари

13-илова.

Ялпи фойданинг тақсимланиши



14-илова.

Дастлабки билимларни актуаллаштириш учун саволлар

1. Харажатларнинг иқтисодий мазмуни нима?
2. Ҳаётингизда қандай харажатларни амалга оширгансиз?
3. Корхона харажатлари билан шахсий харажатлар ўртасида қандай боғлиқликлар ва фарқлар мавжуд?
4. Харажатларнинг таркиби нималардан иборат бўлиши мумкин?
5. Фойда миқдори қандай шаклланади?
6. Фойда массаси ва нормаси деганда нимани тушунасиз?
7. Даромад билан фойдани фарқлаб беринг?
8. Фойданинг бозор иқтисодиётидаги аҳамияти нимадан иборат?
9. Зарар ва банкротликнинг моҳиятини тушунтиринг
10. Санациянинг иқтисодий моҳиятини асосланг.

15-илова.

Муҳокама учун саволлар

1. Ишлаб чиқариш сарф-харажатларининг моҳиятини ва таркибини тушунтиринг.
2. Ички ва ташқи харажатлар ўртасидаги фарқ нимадан иборатлигини мисол орқали тушунтиринг.
3. Ўртача доимий, ўзгарувчи ва умумий харажатларнинг мазмуни ҳамда уларнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.
6. Фойданинг мазмуни ва манбаини тушунтиринг.
7. Иқтисодий фойда ва бухгалтерия фойдасининг фарқи нимада? Уларнинг шаклланиш тартибини тушунтириб беринг.
8. Ялпи фойданинг тақсимланиш тартибини тушунтириб беринг. Мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллариининг турлилиги фойданинг тақсимланиш тартибига қандай таъсир кўрсатади?

9. Фойда массасига таъсир кўрсатувчи омилларни изоҳлаб беринг.

10. Ишлаб чиқариш ресурслари таркибидаги қуйидаги ўзгаришлардан қайсилари узоқ муддатли даврдаги харажатларга киради:

- а) компания нефтни қайта ишловчи янги усқунани ўрнатади;
- б) корхона яна 200 ишчини ёллади;
- в) фермер ўз участкасида қўлланиладиган ўғит миқдорини кўпайтиради;
- г) фабрикада учинчи смена жорий қилинади.

11. Сарфларнинг қуйидаги турлари харажатларнинг қайси туркумига тегишли эканлигини аниқланг: маҳсулот рекламасига сарфлар, корхона чиқарган заёмлар бўйича фоиз тўловлари; хом ашёга сарфлар, кўчмас мулкка солиқ тўловлари, бошқарув ходимлари маоши; ишчиларга иш ҳақи тўловлари; амортизация ажратмаси.

16-илова.

Тестлар

1. Ишлаб чиқариш харажатлари - бу.....

- а) товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қилинадиган барча сарфлар;
- б) ялпи пул тушумидан барча харажатлар чиқариб ташлангандан кейин қолган қисми;
- в) кўпайиб борувчи эҳтиёжларни қондирувчи манба;
- г) асосий капитални кенгайтириш ва уни такрор ишлаб чиқаришга қилинадиган сарфлар;
- д) тўғри жавоб йўқ.

2. Доимий харажатлар нима?

- а) асосий фондлар;
- б) фирмаларнинг ўзгармас пассив ва активлари;
- в) фирмаларнинг доимий активлари;
- г) ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмаган харажатлар;
- д) доимий ашё харажатлари.

3. Ўзгарувчан харажатлар нима?

- а) ишлаб чиқариш ҳажмига қараб ўзгарадиган харажатлар;
- б) ҳамиша ўзгарадиган харажатлар;
- в) доимий капиталнинг айланма фондларга нисбати;
- г) ўзгарувчан капитал ва амортизация;
- д) ҳамма жавоблар тўғри.

4. Ялпи харажатлар нима?

- а) доимий ва хом-ашё харажатлари;
- б) доимий капитал ва ижара пул;
- в) ўзгарувчан капитал ва амортизация;
- г) асосий ва ўзгарувчан харажатлар йиғиндиси;
- д) иш ҳақи ва хом-ашё харажатлар.

5. Доимий харажатларнинг таркибий элементларини белгиланг.

- а) ишлаб чиқаришнинг ҳамма харажатлари;
- б) иш ҳақи ва хом-ашё харажатлари;
- в) амортизация ва ишчиларнинг иш ҳақи;
- г) фақат амортизация;
- д) амортизация, ижара ҳақи, юқори даражадаги менежерлар ойлиги.

6. Ўзгарувчан харажатларнинг таркибий элементини белгиланг.

- а) ижара ва суғурта харажатлари;
- б) ишчиларнинг иш ҳақи ва хом-ашё харажатлари;
- в) амортизация ва иш ҳақи;
- г) фақат иш ҳақи;
- д) тўғри жавоб йўқ.

17-илова.

Мустақил иш учун вазифа.

1. Бирор корхона ёки фирманинг иқтисодий фаолиятини таҳлил қилинг.
2. Корхонанинг харажатлари ва фойдасини таққосланг.
3. Харажатлар ва фойда миқдорига таъсир илувчи омилларин келтиринг.
4. Фойда нормасини ошириш учун ўз таклифларингизни беринг.

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари.

| Гуруҳлар | Бажарилган ишнинг тўлиқлиги (1,2) | Тушунтириш (матик ва аниқлик) (1,2) | Фаоллик, саволлар ва жавоблар, (0,6) | Баллар йиғиндиси (3) |
|----------|-----------------------------------|-------------------------------------|--------------------------------------|----------------------|
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |
| 3 | | | | |
| 4 | | | | |
| 5 | | | | |
| 6 | | | | |
| 7 | | | | |
| 8 | | | | |

11.2. Семинар машғулотида ўқитиш технологияси

| | | |
|--|--|--|
| Вақти-2 соат | Талабалар сони: 10-30 нафар | |
| Ўқув машғулотининг шакли | Семинар-мунозара | |
| Семинар мавзусининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Корхона ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси. Харажатлар таркиби ва турлари. 2. Тижорат харажатлари, унинг турлари ва қоплаш манбалари. 3. Корхонанинг пул даромадлари ва фойдаси. Фойда массаси ва нормаси, уларга таъсир қилувчи омиллар. 4. Фойда нормасининг пасайиб бориш қонуни. Корхоналарнинг зарар кўриши ва унинг чегаралари. Корхоналарнинг синиши (банкрот бўлиши). 5. Корхоналарни санація қилиш, унинг мазмуни ва амалга ошириш шарт-шароитлари. | |
| <p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> корхона харажатлари пул даромадлари ва фойда тўғрисидаги талабалар билимини янада чуқурлаштириш. Мустақил фикрлаш ҳамда аниқ таҳлилий кўникмаларини шакллантириш. Назарий билимларни амалий билимлар билан боғлаш.</p> | | |
| <p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> ▪ Мавзу бўйича билимларни онгли равишда ўзлаштириш ва мустақамлашга ундаш. ▪ Амалий вазият таҳлили схемаси билан таништиради. ▪ Индивидуал в гуруҳий муаммолар таҳлили қарорлар қабул қилишни билимларини кўрсатиб бериш. ▪ Мустақил ишлаш, билимларни тизимлаш, таққослаш, умумлаштириш билимларини ишлаб чиқиши; ▪ Гуруларда ишлаш ва мулоқотга киришиш билимларини шакллантириш. | <p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Харажатларнинг иқтисодий мазмунини билиш; • Харажат, фойда тушунчаларига таъриф беради. • Даромад ва унинг турларини тавсифлайди. • Тижорат харажатларининг турларини санайди. • Фойда массаси ва нормасининг мазмунини ёрита олиши; • Харажатлардан самарали фойдаланиш учун йўналишлар рўйхатини туза олиши; • Корхоналарнинг синиши ва уларни санація қилиш билан боғлиқ муаммоли вазифаларни ҳал қилишда назарий билимларни қўллай олиши. | |

| | |
|--|---|
| ▪ Мавзу бўйича билимларни тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш. | |
| Ўқитиш усуллари ва техникаси | Мунозара, ҳамкорликда ўқитиш, техника: такдимот, блиц-сўров, “Давра суҳбати”, инсерт |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, проектор, А32 форматдаги қоғоз, маркер, скотч, ўқув материаллари, конспектлар. |
| Ўқитиш шакллари | Коллектив, гуруҳларда ва индивидуал, фронтал, |
| Ўқитиш шароитлари | КТ-ЎТВ билан жиҳозланган аудитория, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория. |

Семинар машғулотининг технологик картаси.

| Боскичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-боскич. Тайёргарлик (10 мин.) | 1.1. Мавзуни, мақсади режадаги ўқув жараёнинг режасини, эришилиши керак бўлган натижаларини эълон қилади уларнинг аҳамиятини ва долзарблигини асослайди. 1.2. Семинар машғулоти мунозара тарзида ўтишини маълум қилади ва мунозара қоидалари билан талабаларни таништиради. 1.3. Иштирокчиларни кичик жуфтлик гуруҳларга ажратади. | 1.1. Эшитадилар, ёзадилар. 1.2. Топшириқларни қабул қилади ва саволларга жавоб берадилар 1.3. Визуал материаллар билан танишадилар |
| 2-боскич. Асосий (50 мин.) | 2.1. Мавзу бўйича асосий тушунчалар асосида блиц-сўров ўтказилади (1-илова). 2.2. Ҳар бир гуруҳга кичик эссе ёзиш топшириғи берилади. 2.3. Белгиланган савол мазмуни бўйича гуруҳларда муҳокамани ташкиллаштиради ва муоммоли саволлар берилади (4-илова). 2.4. Белгиланган савол мазмуни бўйича гуруҳларда музокарани ташкиллаштиради, вазият таҳлили схемаси бўйича ишнинг қоидаларига эътибор бериб боради. 2.5. Гуруҳларнинг қарашларини аниқлаштириб белгилаб боради. Мунозара ўтказиш, муаммони шакллантириш, ечиш йўллари белгилаш ва ечиш учун топшириқлар давом эттиради (3-илова). | 2.1. Иқтисодий тушунчаларга таъриф берадилар. 2.2. Эссе ёзадилар, ёзилган эссени ўқиб берадилар. 2.3. Саволларни муҳокама қилади, жавобларни аниқлаштиради, ўзла-рининг қарашларини шакллантирадилар 2.4. Ўз қарашларини ҳимоя қиладилар, фикрларини асослаш далилларини келтирадилар. |
| 3-боскич. Умумлаштирувчи такдимот (10 мин.) | 3.1. Гуруҳда такдимотни, баҳолашни ва чиқиш натижаларини ташкиллаштиради. 3.2. Вазият таҳлили ва ечими бўйича жавобларни умумлаштиради. | 3.1. Гуруҳдаги вакиллари ўзларининг қарашларини асослаш учун такдимот қиладилар. 3.2. Қолган иштирокчилар гуруҳларнинг чиқишларини баҳолайди ва саволлар билан иштирок этадилар. |
| 4-боскич. Яқуний (10 мин.) | 4.1. Яқуний хулоса қилади, ўзоро баҳолаш натижаларини эълон қилади. 4.2. Талабалар диққатини асосий жиҳатларга қаратади. Муаммони ҳал қилиш жараёнида гуруҳлар фаолиятидаги мувоффақиятларни таъкидлайди. Бажарилган ишнинг касбий фаолият учун аҳамиятини айтиб ўтади. 5.3. Мустақил иш учун вазифа беради. | 4.1. Тинглайдилар, аниқлаштирадилар. Мустақил иш учун вазифаларни ёзиб оладилар. |

Блиц-сўров бўйича саволлар

Ишлаб чиқариш харажатлари
 Ички харажатлар
 Ташқи харажатлар
 Доимий харажат
 Ўзгарувчи харажат
 Ўртача харажатлар
 Кўшимча харажатлар
 Тўғри харажатлар
 Эгри харажат
 Даромад
 Фойда
 Иқтисодий ёки соф фойда
 Фойда нормаси

“Инсерт усули”

Инсерт - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилди. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

| Тушунчалар | V | + | - | ? |
|------------|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

Мунозара қатнашчиларига эслатма

1. Мунозара муносабатлар йиғиндиси эмас, балки муаммо ечими услубиятидан иборат;
2. Кўп гапирмасдан бошқаларнинг сўзлашига имкон бер.
3. Мақсадга эришиш йўлида ҳиссиётларини жиловлаб, батафсил ўйлаган ҳолда сўзла.
4. Рақибларнинг вазиятини ўрганиб, уларга хурмат билан мурожаат қил;
5. Рақибларнинг томонидан айтилган фикрларга танқидий ва истехзоли ёндаш;
6. Мунозара предмети бўйича четга чиқмаган ҳолда тўғри ёндашиб гапир.

Мунозара регламентини ўтказиш тартиби

1. Бошловчи маъруза мавзуси ва маърузачиларнинг тақдимотларини эълон қилади.
2. Маъруза 5 минут давом этади.
3. Тақризчи – 2 минут.
4. Рақиб – маъруза мавзуси бўйича фикрларини 1-3 минут тақдим этади.
5. Жамоавий муҳокама – 5-10 минут.

4-илова.**Гуруҳларда муҳокама ва хулосалар чиқариш учун саволлар**

1. Ишлаб чиқариш сарф-харажатларининг моҳиятини ва таркибини тушунтиринг.
2. Ички ва ташқи харажатлар ўртасидаги фарқ нимадан иборатлигини мисол орқали тушунтиринг.
3. Ўртача доимий, ўзгарувчи ва умумий харажатларнинг мазмуни ҳамда уларнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.
4. Фойданинг мазмуни ва манбаини тушунтиринг.
5. Иқтисодий фойда ва бухгалтерия фойдасининг фарқи нимада? Уларнинг шаклланиш тартибини тушунтириб беринг.
6. Ялпи фойданинг тақсимланиш тартибини тушунтириб беринг. Мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллариининг турлилиги фойданинг тақсимланиш тартибига қандай таъсир кўрсатади?

5-илова.**Баҳолар мезони ва қўрсаткичлар жадвали**

| Доклад қилувчилар | Докладдаги маълумотнинг тўлиқлиги 60% | Ахборотнинг янгилиги 15% | Ахборотни тасвирлашда воситаларнинг ишлатилиши 15% | Регламент 10% | Жами |
|-------------------|--|-----------------------------|---|------------------|------|
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |

| Опонентлар | Докладга қилинган қўшимчалар 40% | Мунозарада қатнашганлиги 20% | Саволлар | | Жами |
|------------|-------------------------------------|---------------------------------|----------|--------|------|
| | | | Миқдори | Сифати | |
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |

| Мунозара иштирокчилари | Саволлар (0,1 ҳар бири у-н) | Мақсадлилиги (0, 3) | Қўшимчалар (0,2 ҳар бири учун) | Жами |
|------------------------|---------------------------------|--------------------------|-----------------------------------|------|
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |
| 3 | | | | |
| 4 | | | | |

| | |
|------------------|---|
| 12-мавзу. | Иш ҳақи ва меҳнат муносабатлари. |
|------------------|---|

12.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

| | |
|--|--|
| Вақти – 2 соат | Талабалар сони нафар 25-30 нафар |
| Ўқув машғулоти шакли | Муаллифлик маърузаси |
| Ўқув машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Яратилган маҳсулот ва даромадларнинг тақсимланиш тамойиллари. 2. Иш ҳақининг иқтисодий мазмуни. 3. Иш ҳақини ташкил этиш шакллари ва тизимлари. 4. Меҳнат муносабатларининг иқтисодий мазмуни ва касаба уюшмаларининг роли. 5. Давлатнинг иш ҳақи сиёсати. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Иш ҳақининг табиати ва меҳнат муносабатларининг мазмуни тушунчалари тўғрисида чуқурроқ билим бериш ва уларнинг эволюцияси тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> -иш ҳақининг иқтисодий мазмунини ечиб беради; -иш ҳақи билан боғлиқ бўлган назарияларни баён қилиб, даромадларнинг тақсимланиши тамойилларини тушунтиради; -иш ҳақни ташкил этиш шакллари ва тизимларини тавсифлайди; -меҳнат муносабатларининг иқтисодий мазмунини ёритиб беради; -бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистонда иш ҳақи ва меҳнат муносабатлари билан боғлиқ муаммоларни келтиради. | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> -иш ҳақи, меҳнат муносабатларига ишчи кучи бозори тушунчаларига таъриф беради; -иш ҳақи тўғрисидаги турли назарияларни тавсифлайди; -номинал, реал иш ҳақи ва тариф тизимининг мазмунини айта олади; -меҳнат шартномаси, меҳнат можаролари тушунчаларини ёритиб бера олади; -иш жойлари, даромад, иш ҳақи билан боғлиқ муаммолар билан танишади. |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Муаллифлик, ақлий ҳужум, тезкор савол-жавоб, инсерт, тест |
| Ўқитиш шакли | Фронтал, гуруҳ, индивидуал |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, проектор, визуал материаллар, доска, бўр |
| Ўқитиш шарт-шароити | Намунадаги аудитория |

Маъруза машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|----------------------------------|--|--|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (5 мин.) | 1.1. Мавзу, мақсад, ўқув машғулотининг натижалари ва машғулот режасини маълум қилади. 1.2. Талабаларга жуфтликда ишлашни – ўйлашни ва мазкур дарснинг хусусиятига, унинг муаммоларига эътибор қаратишни таклиф этади. | Ёздилар. Топшириқни бажарадилар. |
| 2-босқич. Асосий (60 мин.) | 2.1. Талабалар билимини фаоллаштириш мақсадида блиц-сўров ўтказди. Қуйидаги саволлар билан мурожаат қилади. -даромад олишнинг қандай йўллари биласиз? -унинг миқдори нимага боғлиқ? -даромад ҳаммага тенг тақсимланиш керак, деган нуқтаи назарга қандай қарайсиз? 2.2. Бу ва бошқа саволларга жавоб топиш мақсадида иш ҳақининг ўзи нима, унинг қандай турлари, тизими бор, деган саволларни атрофлича ёритиб беради. Даромаднинг тақсимланиш борасида Сей ва Кларк назарияларини | Эшитадилар, жавоб берадилар. Ёздилар. |

| | | |
|----------------------------------|--|---|
| | <p>солиштиради. Т-схема орқали ифодалайди.</p> <p>2.3. Асосий тушунчаларга изоҳ бергандан кейин, иш ҳақи билан боғлиқ муаммоларни илгари суради, қуйидаги саволларни ўйлаб кўришни таклиф этади.</p> <p>-иш ҳақини меҳнат ҳақи деса бўладими?</p> <p>-иш ҳақининг миқдори қанча бўлиши керак?</p> <p>-ишчи кучи товар бўлса, унинг қиймати ва истеъмол қиймати нимадан иборат?</p> <p>-ёлланма меҳнат қандай шароитда вужудга келади?</p> <p>“Ақлий хужум” техникасини қўллаган ҳолда мунозарани ташкил этади. Жавоблар ичидан энг оптимал вариантлари олинади.</p> <p>2.4. Иш ҳақи билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал қилинишида меҳнат муносабатларининг аҳамиятини ёритиб беради. Меҳнат шартномалари, меҳнат низолари, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф, касаба уюшмалари тушунчаларига изоҳ беради.</p> | <p>Ёзадилар, ўйлаб мунозарага тайёрланадилар.</p> <p>Ўз фикрларини билдирадилар.</p> <p>Эшитиб, ёзиб оладилар</p> |
| 3-босқич. Яқуний (15 мин.) | <p>3.1. Машғулотга яқун ясайди, хулосалар чиқаради. Мунозара натижаларини эълон қилиб, фаол иштирокчиларни рағбатлантиради. Олинган билимнинг келажакдаги касбий фаолиятда аҳамиятини тушунтиради.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун уйда қуйидаги саволларга жавоб беришни топширади.</p> | <p>Эшитадилар. Саволлар берадилар.</p> |


Визуал материаллар

1-илова.


Иш ҳақи мазмунини аниқлаш борасидаги ёндошувлар

| Ёндошув йўналиши | Асосчилар | Қисқача мазмуни |
|---|---|--|
| «Яшаш учун восита минимуми» концепцияси | Д.Рикардо, Т.Мальтус | Иш ҳақини яшаш учун зарур воситаларнинг физиологик минимуми билан бир хил, деб ҳисобланади |
| Ишчи кучи қийматининг ўзгарган шакли | Инглиз классик сиёсий иқтисод мактаби, марксистик йўналишдаги иқтисодчилар | Иш ҳақи ишчи кучи товар қийматининг пулдаги ифодаси сифатида қаралиб, уни ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган тирикчилик воситалари қиймати сифатида аниқланади |
| Иш ҳақини меҳнат баҳоси сифатида ифодалаш | Замонавий иқтисодиёт назариясининг кўплаб вакиллари | Иш ҳақини бозордаги ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф нисбати орқали белгиланувчи меҳнат баҳосидан иборат, деб белгиланади |

2-илова.



3-илова.




4-илова



Иш ҳақини белгиловчи асосий омиллар

5-илова.




6-илова.




7-илова.

Ёпиқ турдаги касаба уюшмасининг иш ҳақи даражасига таъсири.



8-илова.

Очик турдаги касаба уюшмасининг иш ҳақи даражасига таъсири



АСОСИЙ ТУРДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ
МИНИМАЛ ИСТЕЪМОЛ НОРМАСИ

(1 КИШИ ҲИСОБИГА)

| | Ўлчов бирлиги | Минимал истеъмол нормаси |
|---|------------------|-----------------------------|
| Сабзавот | кг/йил | 109,2 |
| Картошка | кг/йил | 54,6 |
| Полиз | кг/йил | 19,6 |
| Мева | кг/йил | 76,7 |
| Узум | кг/йил | 13,9 |
| Гўшт (сўйилган вазнда субмахсулот билан) | кг/йил | 40,2 |
| Сут | кг/йил | 136,7 |
| Тухум | дона/йил | 296,0 |
| Ун | кг/йил | 99,0 |
| Ўсимлик ёғи | кг/йил | 6,6 |
| Мева-сабзавот консервалари | ш.б./йил | 13,0 |

10-илова.

Т-жадвал

| + (ха) | - (йўқ) |
|--------|---------|
| | |
| | |
| | |
| | |

11-илова.

Муҳокама учун саволлар

1. Иш ҳақининг иқтисодий мазмуни нимада?
2. «Ишчи кучи» товарининг қиймати ва истеъмол қиймати нима орқали аниқланади?
3. Иш ҳақининг қандай асосий шакллари ва тизимларини биласиз?
4. Номинал иш ҳақи реал иш ҳақидан нимаси билан фарқ қилади?
5. Меҳнат муносабатларини тартибга солишда меҳнат шартномаларининг роли қандай?
6. Касаба уюшмаларининг аҳамияти қандай?

Муаммоли топширик

Тасаввур қиламиз қуйидагилар аниқ бир тармоқда ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни ифодалайди.

| Иш ҳақи даражаси (минг сўм / соат) | Талаб этилаётган иш ўрни (ишчи сони) | Ўз ишчи кучини таклиф этаётганлар |
|---------------------------------------|---|--------------------------------------|
| 1 | 500 | 100 |
| 2 | 400 | 200 |
| 3 | 300 | 300 |
| 4 | 200 | 400 |
| 5 | 100 | 500 |
| 6 | 50 | 600 |

1. Жадвал маълумотларидан фойдаланиб эркин бозорда мувозанат иш ҳақини ва унга мос келувчи ишчилар сонини аниқланг.

_____ Мувозанат иш ҳақи _____ Ишчилар сони

2. Жадвал маълумотларидан фойдаланиб ишчиларга бўлган талаб ва таклифни графикда акс эттиринг. Мувозанат иш ҳақи нуқтасини W1 билан белгиланг.

3. Тасаввур қиламиз, касаба уюшмаси вакили ва тadbиркор жамоа келишуви натижасида иш ҳақи 5000 сўм / соат:

- графикда иш ҳақининг янги даражасини ифодаланг ва уни W2 билан белгиланг;
- иш ҳақининг янги даражасида ишчиларга бўлган талаб қандай бўлади? Графикда ифодаланг.

Тест

1. Иш ҳақи нима?

- Ишчи ва хизматчилар меҳнатининг миқдори, сифати ва унумдорлигига қараб, миллий маҳсулотдан оладиган улушининг пулдаги ифодасидир;
- иш ҳақи иқтисодий ресурс ҳисобланган меҳнатнинг баҳоси;
- иш ҳақи ишчи кучи эгасининг ҳаёт ва меҳнат фаолиятини таъминлаш воситаси;
- барча жавоблар тўғри;
- тўғри жавоб йўқ.

2. Иш ҳақининг вазифаси нимадан иборат?

- ишчи ва хизматчиларнинг ҳаёт ва меҳнат шароитини яхшилаш;
- сарфланган меҳнатнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олиш;
- меҳнат меъёри билан истеъмол меъёри ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш;
- иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш;
- барча жавоблар тўғри.

3. Меҳнат шартномасида нималар акс этади?

- иш ҳақи даражаси, ортиқча бажарилган ишлар учун ставка;
- дам олиш кунлари, танаффуслар;
- пенсия фонди, соғлиқни сақлашга ажратма;
- наrxлар ўзгарганда иш ҳақини тартибга солиш тизими;
- юқоридагиларнинг барчаси.

4. Касаба уюшмалари иш ҳақи даражасини оширишга қандай йўллар билан эришиши мумкин?

- ишчи кучига талабни ошириш орқали;
- ишчи кучи таклифини қисқартириш орқали;
- аниқ касбни малакали лицензиялаш орқали;
- меҳнат унумдорлигини ошириш орқали;
- юқоридаги барча йўллар билан.

5. Иш ҳақи даражасини табақалаштиришга қандай эришилади?

- а) тариф - малакали маълумотномалар ёрдамида;
- б) тариф - сеткалари ёрдамида;
- в) тариф - тавкалари ёрдамида;
- г) иш ҳақиға кўшимча коэффициентлар ёрдамида;
- д) юқоридагиларнинг барчаси ёрдамида.

12.2. Семинар машғулотида ўқитиш технологияси.

| | |
|---|--|
| Вақти-2 соат | Талабалар сони: 25-30 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Семинар-мунозара |
| Ўқув машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Иш ҳақининг иқтисодий мазмуни. Номинал ва реал иш ҳақи. 2. Иш ҳақини ташкил этишнинг асосий шакллари. Ишбай ва вақтбай иш ҳақи. 3. Иш ҳақининг табақаланиши. Иш ҳақини табақалаштиришда ягона тариф тизими ва унинг таркибий қисмлари. 4. Меҳнат муносабатларини тартибга солишда меҳнат шартномаларининг аҳамияти. Касаба уюшмаларининг тадбиркорлар ва давлат билан ўзаро муносабатлари. 5. Меҳнат низолари, унинг сабаблари ва бартараф этиш усуллари. |
| Ўқув машғулотининг мақсади: иш ҳақи унинг турлари, иш ҳақи тизими ва меҳнат муносабатлари тўғрисидаги талабалар маърузада олган билимларини аниқлаштириш ва тўлдириш. Назария билан амалиётни боғлаш. | |
| <p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; - билимларни таққослашни, таҳлилни умумлаштиришни, тизимлаштириш кўникмасини ҳосил қилиш; - ўз фикрни шакллантириш ва билдириш жараёнини ташкил қилиш; - коммуникация, гуруҳда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш; | <p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - куйидаги тушунчаларга таъриф берадилар; - номинал ва реал иш ҳақи тушунчаларига таъриф беради; - номинал ва реал иш ҳақиға қисқача характеристика берадилар; - иш ҳақи тизимини тасвирлаб берадилар; - меҳнат муносабатларининг мазмунини ёритиб берадилар. |
| Ўқитиш усуллари | Ҳамкорликда ўқитиш, мунозара, техника: “коп-коп”, тақдимот, блиц-сўров, “Давра суҳбати”, инсерт. |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матнлари, проектор, маркер, скотч, А32 бичимдаги қоғоз варақлари. |
| Ўқитиш шакллари | Индивидуал, фронтал, гуруҳлар, жуфтликларда ишлаш. |
| Ўқитиш шароитлари | Техник таъминланган гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |

Семинар машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---------------------------------|---|---|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади. 1.2. Семинар машғулоти мунозара тарзида ўтишини маълум қилади ва мунозара қоидалари билан талабаларни таништиради. | 1.1. Диққат билан тинглайдилар ва ёзиб оладилар |

| | | |
|---|--|--|
| <p>2-босқич. Асосий (60 мин.)</p> | <p>2.1. Мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади ва шу асосида блиц-сўров ўткази (1-илова). 2.2. Иш гуруҳларда ўқув вазифаси бажарилгандан сўнг “Давра суҳбати” сифатида давом эттирилишини эълон қилади. “Давра суҳбати” қоидалари билан таништиради. Ҳамма учун умумий бўлган савол беради. Иш ҳақидан ташқари қандай даромад турларини биласиз? 2.3. Талабаларни гуруҳларга ажратади. Давра суҳбатида муҳокама қилиш учун саволлар ва вазифаларни тарқатади ва гуруҳларга тақсимлайди (3,5,6 илова). Вазифани бажаришда қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Натижаларни баҳолаш варақларини тарқатади. 2.4. Гуруҳларда иш бошлаганлигини эълон қилади, маслаҳатлар беради.</p> | <p>2.1. Иқтисодий тушунчаларга таъриф берадилар. 2.2. Эссе ёзадилар ва ўқиб берадилар. 2.3. Тинглайдилар, саволлар берадилар. 2.3. Ўқув вазифаси, йўриқнома ва натижалар карточкаси билан танишадилар; 2.4. Вазифани бажарадилар, тақди-мот варақларини расмийлаштирадилар</p> |
| <p>3-босқич. Яқуний (10 мин.)</p> | <p>3.1. Дарсга яқун ясайди, билимларни умулаштирган ҳолда хулосаларни шакллантиради, фаол иштирок этган талабаларни баҳолайди. 3.2. Мустақил иш учун вазифа беради: келгуси мавзунини инсерт усулида ўқиб келиш.</p> | <p>Тинглайдилар, вазифани ёзиб оладилар.</p> |

1-илова.

Блиц-сўров учун таянч тушунчалар.

Иш ҳақи
Номинал иш ҳақи
Реал иш ҳақи
Ишбай иш ҳақи
Вақтбай иш ҳақи
Тариф тизими
Тариф сеткаси
Тариф коэффиценти
Меҳнат муносабатлари
Меҳнат шартномалари
Касаба уюшмалари
Меҳнат низолари

2-илова.

| |
|---|
| <p style="text-align: center;">Гуруҳ билан ишлаш қоидалари</p> <p>Ҳар бири ўз шерикларининг фикрларини ҳурмат қилишлари лозим; Ҳар бири берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим; Ҳар бири ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин; Ҳар бири ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим; Ҳар бири гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим; Ҳар бири: “Биз бир кемадамыз, бирга чўкамиз, ёки бирга қутуламыз” атамасини яхши билишлари лозим.</p> |
|---|

Мунозара саволлари.

1. Иш ҳақининг иқтисодий мазмуни нимада?
2. Номинал ва реал иш ҳақининг мазмуни қандай?
3. Нима учун иш ҳақининг дифференциаллашуви мавжуд?
4. Ўзбекистон Республикасининг тариф тизими ҳақида нима биласиз?
5. Меҳнат муносабатларини бошқаришда меҳнат шартномаларининг аҳамияти қандай?
6. Меҳнат низоларининг сабаблари нимада?

Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (баллда)

| Гуруҳ | Мавзунинг ечими | Тушунтириш (аниқлик, мантиқ) | Гуруҳ фаоллиги (қўшимчалар, саволлар) | Жами баллар | Баҳо |
|-------|-----------------|------------------------------|---------------------------------------|-------------|------|
| | (1,2) | (1,2) | (0,6) | (3,0) | |
| 1. | | | | | |
| 2. | | | | | |
| 3. | | | | | |
| 4. | | | | | |

Муаммоли топшириқ

1. Муаммо. *Ишчилар ўзлари ишлаётган фирманинг мулкдорлари бўлиши керакми?*

2. Қўшимча ахборот

«Pitney Bowes» компанияси ишчилари айтади раҳбарият эшитади.

«Pitney Bowes» компаниясида раҳбарият ва 200 ишчи иштирокида йиғилиш бўлиб ўтмоқда. Ишчилардан бири бошқарув кенгаши раисига Жон Лига мурожаат этди “Нима учун мен белимни оғритиб ишлашим керак, қачонки мени ёнимда ўтириб телефон билан овора бўлган ёш йигит, стаж учун мен каби 4% қўшимча ҳақ олса? Унга 1% қўшимча ҳақ берса бўлмайдими? Мен шуни билишни хоҳлайман”.

Компания йиғилишларида бундай саволлар тез-тез учраб туради. Йилда бир маротаба компаниянинг ҳар бир ишчиси раҳбариятни танқид қилиш ва корхона иқтисодий сиёсати бўйича савол бериш имкониятига эга. Гап шундаки «Pitney Bowes» компанияси 1947 йилда ташкил этилган ва “Меҳнат жамоасининг йиғилиши” дастури амал қилиб келмоқда. У акционерлар мажлисига ўхшайди, улар раҳбариятдан фирма фаолияти тўғрисида ҳисобот талаб этадилар. Бунинг ажойиблиги яна шундаки, ҳар бир ишчи ҳамманинг олдида ўз эътирозларини айтишлари мумкин.

Ишчилар ўзлари ишлаётган фирманинг мулкдорлари бўлиши керакми?

Одатда ишчи кучи ва капитал ишлаб чиқаришнинг икки томони сифатида қаралади. Компания эгалари, унинг ишлаши учун зарур пул маблағлари ва станоклар билан таъминлайди, ишчилар эса меҳнат қиладилар. Бундан ташқари капитал ва ишчи кучи баъзида бир-бирларига нисбатан, иш ҳақи, мукофот, бошқа турдаги рағбатлантириш, даромадларни тақсимлаш ва акция дивидендларини бошқаришда тесқари қўйилади. Бироқ, ҳозир бу нарса ўзгармоқда. Компания ишчилари баъзида корхона эгаларига ҳам айланмоқда.

Ишчилар учун корхона эгаларига айланиш имкони «ESOP» - персонал ўртасида акцияларни тарқатиш дастури уларга тақдим этмоқда. АҚШ нинг 8 мингдан ортиқ ишчилари корхона эгалари бўлиб ҳисобланадилар. 1000 фирманинг 10 млн.дан ортиқ ишчиларига акцияларнинг катта қисми тегишлидир.

«ESOP» дастурини қўллаб-қувватловчилар агар ишчилар компания эгаларига айлансалар улар самаралироқ фаолият юритади, дейдилар.

Хулосаларни шакллантириши учун саволлар.

1. «ESOP» ва «Pitney Bowes» компанияларининг ишчилар билан ўтказиладиган йиллик йиғилишлари ишчи ва бошқарувчилар эътиборини жалб этувчи дастур бўлади, уларнинг ҳар бирларининг афзаллиги нимада?

2. Ишчи ва бошқарув бўғини ўртасидаги ўзаро муносабатни яхшилаш учун, шунингдек, унумдорликни ошириш учун қўлланилаётган дастурларни тушунтириш.

“Инсерт усули”

Инсерт - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

| Тушунчалар | V | + | - | ? |
|----------------------|---|---|---|---|
| Номинал иш ҳақи | | | | |
| Реал иш ҳақи | | | | |
| Ишбай иш ҳақи | | | | |
| Вақтбай иш ҳақи | | | | |
| Тариф тизими | | | | |
| Тариф сеткаси | | | | |
| Тариф коэффициенти | | | | |
| Меҳнат муносабатлари | | | | |
| Меҳнат шартномалари | | | | |
| Касаба уюшмалари | | | | |
| Меҳнат низолари. | | | | |

| | |
|------------------|---|
| 13-мавзу. | Аграр муносабатлар ва агробизнес |
|------------------|---|

13.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

| | |
|---|---|
| Вақти – 2 соат | Талабалар сони: 25-30 нафар |
| Ўқув машғулоти шакли | Ҳамкорликдаги, ахборот, визуал-маъруза |
| Ўқув машғулоти режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Аграр муносабатлар ва уларнинг хусусиятлари. 2. Ижара ҳақи ва рента муносабатлари 3. Рента турлари ва уларга тавсифнома. 4. Агросаноат интеграцияси. Агросаноат мажмуаси ва унинг таркиби 5. Агробизнес ва унинг турлари |
| <i>Ўқув машғулоти мақсади:</i> аҳоли эҳтиёжларини қондиришда аграр соҳанинг ҳиссаси ва аграр муносабатларнинг аҳамияти тўғрисида аниқ билимлар бериш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> - аграр муносабатлар ва уларнинг хусусиятларини аниқлаш; - рента ва рента муносабатлари билан таништириш; - АСМ тўғрисидаги билимларни кенгайтириш; - агробизнес тўғрисидаги билимларни чуқурлаштириш | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - аграр муносабатлар моҳиятини ёритиб, хусусиятларини санаб беради; - абсолют рента, дифференциал рента I ва II ни тавсифлайдилар; - АСМ нинг таркибини айтадилар; - агробизнес турларига мисоллар келтирадилар. |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Ҳамкорликда визуал-маъруза, инсерт |
| Ўқитиш шакли | Гуруҳий, индивидуал |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, проектор, Ў.Т.В. доска, қоғоз график органайзер. |
| Ўқитиш шарт-шароити | Жиҳозланган аудитория |

Маъруза машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|----------------------------------|--|---|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 1.1. Маъруза машғулотининг мавзуси, режаси, мақсади ва натижаларини эълон қилиб, дарс ўтиш режаси билан таништиради. Аввалги мавзудан асосий тушунчаларни эслашни таклиф қилади. 1.2. Аввалги машғулот сўнгида вазифа берилган: уйда инсерт усули ёрдамида маъруза матни билан танишиш. | 1.1. Эшитадилар ва ёзиб олади. |
| 2-босқич. Асосий (40 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 2.1. Вазифани эслатади: Инсерт техникасини қўллаб, маъруза матнини ўқиб чиқиш. 2.2. Талабаларнинг маъруза матни билан танишгач, ушбу мавзудан қандай янги билимлар олганлигини сўрайди. Асосий тушунчаларни доскага ёзади. 2.3. Талабалардан маъруза матнини ўқиш давомида тушунмаган, аниқлик киритил-маган жойларни борлигини сўрайди. 2.4. Визуал маълумотлардан фойдаланиб маърузани тушунтиради, асосий тушунчаларни ёздирди. | <ol style="list-style-type: none"> 2.1. Топшириқни бажаради. Эшитади. 2.2. Саволга жавоб беради. Асосий тушунчаларни айтади. 2.3. Жавоб беради. 2.4. Эшитади ва конспект қилади. |

| | | |
|---|--|---|
| <p>3-босқич. Гуруҳларда ишлаш (25 мин.)</p> | <p>3.1. Талабаларни гуруҳларга ажратади. 3.2. Ҳар бир гуруҳ 1 та савол бўйича “Эксперт” бўлишини маълум қилади. 3.3. Гуруҳларга ўқув вазифаси ақс эттирилган эксперт қоғозлари тарқатилади. Экран орқали 2-илова (мезон) билан таништиради ва гуруҳларга тарқатади. 3.4. Гуруҳларда ишнинг бошланганлигини эълон қилади. 3.5. Ўқитувчи маслаҳатчи сифатида гуруҳларнинг тушунмаган саволларига аниқлик киритади тақдимотни тайёрлашларига маслаҳат бериши мумкин. 3.6. Тақдимотни ташкил қилади ҳар бир гуруҳ жавобига қараб тақдим этилган ахборотни умумлаштиради.</p> | <p>3.1. Кичик гуруҳлар ўз саволларини оладилар ва жавобларни тайёрлайдилар. 3.2. Тақдимотни тайёрлашади ва қоғозга туширади. 3.3. Тақдимот қилади (ҳар бир гуруҳга 6 минутдан вақт ажратилади). 3.4. Гуруҳ аъзолари ўзлаштирган материаллар бўйича қўшимчалар қилади (намойиш этадилар) саволларга жавоб беради. 3.5. Бошқа гуруҳ иштирокчилари тақдим этилган ахборотни тўлдирадилар, саволлар беради.</p> |
| <p>4-босқич. Яқуний (5 мин.)</p> | <p>4.1. Ўзаро баҳолаш натижаларини эълон қилишни таклиф этади. 1-ўринга 10 балл (1 та) 2-ўринга 8 балл (1 та) 3-ўринга 6 балл (2 та) Гуруҳлар ичида баллар тақсимланади. 4.2. Гуруҳлар ичида баллар тақсимланади. 4.3. Баҳолаш варақаларини йиғиб олади ва умумий натижаларни эълон қилади.</p> | <p>2-илова ёрдамида гуруҳ аъзоларини баҳолайдилар (олинган умумий балл тақсимланади).</p> |

Визуал материаллар.

1-илова


Аграр муносабатлар - ерга эгалик қилиш, тасарруф этиш, ундан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш натижаларини ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар


2-илова.

Ижара ҳақи

Ижара ҳақи қуйидагилардан иборат:

- ердан фойдаланганлик учун тўланадиган рента (R),
- ерга илгари сарфланган капитал учун фоиз (r);
- ер участкасини ижарага бергунга қадар унга қурилган иншоотлар амортизацияси (A).





Дифференциал рента I нинг ҳосил бўлиши

| Ер Участкаси | Ижтимоий ишлаб чиқариш харажатлари (сўм), | Ўртача фойда (сўм) | Ижтимоий қиймаг (сўм) | Ялли маҳсулот (тонна) | Маҳсулотнинг индивидуал қиймати (сўм) | Ижтимоий қиймаг бозор нархи (сўм) | Ялли сотилган маҳсулот (сўм) | Дифференциал рента I (сўм) |
|-----------------|--|-----------------------|-----------------------------|--------------------------|--|---|---------------------------------|-------------------------------|
| А | 8000 | 2000 | 10000 | 20 | 500 | 500 | 10000 | - |
| Б | 8000 | 2000 | 10000 | 25 | 400 | 500 | 12500 | 2500 |
| В | 8000 | 2000 | 10000 | 30 | 333 | 500 | 15000 | 5000 |


Дифференциал рента II нинг ҳосил бўлиши

| Ишлаб чиқариш даври | Ишлаб чиқариш харажатлари (сўм) | Ялли маҳсулот (тонна) | 1 тонна маҳсулотнинг индивидуал қиймати (сўм) | 1 тонна маҳсулотнинг ижтимоий қиймати (сўм) | Сотилган маҳсулот суммаси сўм | Қўшимча маҳсулот, яъни дифференциал рента II, (сўм) |
|------------------------|---------------------------------------|--------------------------|--|--|----------------------------------|---|
| Биринчи йил | 10000 | 20 | 500 | 500 | 10000 | - |
| Иккинчи йил | 15000 | 40 | 375 | 500 | 20000 | 10000 |

Қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш ва қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш чора-тадбирлари

Ўзбекистон аҳолисининг 50 фоизи қишлоқ жойларида яшайди. Шунинг учун мамлакатимизни келажакда гуллаб-яшнаши, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш кўп жиҳатдан қишлоқларимиз тараққиёти билан боғлиқдир. Қишлоқларимизда ҳаёт сифатини яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари самарадорлигини оширишга янги руҳ бағишлаш мақсадида 2009 йилни ҳурматли Президентимиз “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилдилар.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26 январ 2009 йилдаги ПП-1046 Қарорига кўра 2009 йил “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги” йили муносабати билан қишлоқларни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришга қаратилган Давлат дастури ишлаб чиқилди.



Пахта хом-ашёси ва дон ишлаб чиқариш ҳажмининг йиллар бўйича ўзгариши

2001-2007 йилларда:


- қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти – 6,7 баробар;
- деҳқончилик маҳсулотлари ҳажми – 7,4 баробар;
- чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми - 5,9 баробар;
- пахта хом-ашёсини ишлаб чиқариш ҳажми – 1,1 баробар;
- дон ишлаб чиқариш ҳажми – 1,2 баробарга ошди.



**2008-2009 ЙИЛЛАРДА РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

| Озиқ-овқат Маҳсулотлари турлари номи | Ўлчов бирлиги | 2008 йил | 2009 йил | Ўсиш суърати, % |
|--|------------------|----------|----------|-----------------------|
| Сабзавот | минг тонна | 5217,4 | 5704,7 | 109,3 |
| Картошка | минг тонна | 1398,7 | 1524,5 | 109,0 |
| Полиз | минг тонна | 981,2 | 1071,0 | 109,2 |
| Мева | минг тонна | 1402,8 | 1542,9 | 110,0 |
| Узум | минг тонна | 791 | 899,6 | 113,7 |
| Гўшт (тирик вазнда) | минг тонна | 1288 | 1367,7 | 106,2 |
| Сут | минг тонна | 5426,3 | 5779,0 | 106,5 |
| Тухум | млн.дона | 2431,5 | 2715,9 | 111,7 |

**Дунёда 2008 йилда буғдой етиштирувчи асосий
давлатларда ялпи ҳосил, млн./т**



Дунёда, сўнги 18 йилда буғдой ялпи ҳосили ошди, шу даврда Ўзбекистон Республикасида буғдой етиштириш беш баробар кўпайди ҳамда буғдой етиштирувчи давлатлар ўртасида 44 – ўриндан 16 – ўринга чиқди.

Ўқув материаллари.

12-илова.

1. Эксперт варағи.

1. “Аграр муносабатлар” тушунчасига таъриф беринг.
2. Ресурс сифатида ернинг алоҳида хусусиятларини тавсифланг.
(Жавоб варақаларини жадвал, схема ва кластер кабилар орқали ифодаланг).

2. Эксперт варағи.

1. “Рента муносабатлари”га таъриф беринг.
2. Ер рентаси шакллари тавсифланг.
(Жавоб варақаларини жадвал, схема ва кластер кабилар орқали ифодаланг).

3. Эксперт варағи.

1. Ернинг нархи қандай ва қандай омиллар таъсирида шаклланади ?
2. Ернинг нархи формуласини шарҳланг.
(Жавоб варақаларини жадвал, схема ва кластер кабилар орқали ифодаланг).

4. Эксперт варағи.

1. “Аграрно-интеграцияси” тушунчасига таъриф беринг.
2. Агробизнеснинг қандай турларини биласиз?
(Жавоб варақаларини жадвал, схема ва кластер кабилар орқали ифодаланг).

13-илова.

Баҳолар мезони ва кўрсаткичлар жадвали

| Доклад қилувчилар | Докладдаги маълумотнинг тўлиқлиги 60% | Ахборотнинг янгилиги 15% | Ахборотни тасвирлашда воситаларнинг ишлатилиши 15% | Регламент 10% | Жами |
|-------------------|--|-----------------------------|---|------------------|------|
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |
| 4 | | | | | |

14-илова.

Мустақил иш учун топшириқ.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги етакчи тармоқлар тўғрисида асосланган Эссе ёзиб келинг.

13.2. Семинар машғулотида ўқитиш технологияси

| | |
|--|--|
| Вақти - 2 соат | Талабалар сони: 25-30 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича амалий машғулот. |
| Ўқув машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Аграр муносабатлар ва уларнинг хусусиятлари. Ернинг иқтисодий ресурс сифатидаги ўзига хос жиҳатлари. 2. Ер рентаси тушунчаси ва унинг турлари. 3. Ижара муносабатлари, ижара ҳақи. Ернинг нархи ва уни аниқловчи омиллар. 4. Аграрно-интеграцияси, унинг кўлами ва турлари. Аграрно-интеграцияси мажмуаси. 5. Агробизнес ва унинг турлари. 6. Ўзбекистонда деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг давлат дастурларини амалга ошириш жараёни. |
| Ўқув машғулотининг мақсади: аграр муносабатлар, ижара муносабатлари ва агробизнес тўғрисида билимлар ҳосил қилиш ва чуқурлаштириш. | |

| | |
|--|---|
| <p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; - билимларни таққослашни, умумлаштиришни, таҳлилни тизимлаштириш кўникмасини ҳосил қилиш; - ўз фикрни шакллантириш ва билдириш жараёнини ташкил қилиш; - коммуникация, гуруҳда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш | <p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - аграр муносабатлар ер рентасини тавсифлайдилар; - ижара ҳақининг ижара муносабатларини очиб беради - агробизнес турларини санайди. |
| Ўқитиш усуллари ва техникаси | Биргаликда ўқиш, мунозара, тақдимот, Блиц сўров, график ташкил этувчилар, Т- жадвал, диаграмма “Вена”. |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, проектор, флип чарт, маркер, скотч, қоғоз |
| Ўқитиш шакллари | Гуруҳий, коллектив. |
| Ўқитиш шароитлари | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлашга мослаштирилган аудитория. |

Семинар машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|------------------------------------|---|---|
| | Ўқитувчи | Талаба |
| 1-босқич. Кириш (5 мин.) | <p>1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади. Ўқитиш гуруҳларда ишлаш технологияси асосида олиб борилишини эълон қилади.</p> <p>1.2. Мавзунинг таянч иборалари асосида блиц-сўров ўтказилади.</p> <p>1.3. Талабадан жавобни эшитади ва мавзу муҳокамаси гуруҳларга ишлар тақдимотидан сўнг давом этишини эълон қилади.</p> <p>Ҳар бир талаба гуруҳ баҳосига мос равишда баҳо олишини тушунтиради, гуруҳларда ишлаш қоидалари билан таништиради (1-илова). Гуруҳларда ишлаш натижаси плакат қоғозларда кўрсатилиши кераклигини маълум қилади.</p> | <p>1.1. Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>1.2. Саволларга жавоб берадилар</p> |
| 2-босқич. Асосий (20 мин.) | <p>2.1. Талабаларни 3 гуруҳга ажратади. Ўқув топшириқларини тарқатади (2,4-илова). Вазифа бутун гуруҳ томонидан бажарилишини эълон қилади. Вазифани бажаришда дарслик, маъруза матнлари ва бошқа қўлланмалардан фойдаланиш мумкинлигини таъкидлайди. Ўқув натижаларини эслатади.</p> <p>Гуруҳларда ишларни бошлашни эълон қилади.</p> | <p>2.1. Ўқув топшириқларини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишадилар. Вазифани бажарадилар.</p> |
| 3-босқич. Тақдимот (45 мин.) | <p>3.1. Тақдимот ва гуруҳларда ишлаш натижаларини ўзаро баҳолашни ташкил этади. Жавобларни шарҳлайди, билимларни умумлаштиради, вазифани бажариш жараёнидаги асосий хулосаларга эътиборни қаратади.</p> | <p>3.1. Тақдимот қилишади, кўшимчалар қилишади, баҳолашади.</p> |
| 4-босқич. Яқуний (10 мин.) | <p>4.1. Машғулотга яқун ясайди фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради.</p> <p>4.2. Мустақил иш учун вазифа беради (6-илова).</p> | <p>4.1. Тинглайдилар, аниқлаштирадилар.</p> <p>4.2. Мустақил иш учун вазифани ёзиб оладилар.</p> |

Мунозара қатнашчиларига эслатма

1. Мунозара муносабатлар йиғиндиси эмас, балки муаммо ечими услубиятидан иборат;
2. Кўп гапирмасдан бошқаларнинг сўзлашига имкон бер.
3. Мақсадга эришиш йўлида хиссиётларини жиловлаб, батафсил ўйлаган ҳолда сўзла.
4. Рақибларнинг вазиятини ўрганиб, уларга хурмат билан мурожаат қил;
5. Рақибларнинг томонидан айтилган фикрларга танқидий ва истехзоли ёндаш;
6. Мунозара предмети бўйича четга чиқмаган ҳолда тўғри ёндашиб гапир.

Муаммоли семинарнинг бошқарув дастаклари

Бошловчи барча вазифаларни ўзига олади – мунозара босқичларини бошқариш, жавобларнинг асосланиши ва тўғрилигини тасдиқлаш, қўлланган термин ва тушунчаларнинг аниқлаш, муносабатларни тўғри қўллаш ва бошқалар. Такдимотларнинг тақсимотини тўғри бошқариш.

Такризчи – томонларнинг маърузаларини йўналишлар бўйича белгилаш ва тўлиқ характерда баҳолаш: долзарблиги, илмий жиҳати, мантиқийлиги ва масалаларнинг аниқ кўйилганлиги, хулосаларнинг аниқ кўрсатилиши.

Рақиб – қабул қилинган тадқиқот ўртасида рақобатчилик жараёнини шакллантиради. У фақатгина маърузачининг асосий ҳолатини танқид қилиш эмас, шу билан биргаликда, унинг айтган фикрларидан заиф ёки хато томонларини топиш ҳамда ўзининг хал қилувчи фикрларини таклиф қилиши ҳам мумкин.

Эксперт – барча мунозараларнинг, жумладан, мунозара қатнашчилари томонидан айтилган фикрларнинг, қилинган хулосаларнинг, таклиф ва гипотезаларнинг махсулдорлигини баҳолайди.

Мунозара регламентини ўтказиш тартиби

1. Бошловчи маъруза мавзуси ва маърузачиларнинг такдимотларини эълон қилади.
2. Маъруза 5 минут давом этади.
3. Такризчи – 2 минут.
4. Рақиб – маъруза мавзуси бўйича фикрларини 1-3 минут такдим этади.
5. Жамоавий муҳокама – 5-10 минут.

Муҳокама қилиш ва хулосаларни шакллантириш учун саволлар

1. *Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аграр ислохотлар.*

1. Аграр ислохотларнинг иқтисодий моҳияти нимада?
2. Ўзбекистон иқтисодиёти учун аграр ислохотларнинг ўрни қандай?
3. Аграр ислохотларнинг асосий йўналишлари қандай?
4. Ислохотларнинг ҳозирги босқич хусусиятлари нимада?

2. *Ўзбекистонда деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантиришнинг давлат дастури.*

1. Ўзбекистонда деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантиришнинг давлат дастурининг иқтисодий моҳияти нимада?
2. Ушбу дастурнинг яралишига қандай омиллар таъсир кўрсатди?
3. Ўзбекистонда деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантиришнинг давлат дастурини аграр муносабатларнинг ривожланиши билан ўзаро боғлиқлиги қандай?
4. Ўзбекистонда деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантириш бўйича асосий давлат дастурларини сананг

3. *Ернинг иқтисодий баҳоси ва уни қишлоқ хўжалигини самарали юритишдаги аҳамияти.*

1. Ўзбекистонда ерни иқтисодий баҳолашни қандай қилиб тавсифлаш мумкин?
2. Қишлоқ хўжалигини самарали юритишнинг мазмуни нимада?
3. Ерни иқтисодий баҳолашнинг қандай муаммолари мавжуд?
4. Ернинг нархи ва ерни иқтисодий баҳолаш категорияларининг боғлиқлигини кўрсатинг.

4. *Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини экстенсив ва интенсив ривожлантиришни мувофиқлиги.*

1. Қишлоқ хўжалигининг экстенсив ва интенсив ривожланишининг иқтисодий моҳияти нимада?
2. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ривожланишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
3. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг экстенсив ва интенсив ривожланиши мувофиқлиги қандай?
4. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини айтинг, улар агросаноат интеграцияси ва агробизнес билан қандай боғлиқликда?

Баҳолар мезони ва кўрсаткичлар жадвали

| Доклад қилувчилар | Докладдаги маълумотнинг тўлиқлиги 60% | Ахборотнинг янгилиги 15% | Ахборотни тасвирлашда воситаларнинг ишлатилиши 15% | Регламент 10% | Жами |
|-------------------|--|-----------------------------|---|------------------|------|
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |
| 4 | | | | | |

| Опонентлар | Докладга қилинган қўшимчалар 40% | Мунозарада қатнашганлиги 20% | Саволлар | | Жами |
|------------|-------------------------------------|---------------------------------|----------|--------|------|
| | | | Микдори | Сифати | |
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |
| 4 | | | | | |

| Мунозара қатнашчилари | Саволлар (0,1 ҳар бири учун) | Мақсадлилиги (0,3) | Қўшимчалар (0,2 ҳар бири учун) | Жами |
|-----------------------|------------------------------|--------------------|--------------------------------|------|
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |
| 3 | | | | |
| 4 | | | | |

Венна диаграммаси



Мунозара учун саволлар

1. Аграр муносабатларнинг мазмунини, иқтисодий муносабатларда тутган ўрнини ва хусусиятларини кўрсатиб беринг.
2. Ер рентаси назарияларининг умумий томонлари ва туб фарқларини кўрсатиб беринг.
3. Дифференциал (I ва II) ва абсолют рентанинг ҳосил бўлиш шарт-шароитлари, манбалари ва тақсимланишини тушунтириб беринг.

4. Монопол рента нима?
5. Қазиб олувчи ва ундирма саноатда рента қандай ҳосил бўлади?
6. «Ижара ҳақи» ва «ер рентаси» нинг фарқларини изоҳланг.
7. Агробизнеснинг иқтисодий моҳиятини тушунтиринг ва унинг асосий турларига тавсиф беринг.
8. Агросаноат мажмуаси ва агросаноат интеграцияси тушунчалари иқтисодий мазмунига ўз фикрингизни билдиринг.

6-илова.

Мустақил таълим учун саволлар

1. Бозор муносабатларига ўтишда аграр ислохотлар ва уларнинг йўналишлари.
2. Ўзбекистонда деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг давлат дастурлари.
3. Ерларни иқтисодий баҳолаш ва унинг қишлоқ хўжалигида самарали хўжалик юритишдаги аҳамияти.
4. Қишлоқ хўжалигини экстенсив ва интенсив ривожлантиришнинг мазмуни. Ўзбекистонда уларнинг нисбати.

| | |
|-------------------|---|
| 14 –мавзу. | Миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий ўлчамлари. Ялпи миллий маҳсулот ва унинг ҳаракат шакллари. |
|-------------------|---|

14.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

| | |
|---|---|
| Вақти – 2 соат | Талабалар сони: 20-50 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Ахборот маърузаси “биргаликда ўрганиш” усули ва Б/Б/Б график органайзер жадвалидан фойдаланган ҳолда |
| Маъруза режаси | 1. Миллий иқтисодиётнинг қарор топиши ва унинг макроиқтисодий кўрсаткичлари. 2. Миллий маҳсулотнинг иқтисодий мазмуни ва унинг ҳаракат шакллари. 3. Ялпи миллий маҳсулотни ҳисоблаш усуллари. 4. Ялпи миллий маҳсулот ҳажмини ўзгармас нархларда ҳисоблаш усуллари. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> миллий иқтисодиёт ва унинг таркиби, макроиқтисодиёт ва унинг кўрсаткичлари, уларни ҳисоблаш усуллари тўғрисида талабаларда чуқур билим ҳосил қилиш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> - миллий иқтисодиёт таъриф беради ва унинг таркибини тавсифлайди; - миллий маҳсулотнинг иқтисодий мазмунини ёритиб беради; - миллий маҳсулот ҳаракат шакллари очиб беради; - ЯИМни ҳисоблаш усуллари ёритиб беради. | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - миллий иқтисодиёт, макроиқтисодиёт, такрор ишлаб чиқариш, ЯИМ, ЯММ, оралик ва якуний маҳсулотларга таъриф бера оладилар; - ЯИМни ҳисоблашнинг учта усулини тавсифлаш; - жамият даромадларини ифодаловчи кўрсаткичлар (СММ, МД, ШД)ни тавсифлаш ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиб бериш; - номинал ва реал ЯИМлар ўртасидаги фарқни тушунтириш; - миллий ҳисоблар тизимининг аҳамиятини тушунтириш. |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Маъруза, “биргаликда ўрганиш” усули, техникалари: инсерт, блиц савол-жавоблар, презентация, график органайзер: Б/Б/Б жадвали |
| Ўқитиш воситалари | Доска, мел, маркер, скотч, флип чарт (А32 қиғози) |
| Ўқитиш шакли | Фронталь, алоҳида ишлаш ва гуруҳда ишлаш |
| Ўқитиш шарт-шароити | Гуруҳда ишлашга мўлжалланган аудитория |

Маъруза машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|--|---|---|
| | Ўқитувчи | Талаба |
| 1-босқич. Кириш (3 мин) | 1.1. Маъруза машғулотининг мавзуси, мақсади ва натижалари ҳамда уни ташкил этиш режаси билан таништиради. | 1.1.Эшитадилар ва ёзиб оладилар. |
| 2-босқич. Билимларни фаоллаштириш (15 мин) | 2.1. Топшириқларни эслатади: Инсерт техникасини қўллаган ҳолда маъруза матнини ўқиш ва Б/Б/Б жадвалининг 1,2 – устунларини тўлдириш. Талабаларга Б/Б/Б жадвалида белгилаганлари асосида (маъруза матни билан танишгандан сўнг) қандай янги тушунча билан танишганини сўрайди. Мавзунинг калит сўзларини, янги тушунчаларини доскага ёзади. 2.2. Ушбу тушунчаларга таъриф беришлари учун блиц савол-жавобни ўтказади. | 2.1. Эшитадилар. Уйга вазифа қилиб берилган Б/Б/Б жадвали асосида жавоб берадилар. Калит сўзларни айтадилар. 2.2. Калит сўзларга таъриф берадилар. |

| | | |
|---|--|--|
| <p>3-босқич Асосий қисм (50 мин.)</p> | <p>3.1. Эркин ҳолатда талабаларини 5 та гуруҳга бўлади. Ҳар бир гуруҳ мавзунинг битта саволи бўйича “эксперт” бўлади. Ўқув топшириғини тарқатади (7-илова), “Гуруҳ фаолиятини баҳолаш жадвали” ва баҳолаш кўрсаткичи ҳамда мезонлари билан таништиради (8-илова). Гуруҳда ишлашнинг бошланганлигини эълон қилади. 3.2. Презентация бошланганлигини эълон қилади. Маслаҳатчи-ўқитувчи сифатида фаолият юритади ва ҳар бир гуруҳ тақдим этган маълумотни умулаштиради.</p> | <p>3.1. Гуруҳда ишлайдилар: ўқув саволлари бўйича жавоблар тайёрлайдилар, натижаларни жамоа бўлиб муҳокама қиладилар ва ўз тақдимотларини тайёрлайдилар. 3.2. Презентация: гуруҳнинг сардори тақдимотдан фойдаланган ҳолда ўқув материаллари билан таништиради, саволларга жавоб беради. Бошқа гуруҳ вакиллари маълумотларни тўлдиради, тақдимотни баҳолайдилар.</p> |
| <p>4-босқич Яқуний босқич (12 мин.)</p> | <p>4.1. Ўзаро баҳолаш натижаларини эълон қилишни таклиф этади. 4.2. Б/Б/Б жадвалининг 3-устунини тўлдиришга топшириқ беради, блиц савол-жавоб ўтказади. 4.3. Умумий хулоса қилади, талабалар эътиборини асосий масалага қаратади, мустақил ишлаш учун назорат топшириғини беради (9-илова).</p> | <p>4.1. Тақдимот жараёнида қўйган балларини эълон қилади. 4.2. Б/Б/Б жадвалининг 3-устунини тўлдиради ва унинг мазмунини айтиб беради.</p> |

Кўргазмалли материаллар

1-илова.


Миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилиши



2-илова.



МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ РОЛИ



АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

ялпи миллий маҳсулот (ЯММ)

ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)

соф миллий маҳсулот (СММ)

миллий даромад(МД)

ишчи кучи бандлиги

ишсизлик

инфляция


Ўзбекистонда 2009 йилда эришилган асосий
макроиқтисодий кўрсаткичлар (ўтган йилга нисбатан)

| Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар | 2007 йил | 2008 йил | 2009 йил |
|---|-------------|-------------|-------------|
| Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши | 9,5 | 9,0 | 8,1 |
| Саноат маҳсулотнинг ўсиши | 12,1 | 12,7 | 9,0 |
| Хизмат кўрсатиш ҳажми | 20,6 | 21,3 | 12,9 |
| Савдо соҳаси | 21,0 | 7,2 | 16,6 |
| Давлат бюджети профицити (ЯИМга нисбатан) | +1,1 | +1,5 | +0,2 |
| Инфляция даражаси | 6,8 | 7,8 | 7,4 |
| Иқтисодиёт бўйича ўртача иш ҳакининг ошishi | 44,2 | 40,0 | 40,0 |
| Аҳоли жон бошига реал даромадларнинг ўсиши | 27,0 | 23,0 | 26,5 |

Ўзбекистон Республикаси 2010 йилда иқтисодий ривожланишининг мақсадли кўрсаткичлари

| Кўрсаткичлар | Қўшимча ўсиш, олдинги йилга нисбатан, фоизда |
|---|--|
| Ялпи ички маҳсулот | 8,3 |
| Саноат маҳсулоти | 8,3 |
| Қишлоқ хўжалиги | 5,0 |
| Асосий капиталга инвестициялар | 22,1 |
| Инвестиция киритиш ҳажмини ЯИМга нисбатан | 30,0 |
| Экспорт ҳажми | 8,5 |
| Инфляция даражаси | 7-9 |
| Маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми | 40,0 |
| Иш ҳақи даражасининг ўсиши | 30,0 |
| Хизматларнинг ЯИМдаги улуши | 49,0 |
| Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши | 52,5 |



Ўзбекистонда 2005-2009 йилларда эришилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар (ўтган йилга нисбатан)



Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар

| Асосий кўрсаткичлар | 2008 й. | 2009 й. | 2010 й. |
|---|---------|---------|---------|
| 1. ЯИМ, млрд.сум | 37 747 | 48 097 | 60 154 |
| <i>дефлятор</i> | 122,8 | 117,9 | 115,5 |
| <i>реал ўсиш</i> | 9,0 | 8,1 | 8,3 |
| 2. Инфляция даражаси, % | 7,8 | 7,4 | 6,5-7,5 |
| 3. Инвестиция ҳажми, млрд.сум: | 9 556 | 12 634 | 18 220 |
| млн. долларда | 6 860 | 8 361 | 11 110 |
| ЯИМга нисбатан, % | 25,3% | 26,3% | 30,3% |
| 4. Давлат бюджети даромади, млрд.сум | 8 761 | 10 833 | 13 116 |
| ЯИМга нисбатан, % | 23,2% | 22,5% | 21,8% |





Ўқув топшириқлари

13-илова.

1-гурӯҳ

1. «Миллий иқтисодиёт», «макроиқтисодиёт», «такрор ишлаб чиқариш» тушунчаларига таъриф беринг ва уларни ўзаро боғлиқлигини тушунтиринг.
2. «Миллий иқтисодиёт таркиби» бўйича жадвал тузинг.
3. «Такрор ишлаб чиқариш назарияси» жадвалини тўлдиринг.

| Назарий йўналишлар | Намоёндалари | Нимани янгилади ва қўшимча қилди? |
|--------------------|--------------|-----------------------------------|
| Классиклар | | |
| Неоклассиклар | | |
| Кейнсчилар | | |
| Монетаристлар | | |

2-гурӯҳ

1. Микро- ва макроиқтисодиётни таққословчи жадвални тўлдиринг ва умумлаштирувчи хулоса чиқаринг.

| | Микроиқтисодиёт | Макроиқтисодиёт |
|-----------------------|-----------------|-----------------|
| Тадқиқот объекти | | |
| Мақсади ва вазифалари | | |
| Усули ва воситалари | | |
| Кўрсаткичлари | | |

2. Макроиқтисодий сиёсатга таъриф беринг ва унинг мақсадларини айтинг.
3. ЯИМ, ЯММга таъриф беринг.

3-гурӯҳ

1. «ЯИМ ни ҳисоблашнинг уч усули» жадвалини тўлдиринг.

| ЯИМ ни ҳисоблаш усуллари | Ҳисоблаш усули |
|---------------------------|----------------|
| 1. Даромадлар бўйича | |
| 2. Харажатлар бўйича | |
| 3. Қўшилган қиймат бўйича | |

2. Оралиқ ва якуний маҳсулот ўртасидаги фарқни тушунтиринг.
3. Жамият даромадларини ифодаловчи асосий кўрсаткичларни (СММ, МД, ШД, РД) тавсифланг ва жадвални тўлдиринг.

| Кўрсаткич номи | Ҳисоблаш усули |
|----------------|-----------------|
| ЯИМ | |
| ЯММ | ЯИМ-соф экспорт |
| СММ | |
| МД | |
| ШД | |
| РД | |

4-гурӯҳ

1. Нархларнинг умумий даражасини ҳисоблаш усулини ва номинал ва реал ЯИМ ўртасидаги фарқни тушунтиринг.
2. Жадвал маълумотларидан фойдаланиб, саволларга жавоб беринг.
 - А) учала йилдан қайси бири базис йил ҳисобланади?
 - Б) 1929 - 1933 йиллар орасида нархлар даражаси қандай ўзгарди?
 - В) 1933 - 1939 йиллар орасида нархлар даражаси қандай ўзгарди?
3. Жадвал маълумотларидан фойдаланиб ҳар бир йил учун реал ЯММ ни ҳисобланг.

| Йил | Номинал ЯММ (млрд.долл.) | Нарх даражаси индекси (%) | Реал ЯММ (млрд.долл.) |
|------|-----------------------------|------------------------------|--------------------------|
| 1929 | 104 | 121 | |
| 1933 | 56 | 91 | |
| 1939 | 91 | 100 | |

5 - гуруҳ

1. «МХТ» тушунчасига тавсиф беринг.
2. Макроиктисодий таҳлилда миллий ҳисоблар тизимининг ўрнини тушунтиринг.
3. Ўзбекистон миллий иқтисодиётини тавсифланг: унинг шаклланиш босқичлари, таркиби ва ривожланиш йўналишлари ҳақида гапиринг.
Уларни расм, схема, жадвал ва б. шаклида тасвирланг.

14-илова.

Гуруҳ ишларини баҳолаш жадвали

Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳ тақдимотини баҳолайди, мезонлар бўйича баллар йиғилади (ҳар бир мезон бўйича максимал 3 балл)

| Гуруҳ | Жавобнинг лўнда ва аниқлиги | Кўргазмаллиги | Тақдимотнинг қисқалиги (регламент) | Қамрови (гуруҳ аъзоларининг фаоллиги) | Балларнинг умумий миқдори |
|-------|-----------------------------------|---------------|--|---|---------------------------------|
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |
| 4 | | | | | |
| 5 | | | | | |

Яқуний ҳисоб

| Гуруҳ | 1-савол | 2-савол | 3-савол | 4-савол | Умумий баллар |
|---|---------|---------|---------|---------|------------------|
| 1 | - | | | | |
| 2 | | - | | | |
| 3 | | | - | | |
| 4 | | | | - | |
| Умумий баллар йиғиндиси | | | | | |
| Баҳо (умумий баллар йиғиндиси 4 га бўлинади) | | | | | |

Баҳо: 2,2 -3 балл – «аъло»; 1,2 - 2 балл – «яхши»; 0,5 – 1,1 балл – «қон-ли»; 0-0,5 балл – «қон-сиз».

15-илова.

Назорат топшириғи

1. «Миллий иқтисодиёт» тушунчаси. Унинг шаклланиш хусусиятлари.
2. Макроиктисодиёт унинг мазмуни ва вазифалари. Макроиктисодий кўрсаткичлар тизими.
3. Миллий маҳсулотнинг иқтисодий мазмуни ва унинг ҳаракат шакллари.
4. Ялпи, миллий ва ички маҳсулот. Уларнинг таркиби. Оралиқ ва яқуний маҳсулот. Миллий даромад.
5. Номинал ва реал миллий маҳсулот. ЯММ ҳажми ва динамикаси.
6. Ялпи миллий ва ички маҳсулотларни ҳисоблаш усуллари: даромадлар, харажатлар ва кўшилган қиймат бўйича.
7. ЯММ тақсимланиши ва ижтимоий фаровонлик.
8. Миллий ҳисоблар тизими ва Ўзбекистоннинг унга ўтиши.

14.2. Семинар машғулотида ўқитиш технологияси

| | |
|--|--|
| Вақти-2 соат | Талабалар сони: 15-30 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Билимларни чуқурлаштириш бўйича муаммоли семинар |
| Семинар мавзуси режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Миллий иқтисодиётнинг қарор топиши ва унинг макроиқтисодий кўрсаткичлари. 2. Миллий маҳсулотнинг иқтисодий мазмуни ва унинг ҳаракат шакллари. 3. Ялпи миллий маҳсулотни ҳисоблаш усуллари. 4. Ялпи миллий маҳсулот ҳажмини ўзгармас нархларда ҳисоблаш усуллари. |
| Ўқув машғулотининг мақсади: Миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий ўлчамлари тўғрисидаги олинган билимларни мустаҳкамлаш, муаммони ҳал этиш малакасини шакллантириш. | |
| <p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий ўлчамлари тўғрисидаги билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; - муаммоларни ҳал этиш малакасини ҳосил қилиш; - муаммони ҳал этишда масала ва кичик масалаларни аниқлаш кўникмасини шакллантириш; - таҳлил, танлов, муқобил ечимларни баҳолаш, умумлаштирувчи хулосаларни шакллантириш кўникмаларини мустаҳкамлаш. | <p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - муаммони ҳал этиш алгоритминини ишлаб чиқиш: турли мамлакатлар иқтисодий ҳолатини баҳолаш ва таққослаш; - миллий иқтисодиёт ҳолатини тавсифловчи асосий кўрсаткич, катталикларни санай олиш; - миллий иқтисодиёт таркибинини тавсифлаш; - асосий макрокўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини айтиш ва тавсифлаш; - миллий иқтисодиёт тавсифи учун макроиқтисодий кўрсаткичларнинг аҳамияти ҳақида хулосаларни шакллантириш; - умумлаштирувчи хулосаларни шакллантириш. |
| Ўқитиш техникаси ва усуллари | Муаммоли усул, ақлий ҳужум, муҳокама, техникалар: суҳбат, блиц сўров. |
| Ўқитиш воситалари | Ўқув қўлланма, маъруза матни, ўқув давралар, маркер, скотч, презентация учун қоғоз. |
| Ўқитиш шакллари | Фронталь, жамоа бўлиб ишлаш ва гуруҳда ишлаш. |
| Ўқитиш шароитлари | Гуруҳда ишлашга мослаштирилган аудитория |

Семинар машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|--|-----------------------------------|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (5 мин.) | 1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади, режалаштирилган натижа ва уларнинг аҳамияти ва долзарблигини айтади. | 1.1. Тинглайдилар, ёзиб оладилар. |
| 2-босқич. Билимларни фаоллаштириш (10 мин.) | 2.1. Талабалар билимларни ўзлаштирганлик даражасини текшириш учун саволлар беради: <ol style="list-style-type: none"> 1. Миллий иқтисодиёт нима? 2. Макроиқтисодиётнинг асосий вазифаси нимадан иборат? 3. Макросиёсатнинг мақсади қандай? 4. МХТ нима? 5. Миллий иқтисодиёт ҳолати, ривожланганлик даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар қайсилар? Савол-жавоб ўтказди. | 2.1. Саволларга жавоб берадилар. |
| 3-босқич. Асосий (55 мин.) | 3.1. Муаммоли савол беради: “Қандай қилиб турли мамлакатлар иқтисодиётини таққослаш мумкин?” Қўйилган муаммоли саволга жавобни шакллантиришга бўлган ҳаракатларни ташкиллаштиради. Берилаётган жавобларни биргаликда муҳокама ва таҳлил қилади. | 3.1. Ўз фикрларини айтадилар. |

| | | |
|-----------------------------------|--|---|
| | <p>3.2. Талабаларни 3 кичик гуруҳларга ажратади ва ҳар бирига миллий иқтисодиёт ҳолатини таҳлил қилиш ва бошқа икки ва ундан ортиқ мамлакатнинг иқтисодиётини таққослаш имконини берувчи усулни ишлаб чиқишни таклиф қилади.</p> <p>Ўқув материалларини тарқатади</p> <p>Муаммоли вазифанинг мазмуни муҳокамасини ташкиллаштиради. Қандай ўқув натижаларга эга бўлиш кераклиги аниқлаштирилади. Ақлий ҳужум, гуруҳларда ишлаш қоидалари ва ғояларни баҳолашларни эслатиб ўтади, регламент, ишни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари билан таништиради (2,3-иловалар).</p> <p>Гуруҳларда ишлаш бошланганини эълон қилади. Маслаҳат беради ва йўналтиради.</p> <p>3.3. Презентация бошланганлигини эълон қилади. Презентация давомида изоҳ беради, аниқлаштиради, тўғрилайди. Муаммони ҳал этиш вариантлари, гуруҳларни ўзаро баҳоларини жамоа бўлиб муҳокама қилишни ташкил қилади.</p> <p>3.4. Муҳокаманинг якуний хулосаларини шакллантиради, жавобларнинг тўлиқлигини баҳолайди, жавоб тўлиқ бўлмаса ўзи жавоб беради ва хулоса қилади.</p> <p>Муаммонинг ҳал этилиши бўйича хулосаларни ҳар бир талаба жадвалга тушириши ва ўқитувчига бериши тавсия этилади. Семинар мавзуси бўйича якуний хулоса қилади.</p> | <p>3.2. Муаммоли вазифанинг мазмуни, топшириқ, регламент, баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари билан танишади.</p> <p>Мустақил равишда гуруҳда муаммоли вазифани бажаради, презентация қоғозларини тўлдирди.</p> <p>3.3. Ишнинг натижалари бўйича презентация қилади. Муаммони ҳал этиш бўйича вариантлар ва хулосаларни эшитади ҳамда ўз фикрини айтади.</p> <p>Бошқа гуруҳлар ишини баҳолайди.</p> <p>3.4. Хулосаларни ёзиб олади ва топширади.</p> |
| <p>4-босқич. Якуний (10 мин.)</p> | <p>1.1. Ўқув фаолияти бўйича якуний хулоса қилади, талабалар эътиборини асосий масалага қаратади, баҳолайди ва фаол иштирок этганларни рағбатлантиради.</p> <p>1.2. Олинган билимларнинг келажакда ўқув ва амалиёт учун аҳамиятини таъкидлаб ўтади.</p> <p>1.3. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради: Ўзбекистон иқтисодиёти бўйича статистик материаллар тўпланг.</p> | <p>Эшитадилар, аниқлаштирадилар ва топшириқни ёзиб оладилар.</p> |

1 – илова

Ўқув материаллари

1. Муаммоли вазифа

Миллий иқтисодиёт ҳолатини таҳлил қилиш, шунингдек, икки ва ундан ортиқ мамлакат иқтисодиётини таққослаш имконини берувчи усулни ишлаб чиқишингиз зарур.

2. Услубий кўрсатма: ҳаракат кетма-кетлиги (алгоритм)

1. Муаммони савол шаклига келтиринг.
2. Асосий масалани шакллантиринг, унинг ечими муаммоли саволга жавоб бериш даражасида бўлсин.
3. Миллий иқтисодиёт ҳолатини тавсифлаш имконини берувчи асосий мезонларни (белги, таҳлил йўналиши) айтинг.
4. Ечиш алгоритминини тузинг.
5. Жамоа бўлиб танланган кўрсаткични баҳоланг, уларни ёритиш кетма-кетлигини ўрнатиңг.
6. Миллий иқтисодиёт ҳолатини баҳолаш бўйича танланган кўрсаткич асосида бир қатор кичик муаммоларни шакллантиринг ва жадвалга ёзинг.
7. “Ечимнинг мазмуни” устунига уларни аниқлаш, ҳисоблаш алгоритминини (формуласи, тартибини) ёзинг.
8. Муаммони ечиш жадвалини тўлдиринг.
9. Сиз томонигиздан келтирилган кўрсаткичнинг миллий иқтисодиёт учун аҳамиятини ёритинг ва оралиқ хулосаларни шакллантиринг ва ёзинг.

10. Якуний хулосани аниқ ва лўнда қилиб шаклантиринг.

3. Муаммони ечиш жадвали

| | | |
|------------------------------|-----------------|-----------|
| Муаммонинг шаклантирилиши: | Якуний хулоса: | |
| Қуйи муаммоларни шаклантириш | Ечимлар мазмуни | Хулосалар |
| <i>1</i> | <i>2</i> | <i>3</i> |
| 1. | | |
| 2. | | |
| n. | | |

2 – илова

Иш тартиби ва регламент

1. Муаммони ечиш ва презентация варағини ёзиш учун гуруҳда ишлашга - 20 мин.
2. Муаммо ечимини презентация қилиш – 8 мин. гача.
3. Жамоа бўлиб муҳокама қилиш, хулосаларни шаклантириш - 10 мин. гача.
4. Ўзаро баҳолаш – 1 мин.

3 – илова.

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳлар тақдимотини баҳолайди, мезонлар бўйича балларни жамлайди.

| Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари | Максимал балл | 1 гуруҳ | 2 гуруҳ | 3 гуруҳ |
|--|---------------|---------|---------|---------|
| | | | | |
| Ечимлар: | 1,2 | | | |
| - муаммони ва қуйи муаммони тўғри шаклантириш; | 0,4 | | | |
| - ечимни муаммо ва қуйи муаммо шаклига мос келиши; | 0,4 | | | |
| - мантиқийлик, аниқлик, хулосаларни қисқалиги. | 0,4 | | | |
| Тақдимот: | 1,4 | | | |
| - жавобларни аниқлиги ва тушунарлилиги; | 1,0 | | | |
| - ҳар бир гуруҳ иштирокчисининг фаоллиги (саволлар, қўшимчалар). | 0,4 | | | |
| Регламент | 0,4 | | | |
| Умумий баллар йиғиндиси | 3,0 | | | |

Гуруҳ ишини умумлаштирувчи баҳо

| Гуруҳ | 1 | 2 | 3 | Умумий балл | Баҳо |
|-------|---|---|---|-------------|---|
| | | | | | (умумий балл 2 га бўлинади) 2,2 -3 балл – «аъло» 1,2 - 2 балл – «яхши» 0,5 – 1,1 балл – «қон-ли» |
| 1 | - | | | | |
| 2 | | - | | | |
| 3 | | | - | | |

| | |
|------------------|----------------------------------|
| 15-мавзу. | Ялпи талаб ва ялпи таклиф |
|------------------|----------------------------------|

15.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

| | |
|--|--|
| Вақти – 2 соат | Талабалар сони: 20-50 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Ахборот визуал маъруза Б.Б.Б. техникасидан фойдаланган ҳолда |
| Маъруза машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Ялпи талаб тушунчаси, унинг эгри чизиғи ва ҳажмига таъсир этувчи омиллар. 2. Ялпи таклиф тушунчаси, унинг эгри чизиғи ва ҳажмига таъсир қилувчи омиллар. 3. Ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мувозанатлик ҳамда унинг ўзгариши. 4. Миллий иқтисодиётда ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанатлигини таъминлашда ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Ялпи талаб ва ялпи таклифнинг иқтисодий мазмуни, уларнинг шаклланиш хусусиятлари ва ўзаро таъсири ҳақида билимларни шакллантириш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> - ялпи талаб ва ялпи таклиф тушунчаларига изоҳ беради; - ялпи талаб ва ялпи таклиф таркибини таҳлил қилади, графикларда ифодалайди; - ялпи талаб ва ялпи таклифга таъсир қилувчи омилларни тавсифлайди; - ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги нисбат, умумиқтисодий мувозанат тўғрисида тушунча беради; - бозорнинг тўйинганлик даражаси ва тақчиллик тушунчаларининг моҳиятини очиқ беради. | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - ялпи талаб ва ялпи таклиф, бозорнинг тўйинганлик даражаси ва тақчилликларга таъриф бера олади; - ялпи талаб ва ялпи таклиф графикларини ифодалайди, мувозанат нуқтасини кўрсата олади; - ялпи талаб ва ялпи таклиф ҳажмига таъсир қилувчи омилларни санаб беради; - ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги ўзаро таъсир жараёнларини тавсифлайди. |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Маъруза, визуаллаштириш, ақлий ҳужум, муҳокама, техникалари: тест ўтказиш, блиц сўров, график органайзер: Б/Б/Б жадвали |
| Ўқитиш воситалари | Конспект, слайдлар, ўқув материаллари, проектор, информацион таъминот |
| Ўқитиш шакли | Фронтал, алоҳида, жамоа бўлиб ишлаш, жуфтликда ишлаш |
| Ўқитиш шарт-шароити | Информацион технологиялардан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган аудитория |

Маъруза машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|--|--|---|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (5 мин.) | 1.1. Мавзу унинг мақсади ўқув машғулотидан кутилаётган натижалар ва уни ўтказиш режасини маълум қилади. | Эшитадилар, ёзадилар. |
| 2-босқич. Билимларни фаоллаштириш (15 мин.) | 2.1. Экранга Б/Б/Б жадвалини чиқаради ва унга изоҳ беради (1-илова). Топшириқ беради: ҳамма жадвални чизиб олсин ва маъруза режаси бўйича 2-устунни тўлдирсин. Талабаларни жуфтликка ажралишлари сўралади, саволлар бўйича алоҳида фикр юритиш ва жуфтликда | 2.1. Жадвални чизади ва 2-устунни тўлдирди. Жуфтликка ажрайдилар саволларни муҳокама қилади ва жавоб берадилар. Б/Б/Б жадвалининг 3 ва 4 устунларини тўлдирдилар. |

| | | |
|-----------------------------------|--|--|
| | муҳокама қилиш ва жавоб бериш тавсия этилади: (1) ялпи талаб ва ялпи таклиф тўғрисида нималарни биласизлар? (2) сизнинг фикрингизча ушбу мавзу бўйича нимани билиш керак? Блиц сўров ўтказди. Б/Б/Б жадвалининг 3 ва 4 устунларини тўлдириш бўйича топширик беради. | |
| 3-босқич. Ахборот (55 мин.) | 3.1. Конспектни тарқатади (3-илова). Маъруза ўқийди, визуал материаллардан фойдаланади. Тушунтириш жараёнида мавзу бўйича асосий назарий тушунчалар ва қонуниятларни муҳокама қилади, эътиборни жалб этувчи ва муаммоли саволлардан фойдаланади (2-илова). 3.2. Олинган билимларни мустаҳкамлаш учун тестларни ечишни тавсия этади (4-илова). Тестларни экранга чиқаради муҳокамани уюштиради ечимларни жамоа бўлиб топадилар. Муҳокама бўйича якуний хулосалар чиқаради. 3.3. Топширик беради: Б/Б/Б жадвалининг 5 –устунини жуфтликда муҳокама қилган ҳолда тўлдиришларини сўрайди. Блиц сўров ўтказди. | 3.1. Эшитадилар, муҳокамада иштирок этадилар. 3.2. Тестларни ечади ва уларни асослайдилар. 3.3. Б/Б/Б жадвалининг 5 – устунини жуфтликда муҳокама қилган ҳолда тўлдирадилар. |
| 4-босқич. Якуний (5 мин.) | 4.1. Маърузага яқун ясайди, ўқув фаолияти натижаларини умумлаштиради, олинган билимларнинг келажак учун аҳамиятини айтиб ўтади. 4.2. Мустақил ишлаш учун топширик беради: 1) “Кейнсчилик ва классик моделларда макроиқтисодий мувозанатликнинг моҳияти” бўйича таққослама жадвал тузинг; 2) назорат топшириғини бажаринг ва №1 уйга вазифа жадвалини тўлдиринг. | 4.1. Эшитадилар ва топширикни ёзиб оладилар. |

Ўқув материаллари

1 – илова.

Б/Б/Б техникасини қўллаш бўйича кўрсатма

1. Маъруза режасига мос ҳолда 2-устунни тўлдиринг.
2. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани биласиз, 3-устунни тўлдиринг.
3. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани билиш керак, 4-устунни тўлдиринг.
4. Маърузани эшитинг.
5. 5-устунни тўлтиринг.

Б/Б/Б жадвали (Биламан/Билишни хоҳлайман/Билдим)

| № | Мавзу саволи | Биламан | Билишни хоҳлайман | Билдим |
|---|--------------|---------|-------------------|--------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |

Муҳокама учун эътиборни жамловчи ва муаммоли саволлар

1. Макроиктисодий таҳлилнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Нима учун макроиктисодий мувозанатга эришиш муҳим?
3. Ялпи талабга таъриф беринг.
4. Қайси иқтисодий кўрсаткичнинг мазмуни ялпи талаб кўрсаткичига мос?
5. Нимаси билан ЯММ ялпи талабдан фарқ қилади?
6. Қайси формула орқали ялпи талабнинг таркибий мазмуни ёритилади?
7. AD эгри чизиғининг салбий томонга эгилганлиги нима билан изоҳланади?
8. Ялпи талабга таъсир этувчи омилларни санаб беринг, улар қандай таъсир этади?
9. Ялпи таклифга таъриф беринг ва унинг микродаражадаги таклифдан қандай фарқи бор?
10. AS эгри чизиғи қандай эгилишга эга, нима учун?
11. Қандай нархдан ташқари омиллар ялпи таклифга таъсир этади, қандай?
12. AS эгри чизиғининг ўзига хос хусусияти нимада? Бу нима билан изоҳланади?
13. Ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мувозанат қандай ўрнатилади? Унинг ўзига хос томонлари нимада?
14. Бозорнинг тўйинганлик даражаси нимани ифодалайди, қачон дефицит бўлади ва у бозор иқтисодиёти шароитида қандай бартараф этилади.

3-илова.

Ялпи талаб ва ялпи таклиф мавзуси бўйича конспект


1. Ялпи талаб тушунчаси ва унинг ҳажмига таъсир қилувчи омиллар.
2. Ялпи таклиф тушунчаси. Ялпи таклиф таркиби ва унга таъсир қилувчи омиллар.
3. Ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги нисбат ва унинг ўзгариши.

1. Ялпи талаб тушунчаси ва унинг ҳажмига таъсир қилувчи омиллар.

Ялпи талаб (aggregate demand, AD) - бу барча истеъмолчилар, яъни аҳоли, корхоналар ва давлат томонидан нархларнинг муайян даражасида сотиб олинishi мумкин бўлган турли товарлар ва хизматларга бўлган талабнинг умумий ҳажми ёки миллий иқтисодиётдаги реал пул даромадлари ҳажмидир.

Ялпи талаб барча истеъмолчиларнинг турли хил товарларга ва хизматларга бўлган талабларидан ташкил топади. Биз биламизки, товар ва хизматлар икки хил бўлади: аҳоли истеъмол қиладиган истеъмол товарлари ва тадбиркорлар ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қиладиган ишлаб чиқариш омиллари – капитал ва ишчи кучи. (Биз ишлаб чиқариш омиллари таркибида ер ҳам борлигини биламиз. Лекин бизнинг мамлакатимизда ер олди-сотди объекти бўлмагани учун уни бу ерда ялпи талаб таркибида ҳисобга олмаймиз ва кейинги ўринларда омилларга талаб ҳақида гап кетганда фақат капитал ва ишчи кучи ҳақида гап боради).

Талабнинг умумий миқдори, яъни шу айtilган товарларни сотиб олишга мўлжалланган пул миқдори уларнинг турларига, миқдорига, сифатига ҳамда нархига боғлиқ бўлади. Уни қуйидаги чизмада осонроқ тушуниш мумкин бўлади (1-чизма).



1-чизма. Ялпи талабнинг умумий миқдорининг товарлар турлари, миқдори, сифати ҳамда нархига боғлиқлиги.

Ялпи талаб миқдор жихатидан аниқланади ва унинг умумий миқдори турли омиллар таъсирида ўзгариб туради.

Турли ўқув қўлланмалари ва дарсликларда ялпи талаб миқдорини аниқлаш усуллари ва унга таъсир этувчи омилларни баён этишда турли жихатдан ёндошилади. Жумладан, академик В.Видяпин ва бошқаларнинг умумий таҳрири остида чоп этилган «Иқтисодиёт назарияси» бўйича дарсликда ялпи талаб иқтисодиёт алоҳида соҳалари сарфларининг йиғиндиси сифатида ифодаланади, яъни:

$$Y_d = C + I + G + NX ,$$

бу ерда:

Y_d – ялпи талаб;

C – уй хўжаликларининг истеъмол сарфлари;

I – хусусий секторнинг инвестиция сарфлари;

G – давлат хариди;

NX – соф экспорт.¹

Академик В.Камаев эса ялпи талабни реал ялпи миллий маҳсулот унсурларига бўлган умумий пул талаби сифатида намоён бўлишини ҳамда уни пулнинг миқдорий назариясига мувофиқ қуйидаги кўринишда ифодаланишини таъкидлайди:

$$AD = M \times V / P ,$$

бу ерда:

AD – ялпи талаб;

M – пул миқдори;


V – пулнинг айланиш тезлиги

P – нарх даражаси.²

Бундан кўринадики, ялпи талаб миллий ишлаб чиқариш ҳажми ва нарх даражасига бевосита боғлиқ.

Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда, нарх даражаси қанча паст бўлса, истеъмолчилар (мамлакат ичидаги ҳамда чет элдаги) миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг шунча катта қисмини ва аксинча, нарх даражаси қанча юқори бўлса, шунча кам қисмини сотиб олади. Шундай қилиб, бошқа шароитлар ўзгармаган ҳолда нарх даражасининг ошиши ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмига бўлган ялпи талаб ҳажмининг камайишига сабаб бўлади. Аксинча, нарх даражасининг пасайиши ишлаб чиқариш ҳажмига ялпи талабнинг ошишига олиб келади. Ялпи талабга нархдан ташқари таъсир қилувчи омилларнинг ўзгариши ҳам миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига олиб келади.

Нарх даражаси ва талаб таъсиридаги миллий ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги бу тесқари боғлиқлик 2-чизмада аниқ ифодаланган.



2-чизма. Ялпи талаб эгри чизиғи.


¹ Экономическая теория: Учебник. - Изд., испр. и доп. / Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005. – с.412.

² Экономическая теория: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. - М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004, с.291.

Чизмадан кўринадики, ялпи талаб эгри чизиғи якка талаб эгри чизиғига ўхшайди, бироқ ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар бир-бирдан фарқланади. Агар якка талаб эгри чизиғи турли нарх кўрсаткичларида алоҳида истеъмолчининг муайян товарга бўлган талаби миқдори ўртасидаги боғлиқликни ифодаласа, ялпи талаб эгри чизиғи мамлакатдаги нархларнинг турли даражаси ҳамда ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди.

Шунингдек, якка талаб эгри чизиғининг пасаювчанлиги даромад ва алмашув самараларининг амал қилиши билан изоҳланса, ялпи талаб эгри чизиғининг пасаювчан кўринишда бўлиши нархлар умумий даражасининг ўзгариши натижасида рўй берувчи фоиз ставкаси самараси, бойлик самараси ва импорт товарлар хариди самараси орқали изоҳланади.

Нарх ўзгариши билан фоиз ставкаларининг ҳамда ялпи талаб умумий миқдорининг ўзгариши ўртасидаги боғлиқликни 3-чизма орқали осонроқ тушуниш мумкин.



3-чизма. Нарх даражаси ошишининг ялпи талабга таъсири.

Бу ерда биз нарх ошган ҳолатда пулга бўлган талабнинг, фоиз ставкасининг ошишини ва, ниҳоят, ялпи талаб миқдорининг камайишини ифода этдик. Нарх пасайса, шу ҳолатнинг тескараси, яъни пулга бўлган талаб ҳамда фоиз ставкасининг пасайиши ва оқибатда ялпи талаб миқдорининг ошиши рўй беради.

Ялпи талаб ҳажмига нархдан ташқари омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Қуйида улардан энг муҳимларини кўриб чиқамиз:

1. Истеъмол сарфларидаги ўзгаришлар. Нарх даражасининг ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ҳолда, нархдан ташқари бир ёки бир нечта омиллар таъсирида истеъмолчилар хариди ҳажмида ўзгариш рўй бериши мумкин. Бу истеъмолчи фаровонлиги, истеъмолчининг кутиши, истеъмолчининг қарзлари ва солиқларнинг ўзгариши натижаси ҳисобланади.

Истеъмолчининг фаровонлиги истеъмолчи эга бўлган барча молиявий активларга (акция ва облигация) ҳамда уй ва ер каби кўчмас мулкларга эгалигига боғлиқ бўлади. Уларнинг реал қийматининг кескин камайиши товар харид қилиш ҳажмининг камайишига олиб келади. Истеъмол сарфларининг қисқариши натижасида ялпи талаб камаяди. Аксинча моддий ва молиявий бойликлар реал қийматининг ошиши натижасида, нархларнинг мавжуд даражасида истеъмол сарфлари ўсади. Бунга, акция курсининг кескин ошиши, хатто нархлар даражаси ўзгармай қолганда истеъмолчи фаровонлигининг ўсишига олиб келишини мисол қилиб келтириш мумкин. Уй ва ер реал қийматининг кескин камайиши нарх умумий даражасининг ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ҳолда истеъмолчи фаровонлигининг пасайишига олиб келади.

2. Инвестицион сарфлар. Инвестицион сарфлар, яъни ишлаб чиқариш воситаларини харид қилиш, ялпи талабнинг нархдан ташқари муҳим омили ҳисобланади. Нархларнинг мавжуд даражасида корхона сотиб олиши мумкин бўлган янги ишлаб чиқариш воситаларининг камайиши ялпи талабнинг камайишига, аксинча корхона сотиб оладиган инвестицион товарлар ҳажмининг кўпайиши ялпи талабнинг кўпайишига олиб келади. Инвестицион сарфларни ўзгартириш мумкин бўлган нархдан ташқари омилларни алоҳида-алоҳида қараб чиқамиз.

Фоиз ставкалари. Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда, фоиз ставкасининг ошиши, инвестицион сарфларнинг камайишига ва ялпи талабнинг қисқаришига олиб келади. Бу ерда гап мамлакатда пул массаси ҳажмининг ўзгариши оқибатида фоиз ставкаларининг ўзгариши ҳақида гап кетади. Пул массасининг кўпайиши фоиз ставкасини камайтиради ва шу орқали капитал қўйилмалар ҳажмини кўпайтиради. Аксинча, пул масасининг камайиши фоиз ставкасининг ошишига ва инвестицияларнинг қисқаришига олиб келади.

3. Давлат сарфлари. Нархларнинг мавжуд даражасида, миллий маҳсулотда давлат харидининг кўпайиши ялпи талабнинг ўсишига олиб келади. Бунга давлатнинг **миллий армияни тузиш ёки унинг сонини ошириш** тўғрисидаги қарори мисол бўла олади. Давлат сарфларининг камайиши ялпи талабнинг қисқаришига олиб келади. Масалан, янги автомобиль йўли қуришга давлат сарфларининг қисқариши шундай натижага олиб келади.

4. Соф экспортдаги ўзгариш. Соф экспортнинг кўпайиши ялпи талабни ҳам кўпайтиради. Биринчидан, экспортнинг юқори даражаси, чет элларда бизнинг товарларга бўлган талабни оширади. Иккинчидан, импортнинг қисқариши ўз товарларимизга ички талабнинг кўпайишини тақозо қилади. Соф экспорт ҳажмининг ўзгаришига аввало чет давлатлар миллий даромади ва валюта курсларининг ўзгариши таъсир кўрсатади. Чет мамлакатларда даромадлар даражаси ошганда, уларнинг фуқаролари ҳам миллий товарларни, ҳам хориж товарларини кўпроқ миқдорда сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Чет элларда миллий даромаднинг камайиши эса соф экспортимиз ҳажмини қисқартиради.


Валюта курслари. Бошқа валюталарга нисбатан миллий пул курсининг ўзгариши соф экспортга ва демак ялпи талабга таъсир кўрсатади. Фараз қилайлик, иенанинг доллардаги нархи ўсди. Бу долларнинг иенага нисбатан қадрсизланганлиги ва иена курси кўтарилганлигини билдиради. Доллар ва иена ўртасидаги янги нисбат натижасида япониялик истеъмолчилар иенанинг маълум суммасига кўпроқ доллар сотиб олиши мумкин. Демак, япониялик истеъмолчилар учун америка товарлари япон товарларига қараганда арзонроқ бўлади. Шу билан бирга америкалик истеъмолчилар долларнинг маълум суммасига япон товарларини нисбатан камроқ миқдорда сотиб олиши мумкин. Бундай ҳолда АҚШ экспортининг ўсиши, импортнинг эса камайиши ҳолатини кутиш мумкин. Соф экспортнинг кўпайиши ўз навбатида АҚШ иқтисодиётида ялпи талабнинг кўпайишига олиб келишини билдиради.

2. Ялпи таклиф тушунчаси. Ялпи таклиф таркиби ва унга таъсир қилувчи омиллар.

Ялпи таклиф (aggregate supply, AS) – бу мамлакатда муайян вақтда нархларнинг муайян даражасида ишлаб чиқарилиб, сотишга чиқарилган барча товарлар ва хизматлар ҳажмидир. Бу нархларнинг ҳар хил мумкин бўлган ўртача даражасида миллий ишлаб чиқаришнинг мавжуд реал ҳажмини кўрсатади.

Ялпи таклиф турли хил ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ва хизматлардан ҳамда инвестиция товарларидан иборат бўлади. Бундан ташқари ялпи таклифга уй хўжаликлари таклиф қиладиган ишчи кучи ресурслари ҳам киради. Албатта ишлаб чиқарилган ва сотишга мўлжалланган истеъмол товарлари ва хизматлари ҳам, шунингдек, инвестиция товарларининг турлари ҳам жуда кўп ва турли-тумандир. Лекин ялпи талаб ўзининг ижтимоий зарурий нафлилиги билан, яъни ўзининг турлари, миқдори ва сифати бўйича ҳамда ижтимоий қиймати бўйича шу даврдаги жамият аъзолари талабига мос келиши керак.


Ялпи таклифни ва унинг миқдорини умумлаштириб қуйидаги чизма кўринишида ифодалаш мумкин (4-чизма).



4-чизма. Ялпи талабнинг умумий миқдорининг товарлар турлари, миқдори, сифати ҳамда нархига боғлиқлиги.

Ялпи таклифга энг аввало бозор нархлари даражаси билан ижтимоий қиймат миқдори ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши таъсир кўрсатади. Нархлар даражасининг қиймат миқдоридан ошиши кўшимча товарлар ишлаб чиқариш учун рағбат яратади. Нархлар даражасининг қийматдан пасайиши эса товар ишлаб чиқаришнинг қисқаришига олиб келади. Шу сабабли турли товарлар нархлари ва миллий ишлаб чиқариш ҳажми ўртасида тўғридан-тўғри ёки бевосита боғлиқлик мавжуд бўлади.

Бу боғлиқлик ялпи таклиф эгри чизиғида аниқ акс этади (5-чизма).



5-чизма. Ялпи таклиф эгри чизиғи.

Чизмадан кўринадики, ялпи таклиф эгри чизиғи ўз шакли жиҳатидан якка ёки бозор таклифининг анъанавий эгри чизиғидан фарқ қилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, узок муддатли ва қисқа муддатли даврдаги ялпи таклиф эгри чизиғи бир-биридан фарқланади. Узок даврдаги ялпи таклиф эгри чизиғи ўз шаклига кўра чизмадаги Y_1 нуқтага қадар жойлашган ҳар қандай тик чизикдан иборат бўлади. Иқтисодий ресурсларнинг ишлаб чиқаришга тобора кўпроқ жалб этилиши мазкур чизикни Y_1 нуқтага яқинлаштиради ва пировардида шу нуқтада жойлашган чизикқа тенглашади. Чунки кўшимча ресурс ва имкониятларни ишга солиш учун вақтнинг етарли бўлиши узок муддатли даврда иқтисодиётда тўла бандлик ҳолатига олиб келади.

Қисқа муддатли даврда ялпи таклиф эгри чизиғининг кўриниши бир оз мураккаброқ бўлиб, учта кесмани ўз ичига олади.

I. Ётиқ кесма. У баъзида «кейнсча» кесма деб ҳам аталиб, иқтисодиётнинг таназул ёки турғунлик палласидаги ҳолатини акс эттиради. Ётиқ кесма миллий ишлаб чиқариш потенциал ҳажми (чизмадаги Y_1 нуқта)дан анча кам бўлган ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми (чизмадаги Y нуқтага қадар бўлган ҳажм)ни ўз ичига олади. Яъни, бу ораликда мамлакатдаги мавжуд кўплаб ишлаб чиқариш қувватлари, машина, ускуна ва ишчи кучи ишлаб чиқаришга жалб этилмайди ёки улардан тўлиқ фойдаланилмайди. Шунга кўра, мазкур ресурсларнинг ишлаб чиқаришга жалб этилиши нарх даражасига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Бу ораликда ишлаб чиқариш реал ҳажми қисқарганда ҳам товар ва ресурслар нархи эски даражада қолади. Шундай қилиб, ётиқ кесмада нарх даражаси ўзгармаган ҳолда миллий ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконияти мавжуд.

II. Оралик кесма. Y ва Y_1 нуқталар орасидаги мазкур кесма миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг кўпайиши нарх даражасининг ўсиши билан бирга боришини кўрсатади. Бу ишлаб чиқаришнинг тўлиқ қувват билан ишлай бошлаганидан, корхоналарнинг анча эски ва кам самарали ускуналардан фойдалана бошлаганлигидан гувоҳлик беради. Ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиб бориши билан кўшимча ишчи кучи ҳам ишга жалб қилинади. Шу барча сабабларга кўра маҳсулот бирлигига қилинадиган харажатлар ортади, корхоналар ишлаб чиқаришининг рентабелли бўлиши учун товарларга анча юқори нарх белгилайди. Шу сабабли оралик кесмада миллий маҳсулот реал ҳажмининг кўпайиши нархларнинг ўсиши билан бирга боради.

III. Тик кесма. У баъзида «классик» кесма деб ҳам аталиб, иқтисодиёт ўзининг тўлиқ ёки табиий даражасига эришганлигини кўрсатади. Бунда иқтисодиёт ишлаб чиқариш имкониятининг шундай нуқтасида (чизмадаги Y_1 нуқта) жойлашадики, бунда қисқа муддатда ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтиришга эришиш мумкин эмас. Нархнинг тўхтовсиз ошиб бориши ҳам ишлаб чиқариш реал ҳажмининг кўпайишига олиб келмайди, чунки иқтисодиёт тўлиқ қувват билан ишлай бошлайди. Қисқача айтганда, бу кесма миллий ишлаб чиқариш ҳажми доимий бўлиб қолиши, нарх даражаси эса ўзгариши мумкинлигини кўрсатади.

Ялпи таклиф ҳажмига таъсир қилувчи омиллар. Ялпи таклифга нархдан ташқари бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Бу омиллардан бир ёки бир нечтасининг ўзгариши ялпи таклифнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Ялпи таклифнинг нархдан ташқари бу омиллари битта умумий хусусиятга эга: агар улар ўзгарса, маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатлари ҳам ўзгаради. Натижада ялпи таклиф эгри чизиғи жойини ўзгартиради.

1. Ресурслар нархининг ўзгариши. Ресурслар нархи тайёр маҳсулот нархидан фарқ қилиб, ялпи таклифнинг муҳим омили ҳисобланади. Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда, ресурслар нархининг ошиши маҳсулот бирлигига харажатларнинг кўпайишига, ресурс нархларининг пасайиши эса харажатларнинг камайишига олиб келади. Ресурс нархларига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Ресурслар таклифининг кўпайиши улар нархини пасайтиради ва натижада маҳсулот бирлигига харажатлар камаяди. Ресурслар таклифининг камайиши эса қарама-қарши натижага олиб келади. Энди алоҳида ресурслар таклифи ўзгаришининг ялпи таклифга таъсирини қараб чиқамиз.

2. Самарадорликнинг ўзгариши. Самарадорлик - бу 2-бобда айтганимиздек, миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг сарфланган ресурс миқдорига нисбатидир. Бошқача айтганда, самарадорлик - бу харажат бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқаришнинг ўртача ҳажми ёки ишлаб чиқариш реал ҳажми кўрсаткичидир. Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда бир ишчи ҳисобига кўпроқ миқдорда машина ва ускуналардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш; анча билимли ва малакали ишчи кучини қўллаш каби омилларнинг ўзаро таъсири самарадорликнинг ўсиши ва ялпи таклифнинг ошишига олиб келади.

Қисқача қилиб айтганда, маҳсулот бирлигига харажатлар камайганда самарадорликнинг ошиши ялпи таклифнинг ошишига, аксинча, унумдорликнинг камайиши натижасида маҳсулот бирлигига харажатларнинг кўпайиши ялпи таклифнинг қисқаришига олиб келади.

3. Ҳуқуқий меъёрларнинг ўзгариши. Корхоналар ўз фаолиятида амал қиладиган ҳуқуқий меъёрларнинг ўзгариши маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларни ва ялпи таклифни ўзгартириши мумкин.

Ҳуқуқий меъёрлар ўзгаришининг икки тури мавжуд:

а) солиқ ва субсидияларнинг ўзгариши;

б) давлат томонидан тартибга солиш тавсифи ва усулларининг ўзгариши.

Корхоналардан олинадиган солиқлар (қўшилган қиймат солиғи, иш ҳақи фондига нисбатан ажратмалар)нинг кўпайиши маҳсулот бирлигига харажатларни кўпайтириши ва ялпи таклифни қисқартириши мумкин.

3. Ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги нисбат ва унинг ўзгариши.

Юқорида ялпи талаб мамлакат миқёсида унинг ҳамма бўлимларида ва таркибий қисмларида мавжуд бўлиб, турли товар ва хизматларни сотиб олишга мўлжалланган пуллар миқдори сифатида, ялпи таклиф эса бутун мамлакатдаги ҳамма тармоқларда ва ҳудудларда, ҳамма корхона ва ташкилотларда сотиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг ялпи миқдори сифатида намоён бўлишини ифодалаган эдик.


Ялпи талаб эгри чизиғи ва ялпи таклиф эгри чизиғи кесишган нуқта **умумиктисодий мувозанатни** ифодалаб, бу ҳолатга нархнинг мувозанатли даражаси ва миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли реал ҳажми орқали эришилади.

Иқтисодиёт доимий равишда макроиктисодий мувозанат томон ҳаракат қиладиган ва маълум даражада бу тенглик таъминлаб турилади. Бироқ, ялпи талаб ва ялпи таклифга таъсир этувчи омилларнинг ўзгариб туриши натижасида мувозанат бузилади ва иқтисодиёт янги мувозанат томон ҳаракат қиладиган.

Ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанати ялпи таклиф эгри чизиғининг қайси кесмасида рўй беришига қараб ўзига хос хусусият касб этади.


Ялпи талаб эгри чизиғи ялпи таклиф эгри чизиғини ётиқ кесмада кесиб ўтса, нарх даражаси миллий ишлаб чиқариш мувозанатли реал ҳажмининг шаклланишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Бунда ялпи талаб миқдорининг ўсиши миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг ошишига, унинг камайиши эса бу ҳажмининг камайишига олиб келади. Бироқ, бу ўзгаришлар иқтисодиётдаги умумий нарх даражасининг ўзгаришисиз рўй беради (6-чизма).

Чизмадан кўринадик, ётиқ кесмада ялпи талабнинг ўсишига таклиф эгри чизиғи бўйича мувозанат нуқтасининг ўнг томонга силижиши орқали жавоб берилади. Яъни, AD_1 дан AD_2 га қадар ўсган талаб миқдори иқтисодиётда тўлиқ фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиши орқали миллий ишлаб чиқариш ҳажмини Q_1 дан Q_2 га қадар ўстириш орқали кондирилади.



6-чизма. Ётиқ кесмада ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанатининг ўзгариши.


Тик кесмада ишчи кучи ва ишлаб чиқариш қувватлари тўлиқ фойдаланилади, шу сабабли ялпи талабнинг кенгайиши фақат нарх даражасига таъсир кўрсатади, яъни уни оширади. Миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми эса ўзгаришсиз қолади (8-чизма).



7-чизма. Тик кесмада ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанатининг ўзгариши.

Чизмадан кўриниб турибдики, тик кесмада ялпи талаб миқдорининг AD_1 дан AD_2 га ошиши фақат нарх даражасини P_1 дан P_2 га қадар ўсишига олиб келмоқда, миллий ишлаб чиқариш ҳажми эса потенциал даража - Q_s ҳажмида қолмоқда. Чунки бу чегарада иқтисодиёт ўзининг барча ишлаб чиқариш имкониятларини ишга солиб бўлган ҳисобланади.

Оралиқ кесмада ялпи талабнинг кенгайиши бир вақтнинг ўзида миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг кўпайишига ва нарх даражасининг ошишига олиб келади (5-чизма). Чизмадан кўринадики, ялпи талабнинг AD_1 дан AD_2 га ўсиши ялпи таклиф эгри чизиғи бўйлаб миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг Q_1 дан Q_2 га қадар кўпайишига олиб келмоқда. Бироқ, бу кўпайиш айти пайтда нархлар даражасини ҳам P_1 дан P_2 га оширмоқда. Бу эса оралиқ кесмада иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш ресурслари аста-секин тўла бандлик ҳолатига ўтаётганлигини, қўшимча қувватларнинг ишга туширилиши тобора ўсиб боровчи харажатлар орқали амалга ошишини аниқлатади.



8-чизма. Оралиқ кесмада ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанатининг ўзгариши.

Демак, ялпи талабнинг ўсиши ялпи таклифнинг қайси кесмасида рўй беришидан келиб чиққан ҳолда нарх даражасига турлича таъсир кўрсатар экан. Ялпи талабнинг камайиши ҳам турли кесмаларда турлича кечади. Агар ётиқ кесмада ялпи талаб камайса, миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми камайиб, нарх даражаси ўзгаришсиз қолади. Тик кесмада нарх тушади, миллий ишлаб чиқариш тўлиқ бандлик даражасида бўлганлиги сабабли, унинг реал ҳажми ўзгаришсиз қолади. Оралиқ кесмада миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми қисқаради ва нарх даражаси пасаяди. Айти пайтда бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, оралиқ ва тик кесмаларда ялпи талабнинг қисқариши вазиятни мураккаблаштирувчи омиллар таъсирида бирданига нархнинг пасайишига олиб келмаслиги мумкин. Бу мураккаблик шундан иборатки, товарлар ва ресурслар нархи пасайиш тамойилига эга бўлмайди. Шу сабабли айрим иқтисодчилар бундай тамойилни храповик самараси деб атайдилар (храповик - бу ғилдиракни фақат олдинга ҳаракат қилишга мажбур этувчи механизм). Храповик самараси шунга асосланадики, нарх осонлик билан кўтарилади, лекин жуда қийинчилик билан, секин пасаяди. Шу сабабли ялпи талабнинг ошиши нарх даражасини кўтаради, лекин талаб камайганда, қисқа давр ичида нархнинг тушишини кутиш мумкин эмас.

4-илова

Ялпи талаб (AD) – маълум давр ва шароитларда яқуний товарларга мамлакат бозорларидаги умумий талаб йиғиндиси

Ялпи таклиф (AS) – нархларнинг турли белгиланган даражасида фирмалар ва уй хўжаликлари бозорга тақдим этишга тайёр бўлган неъмат ва хизматларнинг умумий

5-илова.

Ялпи талаб мазмунан ЯММга яқиндир

У ёки бунинг миқдорини нархларнинг маълум даражасида Фишер формуласидан фойдаланган ҳолда харидорларнинг харажатлари сифатида ифодалаш мумкин:

$$MV = PQ,$$

бунда M – мамлакатнинг пул миқдори

V – пулларнинг айланиш тезлиги


P - товарларнинг ўртача нарх даражаси

Q – мамлакат бозорларидаги товар миқдори

MV кўпайтма ялпи талабни, PQ – кўпайтма эса ялпи миллий маҳсулотни белгилаш имконини беради



7-илова.



15.2. Семинар машғулотида ўқитиш технологияси.

| | | |
|--|---|--|
| Вақти-2 соат | Талабалар сони: 15-30 нафар | |
| Ўқув машғулотининг шакли | Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш ҳамда муаммоли масалаларни ҳал этиш кўникмасини ривожлантириш бўйича семинар | |
| Семинар машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Ялпи талаб тушунчаси, унинг таркиби ва ҳажмига таъсир қилувчи омиллар. Ялпи талаб эгри чизиғи ва унинг ўзгариши. 2. Ялпи таклиф тушунчаси. Ялпи таклиф ҳажмига таъсир қилувчи омиллар. Ялпи таклиф эгри чизиғи. 3. Ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мувозанатлик. Ж.Б.Сей қонуни. 4. Бозорнинг тўйинганлик даражаси. Тақчилликнинг иқтисодий табиати ва уни бартараф қилиш йўллари. | |
| Ўқув машғулотининг мақсади: Ялпи талаб ва ялпи таклиф бўйича билимларни чуқурлаштириш ва муаммоли масалаларни ҳал этиш кўникмасини ривожлантириш. | | |
| Педагогик вазифалар: | Ўқув фаолиятининг натижалари: | |
| <ul style="list-style-type: none"> - мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; - ўқув топшириқлар, уларни таҳлил ва ечиш кетма-кетлиги мазмунини ёритиш; - муаммоли топшириқларни мустақил равишда ечишни рағбатлантириш; - муаммоли масалаларни ечиш кўникмаларини ҳосил қилиш; - коммуникация, гуруҳда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш; | <ul style="list-style-type: none"> - ялпи талаб, ялпи таклиф, бозорнинг тўйинганлик даражаси, тақчиллик тушунчаларига таъриф бериш; - ялпи талаб ва ялпи таклифни графикда тасвирлаш, мувозанат нуқтасини кўрсатиш; - ялпи талаб ва ялпи таклиф ҳажмига таъсир қилувчи омилларни санайди; - ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги ўзаро алоқаларни тавсифлаш. | |
| Ўқитиш усуллари ва техникаси | Ҳамкорликда ўқиш, муаммоли усул, техника: “коп-коп”, “давра суҳбати”, презентация. | |
| Ўқитиш воситалари | Ўқув қўлланмалар, ўқув дафтарлар, маркерлар, скотч, А32 бичимидаги қоғоз варақлари. | |
| Ўқитиш шакллари | Фронтал, жамоада / гуруҳларда ишлаш. | |
| Ўқитиш шароитлари | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория | |

Семинар машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|--------------------------------|---|---|
| | Ўқитувчи | Талаба |
| 1-босқич. Кириш (5 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади. 1.2. Дарс “ҳамкорликда ўқиш” усулидан фойдаланган ҳолда ташкил этилишини эълон қилади. Ҳар бир талаба гуруҳ фаолиятига мос ҳолда индивидуал баҳосини олиши, гуруҳнинг биргаликдаги фаолияти презентацияда акс этиши зарурлиги эслатилади. 1.3. Ҳамкорликда ишлашни ташкил этиш тартиби, регламент, кўрсаткичлар ва баҳолаш мезонлари тушунтирилади (1,2-илова). | 1.1. Диққат билан тинглайдилар ва ёзиб оладилар |

| | | |
|---|--|---|
| <p>2-босқич. Асосий (65 мин.)</p> | <p>2.1. Талабалар билимини фаоллаштириш мақсадида эътиборни жалб этувчи савол беради: “Нима учун ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги муносабат жорий бўлиб ҳисобланади, шунингдек, макроиктисодий мувозанатни таҳлил қилганда унинг энг оддий моделини намоён этади?” Сухбат давомида, ўқув муаммоларини ечиш бўйича зарур бўлган, талабалар томонидан ўзлаштирилган билим даражасини аниқлайди. 2.2. 3 та гуруҳни шакллантиради. Ўқув топшириқлари ва гуруҳларни ўзаро баҳолаш жадвалини беради (3-илова). Талабалар билан биргаликда ечиш кетма-кетлиги ва қутилаётган натижалар муҳокама қилинади. Топшириқни бажаришда қандай қўшимча материаллардан (дарслик, маъруза матн) фойдаланиш мумкинлиги аниқлаштирилади. Гуруҳда иш бошланганлигини эълон қилади. Кузатувчи вазифасини бажаради. Шу билан бирга: - гуруҳларда ишни назорат қилади, лекин, унга раҳбарлик қилмайди; - маълум муаммо, топшириқни ечиш ва таҳлил қилишда алоҳида ишлаш кўникмаси шаклланишига ҳам эътибор қаратади. Очиқ савол ташлайди: “Нима учун сиз бундай деб ўйлайсиз?”, “Нима учун бу айнан шундай график?” топшириқни қанчалик даражада бажараётганлигини билиш мақсадида; - талабалар бажараётган ишларни изоҳлайди, улар эришган натижалар бўйича аниқ эътирозлар билдиради. 2.3. Презентация бошланганлигини эълон қилади, натижалар билан таништириш учун гуруҳ вакилини тайинлайди ва ўзаро баҳолашни ташкил қилади. Хулосаларга катта эътибор қаратади ва уларни изоҳлайди.</p> | <p>2.1. Саволга жавоб берадилар. 2.2. Гуруҳда ишлайдилар: 1) ўқув топшириғи билан танишади, ечим тўғрисида ўз фикрини айтади ва гуруҳда ишлашни режалаштиради; 2) кичик гуруҳларга бўлинади ва топшириқни гуруҳ ичида тақсимлайдилар; 3) алоҳида топшириқни бажаради; 4) алоҳида топшириқ бўйича ўз гуруҳи ичида кичик маърузаларни эшитади, ўқув топшириғи бўйича умумий натижалар шакллантирилади ва презентацияга тайёргарлик кўрилади. 2.3. Гуруҳ вакиллари ишлар натижалари билан таништиради ва назорат саволларига жавоб берадилар. Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳга савол тайёрлайди. Бошқа иштирокчилар тўлдирадилар, саволларга жавоб берадилар, ўзаро баҳолашни амалга оширади.</p> |
| <p>3-босқич. Яқуний (10 мин.)</p> | <p>3.1. Гуруҳларда бажарилган ишнинг натижаларини муҳокама қилади, баҳолайди ва хулоса қилади. 3.2. Мустақил таълим учун топшириқ беради: Инсерт усули бўйича кейинги мавзунини ўқиш.</p> | <p>3.1. Эшитадилар, аниқлаштирадилар. 3.2. Вазифани ёзиб оладилар.</p> |

1- илова.

Гуруҳ билан ишлаш қоидалари

Гуруҳдаги ҳар бир талаба:

- ўз шерикларининг фикрларини ҳурмат қилишлари лозим;
- берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
- ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;
- ёрдам сўраганларга қўмак беришлари лозим;
- гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим;
- “Биз бир кемадамыз, бирга чўкамыз, ёки бирга қутиламыз” атамасини яхши билишлари лозим.

Семинарда ишлаш регламенти ва тартиби

1. Гуруҳда ишлаш ва қоғозда презентацияни ёзиш – 25 мин.
2. Иш натижалари презентацияси билан тақдимот – 8 мин.
3. Гуруҳ фаолиятини баҳолаш ва жамоа бўлиб муҳокама қилиш – 5 мин.
4. Ўқитувчи томонидан умулаштириш – 2 мин.

Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балл)

| Гуруҳ | Ечим (тўлиқлиги, тўғрилиги) | | | Тушунтириш (аниқлиги, мантиқийлиги) | Гуруҳ фаоллиги | Баллар йиғиндиси |
|-------|-----------------------------|-----------------|-----------------|---|-------------------|---------------------|
| | Савол (0,5) | Жадвал (0,5) | Масала (1,0) | (0,6) | (0,4) | (3,0) |
| 1 | | | | | | |
| 2 | | | | | | |
| 3 | | | | | | |

Ўқув топшириқлар

1-гуруҳ.

1. Саволга жавоб беринг.

Кейнсчилик ва классик моделда макроиқтисодий мувозанатнинг мазмуни ва моҳияти нимада?

2. Жадвални тўлдириг.

Ялпи талаб ва ялпи тақлифга қуйидаги омиллар қандай таъсир этади?

| Ҳолат | Нима ўзгаради? (ялпи талаб, ялпи тақлиф) | Қандай ўзгаради? 1 – эгри чизик ўнга чапга сурилади; 2 – эгри чизик бўйича ўзгаради; 3 – катталашади, қисқаради. |
|---|---|---|
| Бензинга акциз солиғининг 10%га ортиши | | |

Ечиш кетма-кетлиги.

1. Ушбу ҳолат ялпи талаб ва ялпи тақлиф омилларига қандай таъсир қилади.
2. Ушбу омил нарх воситасида таъсир этувчими ёки нархдан ташқарими.
3. Ўзгариш тавсифини аниқланг.
4. Жадвални тўлдириг.

2-гуруҳ.

1. Саволга жавоб беринг.

Кейнсчилик ва классик моделда макроиқтисодий мувозанатнинг мазмуни ва моҳияти нимада?

2. Жадвални тўлдириг.

Ялпи талаб ва ялпи тақлифга қуйидаги омиллар қандай таъсир этади?

| Ҳолат | Нима ўзгаради? (ялпи талаб, ялпи тақлиф) | Қандай ўзгаради? 1 – эгри чизик ўнга, чапга сурилади; 2 – эгри чизик бўйича ўзгаради; 3 – катталашади, қисқаради. |
|-------------------------------|---|--|
| Фоиз ставкасининг ўзгариши | | |

Ечиш кетма-кетлиги.

1. Ушбу ҳолат ялпи талаб ва ялпи тақлиф омилларига қандай таъсир қилади?
2. Ушбу омил нарх воситасида таъсир этувчими ёки нархдан ташқарими?
3. Ўзгариш тавсифини аниқланг.
4. Жадвални тўлдириг.

3-гурӯх.

1. Саволга жавоб беринг.

Кейнсчилик ва классик моделда макроиқтисодий мувозанатнинг мазмуни ва моҳияти нимада?

2. Жадвални тўлдилинг.

Ялпи талаб ва ялпи таклифга куйидаги омиллар қандай таъсир этади?

| Ҳолат | Нима ўзгаради? (ялпи талаб, ялпи таклиф) | Қандай ўзгаради? 1 – эгри чизик ўнга, чапга сурилади; 2 – эгри чизик бўйича ўзгаради; 3 – катталашади, қисқаради. |
|----------------------------------|---|--|
| Таълимга харажатларнинг ўзгариши | | |

Ечиш кетма-кетлиги.

1. Ушбу ҳолат ялпи талаб ва ялпи таклиф омилларига қандай таъсир қилади?
2. Ушбу омил нарх воситасида таъсир этувчими ёки нархдан ташқарими?
3. Ўзгариш тавсифини аниқланг.
4. Жадвални тўлдилинг.

| | |
|------------------|---|
| 16-мавзу. | Истеъмол, жамғарма ва инвестициялар. |
|------------------|---|

16.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

| | |
|---|---|
| Вақти – 2 соат | Талабалар сони 20-50 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Муаммоли маъруза |
| Маъруза машғулотининг режаси | 1. Истеъмол ва жамғарманинг иқтисодий мазмуни. 2. Истеъмол ва жамғариш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, уларни белгиловчи омиллар. 3. Инвестиция даражаси ва функцияси. 4. Инвестицион фаоллик. Капитал қўйилмалар самарадорлигини аниқловчи омиллар. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> “Истеъмол”, “жамғарма” ва “инвестиция” тушунчалари ва уларнинг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли тўғрисида тўлиқ билим ҳосил қилиш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> - истеъмол, жамғарманинг иқтисодий мазмунини очиб бериш; - истеъмол ва жамғарманинг ўзаро боғлиқлиги, уларни аниқловчи омилларни тавсифлаш; - инвестициянинг иқтисодий мазмуни ва унинг даражасини аниқловчи омиллар очиб бериш; | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - истеъмол, жамғарма ва инвестицияларга таъриф бериш; - истеъмол ва жамғармага бўлган ўртача ва сўнгги қўшилган мойилликларни айтиб бериш, формуласини ёзиш; - истеъмол, жамғарма ва инвестицияга бўлган талаб функциялари графигини чизиб, шарҳлаб бериш; - истеъмол, жамғарма ва инвестицияларга таъсир этувчи омилларни санаб бериш. |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Маъруза, муаммоли усул, суҳбат, ақлий ҳужум, техникаси: “ўйла-ишла ва фикр алмаш”, блиц-сўров, график органайзер: кластер, “Савол-жавоб” жадвали. |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, проектор, визуал материаллар |
| Ўқитиш шакли | Фронтал, жамоа ва жуфтликда ишлаш |
| Ўқитиш шароитлари | Намунадаги аудитория, проектор ва компьютер билан таъминланган. |

Маъруза машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|--|----------------------------------|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (3 мин) | 1.1. Мавзу, мақсад ва режадаги ўқув натижаларини маълум қилади, машғулот режасини тақдим қилади. | 1.1. Эшитадилар, ёзиб оладилар. |
| 2-босқич. Билимларни фаоллаштириш (7 мин) | 2.1. Мустақил таълим учун берилган топшириқ эслатилади: ушбу мавзунинг Инсерт усулида ўқиб келиш. Билимларни фаоллаштириш учун савол беради: “Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда истеъмол. Жамғарма, инвестицияларнинг роли қандай?” Блиц-сўров ўтказилади. | 2.1. Саволларга жавоб берадилар. |

| | | |
|--|---|--|
| <p>3-босқич. Асосий (65 мин)</p> | <p>3.1. Фаоллаштирилган билимларга таянган ҳолда талабаларни дарс давомида ҳал этиладиган муаммога олиб кирилади ва уни шакллантиради. 3.2. Жуфтликка ажралишларини таклиф қилади ва саволларга жавоб беришларини сўрайди. Талабалар томонидан қўйилган муаммони аввал бошидан тушуниб олишлари учун ушбу муаммони жуфтликларда ҳал этишни ташкил этади. Таҳлил қилади ва талабалар билан биргаликда тахминий ечимлар муҳокама қилинади, уларда бўлиши мумкин бўлган қийинчиликлар аниқланади. 3.3. Муаммони ҳал этиш бўйича усулларни кидиришга ўтади: биринчи кичик муаммони шакллантиради, сўнг муаммоли саволларни қўйиш орқали уни ечиш усулларини топади, яъни оралик хулоса қилинади. Шу тарзда кейинги кичик муаммони ҳал этишга киришилади ҳамда муаммо бўйича умумий хулоса шакллантирилади (3-илова). Дарс жараёнида гарфик организердан фойдаланилади: мантикий схема, визуал материаллар (1-2-илова). 3.4. Муаммоли топшириқ бўйича якуний жавобни ёзишга топшириқ беради. Блиц-сўров ўтказилади. 3.5. Билимларни ўзлаштирганлик даражасини текшириш учун “Савол-жавоб” жадвалини тарқатади, жадвални тўлдириш ва ўқитувчига беришни айтади.</p> | <p>3.1. Муаммоли саволни ёзиб оладилар. 3.2. Жуфтликка бўлинади. Биргаликда муҳокама қиладилар ва ўз мулоҳазаларини илгари сурадилар. Муаммони ечиш бўйича ўз фикрларини айтадилар. Муаммони йўл-йўлакай ечиш мумкин эмаслигига тушуниб етадилар. 3.3. Кичик муаммоларни ҳал этиш бўйича фикрларини айтадилар, мулоҳаза юритадилар, таҳлил қиладилар, муаммони оптимал ечиш бўйича хулоса қиладилар. 3.4. Жуфтликда якуний хулосаларни шакллантиради ва ёзиб оладилар. Жуфтликда тайёрланган хулосалар ўқиб берилади. 3.5. Жадвални оладилар бир гуруҳ иккинчи гуруҳга савол ёзиб беради кейин эса жавобни тўлдирадилар ва топширадилар.</p> |
| <p>4-босқич. Якуний (5 мин.)</p> | <p>4.1. Маъруза машғулотида якун ясайди, ўқув фаолияти натижаларини умумлаштиради, фаол иштирокчиларни рағбатлантиради. 4.2. Мустақил таълим учун топшириқ беради: 1) семинарга тайёргарлик кўриш учун бу мавзунини янада чуқурроқ ўрганиш; 2) “Ўзбекистонда инвестицион фаолиятни ривожлантириш” мавзуси бўйича статистик маълумотларни тўплаш ва эссе ёзиш.</p> | <p>4.1. Эшитадилар. 4.2. Ёзиб оладилар.</p> |

Визуал материаллар

1-илова

Истеъмол (С) – бу бирор-бир давр давомида харид ва истеъмол қилинган умумий товарлар миқдори.

Жамғарма (S) – бу даромаднинг истеъмол қилинмайдиган қисми.

Инвестициялар (I) – иқтисодийнинг турли тармоқларига мамлакатда ва хорижда давлат ҳамда хусусий сектор томонидан фойда олиш мақсадида капитал ва қимматли қоғозларнинг узок муддатли қўйилмаси.

2-илова

Муаммоларни / кичик муаммо ва хулосаларни шакллантириш

Муаммони шакллантириш: Иқтисодий ривожланиш ва миллий даромаднинг ўсишига қандай эришиш мумкин?

Биринчи кичик муаммони шакллантириш: Миллий даромад ўсишини қандай қилиб таъминлаш мумкин?

Кичик муаммони ҳал этиш учун саволлар:

1. Миллий даромаднинг мазмун-моҳияти нимада?
2. Миллий даромадни аниқловчи омиллар қандай?


Иккинчи кичик муаммони шакллантириш: Истеъмол ва жамғарманинг иқтисодий мазмуни нимада ҳамда уларни белгиловчи омиллар нималар?

Кичик муаммони ҳал этиш учун саволлар:

1. Истеъмолнинг мазмун-моҳияти нимада?
2. Жамғарманинг мазмун-моҳияти нимада?
3. Истеъмол ва жамғарма бир-бирлари билан қандай боғлиқликда?


3-илова.

Истеъмол функциясининг графикдаги тасвири



4-илова.


Жамғарма функциясининг графикдаги тасвири




5-илова.

| № | Савол | Жавоб |
|-----|-------|-------|
| 1 | | |
| 2 | | |
| ... | | |

Истеъмол, жамғариш ва инвестиция ўртасидаги ўзаро боғлиқлик



Чэт эл инвестицияларини 2008-2012 йилларда жалб қилиш диаграммаси (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 12 июндаги № ПҚ-890 қарорига асосан)



16.2. Семинар машғулотида ўқитиш технологияси.

| | |
|---|---|
| Вақти-2 соат | Талабалар сони: 15-30 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Муаммоли вазифани ечиш бўйича билимни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш семинари. |
| Семинар машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> Истеъмолнинг мазмуни. Соф миллий маҳсулотнинг тақсимланиши ва истеъмол фондининг шаклланиши. Жамғарманинг иқтисодий мазмуни ва манбалари. Номинал ва реал жамғарма. Истеъмол ва жамғармага ўртача ҳамда сўнгги қўшилган мойиллик. Инвестицияларнинг мазмуни, таркиби, турлари ва даражасини белгиловчи омиллар. Ўзбекистонда инвестицион фаолиятни таъминлаш. |
| Ўқув машғулотининг мақсади: мавзу бўйича билимларни кенгайтириш, муаммоли вазифаларни ҳал этиш кўникмаларини ҳосил қилиш. | |
| Педагогик вазифалар: - мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш; - ўқув билимларни тизимлаштириш, умумлаштириш, маълумотларни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш; - муаммоли масалаларни ечиш кўникмаларни ривожлантириш; - коммуникатив билимларни ривожлантириш. | Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба: - истеъмол, жамғармага ва инвестицияга, номинал ва реал жамғармага таъриф бериш; - истеъмол ва жамғармага бўлган ўртача ва сўнгги қўшилган мойилликларни айтиб бериш, формуласини ёзиш; - истеъмол, жамғарма ва инвестицияга бўлган талаб функциялари графигини чизиб, шарҳлаб бериш; - истеъмол, жамғарма ва инвестицияларга таъсир этувчи омилларни санаб бериш. |
| Ўқитиш усуллари ва техникаси | Ҳамкорликда ўқиш, муаммоли усул, техника: “коп-коп”, |

| | |
|-------------------|---|
| | презентация, синквейн. |
| Ўқитиш воситалари | Ўқув қўлланмалар, ўқув дафтарлар, маркерлар, скотч, А32 бичимидаги қоғоз варақлари. |
| Ўқитиш шакллари | Фронтал, жамоа ва гуруҳларда ишлаш. |
| Ўқитиш шароитлари | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |

Семинар машғулотининг ўқитиш картаси.

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|----------------------------------|---|---|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | <p>1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади.</p> <p>1.2. Дарс “ҳамкорликда ўқиш” усулидан фойдаланган ҳолда ташкил этилишини эълон қилади.</p> <p>Ҳар бир талаба гуруҳ фаолиятига мос ҳолда индивидуал баҳосини олиши, гуруҳнинг биргаликдаги фаолияти презентацияда акс этиши зарурлигини эслатади.</p> <p>Семинарда ишлаш тартиби, регламентни (1-илова), синквейн техникасини эслатади. Ўзаро баҳолаш варақларини тарқатади (4-илова) уларнинг мазмунини изоҳлайди.</p> | 1.1. Дикқат билан тинглайдилар ва ёзиб оладилар |
| 2-босқич асосий (60 мин.) | <p>2.1. 3 та кичик гуруҳни шакллантиради.</p> <p>Гуруҳларга ўқув топшириқларини беради (2-илова). Кутилаётган натижани, топшириқни бажаришда қандай қўшимча материаллардан (дарслик, маъруза матн) фойдаланиш мумкинлигини аниқлаштиради.</p> <p>Гуруҳда иш бошланганлигини эълон қилади.</p> <p>2.2. Презентацияни ташкил этади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - гуруҳ фаолиятини презентация қилиш учун тақдимот этувчини аниқлайди; - хулосаларга катта эътибор қаратади ва уларни изоҳлайди, хато ва камчиликларга тўхталиб ўтади; - ўқув фаолияти натижаларини ўзаро баҳолашни ташкил этади. <p>2.3. Муаммоли топшириқни тарқатади (3-илова), ақлий ҳужум қоидасини, ғояларни баҳолашни эслатади.</p> <p>Муаммоли топшириқни ечишни бошлашга рухсат беради.</p> <p>2.4. Презентация ва муаммоли саволни жамоа бўлиб муҳокама қилиш бошланганлигини эълон қилади.</p> <p>Мунозарани йўналтиради, бошқаради. Изоҳлайди, ўзаро баҳолашни ташкил қилади, якуний баҳо чиқаради.</p> | <p>2.1. Гуруҳларда ишлайдилар:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) ўқув топшириғи билан танишади ва умумий топшириқ гуруҳ ичида тақсимланади; 2) алоҳида топшириқларни бажарадилар; 3) топшириқ бўйича ўз гуруҳи ичида аъзоларнинг кичик маърузаларини эшитади, умумий маъруза тайёрланади. <p>2.2. Гуруҳнинг белгиланган вакили ишлар натижалари билан таништиради ва назорат саволларига жавоб беради.</p> <p>Бошқа иштирокчилар тўлдирадилар, саволларга жавоб берадилар, баҳолайдилар.</p> <p>2.3. Муаммоли топшириқ билан танишади ва гуруҳ сардори раҳбарлигида муаммоли саволга жавоб топади. Якуний хулоса шакллантирилади ва қоғозга туширалди.</p> <p>2.4. Гуруҳ сардори жамоавий ечимни тақдим этади.</p> <p>Тақдим этилган ечимлар фаол муҳокама қилинади, ўзаро баҳолаш амалга оширилади.</p> |
| 3-босқич. Якуний (10 мин.) | <p>3.1. Гуруҳларда бажарилган ишнинг натижаларини муҳокама қилади, баҳолайди ва хулоса қилади.</p> <p>3.2. Мустақил таълим учун топшириқ беради: Инсерт усули бўйича кейинги мавзунини ўқиш ва жадвални тўлдириш.</p> | <p>3.1. Эшитадилар, аниқлаштирадилар.</p> <p>3.2. Вазифани ёзиб оладилар.</p> |

1-илова.

Семинарда ишлаш регламенти ва тартиби

1. Гуруҳда ишлаш ва қоғозда презентацияни ёзиш – 15 мин.
2. Иш натижалари презентацияси билан тақдимот – 5 мин.
3. Гуруҳ фаолиятини баҳолаш ва жамоа бўлиб муҳокама қилиш – 15 мин.
4. Ўқитувчи томонидан умумлаштириш – 5 мин.

2-илова.

Ўқув топшириқлар.

Эксперт варағи №1.

Сиз “Истеъмол мазмуни. Соф миллий маҳсулотни тақсимлаш ва истеъмол фондини шакллантириш” саволи бўйича экспертсиз.

Сизнинг вазифангиз – унинг мазмуни ва моҳиятини бошқаларга тушунтириш.

1. Саволни ёритишда график организаердан фойдаланинг.
2. “Истеъмол” сўзига синквейн тузинг.
3. Умумлаштирувчи хулоса чиқаринг.

Эксперт варағи №2.

Сиз “Жамғариш мазмуни ва манбалари. Номинал ва реал жамғарма. Истеъмол ва жамғармага бўлган ўртача ва қўшилган мойиллик.” саволлари бўйича экспертсиз.

Сизнинг вазифангиз – унинг мазмуни ва моҳиятини бошқаларга тушунтириш.

1. Саволни ёритишда график организаердан фойдаланинг.
2. “Жамғарма” сўзига синквейн тузинг.
3. Умумлаштирувчи хулоса чиқаринг.

Эксперт варағи №3.

Сиз “Инвестициянинг мазмуни, таркиби ва турлари унинг даражасини аниқловчи омиллар.” саволи бўйича экспертсиз.

Сизнинг вазифангиз – унинг мазмуни ва моҳиятини бошқаларга тушунтириш.

1. Саволни ёритишда график организаердан фойдаланинг.
2. “Инвестиция” сўзига синквейн тузинг.
3. Умумлаштирувчи хулоса чиқаринг.

3-илова.

Муаммоли топшириқ.

Мавзу: Ўзбекистонда инвестицион фаолликни таъминлаш.

Муаммоли савол: Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти шароитида субъектларни инвестицион фаоллигини қандай қилиб ошириш мумкин?

4-илова.

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳлар тақдимотни баҳолайди, мезонлар бўйича балларни жамлайди.

| Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари | Максимал балл | 1 гуруҳ | 2 гуруҳ | 3 гуруҳ |
|--|---------------|---------|---------|---------|
| | | | | |
| Ечимлар: | 1,2 | | | |
| - муаммони ва қуйи муаммони тўғри шакллантириш; | 0,4 | | | |
| - ечимнинг муаммо ва қуйи муаммо шаклига мос келиши; | 0,4 | | | |
| - мантиқийлик, аниқлик, хулосаларнинг қисқалиги. | 0,4 | | | |
| Тақдимот: | 1,4 | | | |
| - жавобларнинг аниқлиги ва тушунарлилиги; | 1,0 | | | |
| - ҳар бир гуруҳ иштирокчисининг фаоллиги (саволлар, қўшимчалар). | 0,4 | | | |
| Регламент | 0,4 | | | |
| Умумий баллар йиғиндиси | 3,0 | | | |

5-илова.

Муҳокама этиш учун саволлар

1. Инвестицияларнинг ўзгарувчанлиги ва инвестицион муҳитда хавф-хатарни ҳисобга олишнинг аҳамиятини кўрсатинг?
2. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишда инвестицион фаолликни таъминлаш вазифалари қандай?
3. Ўзбекистонда истеъмол фондларининг шаклланиши ва тақсимланиш хусусиятлари қандай?
4. Ўзбекистонда давлатнинг инвестицион сиёсати ва унинг йўналишлари қандай?

6-илова.

“Синквейн” (5 қатор) техникаси

Мақсад – категорияга характеристика бериш

Синквейн схемаси:

- 1-қатор – тушунча
- 2-қатор – тушунчани тавсифловчи 2 сифат
- 3-қатор – ушбу тушунча вазифалари тўғрисидаги 3 та феъл
- 4-қатор – ушбу тушунча моҳияти тўғрисидаги 4 сўздан иборат сўз сўз бирикмаси
- 5-қатор – ушбу тушунча синоними.

| | |
|-----------|---|
| 17-мавзу. | Иқтисодий ўсиш ва миллий бойлик. |
|-----------|---|

17.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

| | |
|--|---|
| Вақти – 2 соат | Талабалар сони: 20-60 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Биргаликда ўқиш ва муаммоли масалаларни ечиш усулларидан фойдаланган ҳолда визуал маъруза. |
| Маъруза машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Иқтисодий ўсишнинг мазмуни, мезонлари ва кўрсаткичлари. 2. Иқтисодий ўсиш омиллари. 3. Иқтисодий ўсишнинг турлари. 4. Миллий бойлик ва унинг таркибий тузилиши. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> талабаларда иқтисодий ўсиш унинг турлари ва омиллари тўғрисида яхлит тасаввур ҳосил қилиш, миллий бойлик мазмуни ва таркиби билан таништириш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> - иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ўсиш тушунчаларининг мазмунини очиб бериш; - иқтисодий ўсиш омилларини тавсифлаш ва тушунтириш; - иқтисодий ўсишнинг замонавий турларини тавсифлаш; - миллий бойликнинг мазмуни ва уни таркибий тузилишини очиб бериш. | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - иқтисодий ўсиш ва миллий бойлик тушунчаларига таъриф берадилар; - экстенсив ва интенсив иқтисодий ўсишнинг мазмунини ёритадилар; - иқтисодий ўсиш омилларини санайдилар; - миллий бойликни тавсифлаб, моддий-буюмлашган бойлик, табиий ва интеллектуал бойликларнинг мазмунини ёритади. |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Визуал маъруза, инсерт, биргаликда ўқиш, ақлий ҳужум, муаммоли топшириқлар усули, техникаси: “ўйла-ишла ва жуфтликда фикр алмаш”, “коп-коп”, блиц-сўров, график органайзер: Т-схема, диаграмма Венна. |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, проектор, ўқув дафтарлар, маркерлар, скотч, А32 бичимидаги қоғоз варақлари. |
| Ўқитиш шакли | Фронтал, жамоа, гуруҳ ва жуфтликда ишлаш |
| Ўқитиш шарт-шароити | Намунадаги аудитория, проектор ва компьютер билан таъминланган. |

Маъруза машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|--|---|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (3 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 1.1. Мавзу, мақсад ва ўқув дарсидан кутилаётган натижалари билан таниш-тиради. 1.2. Мавзунинг Инсерт усулида ўқиш бўйича берилган топшириқни эслатади, мавзунинг асосий тушунчаларини сўрайди. Блиц-сўров ўтказилади. | <ol style="list-style-type: none"> 1.1. Эшитадилар. 1.2. Асосий тушунчаларни айтадилар. |
| 2-босқич Билимларни фаоллаштириш (7 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 2.1. “Иқтисодий ўсиш” тушунчасига таъриф беришларини сўрайди. Ақлий ҳужумни амалга оширади. Якуний вариантни конспект дафтарига ёзиб олишларини айтади. 2.2. Талабалар мустақил тарзда маъруза матн билан танишишлари жараёнида қандай саволлар пайдо бўлганини сўрайди ва доскага ёзади. | <ol style="list-style-type: none"> 2.1. Топшириқни бажаради. 2.2. Саволларни айтадилар. |

| | | |
|---|--|--|
| <p>3-босқич. Асосий (65 мин.)</p> | <p>3.1. Талабаларни 4 гуруҳга ажратади. 3.2. Ҳар бир гуруҳ мавзунинг битта саволи бўйича “эксперт” бўлади. Ўқув топшириғини тарқатади, кутилаётган натижа, гуруҳ фаолиятини баҳолаш кўрсаткич ва мезонлари билан таништиради. Гуруҳда ишлашнинг бошланганлигини эълон қилади. 3.3. Мавзунинг кетма-кетликда ёритишни ташкил этади, схемадаги саволлар режасига мос ҳолда: 1) кетма-кетликда муаммоли саволларни беради; 2) мазкур саволни ёритиш бўйича презентацияни ташкил қилади; 3) жавобларни тартиблайди, жамоа бўлиб муҳокама қилишни ташкил қилади; 4) якуний хулосани шакллантиради, мос ҳолдаги визуал материаллар билан намойиш қилиб. 3.4. Жуфтликка бўлинишни, маъруза аввалида доскага ёзилган саволларга мустақил ўйлаб жуфтликда жавобни шакллантиришни таклиф қилади.</p> | <p>3.1. Ёзиб оладилар, муҳокама қилади, аниқлаштиради, саволлар беради. 3.2. Гуруҳларда ишлайдилар, иш натижаларини презентация қиладилар. 3.3. Муаммоли саволлар муҳокамасида иштирок этади, ўз фикрларини айтадилар, якуний хулосаларни шакллантирадилар. Дафтарларига ёзиб оладилар. 3.4. Жуфтликка бўлинадилар, саволларга жавоб тайёрлайдилар, жавоб берадилар.</p> |
| <p>4-босқич. Якуний (5 мин.)</p> | <p>4.1. Якун ясайди, эришилган натижалар умумлаштирилади, баҳоланади, фаол иштирокчилар рағбатлантирилади. 4.2. Олинган билимларнинг келажакда амалиётда ва ўқув жараёнидаги аҳамиятини айтади. 4.3. Мустақил таълим учун топшириқ беради: мавзунинг асосий тушунчалари бўйича кластер тузиш, семинарга тайёргарлик кўриш.</p> | <p>4.1. Эшитадилар, аниқлаштирадилар. 4.2. Мустақил таълим учун топшириқларни ёзиб оладилар.</p> |

1-илова.

Блиц-сўров саволлари

1. Иқтисодий ўсиш нима?
2. Иқтисодий ўсишни қайси кўрсаткичлар тавсифлайди?
3. Қандай омиллар эвазига иқтисодий ўсиш таъминланади?
4. Миллий бойлик нима ва у қандай кўпаяди?
5. Мамлакат экстенсив ёки интенсив ўсиш йўлидан ривожланаётганини қандай кўрсаткичлардан билиш мумкин?
6. Иқтисодий ўсишга эришиш қандай зиддиятларни келтириб чиқаради?
7. Алоҳида соҳалар иқтисодий ўсиши эвазига умумий иқтисодий ўсишга эришиш мумкинми?

Визуал материаллар


1-илова.

Иқтисодий ўсиш

Иқтисодий ўсиш потенциал ялпи ички маҳсулот ҳажмининг мутлақ кўрсаткичларда ва аҳоли жон бошига узоқ муддатли ортиб боришини ёки ўтган даврга нисбатан ўсишини намоён этади.


Иқтисодий ўсиш суръати – мазкур мамлакат иқтисодиёти қанчалик тез ривожланаётганини аниқлаш имконини берувчи кўрсаткичдир.

2-илова.




3-илова.

Иқтисодий ўсишнинг салбий ва ижобий жиҳатлари




4-илова.

Иқтисодий ўсишнинг икки йўли



5-илова.




6-илова.

Реал маҳсулот ўсишини аниқлаб берувчи омиллар.



7-илова.

Ривожланган мамлакатларда 2007-2008 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш



Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги иқтисодий ўсиш суръатларида кескин ўзгариш содир бўлган. Инкироздан жиддий азият чекаётган Буюк Британия ва Германияда 2009 йилда ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришида 2008 йилга nisbatan 0,1% ва 0,2%га пасайиш жараёни кутилмоқда.

Гуруҳларда ишлаш регламенти ва тартиби

1. Гуруҳда ишлаш ва қоғозда презентацияни ёзиш – 15 мин.
2. Кичик гуруҳларга (жуфтликларга) бўлинади ва умумий вазифа тақсимланади ҳамда алоҳида жавобни шакллантириш 5 мин.
3. Гуруҳда ўзининг индивидуал ечимини тақдим этиш – 5 мин.
4. Ўзаро фикр алмашади, қўшимчалар қилади, тўғрилайди ва умумий гуруҳ презентациясини тайёрлайди – 5 мин.
5. Савол бўйича гуруҳ нуктаи-назарини айтиш – 3 мин.
6. Жамоа бўлиб муҳокама қилиш, хулосаларни шакллантириш – 2 мин.

Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балл)

| Гуруҳ | Ечим (тўлиқлиги, тўғрилиги) | Тушунтириш (аниқлиги, мантиқийлиги Т-схема ва Венна диаграммаларининг тўғри тузилганлиги) | Гуруҳ фаоллиги | Баллар йиғиндиси |
|-------|-----------------------------|---|----------------|------------------|
| | (1,2) | (1,2) | (0,6) | (3,0) |
| 1 | | | | |
| ... | | | | |
| 4 | | | | |

Ўқув топшириқлари

Эксперт варағи 1

Иқтисодий ўсиш ва ижтимоий юксалиш

1. Иқтисодий ўсишни мазмуни ва асосий мақсади нимадан иборат?
(Иқтисодий ўсишни ижобий ва салбий оқибатлари бўйича Т-схемасини тузинг)
2. Иқтисодий ўсишни қандай ўлчаш мумкин, буни ифодалаш учун қайси кўрсаткичлардан фойдаланилади?

Эксперт варағи 2

Иқтисодий ўсиш ва ижтимоий юксалиш

1. Иқтисодий ўсишнинг қандай суръати энг мақбул ҳисобланади?
(Иқтисодий ўсиш суръатининг ҳар бир тури бўйича Т-схемасини тузинг)

| | |
|---------------------|--|
| Юқори ўсиш суръати | |
| Нолли ўсиш суръати | |
| Салбий ўсиш суръати | |
| Мақбул ўсиш суръати | |

2. Иқтисодий ўсиш ва ижтимоий юксалиш тушунчалари қандай боғланган?

Эксперт варағи 3

Иқтисодий ўсиш омиллари

1. Иқтисодий ўсишга нималар таъсир этади?
2. Иқтисодий ўсишнинг таклиф омилига нималар қиради?
(Иқтисодий ўсишнинг таклиф омилларининг ҳар бирини жадвалда ифодаланг)

Эксперт варағи 4

Иқтисодий ўсиш омиллари

1. Иқтисодий ўсишга нималар таъсир этади?
2. Иқтисодий ўсишнинг талаб омилига нималар қиради?
(Иқтисодий ўсишнинг талаб омилларининг ҳар бирини жадвалда ифодаланг)

17.2. Семинар машғулотида ўқитиш технологияси.

| | | |
|--|---|--|
| Вақти-2 соат | Талабалар сони: 15-30 нафар | |
| Ўқув машғулотининг шакли | Муаммоли семинар | |
| Семинар машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Иқтисодий ўсиш тушунчаси, унинг мезони ва кўрсаткичлари. 2. Иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив турлари. 3. Иқтисодий ўсишнинг омиллари. Иқтисодий ўсишда талаб ва таклиф омилларининг роли. 4. Миллий бойлик. Моддий буюмлашган, табиий ва интеллектуал бойликлар. Миллий бойликнинг таркиби. 5. Мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва иқтисодий ўсиш муаммолари. | |
| Ўқув машғулотининг мақсади: мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, муаммоли масалаларни ҳал этиш кўникмаларини ривожлантириш. | | |
| Педагогик вазифалар: | Ўқув фаолиятининг натижалари: | |
| <ul style="list-style-type: none"> - мавзу бўйича билимларни онгли равишда ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш; - мавзу бўйича билимларни тизимлаштириш чуқурлаштириш; - муаммоли вазифаларни ечиш кўникмаларини ривожлантириш, муаммони таҳлил қилишни билиш, муқобил вариантларни илгари суриш, муқобил вариантларни баҳолаш, якуний хулосаларни шакллантириш. | <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - иқтисодий ўсиш ва миллий бойлик тушунчаларига таъриф беради; - иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив турларини тавсифлаш; - иқтисодий ўсиш омилларини санаш; - моддий-ашёвий, табиий ва интеллектуал бойликлар мазмунини ёритиш; - мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўналишларини аниқлаш. | |
| Ўқитиш усуллари ва техникаси | Муаммоли усул, суҳбат, ақлий ҳужум, презентация, мунозара. | |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матнлари, ўқув материаллар, маркерлар, скотч, А32 бичимдаги қоғоз варақлари. | |
| Ўқитиш шакллари | фронтал, гуруҳлар ва жуфтликларда ишлаш. | |
| Ўқитиш шароитлари | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория | |

Семинар машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|----------------------------------|--|---|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (15 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади, режалаштирилган натижаси, уларнинг аҳамияти муҳимлигини айтади. 1.2. Талабалар билимларини фаоллаштириш бўйича саволлар беради: <ul style="list-style-type: none"> - Иқтисодий ўсиш ва миллий бойлик тушунчаларига таъриф беринг; - Иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив турлари ўзида нимани намоён этади? - Иқтисодий ўсишда ялпи талаб ва ялпи таклиф омилларининг роли қандай? - Моддий-ашёвий, табиий ва интеллектуал бойликлар ўзларида нимани намоён этади? <p>Ўқув муаммони ҳал этишда фаоллаштириш жараёнида талабалар томонидан ўзлаштирилганлик даражасини аниқлайди.</p> | <ol style="list-style-type: none"> 1.1. Мавзунини ёзиб оладилар. 1.2. Саволларга жавоб берадилар. |
| 2-босқич. Асосий (55 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 2.1. Талабаларга муаммоли вазифаларни айтади (1-илова). Муаммони шакллантириш ҳаракатларини ташкил этади. Шакллантирилган муаммолар вариантларини талабалар билан биргаликда муҳокама ва таҳлил қилади. Вариантларни аниқлаштиради, изоҳлайди ва биттасига тўхталади. 2.2. Талабаларни 3 кичик гуруҳларга бўлади ва муаммоли | <ol style="list-style-type: none"> 2.1. Эшитадилар. Шакллантирилган муаммони таклиф қилади. |

| | | |
|----------------------------|--|--|
| | <p>вазифани гуруҳда биргаликда ечишни таклиф этади. Муаммоли вазифани беради, услубий кўрсатмаларни изоҳлайди, муаммони ечиш жадвали, баҳолаш кўрсаткич ва мезонлари (2-илова). Аклий ҳужум қоидасини, ғояларни танлаш ва баҳолаш, гуруҳларда ишлаш қоидаларини эслатади. Гуруҳда ишлаш бошланганини эълон қилади.</p> <p>2.3. Такдимотнинг бошланганини эълон қилади. Такдимот давомида тўғрилайди, аниқлаштирилади, изоҳлайди. Яқун ясайди, муаммони ҳал этишдаги қийинчилик ва муаммоларни аниқлайди. Талабалар билан бирга жавобларнинг тўлиқлигини баҳолайди, жавоб тўлиқ бўлмаса ўзи жавоб беради. Гуруҳ ишларини ўзаро баҳолашни ташкил этади.</p> <p>2.4. Муаммони ечиш бўйича хулосалар талабалар томонидан ёзиб олинади ва ўқитувчига топширади.</p> | <p>2.2. 3 гуруҳга бўлинадилар. Муаммоли вазифаларни ечадилар.</p> <p>2.3. Ўқув фаолияти натижаси бўлган Такдимотни намойиш қилади.</p> <p>2.4. Жадвални тўлдиради ва ўқитувчига топширади.</p> |
| 3-боскич. Якуний (10 мин.) | <p>3.1. Ўқув фаолиятининг якуни, гуруҳларда бажарилган иш натижаларининг муҳокамаси ва баҳолашнинг ташкил этади.</p> <p>3.2. Келажак учун амалга оширилган ишнинг аҳамиятини таъкидлайди.</p> <p>3.3. Мустақил таълим бўйича топшириқ беради: “Иқтисодий ўсиш ва Ўзбекистонда иқтисодий ривожланиш йўналишлари” мавзусида эссе ёзиш.</p> | Эшитадилар, аниқлайдилар, топшириқларни ёзиб оладилар. |

1-илова.

Муаммоли топшириқ

Вазият.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиб бормокда.

Топшириқ.

Сиз мамлакатнинг иқтисодий потенциалидан самарали фойдаланиш йўналишларини ишлаб чиқинг.

2-илова.

Мунозара қатнашчиларига эслатма

1. Мунозара муносабатлар йиғиндиси эмас, балки муаммо ечими услубиятидан иборат;
2. Кўп гапирмасдан бошқаларнинг сўзлашига имкон бер.
3. Мақсадга эришиш йўлида ҳиссиётларингни жиловлаб, батафсил ўйлаган ҳолда сўзла.
4. Рақибларнинг вазиятини ўрганиб, уларга ҳурмат билан мурожаат қил;
5. Рақибларнинг томонидан айтилган фикрларга танқидий ва истехзоли ёндаш;
6. Мунозара предмети бўйича четга чиқмаган ҳолда тўғри ёндашиб гапир.

Муаммоли семинарнинг бошқарув дастаклари

Бошловчи барча вазифаларни ўзига олади – мунозара босқичларини бошқариш, жавобларнинг асосланиши ва тўғрилигини тасдиқлаш, қўлланган термин ва тушунчаларни аниқлаш, муносабатларни тўғри қўллаш ва бошқалар. Такдимотларнинг тақсмотини тўғри бошқариш.

Тақризчи – томонларнинг маърузаларини йўналишлар бўйича белгилаш ва тўлиқ характерда баҳолаш: долзарблиги, илмий жиҳати, мантиқийлиги ва масалаларнинг аниқ қўйилганлиги, хулосаларнинг аниқ кўрсатилиши.

Рақиб – қабул қилинган тақдирот ўртасида рақобатчилик жараёнини шакллантиради. У фақатгина маърузачининг асосий ҳолатини танқид қилиш эмас, шу билан биргаликда, унинг айтган фикрларидан заиф ёки хато томонларини топиш ҳамда ўзининг ҳал қилувчи фикрларини таклиф қилиши ҳам мумкин.

Эксперт – барча мунозараларнинг, жумладан, мунозара қатнашчилари томонидан айтилган фикрларнинг, қилинган хулосаларнинг, таклиф ва далилларнинг маҳсулдорлигини баҳолайди.

Мунозара регламентини ўтказиш тартиби

1. Бошловчи маъруза мавзуси ва маърузачиларнинг такдимотларини эълон қилади.
2. Маъруза 5 минут давом этади.
3. Тақризчи – 2 минут.
4. Рақиб – маъруза мавзуси бўйича фикрларини 1-3 минут такдим этади.
5. Жамоавий муҳокама – 5-10 минут.

3-илова.

Мунозара саволлари

1. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ва ундан самарали фойдаланиш муаммолари?
2. Фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичида иқтисодий ўсишда интенсив омилларнинг ўсиши?
3. Иқтисодий ўсиш самарадорлиги ва ижтимоий йўналиши.

4-илова.

Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балл)

| Доклад қилувчилар | Докладдаги маълумотнинг тўлиқлиги 60% | Ахборотнинг янгилиги 15% | Ахборотни тасвирлашда воситаларнинг ишлатилиши 15% | Регламент 10% | Жами |
|-------------------|--|-----------------------------|---|------------------|------|
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |
| 4 | | | | | |

| Дискуссия қатнашчилари | Саволлар (0,1 ҳар бири учун) | Мақсадлилиги (0, 3) | Қўшимчалар (0,2 ҳар бири учун) | Жами |
|------------------------|----------------------------------|--------------------------|-----------------------------------|------|
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |
| 3 | | | | |
| 4 | | | | |

| | |
|------------------|--|
| 18-мавзу. | Миллий иқтисодиётнинг нисбатлари ва мувозанати. |
|------------------|--|

18.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

| | |
|---|--|
| Вақти – 2 соат | Талабалар сони: 20-60 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Амалий топшириқларни ечиш ва гарфик органиайзер “Кластер” асосида ахборот визуал маъруза. |
| Маъруза машғулотининг режаси | 1. Макроиктисодий мувозанатлик тушунчаси ва унга эришиш механизмлари. 2. Иқтисодий мутаносиблик ва унинг турлари. 3. Миллий иқтисодиётнинг мувозанатлиги ва мутаносиблигини таъминлашда фискал сиёсатнинг роли. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> миллий иқтисодиёт мувозанатлиги ва мутаносиблиги, уларнинг турлари, эришиш усуллари тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакллантириш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> - иқтисодиёт мувозанатлиги ва мутаносиблиги, уларнинг турлари, эришиш усуллари ҳақида тушунча бериш; - классик ва кейнсчилик модели бўйича ишлаб чиқариш ҳажмини мувозаналаштиришга эришишнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиш; - ялпи харажат ва ишлаб чиқариш ҳажми шунингдек, жамғарма ва инвестицияларни таққослаш усуллари тавсифлаш; - миллий иқтисодиётни мувозанатлашти-ришда фискал сиёсат аҳамиятини изоҳлаш. | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - макроиктисодий мувозанат, мутаносиблик, тармоқлараро баланс, рецессион ва инфляцион фарқлар тушунчаларига таъриф бериш; - иқтисодий мутаносиблик турларини санаш; - макроиктисодий мувозанатликка эришишнинг бозор механизмини ёритиш; - миллий иқтисодиётнинг мувозанатлигини таъминлашда фискал сиёсатнинг аҳамиятини тавсифлаш. |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Визуал маъруза, инсерт, ақлий хужум, техникалар: блиц сўров, “ўйланг-ишланг ва жуфтликда муҳокама қилинг”, график органиайзер: кластер. |
| Ўқитиш воситалари | Ўқув материаллар, проектор, визуал материаллар, А32 бичимидаги қоғоз, маркер, скотч. |
| Ўқитиш шакли | Фронтал, жамоа ва гуруҳда ишалаш. |
| Ўқитиш шароитлари | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |

Маъруза машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|----------------------------------|--|--|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | 1.1. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотининг натижаларини ва дарс режасини маълум қилади. 1.2. Ўқув ва визуал материалларни тарқатади (1,2-илова). | Эшитадилар, ёзадилар. |
| 2-босқич. Асосий (60 мин.) | 2.1. Саволларни ўйлаш, жуфтликда муҳокама қилиш ва жавоб бериш (экранга чиқаради): - Макроиктисодий мувозанат, иқтисодий мутаносиблик категорияларининг моҳияти нимада?; - Қандай макроиктисодий мувозанат ва иқтисодий мутаносиблик турларини айтишингиз мумкин?; - Юқоридаги категориялар миллий иқтисодиёт билан қандай боғлиқликда?. Доскада жавобларни ёзишни ташкил қилади. 2.2. Визуал материаллар асосида маъруза ўқийди. Блиц сўров ўтказилади. Мавзунинг биринчи саволи бўйича хулоса қилади. 2.3. Визуал материаллар асосида маъруза ўқийди. Ўқув саволлари мазмунини ёритади ва изҳлайди. Ўзларининг дафтарларига қўшимча маълумотларни ёзиб олишларини таклиф қилади. 2.4. Мустақил равишда фикр юритишлари, кейин жуфтликда жавоб беришлари айтилади (12-илова). Жамоа бўлиб муҳокамани ўтказди, асосли хулосаларни | 2.1. Саволларга жавоб берадилар. Ўз фикрларини билдирадилар. 2.2. Ўқийдилар ва белгилар қўяди. Ўқиган материаллари асосида саволларга жавоб беради ва ўз фикрларини айтадилар. 2.3. Эшитадилар, конспектни тўлдиради. 2.4. Топшириқни бажаради, натижаларни муҳокама қилади, ўз фикрларини ҳимоя қилади. 2.5. Асосий тушунчаларни айтади. Гуруҳларда |

| | | |
|----------------------------------|--|---|
| | рағбатлантиради ва тўғри жавобни айтади. Инсерт усулида топширикни тайёрлайди (13-илова). Кластер тузишни топширади (14-илова). 2.5. Эътиборни жамловчи савол беради “Миллий иқтисодиётда мувозанат ва мутаносиблик тўғрисида сиз нимани ўргандингиз?”. 1-2 та жавобни эшитади: 1) талабаларни 3 гуруҳга бўлади; 2) катта қоғозларни таркатади; 3) 5 минутда ақлий ҳужум орқали мавзу бўйича кластер тузиш топшириғи берилади. 2.6. Тақдимот бошланганини эълон қилади. Савол беради, жамоа бўлиб муҳокама қилишни ташкил қилади, изоҳлайди. 2.7. Кластерни энг яхши вариантини дафтарга кўчирадилар. | ишлайдилар: 1) сардорлар маълумотларни тўплаш ва барча тушган таклифларни ёзишни ташкил қиладилар; 2) катта вароқларда кластерни ёзишни ташкил қилади. 2.6. Гуруҳ сардори ёки аъзолари доскага қоғозни илади ва кластернинг мазмунини изоҳлайди. Бошқа гуруҳ аъзолари ишларини муҳокама қилиш ва баҳолашда иштирок этади. 2.7. Дафтарга кўчиради. |
| 3-босқич. Яқуний (10 мин.) | 3.1.Машғулотга яқун ясайди, фаол иштирокчиларни рағбатлантиради. Келажакда амалиёт ва ўқув фаолиятидаги аҳамиятини таъкидлайди. 3.2. Мустақил таълим учун топширик беради: семинар машғулотида тайёргарлик кўриш, муҳокама учун саволлар беради (15-илова). | Эшитадилар. Топширикларни ёзиб оладилар. |

Визуал материаллар

1-илова.

Макроиқтисодий беқарорлик – умумий қўламда ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг номуаносиблиги, миллий иқтисодиётда меъёрий алоқалар ва мутаносибликларнинг бўзилиши.


Макроиқтисодий беқарорлик – макроиқтисодиётнинг беқарорлик ҳолати, бунда муҳим кўрсаткичлар: ишлаб чиқариш ҳажми, нарх даражаси, меҳнат қила оладиган аҳоли бандлиги, фоиз нормаси ва ҳ.к.лар барқарор ҳолатдан кескин оғади, бунинг оқибатида иқтисодий ўсиш қарама-қарши жараён - *инқирозга* учрайди.

Мувозанат – бу иқтисодиётда шундай ҳолатки, бунда иқтисодий қарор қабул қилувчи шахс ўз режасини ўзгартириши учун ҳеч қандай ундовчи омиллар (мотивлар) бўлмайди.

Иқтисодий мувозанат – ресурслар ва эҳтиёжлар ўртасидаги ўзаро мувофиқлик, чекланган ресурслардан бозорда товар ва хизматлар яратиш ва уларнинг жамият аъзолари ўртасидаги қайта тақсимланиши сифатида юзага чиқади. Мувозанат жамиятда ҳаммани қаноатлантирувчи танлов сифатида гавдаланади.

2-илова


Иқтисодий мувозанатнинг мазмуни ва таркибий тузилиши



Макроиктисодий мувозанат муаммоси қуйидагича юзага келади:


- 1) бозор доиравий айланиш жараёнида даромад ва харажатлар тенглиги мажбурий шарт ҳисобланади;
- 2) (бир) харажатлар ҳақиқатда доимо (бошқа) даромадларга айланади;
- 3) даромадлар харажатларга айланиши шарт эмас, умуман уларнинг тенглашиши ҳам шарт эмас;
- 4) уй хўжаликлари учун даромадларнинг харажатлардан юқори бўлиши сақланади;
- 5) фирмалар учун харажатларнинг даромадлардан ошиб кетмаслиги.

4-илова




5-илова

Бошланган таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш



Амалга оширилаётган таркибий ислохотлар натижасида мамлакатимиз бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш таркиби сезиларли ўзгарди. 2000-2008 йилларда:


- саноат соҳасининг улуши 1,6 марта;
- хизматлар соҳасининг улуши 1,2 марта ошди.



Таркибий ўзгаришлар ва иқтисодийни диверсификация қилиш 2008 йилда тармоқлардаги юқори ўсиш суръатларини таъминлади. Жумладан:

- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12,7 фоизга;
- хизмат кўрсатиш – 21,3 фоизга;
- транспорт хизмати ҳажми – 10,2 фоизга ўсди.







2004-2008 йиллар давомида маҳаллийлаштириш бўйича амалга оширилган лойиҳалар сони 1,5 баравар, уларда иштирок этаётган корхоналар сони эса 1,2 баравардан кўпроқ ўсди.



Умумий қиймати 24 млрд. АҚШ долл.дан зиёд муҳим устувор лойиҳаларнинг таркиби:
 - янги қурилиш лойиҳалари - 77%ни;
 - модернизация ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳалар - 23%ни ташкил этади.



11-илова.



12-илова.

Муаммоли саволлар (амалий мисоллар билан ёритинг).

1. Иқтисодиётнинг таркиби нимага боғлиқ ва уни ўзгартириш зарурати нимада?
2. Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзак соҳалари қайсилар?
3. 2005 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунларида иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг биринчи йўналишида қайси тармоқлар қайди?

13-илова.

“Инсерт усули”

Инсерт - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.


Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

| Тушунчалар | V | + | - | ? |
|---|---|---|---|---|
| Иқтисодий муттаносиблик | | | | |
| Умумиқтисодий, тармоқлараро | | | | |
| Иқтисодиётнинг турли томонлари | | | | |
| Иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги мослик | | | | |
| Мувозанат | | | | |
| Иқтисодий томонларнинг тенглиги | | | | |

14-илова.



15-илова.

Уйга топширик

1. Иқтисодий мувозанатлик даражасини аниқлаш усулларини айтинг.
2. Масала: Иқтисодиётда макроиқтисодий мувозанатлик қуйидаги шартлар асосида шаклланган: Уй хўжаликлари даромади 900 бирлик, аҳоли қўлидаги ўртача касса қолдиқлари 200 бирликка тенг. Агар аҳоли 300 бирлик давлат облигацияларини сотиб олган бўлса, унда истеъмолчилик харажатларини аниқланг.

Семинар машғулотида ўқитиш технологияси

| | |
|---|--|
| Вақти-2 соат. | Талабалар сони: 15-30 нафар. |
| Ўқув машғулотининг шакли | Бинар семинар мунозара. |
| Семинар машғулоти режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Иқтисодий мувозанатлик тушунчаси. Мувозанатлик турлари. 2. Миллий иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариш ва тармоқ тузилиши. Иқтисодий мутаносибликлар ва уларнинг турлари. 3. Макроиқтисодий мувозанатликка эришишнинг бозор механизми. 4. Иқтисодиётда мультипликатор самараси. Рецессион ва инфляцион фарқни ҳисоблаш. 5. Ўзбекистонда иқтисодиёт таркибини қайта қуриш жараёнида иқтисодий барқарорликни таъминлаш муаммолари. |
| <p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> миллий иқтисодиётнинг нисбатлари ва мувозанатлари тўғрисида олинган билимларни мустаҳкамлаш, муаммоли масалаларни ҳал этиш кўникмаларини ривожлантириш.</p> | |
| <p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; - ўз фикрини илгари суриш асослаш, музокара қилиш кўникмаларини ривожлантириш; - муаммоли вазифаларни ечишни фаоллаштиришни рағбатлантириш; - муаммоли вазифаларни ечишда энг яхши ечимларни танлаш ва баҳолаш кўникмаларини ҳосил қилиш; - коммуникация, гуруҳда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш. | <p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - макроиқтисодий мувозанатга таъриф бериш ва унга эришиш механизмларини тасвирлаш; - макроиқтисодий мувозанатга эришишнинг бозор механизмларини ёритиш; - ялпи харажат ва ишлаб чиқариш ҳажми шунингдек, жамғарма ва инвестицияларни таққослаш усулларини тавсифлаш; - Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш масалаларини санаш. |
| Ўқитиш усуллари ва техникаси | Мунозара, муаммоли усул. Тўғридан-тўғри жамоавий ақлий ҳужум, Б/Б/Б жадвали |
| Ўқитиш воситалари | Ўқув қўлланмалар, ўқув дафтарлари, А32 катталигидаги қоғоз, маркер, скотч. |
| Ўқитиш шакллари | Фронтал, гуруҳ ва жамоада ишлаш. |
| Ўқитиш шароитлари | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлашга мослаштирилган аудитория. |

Семинар машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---------------------------------|---|---|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | <p>1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади. Ўқитиш гуруҳларда ишлаш технологияси асосида олшиб борилишини эълон қилади.</p> <p>1.2. Мавзунинг таянч иборалари асосида блиц-сўров ўтказилади.</p> <p>Талабадан жавобни эшитади ва мавзу муҳокамаси гуруҳларга ишлар тақдимотидан сўнг давом этишини эълон қилади.</p> <p>Ҳар бир талаба гуруҳ баҳосига мос равишда баҳо олишини тушунтиради, гуруҳларда ишлаш қоидалари билан таништиради (2-илова). Гуруҳларда ишлаш</p> | <p>1.1. Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>1.2. Саволларга жавоб берадилар</p> |

| | | |
|------------------------------------|---|--|
| | натижаси плакат қоғозларда кўрсатилиши кераклигини маълум қилади. | |
| 2-босқич. Асосий (20 мин.) | 2.1. Талабаларни 3 гуруҳга ажратади. Ўқув топшириқларини тарқатади (4-илова). Вазифа бутун гуруҳ томонидан бажарилишини эълон қилади. Вазифани бажаришда дарслик, маъруза матнлари ва бошқа қўлланмалардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Ўқув натижаларини эслатади. Гуруҳларда ишларни бошлашни эълон қилади. | 2.1. Ўқув топшириқларини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишадилар. Вазифани бажарадилар |
| 3-босқич. Тақдимот (45 мин.) | 3.1. Тақдимот ва гуруҳларда ишлаш натижаларини ўзаро баҳолашни ташкил этади. Жавобларни шарҳлайди, билимларни умумлаштиради, вазифани бажариш жараёнидаги асосий хулосаларга эътиборни қаратади. 3.2. Мунозара учун саволлар беради (5-илова). | 3.1. Тақдимот қилишади, қўшимчалар қилишади, баҳолашади. |
| 4-босқич. Яқуний (5 мин.) | 4.1. Машғулотга яқун ясайди, фаол иштирок-чиларни рағбатлантиради. Келажакда амалиёт ва ўқув фаолиятидаги аҳамиятини таъкидлайди. 4.2. Мустақил иш учун вазифа беради. | 4.1. Тинглайдилар, аниқлаштирадилар. 4.2. Мустақил иш учун вазифани ёзиб оладилар. |

1-илова.

Семинарда ишлаш тартиби ва регламенти

1. Гуруҳда ишлаш ва презентацияни тайёрлаш – 20 мин.
2. Иш натижаларини презентация орқали намойиш қилиш – 5 мин.
3. Жамоа бўлиб ишлаш ва гуруҳларни баҳолаш – 5 мин.

2-илова.

Гуруҳ билан ишлаш қодалари

Ҳар бири ўз шерикларининг фикрларини хурмат қилишлари лозим;
Ҳар бири берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
Ҳар бири ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;
Ҳар бири ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;
Ҳар бири гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим;
Ҳар бири: “Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз, ёки бирга қутиламиз” атамасини яхши билишлари лозим.

3-илова.

Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балл)

| Гуруҳ | Ёндошувнинг (тўлиқлиги, тўғрилиги) | Графикда тўғри тасвирлаш | Гуруҳ фаоллиги | Муаммони фаол ечилиши | Баллар йиғиндис |
|-------|--|-----------------------------|-------------------|-----------------------------|--------------------|
| | (1,0) | (0,6) | (0,4) | (1,0) | (3,0) |
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |

4-илова.

Ўқув топшириқлар

1 – гуруҳ

Сиз классик мактаби вакилисиз.

- 1) Ушбу мактаб нуқтаи-назаридан қуйидаги саволларга жавоб беринг:
 1. Иқтисодий мувозанатлик нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
 2. Макроиктисодий мувозанатликка қандай механизм орқали эришилади?
 3. Агар макроиктисодий мувозанатлик бузилса нима бўлади?
 4. Давлат макроиктисодий мувозанатни таъминлашда иштирок этиш керакми, қандай?
- 2) Ўз нуқтаи-назарингизни график орқали ифодаланг.

2 – гуруҳ

Сиз кейнчилиқ мактаби вакилисиз.

- 1) Ушбу мактаб нуқтаи-назаридан қуйидаги саволларга жавоб беринг:
 1. Иқтисодий мувозанатлик нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
 2. Макроиқтисодий мувозанатликка қандай механизм орқали эришилади?
 3. Агар макроиқтисодий мувозанатлик бузилса нима бўлади?
 4. Давлат макроиқтисодий мувозанатни таъминлашда иштирок этиш керакми, қандай?
- 2) Ўз нуқтаи-назарингизни график орқали ифодаланг.

3-гуруҳ

Сиз оппонент гуруҳи ҳисобланасиз.

Сизнинг вазифангиз:

- 1) Мавзу бўйича классик ва кейнчилиқ вакилларига 4 тадан савол тайёрланг.
- 2) Хар бир ёндошувнинг аниқлигигача саволлар беринг ва мунозара жараёнида танқидий ёндошинг.
- 3) Мавзу бўйича умумлаштирувчи хулоса чиқаринг.

5-илова.

Назорат саволлари

1. Ишлаб чиқариш мувозанатли ҳажмини аниқлашнинг қайси усуллари биласиз?
2. Унинг Классик ва Кейнисча моделларининг мазмуни нимадан иборат?
3. Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш вазифалари нимадан иборат?

| | |
|-----------|---|
| 19-мавзу. | Иқтисодиётнинг цикллилиги ва макроиқтисодий беқарорлик |
|-----------|---|

19.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси.

| | |
|--|--|
| Вақти – 2 соат | Талабалар сони: 25-60 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Визуал маъруза. |
| Ўқув машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Циклик - иқтисодий тараққиётнинг умумий шакли эканлиги ва унинг сабаблари. 2. Иқтисодий цикл ҳақида турлича назариялар 3. Иқтисодий циклнинг фазалари. Иқтисодий инқирозларнинг турлари. 4. Аграр инқирозлар ва уларнинг хусусиятлари. 5. Ўзбекистонда инқирозли жараёнларнинг намоён бўлиш хусусиятлари ва уларни бартараф этиш йўллари. |
| <p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> иқтисодий циклар, иқтисодиёт учун хос бўлган ишлаб чиқариш, бандлик ва нарх даражасининг даврий тебранишлари тўғрисида чуқур билим бериш.</p> | |
| <p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - иқтисодий цикл ва унинг босқичлари тўғрисида тушунча бериш; - интернал, экстернал, етарлича истеъмол қилмаслик, жамғариш ва психологик назарияларнинг мазмунини ёритади; - иқтисодий цикл назарияларини таҳлил қилади; - инқироз ва унинг турларини тавсифлайди. | <p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - иқтисодиётнинг цикллилигини тавсифлаш; - циклик, таркибий ва аграр инқирозларга қисқача тавсиф бериш; - инқироз, унинг турлари ва келиб чиқиш сабабларини санаб бериш; - давлатнинг инқирозга қарши сиёсатини тавсифлаш ва айтиш; - Ўзбекистон иқтисодиётида инқироз ҳолатларини бартараф этиш хусусиятлари ва йўллари айтиш. |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Визуал маъруза, техника: презентация, ақлий ҳужум, график органайзер: кластер |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, компьютер технологияси, А32 бичимдаги қоғоз, маркер, скотч. |
| Ўқитиш шакли | Фронтал, гуруҳ ва жамоада ишлаш |
| Ўқитиш шароитлари | Жиҳозланган. Компьютер технологияси билан таъминланган аудитория |

Маъруза машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|----------------------------------|---|---|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | 1.1. Мавзунинг мақсад ва натижаларини маълум қилиб, машғулот режасини эълон қилади ва экранга чиқаради. 1.2. Маъруза машғулотининг визуал шаклда ўтишини эслатиб, жуфтликда ишлашни таклиф этади. “Ақлий ҳужум” ни қўллайди. | Ёзиб оладилар. |
| 2-босқич. Асосий (55 мин.) | 2.1. Талабалар билиминини аниқлаш мақсадида “Иқтисодий цикл ва инқироз тўғрисида нималар биласиз?” деган савол билан мурожаат қилади. Барча фикрлар эшитилади. Экранга иқтисодий цикл ва уни келтириб чиқарувчи сабаблари ифодаланган жадвал чиқарилади. | 2.1. Жавоб берадилар. 2.2. Инқироз сабабларини муҳокама қиладилар, инқирозни баратараф этиш йўллари илгари |

| | | |
|----------------------------------|---|---|
| | 2.2. Иқтисодий цикл фазалари намоиш қилинади ва муҳокама қилинади. Ўқитувчи ҳар бир фазанинг моҳиятини шарҳлайди. 2.3. Аграр инқирозлар ва уларнинг хусусиятларини экранга чиқаради. | сурадилар. 2.3. Аграр инқирозга мисоллар келтирадилар. |
| 3-босқич. Яқуний (15 мин.) | 3.1. Мавзуга яқун ясайди, хулоса чиқаради. 3.2. Ўқув натижалари билан талабалар жавобини солиштиради. 3.3. Фаол иштирок этган талабаларни баҳолайди. 3.4. Мустақил иш учун топшириқ беради (тест). | Эшитадилар. Ёзиб оладилар. |

Визуал материаллар

1-илова.

Иқтисодий цикл – ишлаб чиқариш ҳажми, бандлилик ва инфляция даражасидаги даврий тебранишлардир.
Цикл давомийлиги бўйича бир инқироздан иккинчи инқироз бошлангунча ўтган даврдан иборат бўлади.


2-илова.



Циклни келтириб чиқарувчи сабаблар:



- такрор ишлаб чиқаришдаги номутаносибликлар;
- талаб ва таклиф ўртасидаги номутаносибликлар;
- ялпи сарфлар даражасининг ўзгариши (ўз навбатида бу сарфлар ҳажмини ишлаб чиқариш ва бандлик даражаси белгилаб беради);
- инвестициялар ҳажмининг даврий камайиши;
- пул массаси ҳажмининг тебраниши;
- асосий капиталнинг янгиланиши;
- мультипликатор самарасининг пасайиши ва бошқалар.

Иқтисодий циклни келиб чиқишини фақат ташқи ёки фақат ички омилларга боғловчи қарашлар мавжуд бўлиб, улар фанда **экстернал** ва **интернал** назариялар деб номланади.

3-илова.







ЖАҲОН МОЛЯВИЙ- ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ: КЕЛИБ ЧИКИШ САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молявий инқирозга айланиб кетди.

Инқироз – қутилмаган даражада жамиятнинг барча жабҳаларига зарар келтирадиган ва янги фаолият юритишга ундайдиган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий воқелиқдир.

Молявий инқироз — молявий инструментларнинг қутилмаганда ва зудлик билан пасайиши ва пулнинг етишмаслиғидир

Иқтисодий инқироз — товар ва хизматларга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши оқибатидир

Жаҳон молявий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари

АҚШ ипотекали кредитлаш (кўчмас мулкларга бериладиган кредит) тизимида рўй берган танглик ҳолати

Йирик банклар ва молявий тузилмаларнинг тўлов қобилияти заифлашиши

Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларнинг қиймати ҳалокатли даражада

Ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатлари кескин пасайиши, ишсизликнинг ортиши

Жаҳондаги айрим давлатлар ташқи қарзларининг ЯИМга нисбатан ўзгариши



2008 йилда АҚШ ташқи қарзларининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи қарийб 90%ни ташкил қилган. Бу кўрсаткич Россияда 37%ни, Қозоғистонда 102%ни, Украинада 64%ни ташкил этган. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган оқилона қарз сиёсати натижасида ташқи қарзларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 2008 йилда 13,3%ни ташкил қилди.

Ўзбекистонда жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози таъсирини юмшатишга асос бўлган омиллар

“Шок терапияси” усуллари бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган алдамчи тасаввурлардан воз кечилди

Маъмурий буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўли танланди

Давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлиги белгилаб олинди

Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилгани ва зарур ресурслар базаси мавжуд эканлиги

Аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги

Оқилона ташқи қарз сиёсати олиб борилиши

Инқирозга қарши чоралар дастури мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши

**Инқирозга
қарши чоралар
дастурининг
максади**

Жаҳон иқтисодий инқирозининг тобора кучайиб бораётган салбий оқибатларини ҳис этган ҳолда иқтисодиётимиздаги реал аҳвол ва шароитларни ҳисобга олиб, жаҳон иқтисодий инқироzi оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш

Дастурнинг вазифалари

корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш.

экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатбардош бўлишини қўллаб-қувватлаш

қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш

электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш

ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш

Таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари

**Таннархни
пасайтириш-
нинг асосий
йўналишлари**

Импорт қилинадиган ресурслар нархларини қайта кўриб чиқиш ва пасайтириш

Локализация даражасини ошириш


Материаллар сарфи нормаларини пасайтириш

Маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш

Фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватларни консервация

Маъмурий бошқарув ходимлари сонини қисқартириш

Энергия ресурслари ва коммунал хизматларга нархларнинг ўзгариши



15-илова.

Тестлар

1. Цикл қандай фазани ўз ичига олади?

- а) инқироз;
- б) турғунлик;
- в) жонланиш;
- г) юксалиш;
- д) ҳаммаси тўғри.

2 Стагнация - бу

- а) бозордаги кескин вазият;
- б) халқаро битим;
- в) иқтисодиётдаги танг ҳолат;
- г) нархлар ўсиши;
- д) тўғри жавоб йўқ.

3 Иқтисодий цикллар бир-бирдан нима билан фарқланади?

- а) ҳар хил фазаларга эга бўлиши билан;
- б) давомийлиги бўйича;
- в) интенсивлиги бўйича;
- г) а ва б тўғри;
- д) б ва в тўғри.

4 Таркибий инқирозларни келтириб чиқарувчи асосий сабаб нима?

- а) ишлаб чиқаришнинг нотекис ривожланиши;
- б) халқ хўжалиги айрим тармоқлари ва соҳаларининг ривожланишидаги чуқур номутаносибликлар;
- в) ялпи талабнинг ўзгариши;
- г) ялпи таклифнинг ўзгариши;
- д) ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг мос келмаслиги.

5 Аграр инқирозларнинг асосий хусусиятлари нималарда намоён бўлади?

- а) маҳсулотларнинг нисбий ортиқча ишлаб чиқарилишида;
- б) нархларнинг пасайиши, даромадлар ва фойданинг камайишида;
- в) цикли характерга эга бўлмасликда ва нисбатан узок давом этишида;
- г) ишсизликнинг ўсишида;
- д) ишлаб чиқаришнинг қисқаришида.

6. Иқтисодий циклдан иқтисодиётнинг қайси соҳалари кўпроқ йўқотишга учрайди?

- а) қисқа муддатли фойдаланиладиган истеъмолчилик товарлари ишлаб чиқарувчи

тармоқлари;

б) узок муддатли фойдаланиладиган истеъмолчилик товарлари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари;

в) инвестицион товар ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари;

г) в ва б тўғри;

д) б ва в тўғри.

7 Иқтисодий инқирозларнинг асосий мазмуни нимада намоён бўлади?

а) товарлар ишлаб чиқаришнинг камайишида;

б) ишсизликнинг ўсишида;

в) нархларнинг ўсишида;

г) ишлаб чиқарилган товарлар массасининг тўловга қобил талабидан ошиб кетиши ёки кам бўлишида;

д) ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин камайиб кетишида.

19.2. Семинар машғулотида ўқитиш технологияси.

| | | |
|--|---|--|
| Вақти-2 соат | Талабалар сони: 15-30 нафар | |
| Ўқув машғулотининг шакли | Муаммоли семинар | |
| Семинар машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш зиддиятлари ва иқтисодий инқирозларнинг сабаблари. 2. Иқтисодий цикл назарияси. Иқтисодий циклнинг мазмуни, унинг фазалари ва характерли белгилари. 3. Таркибий қайта қуришлар ва таркибий инқирозлар. Н.Д.Кондратьевнинг «узун тўлқинлар» назарияси. 4. Аграр инқирозлар ва унинг хусусиятлари. 5. Ўзбекистонда инқирозли жараёнларнинг намоён бўлиш хусусиятлари, давлатнинг унга қарши тадбирлари ва бартараф этиш йўллари. | |
| Ўқув машғулотининг мақсади: мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш муаммоли масалаларни ечиш кўникмаларини ривожлантириш. | | |
| Педагогик вазифалар: | Ўқув фаолиятининг натижалари: | |
| - мавзу бўйича билимларни онгли равишда ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга ундаш; | Талаба: | |
| - мавзу бўйича билимларни тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш; | - иқтисодий циклга таъриф бериш; | |
| - муаммоли масалаларни ечиш одатларини ривожлантириш, муаммони таҳлил қилиш, муқобил ечимларни илгари суриш, якуний хулосани шакллантириш. | - инқироз ва аграр инқирозларни тавсифлаш; | |
| | - таркибий инқирозларни мазмунини ёритади; | |
| | - Ўзбекистонда инқирозли жараёнларнинг намоён бўлиш хусусиятлари, давлатнинг унга қарши тадбирлари ва бартараф этиш йўллари биландилар. | |
| Ўқитиш усуллари ва техникаси | Муаммоли усул, суҳбат, ақлий ҳужум, мунозара, намойиш қилиш. | |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, А32 форматдаги қоғоз, маркер, скотч, ўқув материаллари, конспектлар. | |
| Ўқитиш шакллари | Жамоада ва гуруҳларда ишлаш. | |
| Ўқитиш шароитлари | Гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория. | |

Семинар машғулотининг технологик картаси.

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---------------------------|--|--|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 1.1. Мавзуни, мақсади режадаги ўқув натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди. 1.2. Саволлар бўйича талабалар билимларини фаоллаштиради. Блиц-сўров ўтказади. | Мавзуни ёзадилар ва саволларга жавоб берадилар |
| 2-босқич. | 2.1. Муаммоли вазифани талабаларга ўқиб беради ва | 2.1. Эшитадилар, муаммони |

| | | |
|---|---|---|
| <p>Асосий (60 мин.)</p> | <p>гуруҳларда ишлаш қоидаларини эслатади (1-илова). Муаммони шакллантиришни ташкил қилади. Таклиф этилган муаммони шакллантириш вариантларини талабалар билан биргаликда таҳлил қилади ва муҳокама қилади. Уларнинг ичидан аниқлаштирилган ва таҳрир қилинган вариантни танлайди.</p> <p>2.2. Талабаларни 3 гуруҳга ажратади. Муммоли вазифани ҳал қилишни топширади (2-илова). Ўқув вазифасини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини тарқатади. Муаммони ҳал қилиш бўйича услубий кўрсатмаларни, кутилаётган натижаларни тушунтириб беради. Ақлий ҳужум, ғояларни танлаш ва баҳолаш, гуруҳларда ишлаш қоидаларини эслатади. Гуруҳ ишларини бошланганлигини айтади.</p> <p>2.3. Такдимотни бошлашни эълон қилади. Такдимот жараёнида жавобларни шарҳлайди. Тўғри қарорни таъкидлайди, хатоларни кўрсатади. Муаммоли вазифа ечимларини мунозара шаклида муҳокамасини ташкил қилади. Талабалар билан биргаликда жавобларни баҳолайди. Жавоблар тўлиқ бўлмаган ҳолда ўзи жавоб беради. Гуруҳларнинг ўзаро баҳолашини ташкил этади.</p> <p>2.4. Якун чиқаради.</p> | <p>шакллантириш бўйича таклифларни киритадилар.</p> <p>2.2. Гуруҳларда ишлайдилар: Муаммоли вазифани ҳал қиладилар, такдимот варақаларини расмийлаштирадидилар.</p> <p>2.3. Муаммоли вазифанинг натижаларини такдимот қиладилар. Муаммони ҳал қилиш бўйича қарорлар вариантларини муҳокама қиладилар. Гуруҳларни ўзаро баҳолайдилар.</p> <p>2.4. Тинглайдилар</p> |
| <p>3-босқич. Яқуний (10 мин.)</p> | <p>3.1. Ўқув фаолиятини яқунлайди. Талабалар эътиборини асосий жиҳатларга қаратади. Муаммони ҳал қилиш жараёнида гуруҳлар фаолиятидаги мувоффақиятларни, бажарилган ишнинг касбий фаолият учун аҳамиятини таъкидлайди, баҳолайди.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун вазифа беради: мустақил равишда тайёрланг (5-илова).</p> | <p>3.1. Тинглайдилар, аниқлаштирадидилар. Мустақил иш учун вазифаларни ёзиб оладилар.</p> |

Ўқув топшириқлари

1-илова.

| |
|--|
| <p style="text-align: center;">Гуруҳ билан ишлаш қоидалари</p> <p>Ҳар бири ўз шерикларининг фикрларини ҳурмат қилишлари лозим; Ҳар бири берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим; Ҳар бири ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин; Ҳар бири ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим; Ҳар бири гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим; Ҳар бири: “Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз, ёки бирга кутиламиз” атамасини яхши билишлари лозим.</p> |
|--|

2-илова

| |
|--|
| <p style="text-align: center;">1-гуруҳ</p> <p>1-топшириқ. Саволга жавоб беринг. <i>Иқтисодий инқирознинг моддий асоси ва сабаблари нимада?</i> 2-топшириқ. Венна диаграммаси асосида циклик, таркибий ва аграр инқирозларни тақосланг. 3-топшириқ. Бошқа гуруҳларни текшириш учун 3 та савол тузинг.</p> |
| <p style="text-align: center;">2-гуруҳ</p> <p>1-топшириқ. Саволга жавоб беринг. <i>Иқтисодий инқирознинг қандай турлари мавжуд. Уларга тавсиф беринг. “Иқтисодий инқироз турлари”га кластер тузинг.</i> 2-топшириқ. Венна диаграммаси асосида ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва иқтисодий инқирозларни тақосланг. 3-топшириқ. Бошқа гуруҳларни текшириш учун 3 та савол тузинг.</p> |
| <p style="text-align: center;">3-гуруҳ</p> <p>1-топшириқ. Саволга жавоб беринг. <i>Иқтисодийёт цикллилигининг моҳияти нимада, иқтисодий цикл назарияси мазмунини очиб беринг.</i> 2-топшириқ. Жадвални тўлдиринг. 3-топшириқ. Бошқа гуруҳларни текшириш учун 3 та савол тузинг.</p> |

3-илова.

| | Цикл босқичлари | | Умумий тавсифи |
|---------|------------------------|-----------|-----------------------|
| Юксалиш | 1 | Жонланиш | |
| | 2 | Юксалиш | |
| Инқироз | 3 | Инқироз | |
| | 4 | Турғунлик | |

4-илова**Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари**

Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳлар тақдимотни баҳолайди, мезонлар бўйича балларни жамлайди.

| Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари | Максимал балл | 1 гуруҳ | 2 гуруҳ | 3 гуруҳ |
|--|---------------|---------|---------|---------|
| | | | | |
| Саволга жавоб | 1,2 | | | |
| | 0,4 | | | |
| | 0,4 | | | |
| - мантиқийлик, аниқлик, хулосаларнинг қисқалиги | 0,4 | | | |
| Тақдимот: | 1,4 | | | |
| - жавобларнинг аниқлиги ва тушунарлилиги; | 1,0 | | | |
| - ҳар бир гуруҳ иштирокчисининг фаоллиги (саволлар, кўшимчалар). | 0,4 | | | |
| Регламент | 0,4 | | | |
| Умумий баллар йиғиндиси | 3,0 | | | |

Гуруҳ ишини умумлаштирувчи баҳо

| Гуруҳ | 1 | 2 | 3 | Умумий балл | Баҳо |
|-------|---|---|---|-------------|---|
| | | | | | (умуий балл 2 га бўлинади) 2,2 -3 балл – «аъло» 1,2 - 2 балл – «яхши» 0,5 – 1,1 балл – «қон-ли» 0-0,5 балл – «ёмон» |
| 1 | - | | | | |
| 2 | | - | | | |
| 3 | | | - | | |

5-илова.**Муҳокама учун саволлар**

1. Цикли тебранишлар ва унинг кўринишлари: миллий даромад, инвестициялар ва бозор конъюнктурасидаги тебранишлар.
2. Миллий ва жаҳон ҳўжалигидаги цикллар ҳамда уларнинг хусусиятлари.
3. Иқтисодий цикл тўғрисидаги турли хил назариялар.

| | |
|-----------------|---|
| 20-мавзу | Ялпи ишчи кучи, унинг бандлиги ва ишсизлик |
|-----------------|---|

20.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

| | |
|---|--|
| Вақти – 2 соат | Талабалар сони: 30-60 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Муаллифлик маърузаси |
| Маъруза машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Ишчи кучининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни. Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш. 2. Ишчи кучининг бандлиги ва унинг даражаси. 3. Ишсизлик ва унинг турлари. 4. Ишчи кучи бозорининг моҳияти, тузилиши ва уни тартибга солиш усуллари. 5. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ишчи кучи бозорини шакллантириш, ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида давлатнинг тадбирлари. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> ишчи кучини такрор ҳосил қилишда вужудга келадиган ишчи кучи бозори ва ишсизлик муаммолари тўғрисида атрофлича билим бериш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> <ul style="list-style-type: none"> - ишчи кучини такрор ҳосил қилиш, унинг хусусиятлари ва босқичларини изоҳлаш; - ишчи кучи бозори, ишчи кучи қиймати ишчи кучи товарининг нафлиги тушунчаларининг моҳиятини очиқ бериш; - ишчи кучи бандлиги билан боғлиқ назариялар билан таништириш; - ишсизлик турларини тавсифлаб бериш. | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: <ul style="list-style-type: none"> - ишчи кучи, ялпи ишчи кучи, ишсизлик, бандлик, тушунчаларининг таърифини келтира олиш; - ишчи кучини такрор ҳосил қилишдаги муаммоларни билиш; - бандлик ва ишсизлик турларини тавсифлай олиш; - ишсизликнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини ёритиб бериш; - ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш ва меҳнат биржаларининг аҳамиятини ёритиш. |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Муаллифлик маърузаси, Б.Б.Б жадвали, кластер |
| Ўқитиш шакли | Фронтал, жамоа бўлиб ишлаш |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, ўқув қўлланма |
| Ўқитиш шароитлари | Намунадаги аудитория |

Маъруза машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|----------------------------------|--|--|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 1.1. Мавзу, ўқув машғулотидан кўзланган мақсад ва режа билан таништиради. 1.2. Мавзунинг муаммоли эканлигини, унда муаллиф изланишлари, қўлланилиши эълон қилади. Б.Б.Б жадвалини чизишни топширадилар. | <ol style="list-style-type: none"> 1.1. Ёзадилар. 1.2. Эшитадилар. Б.Б. жадвалининг 1-устунини тўлдирадилар. |
| 2-босқич. Асосий (60 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 2.1. “Ишчи кучи” категорияси уларга таниш эканини эслатиб, шу категория бўйича кластер тузишни топширади. 2.2. Мавжуд билимларни чуқурлаштириш мақсадида, ишчи кучини такрор ҳосил қилиш, унинг босқичлари, мезонлари ва улар билан боғлиқ муаммоларни ёритиб беради. 2.3. Ишчи кучи бозори, ишчи кучи товарининг қиймати, нафлиги тушунчаларини | <ol style="list-style-type: none"> 2.1. Кластер тузадилар. 2.2. Ўз нуқтаи назарларини баён қиладилар. |

| | | |
|----------------------------------|---|--|
| | тавсифлайди. 2.4. Ишчи кучи бандлиги тўғрисида неоклассик, кейнсча, институционал мактаб намоёндаларининг назариялари билан таништиради. 2.5. Ишсизлик сабаблари ва турларининг моҳиятини очиб беради. Ўзбекистонда ишчи кучи бандлигини таъминлашда давлат сиёсатининг мазмунини ёритади. | 2.3. Эшитадилар, саволлар берадилар. 2.4. Ёзиб оладилар. |
| 3-босқич. Яқуний (10 мин.) | 3.1. Ўқув машғулотига яқун ясайди. Асосий масалалар бўйича хулоса чиқаради. Олинган маълумотларнинг келажакдаги аҳамиятини таъкидлайди. 3.2. Билимларни мустаҳкамлаш учун талабаларга вазифа беради: газета ва журналлардан ишсизлик ва уни бартараф этиш билан боғлиқ маълумотларни олиб келиш, масала ечиш. | 3.1. Эшитадилар, ёзадилар. 3.2. Топшириқни ёзиб оладилар. |

1 – илова.

Мунозара учун муаммоли саволлар

1. Ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришнинг босқичларини тавсифлаб беринг.
2. ФТТ ва ялпи ишчи кучининг бандлиги ўртасида қандай зиддият бор?
3. Нуфус қонунининг ишсизлик даражасига таъсири қандай?
4. Ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф қандай олимларга боғлиқ?
5. Ривожланган мамлакатлар ишсизлик муаммоларини қандай хал қиладилар?
6. Тўла ва самарали бандликка эришиш мумкинми?


2-илова

Ишсизлик – фаол, меҳнатга яроқли аҳолининг маълум қисми бажаришга иш тополмайдиган ижтимоий-иқтисодий вазият.

Ишсизлик даражаси (ИД) умумий ишсизлар (И) сонини ишчи кучи (ИК) сонига фоизлардаги нисбати сифатида ҳисоблаб чиқиладиган меъёр билан тавсифланади.

$$\text{ИД} = \text{И} / \text{ИК} * 100\%$$

3-илова.



Ишсизлик табиий даражасидан ошган шароитда ишламаётган ишчи кучи воситасида ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган товарлар ва хизматлар потенциал ҳажмининг йўқотилиши



Оукен қонуни

Ишсизлик даражаси ўзгариши ва ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши ўртасидаги боғлиқликни ифода этади:
Агар ишсизлик табиий даражасидан 1 % га ошса, ЯИМ ҳажмида 2,5 % йўқотиш мавжуд бўлади

Ишсизликнинг оқибатлари

кишиларнинг
турмуш даражаси
пасайиши

ходимларнинг
малакасини
йўқолиши

ижтимоий ва сиёсий
кескинликларнинг
ўсиши

Хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳаси – аҳоли бандлигини таъминлашнинг энг муҳим омили

Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради.

И.Каримов (асардан)

**Кичик бизнес ва
хусусий тадбиркорлик**


Янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлик даражасини оширади

Йирик корхоналар учун ишлаб чиқариш самарасиз бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини беради


Маҳсулот ва хизматларни кўпайтириш орқали аҳоли фаровонлигининг ошишига ҳисса қўшади



2000-2008 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар сони 3,3 марта ошиб, 2008 йилда 2468,5 минг кишини ташкил этди.



2008 йилда яратилган 661 мингга яқин янги иш ўринларининг 56,6% кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, 33,3% хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ҳисобига ташкил этилди.



10-илова.

Касаначилик – бу аҳолининг йирик корхоналар билан тузган меҳнат шартномаси асосида ўз уйларида маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишидир.




2006 йилда республика бўйича жами 153,6 минг иш жойи (янги ташкил этилган иш ўринларининг 26,8%) касаначилик ҳисобига ташкил этилган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 213,8 мингта (32,3%)ни ташкил этди. 2010 йилда касаначилик асосида ташкил этилаётган янги иш ўринларини 250 мингтага етказиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида 2009 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратишнинг ижроси

| | ЖАМИ дастур бўйича яратилиши кўзда тутилганиш ўринлари сони | Жами амагд яратилганиш ўринлари | Йиллик прогноза нисбатан бажарилдиш, %га | шундан қуйидагилар қисмига: | | | | |
|-----------------|---|---------------------------------------|--|--|--|--|--|--|
| | | | | Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлини ривожлантириш | Уй меънатининг барча шакллари ташмилетиш | корхоналар билан меънат шартномеси асосида касб-чиғлини ривожлантириш | Йirik объектларни ишга тушириш реконструкция қилиш ва кенгайтириш | қўшимча чора- тадбирлар қисмига (инфляцга қарши дастур ва бошқа чора-тадбирларга мувофиқ) |
| ЖАМИ | 932554 | 940532 | 100,9 | 391825 | 196727 | 77466 | 70535 | 281445 |
| Тошкент вилояти | 47532 | 48064 | 101,1 | 21282 | 6428 | 3527,0 | 2251 | 18103 |
| Андижон | 77340 | 77889 | 100,7 | 26612 | 25725 | 7681,0 | 2628 | 22924 |
| Бухоро | 72297 | 72904 | 100,8 | 35316 | 15826 | 7185,0 | 3540 | 18222 |
| Жиззах | 43179 | 43297 | 100,3 | 16235 | 10933 | 2980,0 | 2017 | 14112 |
| Қашқадарё | 85443 | 85734 | 100,3 | 24014 | 21723 | 6374,0 | 11200 | 28797 |
| Навоий | 39658 | 39870 | 100,5 | 21732 | 5848 | 3751,0 | 2500 | 9795 |
| Наманган | 70311 | 70762 | 100,6 | 22158 | 25562 | 7848,0 | 3185 | 19857 |
| Самарқанд | 90075 | 91712 | 101,8 | 42336 | 15539 | 6589,0 | 4490 | 29347 |
| Сурхондарё | 37894 | 37899 | 100,0 | 21354 | 3838 | 2558,0 | 3101 | 9606 |
| Сурхондарё | 61953 | 63686 | 102,8 | 31952 | 7404 | 2945,0 | 4158 | 20172 |
| Тошкент ш. | 85000 | 85333 | 100,4 | 29350 | 17394 | 7458,0 | 5832 | 32757 |
| Фарғона | 89221 | 90050 | 100,9 | 26874 | 22673 | 8156,0 | 10923 | 29580 |
| Хоразм | 59090 | 59192 | 100,2 | 20588 | 9007 | 2601,0 | 9011 | 20586 |
| Тошкент ш. | 73551 | 74140 | 100,8 | 52022 | 8832 | 7813,0 | 5699 | 7587 |

КЛАСТЕР



Кластерни тузиш қондаси

1. Ҳаёлингизга келган барча тушунчаларни ёзинг. Ҳоқ сифатини муҳоқама қилманг: уларни оддий ҳолда ёзинг.
2. Орфография ва бошқа омилларга эътибор берманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзувни тўхтатманг. Агарда фикрлар келиши бирдан тўхтаса, у ҳолда қоғозга расм чизинг, қачонки тўла фикрлар пайдо бўлмагунча.
4. Кўпроқ алоқа бўлишлигига ҳаракат қилинг. Тушунчалар сони, улар оқими ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик бўйича чегараланманг.

Масалалар.

1. Ишсизликнинг табиий даражаси 4% ни, хақиқий даражаси 9,3 % ни ташкил қилса, Оукен қонуни бўйича ЯММ нинг орқада қолиши неча фоизни ташкил қилади?
2. Миллий иқтисодиётда номинал ЯММ 560 млрд сўми, ишсизликнинг табиий даражасидан ортиқлиги туфайли ЯММ нинг орқада қолиши 9,65% ни ташкил қилса иқтисодиёт қанча маҳсулот йўқотган бўлади?
3. Мамлакатда йил бошида иш билан бандлар сони 180 млн киши, ишсизлар сони эса 20 млн киши. Йил давомида хар ойда ўртача 1% ишчилар турли сабабларга кўра ишдан бўшаган, ишсизлар сонидан 20 %и эса ишга жойлашган. Ишсизликнинг табиий даражасини аниқланг.

20.2. Семинар машғулотида ўқитиш технологияси.

| | |
|---|--|
| Вақти-2 соат | Талабалар сони: 25-30 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Муаммоли семинар |
| Семинар машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Ялпи ишчи кучи ва уни такрор ҳосил қилиш. 2. Ялпи ишчи кучининг миқдор ва сифат томонлари. Нуфус қонуни. 3. Ишчи кучининг тўлиқ ва самарали бандлиги муаммоси. Ишсизлик ва унинг турлари. 4. Ишсизликнинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари. Оукен қонуни. 5. Ишчи кучи бозори. Ишчи кучини бўшатиш ва қайта тақсимлашнинг бозор механизми. 6. Ўзбекистонда ишчи кучи бозорининг шаклланиши ва тартибга солиниши. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> ялпи ишчи кучи, ишсизлик, ишчи кучи бозори борасида маърузада олинган билимларни мустаҳкамлаш, муаммоли вазифаларни ҳал қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> - мавзу бўйича билимларни онгли равишда ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга ундаш; - муаммоли масалаларни ечиш кўникмаларини ривожлантириш; - муаммони таҳлил қилиш, муқобил ечимларни илгари суриш; - якуний хулосани шакллантириш. | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - ялпи ишчи кучи, ишсизлик, бандлик, ишчи кучи бозори тушунчаларига таъриф бериш; - ишсизлик турларини, Оукен қонунинг мазмунини ёритиш; - ишчи кучидан самарали фойдаланиш йўналишларини илгари суради. |
| Ўқитиш усуллари ва техникаси | Муаммоли усул, суҳбат, ақлий ҳужум, мунозара, намоиш қилиш. |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни А32 форматдаги қоғоз, маркер, скотч, ўқув материаллари, конспектлар. |
| Ўқитиш шакллари | Фронтал, жамоа ва гуруҳларда ишлаш. |
| Ўқитиш шароитлари | Гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |

Семинар машғулотининг технологик картаси.

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|----------------------------------|--|--|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 1.1. Мавзунинг мақсади режадаги ўқув натижаларни эълон қилади. 1.2. Саволлар бўйича талабалар билимини фаоллаштириш. 1.3. Билимларни фаоллаштириш мақсадида ишчи кучи ва ишсизлик билан боғлиқ тушунчалар борасида савол-жавоб ўтказди Блиц-сўров. | Мавзунинг ёздиқлари ва саволларга жавоб берадилар. |
| 2-босқич. Асосий (60 мин.) | Муаммоли вазифани талабаларга ўқиб беради. Муаммони шакллантиришни ташкил қилади. Таклиф этилган муаммони шакллантириш вариантларини талабалар билан биргаликда | 2.1. Эшитадилар, муаммони шакллантириш бўйича таклифларни киритадилар. |

| | | |
|----------------------------------|---|--|
| | <p>тахлил қилади ва муҳокама қилади. Уларнинг ичидан аниқлаштирилган ва таҳрир қилинган бир вариантни танлайдилар.</p> <p>2.2. Талабаларни 3 гуруҳга ажратади. Муаммоли вазифани ҳал қилишни топширади. Ўқув вазифасини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини тарқатади. Муаммони ҳал қилиш бўйича услубий кўрсатмаларни, кутилаётган натижаларни тушунтириб беради. Ақлий ҳужум, ғояларни танлаш ва баҳолаш, гуруҳларда ишлаш қоидаларини эслатади. Гуруҳ ишларини бошланганлигини айтади.</p> <p>2.3. Тақдимотни бошлашни эълон қилади. Тақдимот жараёнида жавобларни шарҳлайди, хатоларни кўрсатади. Муаммоли вазифа ечимлари муҳокамасини мунозара шаклида ташкил қилади. Талабалар билан биргаликда жавобларни баҳолайди. Жавоблар тўлиқ бўлмаган ҳолда ўзи жавоб беради. Гуруҳларнинг ўзаро баҳолашини ташкил этади.</p> <p>2.4. Яқуний хулоса чиқаради.</p> | <p>2.2. Гуруҳларда ишлайдилар: Муаммоли вазифани ҳал қиладилар, тақдимот варақаларини расмийлаштирадидилар.</p> <p>2.3. Муаммоли вазифанинг натижаларини тақдимот қиладилар. Муаммони ҳал қилиш бўйича вариантларни муҳокама қиладилар. Ўзаро баҳолайдилар.</p> <p>2.4. Тинглайдилар</p> |
| 3-босқич. Яқуний (10 мин.) | <p>3.1. Ўқув фаолиятини яқунлайди. Талабалар диққатини асосий жиҳатларга қаратади. Муаммони ҳал қилиш жараёнида гуруҳлар фаолиятидаги ижобий томонларини таъкидлайди ва баҳолайди. Бажарилган ишнинг касбий фаолият учун аҳамиятини таъкидлайди.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун вазифа беради: тест ечиш (5-илова).</p> | <p>3.1. Тинглайдилар, аниқлаштирадидилар.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун вазифаларни ёзиб оладилар.</p> |

1-илова.

Иш тартиби ва регламент

1. Блиц-сўров – 15 мин.
2. Гуруҳда ишлаш ва уни презентацияга ёзиш – 20 мин.
3. Муаммо бўйича гуруҳнинг ёндошуви – 5 мин.
4. Жамоа бўлиб муҳокама қилиш ва умумий хулосалар чиқариш – 5 мин.
5. Тест ўтказиш – 5 мин.

2-илова.

Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балл)

| Гуруҳ | Ечим (тўлиқлиги, тўғрилиги) | | Тушунтириш (аниқлиги, манتيқийлиги) | Гуруҳ фаоллиги | Баллар йиғиндиси |
|-------|-----------------------------|----------------------------|---|-------------------|---------------------|
| | Масала (0,5) | Чора гадбирлар (0,5) | | | |
| 1 | | | (0,6) | (0,4) | (2,0) |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |

Гуруҳ ишини умумлаштирувчи баҳо

| Гуруҳ | 1 | 2 | 3 | Умумий балл | Баҳо (умуий балл 2 га бўлинади) |
|-------|---|---|---|-------------|------------------------------------|
| 1 | - | | | | |
| 2 | | - | | | |
| 3 | | | - | | |

3-илова.

Блиц-сўров саволлари

1. Ялли ишчи кучи нима?
2. Ишчи кучининг бандлиги нима?
3. Ишсизлик нима?
4. Нуфуз қонунининг мазмуни нимада?
5. А.Оукен қонунини айтинг?
6. Филипс эгри чизиғи ифодаланг?
7. Ишчи кучи бозорининг асосий элементлари нимадан иборат?

4-илова.

Муаммоли вазифа

Ҳолат.

Мамлакат аҳолиси 12 млн. улардан 8 млн. меҳнат қилиш ёшида.

Мамлакатдаги ишсизлик қуйидаги омиллар билан тавсифланади:

Ишлаб чиқариш таркибини ўзгартириш натижасида 240 минг киши ўз иш жойларини йўқотдилар, улар биржадан рўйхатдан ўтган;

Қишлоқ жойларда 500 минг аҳоли ёлланма ишга эга эмас ва ўз шахсий хўжаликларида ишлайдилар.

Топшириқ.

1. Мамлакатдаги ишсизлик даражасини аниқланг, уларни шакллари аниқланг, ушбу ишсизлик ЯММ ҳажмига қайси тарзда таъсир қилади. Ишсизлик ҳажмини пасайтириш керакми;
2. Ишсизлик даражасини қисқаришига ёрдам берувчи омилларни сананг.

5-илова.

Мустақил иш учун тест

1. Ишсизлик деганда...

- а) Ўзига иш тополмасдан, меҳнат захираси армиясига айланган аҳолининг иқтисодий фаол қисми тушунилади;
- б) меҳнатга лаёқатли бўлиб, ишлашни хоҳлаган, лекин иш билан таъминланмаганлар тушунилади;
- в) иш қидираётган ёки яқин вақт ичида иш билан таъминлашни кутаётган аҳоли тушунилади;
- г) Ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг номувофиқлиги натижасида вужудга келган аҳоли тушунилади;
- д) барча жавоблар тўғри.

2. Фрикцион ишсизлик деганда:

- а) истеъмолчилик талаби ва технологиядаги турли ҳудудларда, турли соҳа ва иш турларига ишчи кучининг талаб ва таклиф номувофиқлиги натижасида вужудга келган ишсизлик тушунилади;
- б) иқтисодий циклнинг инқироз фазаси билан боғлиқ равишда вужудга келадиган ишсизлик тушунилади;
- в) иш жойларини ўзгартириш туфайли ишдан бўшаб қолиб, малакасига мос иш қидираётган ва иш ўринлари бўшашини кутаётган ишсизлар тушунилади;
- г) ишлашни хоҳламайдиган ишсизлар тушунилади;
- д) барча жавоблар тўғри.

3. Таркибий ишсизлик деганда:

- а) иш жойини ўзгартириш туфайли ишдан бўшаб қолиб, малакасига мос иш қидираётган ва иш ўринлари бўшашини кутаётган ишсизлар тушунилади;
- б) истеъмолчилик талаби ва технологиянинг ўзгариши туфайли турли ҳудудларда турли соҳа ва иш турларига ишчи кучининг талаб ва таклифга номувофиқлиги натижасида вужудга келган ишсизлик тушунилади;
- в) иқтисодий циклнинг инқироз фазаси билан боғлиқ равишда вужудга келган ишсизлик тушунилади;
- г) ишлашни хоҳламайдиган ишсизлар тушунилади;
- д) тўғри жавоб йўқ.

4. Циклик ишсизлик деганда...

- а) иқтисодий циклнинг инқироз фазаси билан боғлиқ равишда вужудга келган ишсизлик тушунилади;
- б) иш жойини ўзгартириши туфайли ишдан бўшаб қолиб малакасига мос иш қидираётган ва иш ўринлари бўшашини кутаётган ишсизлар тушунилади;
- в) истеъмолчилик талаби ва технологиянинг ўзгариши туфайли турли ҳудудларда турли соҳа ва иш турларига ишчи кучининг талаб ва таклифга номувофиқлиги натижасида вужудга келган ишсизлик тушунилади;
- г) ишлашни хоҳламайдиган ишсизлар тушунилади;
- д) барча жавоблар тўғри.

5. Ишсизлик даражаси (ИД) қандай аниқланади?

- а) $ИД = (ИС \times ИК) \times 100$;
- б) $ИД = ИС : ИК \times 100$;
- в) $ИД = ИК : ИС \times 100$;
- г) $ИД = (ИС + ИК) \times 100$;
- д) $ИД = (ИК - ИС) \times 100$.

| | |
|-----------|--|
| 21-мавзу. | Молия тизими ва молиявий сиёсат |
|-----------|--|

21.1 Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси.


| | |
|--|---|
| Вақти – 2 соат | Талабалар сони: 30-60 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Бинар |
| Маъруза машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Молиянинг моҳияти ва вазифалари. 2. Молия тизими ва унинг таркибий бўғинлари. 3. Бюджет тақчиллиги ва давлат қарзлари. 4. Солиқ тизими ва унинг вазифалари. 5. Ўзбекистонда бюджет ва солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари. |
| <p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> молия тизими, унинг асосий ва бюджет маблағларининг шаклланишида солиқларнинг ўрни борасидаги билимларни чуқурлаштириш.</p> | |
| <p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - молиянинг моҳиятини ва вазифаларини тавсифлаб бериш ; - бюджет, бюджет тақчиллиги ва давлат қарзларини тушунтириш; - категорияларининг мазмуни билан таништириш; - солиқ, солиқ тизими ва унинг вазифаларини баён қилиш; - Ўзбекистонда солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари билан таништириш. | <p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - молия тизимига таъриф беради, вазифаларини санаб беради; - бюджет ва бюджет тизимига таъриф бериб, унинг тақчиллиги сабабларини санайди; - солиқнинг мазмунини ва вазифаларини айтиб бера олади. |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Бинар, эссе, |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, проектор, визуал материаллар, доска, бўр |
| Ўқитиш шакли | Фронтал, коллектив, индивидуал |
| Ўқитиш шароитлари | Намунадаги аудитория |

Маъруза машғулотининг технологик картаси


| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|----------------------------------|---|---|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | 1.1 Мавзунинг мақсади, режаси ва ўқув натижалари билан таништиради. 1.2 Машғулотнинг бинар (2 киши) тарзда ўтишини эслатиб, мутахассис билан таништиради (мазкур ҳолда “Молия” кафедраси ўқитувчиси). 1.3 Пул билан боғлиқ тушунчалар борасида тезкор савол-жавоб ўтказади. 1.4 Маъруза сўнгида “Эссе” ёзишни тайинлайди. | 1.1. Эшитадилар ва ёзадилар. 1.3. Жавоб берадилар. 1.4. Топширикни оладилар. |
| 2-босқич. Асосий (55 мин.) | 2.1. Молиянинг моҳияти, келиб чиқиш тарихи ва вазифалари тўғрисида маълумот беради. Бюджет, тақчиллиги ва давлат қарзларининг мазмунини ёритиб беради. 2.2. Солиқ, унинг вазифалари тўғрисида тушунча беради. 2.3. Мутахассисга саволлар билан мурожат қилишни таклиф этади. У давлат сарфларининг миқёсини ўсиши ва солиқ ҳажмининг ўсиб бориш борасидаги тенденцияни ёритиб беради. 2.4. Солиқ ставкаси, солиқ имтиёзлари, Лаффер эгри чизиғи масалаларини ёритади. 2.5. Республика молиясининг ҳозирги кундаги муаммоларини ёритиб беради. | 2.1. Конспект қиладилар. 2.2. Эшитадилар. 2.3. Саволлар берадилар. |
| 3-босқич. Яқуний (15 мин.) | 3.1. Мавзуга яқун ясайди. 3.2. “Молия” мавзусида эссе ёзадилар. 3.3. “Молия” сўзига кластер тузишни уйга топширик сифатида беради. | 3.1. Эшитадилар. 3.2. Саволлар берадилар. 3.3. Эссе ёзадилар. Топширикни оладилар. |

Ўқув материаллари Визуал материаллар

1-илова.



Прогрессив, пропорционал ва регрессив солиқларнинг график кўриниши



ФИСКАЛ СИЁСАТ: ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ


Фискал сиёсат – давлат харажатлари ва солиқларни ўзгартириш орқали иқтисодиётни тартибга солишга қаратилган бюджет ва солиқ сиёсатини ўз ичига олувчи молиявий сиёсатнинг бир қисми.

Давлат бюджети – давлатнинг даромадлари манбаи ва маблағларни сарфлаш йўналишлари кўрсатилган ҳолда тузилган давлатнинг маълум давр, одатда бир йилга мўлжалланган даромадлари ва харажатлари сметаси

Давлат бюджети дефицити – давлат бюджети харажатларининг даромадлардан ортиб кетиши.


Давлат бюджети профицити – маълум даврда даромадлар миқдорининг харажатлардан ортиб кетиши.

| Давлат бюджети даромадлари | Давлат бюджети харажатлари |
|---|---|
| <p>Солиқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> * бевосита, билвосита солиқлар * ресурс тўловлари. <p>Солиқдан ташқари:</p> <ul style="list-style-type: none"> * солиқдан ташқари йиғимлар, бож ва бошқа мажбурий тўловлар * давлатнинг молиявий ва бошқа активларини фойдаланиш ва сотишга етказиб бериш ва жойлаштиришдан даромадлар * қонунчиликка мувофиқ мерос, ҳада қилиш ҳуқуқига кўра давлат мулкига ўтадиган пул маблағлари * юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек хорижий давлатлардан беминнат пул тушумлари * бюджет ссудаларини қоплаш учун юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек хорижий давлатларга берилган тўловлар | <ul style="list-style-type: none"> * бюджет маблағларидан фойдаланувчиларнинг жорий харажатлари * жорий бюджет трансфертлари * капитал харажатлари * капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бюджет трансфертлари * юридик шахслар - резидентлар ва хорижий давлатларга бюджет ссудалари * давлатнинг мақсадли фондларига бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари * давлат қарзларини қоплаш ва хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар * қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа харажатлар |



1.

Солиқ - давлат томонидан даромадларнинг бир қисмига (тўғридан-тўғри) эгалик қилиш ҳукуки бўйича корхоналар, муассасалар ва аҳоли тўлайдиган мажбурий йиғимлар.



| Солиққа тортиш объектлари бўйича | | | Солиқларни ундириш усуллари бўйича | | | Солиқ миқдорини белгилаш усуллари бўйича | | | Бюджет даражаси бўйича | | | Фойдаланиш тартибига кўра | | |
|----------------------------------|-------------|--------------------|------------------------------------|-------------|-----------|--|--------------|------------|------------------------|------------|------------|---------------------------|--------|----------|
| даромад солиғи | мулк солиғи | харажатга солиқлар | Бевосита | | билвосита | | пропорционал | прогрессив | регрессив | умуммиллий | минтақавий | маҳаллий | умумий | мақсадли |
| | | | даромад бўйича | мулк бўйича | акцизлар | божхона божлари | | | | | | | | |
| | | | | | алоҳида | универсал | | | | | | | | |


Солиқларнинг асосий турлари



Фискал сиёсат: мақсад ва йўналишлар

➤ **Фискал сиёсатнинг мақсади** – давлат даромадлари ва харажатларин мутаносиб ўзгартириш, солиққа тортиш тизими, балансланган давлат бюджетини тартибга солиш тизими асосида тўлиқ бандликни ва ноинфляцион иқтисодий ўсишни таъминлаш.

➤ **Давлат харажатлари мультипликатори** – ЯИМ нинг ўсишига мувофиқ равишда давлат харажатларининг ўсиш коэффициентини.



Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги молиявий сиёсатининг асосий йўналишлари

Бюджет дефицитининг ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 3-4 % миқдорда ушлашга қаратилган қаттиқ молиявий сиёсат ўтказиш

Бюджет дефицитини чеклаш асосидаги иқтисодий барқарорлик масаласини ҳал этиш ва иқтисодий фаолиятни жонлантиришни рағбатлантирувчи зарур ижтимоий харажатларни молиялаштириш ўртасида оптимал муносабатни таъминлаш

Миллий хўжалик тармоқларини бюджетдан қайтармаслик шартида молиялаш сиёсатидан амалиётидан воз кечиш ва бу мақсадларга инвестицион кредитлардан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш

Бозор муносабатларини ривожланишини рағбатлантирувчи ва давлат бюджети даромадлари шаклланишини барқарорлигини таъминловчи солиқ сиёсатини ўтказиш, солиқ тизимини такоиллаштириш

Аҳолини ижтимоий таъминлашда меъёрлар сақланишини таъминлаш

Солиқ ставкаларининг динамикаси

| № | Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тури | 1998 й. | 2000 й. | 2008 й. | 2009 й. | 2010 й. |
|----|---|-------------------------|--------------------|---------------|---------------|---------------|
| 1 | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи | 35 | 31 | 10 | 10 | 9 |
| 2 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 15%, 25%, 36%, 40%, 45% | 15%, 25%, 36%, 40% | 13%, 18%, 25% | 12%, 17%, 22% | 11%, 17%, 22% |
| 3 | Қўшилган қиймат солиғи | 20 | 20 | 20 | 20 | 20 |
| 4 | Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови | - | 15 | 8 | 8/7 | 7 |
| 5 | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 0,1 | 0,25 | 0,5 | 0,5 | 0,5 |
| 6 | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 4,0 | 4,0 | 3,5 | 3,5 | 3,5 |
| 7 | Ягона ер солиғи | - | 1,5 | 2,8 | 3,5 | 5 |
| 8 | Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи | 8 | 8 | 8 | 8 | 8 |
| 9 | Ягона ижтимоий тўлови | 40 | 40 | 24 | 24 | 25 |
| 10 | Фуқароларнинг Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари | 1,5 | 2,5 | 2,5 | 3,5 | 4,0 |
| 11 | Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар | 0,5 | 0,7 | 0,7 | 1,0 | 1,5 |
| 12 | Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар | 1,4 | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 1,5 |
| 13 | Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар | - | - | 1,0 | 1,0 | 0,5 |

**Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган
жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ
СТАВКАЛАРИ**

| № | Фаолият тури | Қатъий белгиланган солиқнинг бир ойдаги ставкаси (энг кам иш ҳақиға қаррали микдорларда) | | | | | |
|----|---|--|-------------|---------------------|-------------|--|-------------|
| | | Тошкент шаҳри | | вилоятдаги шаҳарлар | | Туманлар, шу жумладан қишлоқ жойлари | |
| | | 2009 йил | 2010 йил | 2009 йил | 2010 йил | 2009 йил | 2010 йил |
| 1. | Чакана савдо: | | | | | | |
| Семинар машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Иқтисодий тартибга солишнинг моҳияти, зарурияти ва мақсади. 2. Давлатнинг иқтисодий роли ва вазифалари. 3. Иқтисодий тартибга солишнинг моделлари (классик, монетаристик, кейнсча ва неокейнсча). 4. Давлатнинг иқтисодий тартибга солиш усуллари: восита ва дастаклари. 5. Маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг иқтисодий фаолиятни кенгайтириш ва мустаҳкамлашдаги роли. |
| Ўқув машғулотининг мақсади: мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш муаммоли масалаларни ечиш кўникмаларини ривожлантириш. | |
| <p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - мавзу бўйича билимларни онгли равишда ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга ундаш; - иқтисодий тартибга солишнинг моҳияти, заруриятини тушунтириш; - давлатнинг иқтисодий роли ва вазифаларини тавсифлаш; - мавзу бўйича муаммони таҳлил қилиш, артернатив ечимларни илгари суриш, яқуний хулосани шакллантириш. | <p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - асосий тушунчаларни изоҳлайди; - иқтисодий тартибга солишнинг моҳияти, заруриятини тавсифлайди; - давлатнинг иқтисодий роли ва вазифаларини тавсифлаш; - давлат бошқарувининг бевосита ва билвосита усуллари санаш. |
| Ўқитиш усуллари ва техникаси | Муаммоли усул, суҳбат, ақлий хужум, мунозара, презентация. |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, ўқув материаллари, конспектлар, А32 форматдаги қоғоз, маркер, скотч |
| Ўқитиш шакллари | Жамоа ва гуруҳларда ишлаш. |
| Ўқитиш шароитлари | Гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган, компьютер технологиялари билан жиҳозланган аудитория |

Семинар машғулотининг технологик картаси.

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|--------------------------------|--|---|
| | Ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич Кириш (10 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 1.1. Мавзуни, мақсади режаси кутилаётган ўқув натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамиятини ва долзарблигини асослайди. 1.2. Режа саволлари бўйича талабалар билимларини фаоллаштиради. Блиц-сўров ўткази. | <ol style="list-style-type: none"> 1.1. Мавзуни ёзадилар. 1.2. Саволлар тезкор жавоб берадилар. |
| 2-босқич. Асосий (60 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 2.1. Муаммоли вазифани талабаларга ўқиб беради. Муаммони шакллантиришни ташкил қилади. Таклиф этилган муаммони шакллантириш вариантларини талабалар билан биргаликда таҳлил қилади ва муҳокама қилади. Уларнинг ичидан аниқлаштирилган ва таҳрир қилинган бир вариантни танлайдилар. 2.2. Талабаларни 3 гуруҳга ажратади. Муаммоли вазифани ҳал қилишни топширади. Ўқув вазифасини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини тарқатади. Муаммони ҳал қилиш бўйича услубий кўрсатмаларни, кутилаётган | <ol style="list-style-type: none"> 2.1. Эшитадилар, муаммони шакллантириш бўйича таклифларни киритадилар. 2.2. Гуруҳларда ишлайдилар: Муаммоли вазифани ечадилар, тақдимот варақаларини расмийлаштирадилар. |

| | | |
|----------------------------------|--|---|
| | <p>натижаларни тушунтириб беради. Ақлий хужум, ғояларни танлаш ва баҳолаш, гуруҳларда ишлаш қоидаларни эслатади. Гуруҳ ишларини бошланганлигини айтади.</p> <p>2.3. Тақдимотни бошлашни эълон қилади. Тақдимот жараёнида жавобларни шарҳлайди. Тўғри қарорни таъкидлайди, хатоларни кўрсатади. Муаммоли вазифа ечимларини мунозара шаклида муҳокамасини ташкил қилади. Талабалар билан биргаликда жавобларни баҳолайди. Жавоблар тўлиқ бўлмаган ҳолда ўзи жавоб беради. Гуруҳларнинг ўзаро баҳолашини ташкил этади.</p> <p>2.4. Яқун чиқаради.</p> | <p>2.3. Муаммоли вазифанинг натижаларини тақдимот қиладилар. Муаммони ҳал қилиш бўйича ўзларининг вариантларини сурадилар. Ўзаро баҳолайдилар.</p> <p>2.4. Тинглайдилар</p> |
| 3-босқич. Яқуний (10 мин.) | <p>3.1. Ўқув фаолиятини яқунлайди. Талабалар диққатини асосий жиҳатларга қаратади. Муаммони ҳал қилиш жараёнида гуруҳлар фаолиятидаги мувофақиятларни такидлайди. Бажарилган ишнинг касбий фаолият учун аҳамиятига тўхталлади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун вазифа беради.</p> | <p>3.1. Тинглайдилар, аниқлаштирадидилар.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун вазифаларни ёзиб оладилар.</p> |

Ўқув материаллар.

1-илова.

Блиц сўров саволлари.

| |
|--|
| <p>Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш - Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади – Давлатнинг иқтисодий вазифалари - Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг усуллари – Бевосита усуллар – Билвосита усуллар -</p> |
|--|

2 – илова.

1. Муаммоли вазифа

Давлатни иқтисодиётга аралашуви қай даражада бўлиши керак.

2. Услубий кўрсатма: ҳаракат кетма-кетлиги (алгоритм)

1. Муаммони савол шаклига келтиринг.
2. Асосий масалани шакллантиринг, унинг ечими муаммоли саволга жавоб бериш даражасида бўлсин.
3. Миллий иқтисодиёт ҳолатини тавсифлаш имконини берувчи асосий мезонларни (белги, таҳлил йўналиши) айтинг.
4. Ечиш алгоритминини тузинг.
5. Жамоа бўлиб танланган кўрсаткични баҳолаш, уларни ёритиш кетма-кетлигини ўрнатинг.
6. Миллий иқтисодиёт ҳолатини баҳолаш бўйича танланган кўрсаткич асосида бир қатор кичик муаммоларни шакллантиринг ва жадвалга ёзинг.
7. “Ечимнинг мазмуни” устунига уларни аниқлаш, ҳисоблаш алгоритминини (формуласи, тартибини) ёзинг.
8. Муаммони ечиш жадвалини тўлдириг.
9. Сиз томонингиздан келтирилган кўрсаткичнинг миллий иқтисодиёт учун аҳамиятини ёритинг ва оралиқ хулосаларни шакллантиринг ва ёзинг.
10. Яқуний хулосани аниқ ва лўнда қилиб шакллантиринг.

3. Муаммони ечиши жадвали

| | | |
|-------------------------------|-----------------|-----------|
| Муаммони шакллантирилиши: | Яқуний хулоса: | |
| Қуйи муаммоларни шакллантириш | Ечимлар мазмуни | Хулосалар |
| 1 | 2 | 3 |
| 1. | | |
| 2. | | |
| п. | | |

3 – илова.

Иш тартиби ва регламент

1. Муаммони ечиш ва презентация вароғини ёзиш учун гуруҳда ишлашга - 20 мин.
2. Муаммо ечимини презентация қилиш – 8 мин. гача.
3. Жамоа бўлиб муҳокама қилиш, хулосаларни шакллантириш - 10 мин. гача.
4. Ўзаро баҳолаш – 1 мин.

4 – илова.

Гуруҳ ишини умумлаштирувчи баҳо

| Гуруҳ | 1 | 2 | 3 | Умумий балл | Баҳо (умумий балл 2 га бўлинади) |
|-------|---|---|---|-------------|-------------------------------------|
| 1 | - | | | | |
| 2 | | - | | | |
| 3 | | | - | | |

5-илова.

Назорат саволлари

1. Иқтисодиётни давлат томонидан бошқарувнинг зарурияти нимада?
2. Бозор иқтисодиётида давлатнинг иқтисодий вазифаси нимадан иборат?
3. Иқтисодиётни бошқаришнинг моделларининг фарқи нимада?
(классик, монетар, кейнс ва ниокейнсча)
4. Иқтисодиётни давлат томонидан бошқаруви усулларини айтинг?.

| | |
|------------------|---|
| 24-мавзу. | Аҳоли даромадлари ва давлатнинг ижтимоий сиёсати |
|------------------|---|

24.1. Маъруза машғулотига ўқитиш технологияси

| | |
|--|---|
| Вақти – 2 соат | Талабалар сони: 30- 60 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Муаллифлик маърузаси |
| Маъруза машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Аҳолининг даромадлари, уларнинг турлари ва манбалари. 2. Ижтимоий ҳимоянинг мазмуни ва унинг шакллари. 3. Даромадлар тенгсизлиги ва унинг даражасини аниқлаш. 4. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлатнинг ижтимоий сиёсати. |
| Ўқув машғулотининг мақсади: аҳоли даромадларининг иқтисодий мазмуни, турлари даромадлар тенгсизлиги тўғрисида чуқурроқ билим бериш. | |
| <p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - аҳоли даромадлари ва унинг турлари ҳақида маълумот бериш; - аҳоли турмуш даражаси ва уни тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини шарҳлаш; - даромадлар тенгсизлиги сабабларини тушунтириш; - давлатнинг ижтимоий сиёсати Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларини ёритиб бериш. | <p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - аҳоли даромадлари, пул даромадлари, номинал, реал даромадларга таъриф беради; - иш ҳақининг мазмунини ёритади; - аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичларни санайди; - даромадлар тенгсизлиги сабабларини айтиб беради; - Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларини айтиб беради. |
| Ўқитиш услуби | Муаллифлик маърузаси |
| Ўқитиш шакли | Фронтал, жамоа бўлиб ишлаш. |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, флип чарт, маркер, скотч. |
| Ўқитиш шароитлари | Намунадаги аудитория |

Маърузанинг технологик картаси.

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|----------------------------------|---|---|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 1.1 Мавзунинг мақсади, режаси ва кутилаётган ўқув натижаларини маълум қилади. 1.2. Мавзу муаллифлик маърузаси шаклида ўтишини таъкидлайди ва материалларни тарқатади. 1.3. Жуфтликда ишлаш ва фикрлашни таклиф этади. | <ol style="list-style-type: none"> 1.1. Эшитадилар. ёзадилар. 1.2. Эслайдилар ва олган материалларни кўриб чиқади. |
| 2-босқич. Асосий (60 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 2.1. Аҳоли даромадлари борасидаги билимларни фаоллаштириш учун тезкор савол-жавоб ўткази. 2 та талабага доскада “Даромад” сўзига кластер тузишни таклиф этади. 2.2. Тарқатма материаллар билан танишиб чиқишни топширади ва саволларни ёзиб боришни таклиф этади. 2.3. Аҳоли даромадлари ва унинг таркибини тушунтиради. 2.4. Аҳолининг турмуш даражаси тушунчасига аниқлик киритади. 2.5. Даромадлар тенгсизлиги ва унинг | <ol style="list-style-type: none"> 2.1. Эшитадилар ва саволарга жавоб берадилар. Кластер тузадилар. 2.2. Тарқатма материаллар билан танишиб юзага келган саволларни дафтарига ёзиб олади. Талабалар ўз фикрларини билдиради ва саволлар беради. 2.3. Дафтарга янги таъриф ва |

| | | |
|----------------------------------|---|--|
| | Лоренц эгри чизиғидаги ифодасини ёритиб беради. 2.6. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистонда ўтказиладиган ижтимоий сиёсат борасидаги ва қўлларидаги тарқатма материал асосида мунозара ўтказишни таклиф этади. Талабаларни жуфтларга ажратади ва мунозара саволларини беради (14-илова). | тушунчаларни, саволдан олган жавобни конспект қилади. 2.4. Мунозара саволларига ўз муносабатларини билдиради. |
| 3-босқич. Яқуний (10 мин.) | 3.1. Мавзуга яқун ясайди, жавобларни тўлдиради, хулосалар чиқаради, фаол иштирокчиларни рағбатлантиради. 3.2. Мустақил тайёргарлик учун топширик беради: масала ечиш (15-илова). | 3.1. Эшитадилар, ёзиб оладилар, аниқлаштирадилар. 3.2. Топшириқларни оладилар. |

Ўқув топшириқлар.

1-илова.

“Даромад” категориясига кластер тузинг.

2-илова.




Аҳоли даромадлари маълум вақт оралиғида (масалан, бир йилда) улар томонидан олинган пул ва натурал шаклдаги тушумлар миқдорини англади.

Натурал даромад меҳнат ҳақи ҳисобига олинадиган ва уй хўжалиқларининг ўз истеъмоллари учун ишлаб чиқарган маҳсулотларидан иборат бўлади

3-илова.

Аҳоли шахсий даромади таркибий тузилиши


| | |
|--|---|
| 1) Пул ва натурал шаклдаги иш ҳақи ва маош 2) Қуролли кучлар хизматчиларининг пул ва натурал кўринишдаги таъминотлари 3) Тадбиркорларнинг ажратмалари: а) ижтимоий суғурта ва шу кабиларга б) бошқа мақсадларга. | Ижтимоий бандликдан олинадиган даромадлар |
| 4) Эркин касблардаги шахслар 5) Фермерлар 6) Бошқа яқка тартибдаги тадбиркорлар ва савдогарлар | Ўзини-ўзи банд қилишдан даромадлар |
| 7) Рента, соф фоиз, дивидендлар | Мулқдан олинадиган даромадлар |
| 8) Жорий трансфертлар, компанияларнинг хайриялари 9) Давлат нафақалари ва бошқа тўловлар | Трансферт даромадлари |




Аҳоли турмуш даражаси – аҳолининг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши ҳамда улар эҳтиёжининг бу неъматлар билан қондирилиши даражаси

**АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИНГ
КўРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ ГУРУҲЛАРИ**

- 1) туғилиш ва ўлиш даражаси ҳамда бошқа демографик кўрсаткичлар;
- 2) ҳаёт кечиришнинг санитар-гигиена жиҳатидан шароитлари;
- 3) озиқ-овқат товарларини истеъмол қилиш;
- 4) турар жой шароитлари;
- 5) маълумот ва маданият;
- 6) меҳнат қилиш ва бандлик шароитлари;
- 7) аҳолининг даромадлари ва харажатлари;
- 8) ҳаёт кечириш қиймати ва истеъмол нархлари;
- 9) транспорт воситалари;
- 10) дам олишни ташкил этиш;
- 11) ижтимоий таъминот;
- 12) инсон эркинлиги.



Турмуш тарзи – бу кишилар (жамият, ижтимоий қатлам, шахс)нинг миллий ва жаҳон ҳамжамиятидаги ҳаёт фаолияти тури ҳамда усулларини акс эттирувчи ижтимоий-иқтисодий категория



| ДАРОМАДЛАР ТАБАҚАЛАНИШИНИ АНИҚЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ | |
|--|---|
| Дицел коэффициенти | Бу кўрсаткич 10 фоиз энг юкори таъминланган аҳоли ўртача даромадлари ва 10 фоиз энг кам таъминланганлар ўртача даромади ўртасидаги нисбатни ифодалайди. Масалан, АҚШ ва Буюк Британияда бу нисбат 13:1га, Швецияда эса 5,5:1га тенг |
| Жини коэффициенти | Ялпи даромаднинг аҳоли гуруҳлари ўртасида тақсимланишини тавсифлаш учун аҳоли даромадлари тенгсизлиги индекси кўрсаткичидан фойдаланишни ифодалайди. Жини коэффициенти чизмадаги Лоренц эгри чизиғи билан мутлақ тенглик чизиғи ўртасидаги юзанинг 0FE учбурчак юзасига нисбати орқали аниқланади. Бу кўрсаткич қанчалик катта бўлса, (яъни 1,0 га яқинлашса) тенгсизлик шунча кучли бўлади. Жамият аъзолари даромадлари тенглашиб борганда бу кўрсаткич 0 (ноль)га интилади. Масалан, кейинги ярим аср давомида Жини индекси Буюк Британияда 0,39 дан 0,35 га қадар, АҚШда эса 0,38 дан 0,34 га қадар пасайган. |






Қўшни давлатларда аҳолига етказиб берилаётган табиий газнинг нархи тўғрисида маълумот

| т/р | Мамлакат номи | Аҳолига етказиб берилаётган табиий газнинг нархи, АҚШ долл./минг.м ³ |
|-----|---------------|---|
| 1 | Қирғизистон | 309 |
| 2 | Тожикистон | 303.5 |
| 3 | Қозоғистон | 100 - 140 |
| 5 | Ўзбекистон | 30 |
| 6 | Туркманистон | бепул |

БАНКЛАРДАГИ АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ ЎСИШ ДИНАМИКАСИ, МЛРД. СЎМ



Назорат саволлари.

1. Давлатнинг ижтимоий сиёсати деганда нимани тушунаси?
2. Бозор иқтисодиётига йўналтирилган тизимда ижтимоий адолат қандай намоён бўлади?
3. Даромадларни тақсимлашда давлат тақсимооти ва механизми нимадан иборат?
4. Аҳоли даромадлари ошиши нималарга боғлиқ?

Масалани ечинг.

1. АҚШ да камбағал аҳолининг 20 % и ялпи даромаднинг 4,7% ини, бой кишиларнинг 20 % и эса ялпи даромаднинг 42,7% ини олади. Ушбу маълумотлар асосида Лоренц эгри чизигини чизинг ва ДЖ ини коэффицентини топинг.
2. Куйидаги жадвалда оила аъзоларининг бир йил давомидаги даромадлари кўрсатилган.

| Оила аъзо | Фаолияти | Даромади (сўм) |
|-----------|-----------------------|----------------|
| Отаси | Ўқитувчи | 30000 |
| Онаси | Врач | 28000 |
| Ўғли | Талаба | 12000 |
| Қизи | Ўқувчи | - |
| Ўғли | Боғча тарбияланувчиси | - |

Агар минимал иш ҳақи даражси 8000 сўм бўлса, бу оила кам таъминланган оилалар қаторига кирадими?

24.2. Семинар машғулотида ўқитиш технологияси.

| | |
|---|--|
| Вақти-2 соат | Талабалар сони: 15-30 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Семинар-мунозара |
| Семинар машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Аҳоли даромадлари, унинг турлари ва шаклланиш манбалари. 2. Аҳолининг номинал, реал даромадлари. 3. Даромадлар тенгсизлиги, унинг сабаблари ва омиллари. Лоренц эгри чизиги ва Бицел коэффицентини. 4. Аҳоли турмуш даражаси ва унинг кўрсаткичлари. Оила бюджети, истеъмолчилик савати ва ҳаёт кечириш минимуми. 5. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлатнинг ижтимоий сиёсати ва ижтимоий ҳимоялаш тизими. |
| Ўқув машғулотининг мақсади: | маъруза дарсида олинган билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш. |
| Педагогик вазифалар: - мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; - дарслик билан мустақил ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; - билимларни тизимлаштириш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш; - коммуникация, гуруҳда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш. | Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба: - аҳоли даромадларига таъриф берадилар; - даромад турларини санаб беради ва тушунтиради; - аҳолининг номинал ва реал даромадларига тавсифлайди; - Лоренц эгри чизигини тасвирлайди ва ифодалайди; - Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялашда даромадларни қайта тақсимлаш тизимини тушунтиради. |
| Ўқитиш усуллари ва техникаси | Ҳамкорликда ўқиш, мунозара, техника: “коп-коп”, тақдимот, блиц-сўров. |
| Ўқитиш воситалари | Ўқув қўлланмалар, маркерлар, скотч, А32 бичимдаги қоғоз вароғлари. |
| Ўқитиш шакллари | Индивидуалл, фронтал, гуруҳ ва жуфтликларда ишлаш. |
| Ўқитиш шароитлари | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |

Семинар машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|----------------------------------|--|--|
| | Ўқитувчи | Талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | 1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш тартибини айтади. | 1.1. Дикқат билан тинглайдилар ва ёзиб оладилар |
| 2-босқич. Асосий (60 мин.) | 2.1. Мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади ва шу асосида блиц-сўров ўтказиши (1-илова) 2.2. Талабаларни эркин тарзда 5 та гуруҳга ажралишларини сўрайди. Ҳар бир гуруҳдан бир талаба қисқа эссе ёзади. 2.3. Гуруҳнинг бошқа аъзолари режани битта саволи бўйича муҳокамани амалга оширади ва тақдимотга тайёрлайди. Гуруҳларда иш бошлаганлигини эълон қилади, маслаҳатлар беради. Тақдимотни ташкиллаштиради, фикрларни умуллаштиради, аниқликлар киритади. 2.4. Фаол иштирок этмаган талабаларга тест беради (2-илова). | 2.1. Иқтисодий тушунчаларга таъриф берадилар. 2.2. Эссе ёзадилар ва ўқиб берадилар. 2.3. Режа саволи бўйича муҳокамани амалга оширади ва тақдимот қилади. 2.4. Бошқа гуруҳга саволлар беради ва тўлдиради. 2.4. Тест ишлайди ва ўқитувчига беради. |
| 3-босқич. Яқуний (10 мин.) | 3.1. Машғулотга яқун ясайди, хулосаларни умуллаштиради, талабаларни баҳолайди. 3.2. Мустақил иш учун вазифа беради: талабаларга янги мавзу бўлиб берилади. Маърузачилар, тақризчилар ва бошловчилар тайинланади. | 3.1. Эшитадилар, ёзиб оладилар. 3.2. Топшириқларни ёзиб олади. |

1-илова.

| Мавзу бўйича асосий тушунчалар | |
|--------------------------------|--|
| Даромад | |
| Номинал даромад | |
| Реал даромад | |
| Даромадлар тенгсизлиги | |
| Лоренц эгри чизиғи | |
| Джини коэффиценти | |
| Оила бюджети | |
| Ижтимоий сиёсат | |
| Ижтимоий ҳимоя | |

2-илова.

Тест.

1. Қуйидагилардан қайси бири аҳоли даромадлари таркибига кирмайди?

- а) фоиз, дивиденд, рента;
- б) давлат суғуртаси бўйича тўловлар;
- в) меҳнат ҳақи ҳисобига олинадиган ва уй хўжалиқларининг ўз истеъмолчилари учун ишлаб чиқарган маҳсулотлари;
- г) иш ҳақи ва тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган даромад;
- д) солиқлар.

2. Қайси даромад тури ходимлар меҳнатининг натижасига боғлиқ?

- а) иш ҳақи;
- б) дивиденд;
- в) фоиз;

- г) рента;
- д) ижара ҳақи.

3. «Трансферт тўловлари» - деганда:

- а) бозор секторига ёлланган ишчиларнинг иш ҳақи;
- б) давлат секторигадаги хизматчиларнинг даромадлари;
- в) йирик компаниялар ва тадбиркорлар фойдаси;
- г) кичик мулкдорлар даромади (фойда, рента, фоиз, дивиденд);
- д) кам таъминланган аҳоли гуруҳларига, ногиронларга, қарияларга, боқувдаги кишиларга, ишсизларга тўланадиган нафақалар.

4. Аҳоли реал даромадининг ўсиши қайси ҳолда рўй беради?

- а) номинал даромад ва нархларнинг ўсиши мутаносиб бўлганда;
- б) номинал даромад нархлардан тез ўсганда;
- в) нархлар номинал даромаддан тез ўсганда;
- г) солиқлар ва мажбурий тўловлар номинал даромаддан тез ўсганда;
- д) истеъмол бозорининг тўйинганлик даражаси пасайганда.

5. Бозор муносабатларига ўтишнинг илк даврида биз аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг қайси йўлидан бордик?

- а) ишсизларни ҳимоялаш йўлидан;
- б) нафақахўрларни, талабаларни ҳимоялаш йўлидан;
- в) ўқувчи ёшларни, 2 ёшга етмаган болаларни ҳимоялаш йўлидан;
- г) бутун аҳолини ҳимоялаш йўлидан;
- д) 2-жаҳон уруши ва Афғонистон уруши қатнашчиларини ҳимоялаш йўлидан.

6. БМТ Бош Ассамблеяси қайси йилни «Қашшоқликни тугатиш йили» деб эълон қилди?

- а) 1991 йилни;
- б) 1993 йилни;
- в) 1994 йилни;
- г) 1995 йилни;
- д) 1996 йилни.

7. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш масаласи республикада қандай муҳим вазифаларни ҳал этишга боғлиқ деб биласиз?

- а) ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришнинг давлат томонидан белгиланган режа асосида ривожлантирилиши;
- б) давлат маблағлари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоат ва хайрия ташкилотлари, жамғармаларнинг маблағларини кенгроқ жалб этиш;
- в) одамларнинг куч ва қобилиятларидан жамият равнақи йўлида тўлароқ фойдаланиш механизмини вужудга келтириш;
- г) аҳолининг даромадларида ва турмуш даражасида асоссиз катта фарқларга, қашшоқликка йўл қўймаслик;
- д) юкоридагиларнинг барчаси.

8. 1990 йилда Республика аҳолисининг неча фоизи жами даромади тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган энг қуйи даражадан паст эди?

- а) 50%;
- б) 60%;
- в) 65%;
- г) 70%;
- д) 80%.

3-илова.

Мустақил иш учун вазифа

- | |
|--|
| <ol style="list-style-type: none">1. Жаҳон хўжалигининг шаклланиши, йўналишлари ва зиддиятлари.2. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг шакллари. Жаҳон инфратузилмасининг ривожланиши.3. Жаҳон хўжалиги алоқаларини халқаро тартибга солиш.4. Жаҳон хўжалиги глобаллашуви жараёнларининг зиддиятли томонлари. |
|--|

25.1. Маъруза машғулотида ўқитиш технологияси

| | |
|--|---|
| Вақти – 2 соат | Талабалар сони: 30-60 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Маъруза-конференция |
| Маъруза машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Жаҳон хўжалигининг шаклланиши, йўналишлари ва зиддиятлари. 2. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг шакллари. Жаҳон инфратузилмасининг ривожланиши. 3. Жаҳон хўжалиги алоқаларини халқаро тартибга солиш. 4. Жаҳон хўжалиги глобаллашуви жараёнларининг зиддиятли томонлари. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> жаҳон хўжалигини ташкил топиши, унинг хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятлари билан таништириш, билимларни шакллантириш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> - жаҳон хўжалигига таъриф бериш, унинг асосий хусусиятларини тавсифлаш; - халқаро меҳнат тақсмоти ва ишлаб чиқаришни байналминаллашуви тўғрисида маълумот бериш; - ФТТ ва трансмиллий капиталнинг иқтисодиётни байналминаллаштиришдаги аҳамиятини ёритиб бериш. | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - жаҳон хўжалигига таъриф бера олади; - халқаро меҳнат тақсмотининг мазмунини ёрита олади; - ишлаб чиқаришни байналминаллашуви тушунчаси мазмунини ёритади; - ФТТ ва трансмиллий капиталнинг иқтисодиётни байналминаллаштиришдаги аҳамиятини ёрита олади. |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Маъруза-конференция, инсерт, презентация, блиц-сўров. |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, докладлар. |
| Ўқитиш шакли | Фронтал, жамоа бўлиб ишлаш. |
| Ўқитиш шароитлари | Намунадаги аудитория, |

Мунозара маърузанинг технологик картаси.

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|----------------------------------|--|--|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | 1.1. Мавзу режаси, мақсади ва қутилаётган натижалар маълум қилинади. 1.2. Маъруза машғулоти конференция тарзида ўтказилиши эълон қилинади. Талабаларга регламент ва баҳолаш мезонларини маълум қилинади. Конференция ўтказиш қонидаси эсга солинади (1-илова). | 1.1. Эшитадилар, ёзадилар. 1.2. Эслайдилар ва тайёргарлик кўрадилар. |
| 2-босқич. Асосий (60 мин.) | 2.1. Жаҳон хўжалигининг ташкил топиши ва унинг ривожланиш босқичлари тўғрисида, иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ва ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви тўғрисида умумий маълумот беради. 2.2. Сўзни бошловчига беради, конференцияни давом эттиришга рухсат этади. Маърузачилар сўзга чиқиб ўз фикрларини билдирадилар. - жаҳон хўжалигининг шаклланиши, йўналишлари ва зиддиятлари; | 2.1. Эшитадилар ва ёзадилар 2.2. Бошловчи, маърузачиларни ўз тақдимотларини намойиш қилишларига чорлайди. |


| | | |
|----------------------------------|---|--|
| | <p>- халқаро иқтисодий муносабатларнинг шакллари; - жаҳон инфратузилмасининг ривожланиши; - жаҳон хўжалиги алоқаларини халқаро тартибга солиш; - жаҳон хўжалиги глобаллашуви жараёнларининг зиддиятли томонлари мазмунини ёритиб беради. 2.3. Ҳар бир маърузадан сўнг сўз оппонентларга (тақризчиларга) берилади. Жавоб натижасида маърузалар муҳокамаси ташкил этилади. Ўқитувчи маърузаларни таҳлил этиб, камчиликларни айтади ва тўғрилайди. Ўз фикрини билдиради конференцияларни якунлайди.</p> | <p>Ҳар бир маърузадан сўнг оппонентлар маъруза бўйича ўз фикрларини билдиради. 2.3. Талабалар тинглайди ва ёзиб оладилар.</p> |
| 3-босқич. Якуний (10 мин.) | <p>3.1. Маърузага якун ясайди ва ўқув натижаларини тингловчилардан сўрайди. 3.2. Конференция иштирокчиларини рағбатлантиради. 3.3. Мустақил иш учун вазифа беради (4-илова).</p> | <p>3.1. Тинглайди, жавоб беради. 3.2. Топшириқларни ёзиб оладилар.</p> |

Ўқув материаллари.

1-илова.

МАЪРУЗА БИЛАН СЎЗГА ЧИҚИШ

Илмий ахборот билан сўзга чиқиш жараёнининг тузилиши



2-илова.

Тақдимот қоидаси

| |
|---|
| <ul style="list-style-type: none"> • чиқиш регламентига риоя қилиши • чиқиш навбатига риоя қилиши • гуруҳ аъзолари ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлаш ва улар хатти-ҳаракатида келишувга эришиши • маълумотлар график кўринишида (схема, жадвал, график) тақдим этилиши лозим бўлади; • ҳар қандай график кўринишидаги маълумот шарҳланиши талаб этилади. |
|---|

3-илова.

Баҳолаш кўрсаткичлари ва талаб

| Маърузачилар | Маърузаларга баҳо талаблари | | | | |
|--------------|-----------------------------|------------------|----------------|-----------|-----------------|
| | Маъруза тўлалиги | Ахборот янгилиги | Ахборот манбаи | Регламент | Жами (3,0 балл) |
| | 50 % | 25 % | 20% | 5% | 100 % |
| 1. | | | | | |
| 2. | | | | | |
| 3. | | | | | |
| 4. | | | | | |

Оппонентларга баҳо талаби

| Оппонент лар | Оппонентларга баҳо асослари | | | | |
|--------------|-----------------------------|------------------------------|-----------------------|-------------------------|-----------------------------|
| | Маърузага қўшимча 45 % | Муҳокамада иштирок этиш 25 % | Саволлар сони 15 % | Мазмун даражаси 15 % | Жами (3,0 балл) 100 % |
| 1. | | | | | |
| 2. | | | | | |
| 3. | | | | | |
| 4. | | | | | |

Дарс қатнашчиларини баҳолаш

| Муҳокама иштирокчилари | Саволлар (0,1) | Моҳияти даражаси (0,3) | Қўшимчалар (0,2) | Жами |
|------------------------|-------------------|---------------------------|---------------------|------|
| 1. | | | | |
| ... | | | | |

Маърузачиларни баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

| Баҳолаш кўрсаткичлари | Баҳолаш мезонлари | | |
|--|-------------------|--------------------|-----------------|
| | ҳа (2 балл) | қисман (1 балл) | йўқ (0 балл) |
| <i>Сўзга чиқиш мавзуси ва мақсади:</i> 1. Маъруза мавзуси тушунарлими? 2. Мақад аниқ шакллантирилганми? | | | |
| <i>Мазмуни:</i> 1. Қизиқарлими? 2. Манткли ва аниқми? 3. Ишонтирадиганми? 4. Маълумот янгилими? 5. Ғоялар бирламчими? | | | |
| <i>Нутқ ва тили:</i> 1. Икки маънолик йўқми? 2. Гаплар қисқами? 3. Матнда мужмал гаплар йўқми? 4. Қўп гаплик йўқми? 5. Нутқда тушунишга халақит берувчи хатолар йўқми? | | | |
| <i>Ташиқ кўриниши, ўзини тута билиши:</i> 1. Дадиллик билан ўзини тутадими? 2. Нутқ барчаларга мурожаат қилинганми? 3. Қатнашчиларга кўз ташлайдими? 4. Эркинсизлик йўқми? 5. Қўл ҳаракатлари ўринлими? | | | |
| Бошқалар (қўшимча қилинг) 1. 2. | | | |

Маърузалар юзасидан саволлар.

1. Жаҳон хўжалигининг миллий иқтисодиётга таъсири қандай?
2. Жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари туркумлаш қандай мезонларга асосланади?
3. Иқтисодий ҳаётнинг байналминаллашуви жараёнининг моҳияти нимадан иборат?
4. Глобаллашув жараёни нима?

ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ

Жаҳон хўжалиги (жаҳон иқтисодиёти) – бу халқаро меҳнат тақсимотига асосланган, иқтисодий муносабатлар билан ўзаро боғланган миллий хўжаликларнинг ўзаро яхлитлиги

Халқаро меҳнат тақсимоти – бошқа мамлакатларга нисбатан баъзи афзал шароитларга эга бўлган мамлакатларни маълум турдаги товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашиши

Халқаро меҳнат тақсимотининг сабаблари ва аҳамияти**Халқаро меҳнат тақсимотининг замонавий босқичи**

| | | |
|---------------------------------------|---|---|
| Ишлаб чиқаришнинг интернационаллашуви | “Ягона миллий конвейер” тизимини яратиш | Алоқаларнинг халқаро механизмини яратиш |
|---------------------------------------|---|---|

| | | |
|---|---|--|
| <p>халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиши омиллири:</p> <ul style="list-style-type: none"> - фан-техника тараққиётининг бир хил ривожланмаганлиги; - истеъмол таркиби ва миллий бозорларнинг тўйиниш даражасининг турлича эканлиги; - турли мамлакатлардаги турмуш тарзини тенглаштиришга бўлган эҳтиёж; - хўжалик юритиш тажрибаларини ўзаро алмашишга бўлган эҳтиёж. | <ul style="list-style-type: none"> - энг янги технологияларни ишлаб чиқаришда монопол давлатлар - хом-ашё етказиб берувчи мамлакатлар - моддий-меҳнат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мамлакатлар | <ul style="list-style-type: none"> - махсус халқаро корхоналар, қўшма корхоналар, муассасалар - халқаро коммуникацион тармоқлар - трансмиллий тизимлар: трансмиллий компаниялар, корхоналарнинг хориждаги шўъбалари ва хаказолар. |
|---|---|--|

Интеграция

Трансмиллийлашув

Жаҳон хўжалиги**Таркиби:**


- товар ва хизматлар жаҳон бозори;
- капиталлар жаҳон бозори;
- ишчи кучи жаҳон бозори;
- халқаро валюта тизими;
- халқаро молия-кредит тизими;
- ахборотлар соҳаси, ИТИ, маданиятлар

Субъектлар:

- халқ хўжалиги мажмуасига эга давлатлар;
- трансмиллий корпорациялар;
- халқаро ташкилот ва институтлар;
- миллий чегаралардан ташқаридаги хўжаликнинг барча тармоқларига хос фирмалар

ХАЛҚАРО ИШЧИ КУЧИ МИГРАЦИЯСИ



Ишчи кучи миграцияси – бу меҳнатга лаёқатли аҳолини миллий чегаралардан ташқарига жойлашиши, кўчиши.




Меҳнат ресурсларининг халқаро жойлашувидаги ижобий ва салбий томонлар

| | |
|---|---|
| Мигрантлар учун | <ul style="list-style-type: none"> – янги жойга кўчиш ва жойлашиш билан боғлиқ йўқотишлар – янги маданият, тил ва муҳит ва ҳ.к.га мослашиш муаммолари + ишга жойлашиш, яхши меҳнат шароити ва иш ҳаққидан фойда олиш эҳтимоли |
| Четга жўнатувчи мамлакатлар учун | <ul style="list-style-type: none"> – жамият меҳнат ресурсларининг бир қисмини (одатда яхшисини) йўқотиш («зиёлилларнинг чиқиб кетиши») – давлат бюджетидаги миллий даромадлар ва солиқ тушумлари маълум қисмининг йўқолиши + тўлов балансининг даромадлар қисми тўлдирилиши (эмигрантларнинг пул ўтказмалари) + жамиятда бандлик ва ижтимоий кескинлик муаммоларини енгиллаштириш |
| Қабул қилувчи мамлакатлар учун | <ul style="list-style-type: none"> + иш берувчиларнинг даромадларини кўпайтириш (хорижий ишчи кучи арзон) + таълим ва кишиларни ўқитиш харажатларини тежаш, миллий даромад ортиши – маҳаллий аҳоли ва иммигрантлар ўртасидаги эҳтимолий ижтимоий низолар |
| Жаҳон учун | <ul style="list-style-type: none"> + ишсизликни қисқартириш, жаҳон маҳсулот ишлаб чиқаришини ошириш + маданият ва халқларни яқинлаштириш, жаҳон ҳамжамиятида тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш |

| Е.Ф.Борисов жаҳон хўжалиги шаклланишининг тўрт босқичи | |
|--|---|
| Биринчи босқич ишлаб чиқаришнинг саноатлашувидан олдинги давр | Дастлаб ўша даврдаги кишилар жамоалари ёки қабилалари ўртасида пайдо бўлган савдо айирбошлашуви кейинчалик товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан турли мамлакатлар ўртасидаги доимий товар алмашуви – халқаро савдонинг пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келди |
| Иккинчи босқич ишлаб чиқаришнинг саноатлашув даври | Йирик машиналашган ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ва тадбиркорларнинг кўпроқ фойда олишга интилиши ташқи савдони деярли барча миллий хўжаликларнинг таркибий қисмига айлантириб қўйиши натижасида XVIII-XIX асрларда ривожланган жаҳон бозори пайдо бўлди |
| Учинчи босқич XIX-XX асрлар | Бу даврда жаҳон хўжалиги тизими шаклланди |
| Тўртинчи босқич XX асрнинг 60-йиллари | Кўплаб мустамлака мамлакатларнинг сиёсий қарамликдан озод бўлиши натижасида замонавий жаҳон иқтисодиётида ижобий ўзгаришларнинг янги тенденциялари пайдо бўлди |





Мустақил иш учун топшириқ.

1. Халқаро ташкилотлар тўғрисида маълумотлар йиғиш ва кейинги дарсга тақдим қилиш.

25.2. Семинар машғулотида ўқитиш технологияси

| | |
|---|--|
| Вақти-2 соат | Талабалар сони: 15-30 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича амалий машғулот. |
| Семинар машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Иқтисодий ривожланишнинг умумжаҳон томонлари ва ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви. 2. Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви, йўналишлари ва зиддиятлари. 3. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг шакллари. Жаҳон инфратузилмасининг ривожланиши. 4. Жаҳон хўжалиги алоқаларини халқаро тартибга солиш. 5. Жаҳон хўжалиги глобаллашуви жараёнларининг зиддиятли томонлари. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> маърузада олинган билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> - мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; - билимларни таққослашни, умумлаштиришни, таҳлилни тизимлаштириш кўникмасини ҳосил қилиш; - ўз фикрни шакллантириш ва билдириш жараёнини ташкил қилиш; - коммуникация, гуруҳда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш. | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - Жаҳон хўжалигини таърифлайди; - Халқаро меҳнат тақсимотини тавсифлайди; - Ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувининг моҳиятини очиқ беради. |
| Ўқитиш усуллари ва техникаси | Биргаликда ўқиш, мунозара, тақдимот, Блиц сўров, график ташкил этувчилар, Т- жадвал, диаграмма "Вена". |

| | |
|-------------------|---|
| Ўқитиш воситалари | Ўқув қўлланмалар, маъруза матни, флип чарт, маркер, скотч, қоғоз |
| Ўқитиш шакллари | Гуруҳ ва жамоада ишлаш. |
| Ўқитиш шароитлари | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлашга мослаштирилган аудитория. |

Семинар машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|----------------------------------|---|---|
| | Ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | 1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади. 1.2. Ўқитиш гуруҳларда ишлаш технологияси асосида олишиб борилишини эълон қилади. Ҳар бир талаба гуруҳ баҳосига мос равишда баҳо олишини тушунтиради, гуруҳларда ишлаш қоидалари билан таништиради (1-илова). Гуруҳларда ишлаш натижаси плакат қоғозларда кўрсатилиши кераклигини маълум қилади. Мавзу бўйича блиц-сўров ўтказади. | 1.1. Тинглайдилар, ёзиб оладилар. 1.2. Гуруҳда ишлашга тайёргарлик кўради, саволларга жавоб берадилар. |
| 2-босқич. Асосий (60 мин.) | 2.1. Талабаларни 3 гуруҳга ажратади. Ўқув топшириқларини тарқатади. Вазифа бутун гуруҳ томонидан бажарилишини эълон қилади. Гуруҳларни ўзаро баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради. Вазифани бажаришда дарслик, маъруза матнлари ва бошқа қўлланмалардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади. Гуруҳларда ишларни бошлашни эълон қилади. 2.2. Тақдимот ва гуруҳларда ишлаш натижаларини ўзаро баҳолашни ташкил этади. 2.3. Жавобларни шарҳлайди, билимларни умумлаштиради, вазифани бажариш жараёнидаги асосий хулосаларга эътиборни қаратади. | 2.1. Ўқув топшириқларини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишади. 2.2. Вазифани бажаради, гуруҳларда ишлайди ва тақдимотни шакллантиради. 2.3. Тақдимот қилади, бошқа гуруҳларга саволлар беради. Яқуний хулосаларни ёзиб олади. Гуруҳлар ўзаро баҳолашни амалга оширади. |
| 3-босқич. Яқуний (10 мин.) | 3.1. Машғулотни яқунлайди, фаол иштирокчиларни рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш учун вазифа беради. | 3.1. Тинглайди, аниқлайди. 3.2. Мустақил иш учун вазифани ёзиб оладилар. |

1 – илова.

Ўқув материаллари

1. Муаммоли вазифа

Жаҳон ҳўжалиги глобаллашуви жараёнларининг зиддиятли томонларини аниқланг ва уни бартарф этувчи йўлларни кўрсатинг.

2. Услубий кўрсатма: ҳаракат кетма-кетлиги (алгоритм)

1. Муаммони савол шаклига келтиринг.
2. Асосий масалани шакллантиринг, унинг ечими муаммоли саволга жавоб бериш даражасида бўлсин.
3. Миллий иқтисодиёт ҳолатини тавсифлаш имконини берувчи асосий мезонларни (белги, таҳлил йўналиши) айтинг.
4. Ечиш алгоритмининг тузинг.
5. Жамоа бўлиб танланган кўрсаткични баҳоланг, уларни ёритиш кетма-кетлигини ўрнатинг.
6. Миллий иқтисодиёт ҳолатини баҳолаш бўйича танланган кўрсаткич асосида бир қатор кичик муаммоларни шакллантиринг ва жадвалга ёзинг.
7. “Ечимнинг мазмуни” устунига уларни аниқлаш, ҳисоблаш алгоритмининг (формуласи, тартибини) ёзинг.

8. Муаммони ечиш жадвалини тўлдилинг.

9. Сиз томонигиздан келтирилган кўрсаткичнинг миллий иқтисодиёт учун аҳамиятини ёритинг ва оралиқ хулосаларни шакллантиринг ва ёзинг.

10. Якуний хулосани аниқ ва лўнда қилиб шакллантиринг.

3. Муаммони ечиш жадвали

| | | |
|-------------------------------|-----------------|-----------|
| Муаммони шакллантирилиши: | Якуний хулоса: | |
| Қуйи муаммоларни шакллантириш | Ечимлар мазмуни | Хулосалар |
| <i>1</i> | <i>2</i> | <i>3</i> |
| 1. | | |
| 2. | | |
| п. | | |

2 – илова.

Иш тартиби ва регламент

1. Муаммони ечиш ва презентация вароғини ёзиш учун гуруҳда ишлашга - 20 мин.
2. Муаммо ечимини презентация қилиш – 8 мин. гача.
3. Жамоа бўлиб муҳокама қилиш, хулосаларни шакллантириш - 10 мин. гача.
4. Ўзаро баҳолаш – 1 мин.

3 – илова.

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳлар тақдимотни баҳолайди, мезонлар бўйича балларни жамлайди.

| Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари | Макси мал балл | 1 гуруҳ | 2 гуруҳ | 3 гуруҳ |
|--|----------------|---------|---------|---------|
| | | | | |
| Ечимлар: | 1,2 | | | |
| - муаммони ва қуйи муаммони тўғри шакллантириш; | 0,4 | | | |
| - ечимни муаммо ва қуйи муаммо шаклига мос келиши; | 0,4 | | | |
| - мантиқийлик, аниқлик, хулосаларни қисқалиги. | 0,4 | | | |
| Тақдимот: | 1,4 | | | |
| - жавобларни аниқлиги ва тушунарлилиги; | 1,0 | | | |
| - ҳар бир гуруҳ иштирокчисининг фаоллиги (саволлар, қўшимчалар). | 0,4 | | | |
| Регламент | 0,4 | | | |
| Умумий баллар йиғиндиси | 3,0 | | | |

Гуруҳ ишини умумлаштирувчи баҳо

| Гуруҳ | 1 | 2 | 3 | Умумий балл | Баҳо (умумий балл 2 га бўлинади) 2,2 -3 балл – «аъло» 1,2 - 2 балл – «яхши» 0,5 – 1,1 балл – «қон-ли» 0-0,5 балл – «ёмон» |
|-------|---|---|---|-------------|--|
| 1 | - | | | | |
| 2 | | - | | | |
| 3 | | | - | | |

| | |
|-----------|--|
| 26-мавзу. | Халқаро иқтисодий интеграция ва Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши |
|-----------|--|

26.1. Маъруза машғулотида ўқитиш технологияси

| | |
|--|---|
| Вақти – 2 соат | Талабалар сони: 30-60 нафар |
| Ўқув машғулотининг шакли | Инсерт, мутахассис билан ўтказиладиган маъруза |
| Маъруза машғулотининг режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти, шакллари ва объектив асослари. 2. Жаҳондаги асосий интеграцион гуруҳларнинг амал қилиш хусусиятлари 3. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ва ташқи иқтисодий фаолияти 4. Давлатлараро иқтисодий интеграциянинг ривожланишидаги шарт-шароитлар. 5. Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишлари. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> халқаро иқтисодий интеграция, унинг шакллари ва жаҳондаги асосий интеграцион гуруҳлар тўғрисида талабалар билимини чуқурлаштириш. | |
| <i>Педагогик вазифалар:</i> - халқаро иқтисодий интеграция ва унинг турлари билан таништириш; - жаҳондаги асосий интеграцион гуруҳларни таҳлил қилиш; - Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари тавсифлаб бериш. | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - халқаро иқтисодий интеграцияга таъриф бериш ва турларини айта олади; - мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши даражаси бўйича табақаланиш мезонларини тавсифлаш; - Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши йўларини санаб беради. |
| Ўқитиш услуби | Бинар маъруза, ақлий ҳужум, инсерт |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, докладлар, презентация. |
| Ўқитиш шакли | Фронтал, жамоада ишлаш. |
| Ўқитиш шароитлари | Намунадаги аудитория, |

Маърузанинг технологик картаси.

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---------------------------------|---|-----------------------------------|
| | ўқитувчи | талаба |
| 1-босқич. Кириш (10 мин.) | <ol style="list-style-type: none"> 1.1. Мавзу, мақсад, ўқув фаолиятининг натижалари билан мавзунинг бевосита мутахассис билан олиб борилишини таъкидлайди. ХИМ кафедраси ўқитувчисини маърузага таклиф қилади. 1.2. Машғулот сўнгида тест савол-жавоби бўлишини айтиб, баҳолаш мезонлари билан таништиради. | 1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар. |

| | | |
|---|---|--|
| <p>2-босқич. Асосий (60 мин.)</p> | <p>2.1. Талабаларга берилган вазифани эслатади, “Инсерт” жадвалига аниқлик киритишни талаб қиладиган масалаларни айтишни таклиф қиладди. 2.2. Олинган маълумот бўйича савол-жавоб ўтказди. 2.3. Жавобларни тўлдиради, аниқлик киритади ва тўғрилайди. Халқаро иқтисодий интеграцияни тадбиқ этишда юзага келган турли назариялар мазмуни ва намоёндалари билан таништиради. 2.4. Жаҳондаги асосий интеграцион гуруҳлар борасида талабалар жавобини аниқлашга тўлдиради. 2.5. Ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятидаги ҳамкорлик муаммолари, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши ва ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишларини ёритиб беришини мутахассисга таклиф этади. 2.6. Мутахассисга саволлар беришни таклиф қиладди. 2.7. Талабалар олган билимларни текшириш учун саволлар беради ва тест топшириғини беради.</p> | <p>2.1. Жавоб берадилар. 2.2. Талабалар ўз фикрларини билдиради. Ўзиб оладилар. 2.3. Саволлар берадилар. 2.4. Саволларга жавоб беради, тестни ечади ва ўзаро текширадилар.</p> |
| <p>3-босқич. Яқуний (10 мин.)</p> | <p>3.1. Мавзуга яқун ясайди фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 3.2. Мустақил тайёргарлик учун топшириқ беради: Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамияти билан алоқаси тўғрисида маълумот тўплаш.</p> | <p>3.1. Тинглайдилар. Топшириқни ўзиб оладилар.</p> |

1-илова.

“Инсерт усули”

Инсерт - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгиланишнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

| Тушунчалар | V | + | - | ? |
|------------------------------|---|---|---|---|
| Халқаро иқтисодий интеграция | | | | |
| Эркин савдо ҳудудлари | | | | |
| Божхона иттифоқи | | | | |
| Тўлов иттифоқи | | | | |
| Умумий бозор | | | | |
| Иқтисодий ва валюта иттифоқи | | | | |

Текшириш учун саволлар.

1. Халқаро иқтисодий интеграция нима?
2. Эркин савдо ҳудудлари, божхона иттифоқи, тўлов иттифоқи, умумий бозор, иқтисодий ва валюта иттифокларининг вазибалари нималардан иборат?
3. Жаҳондаги асосий интеграцион гуруҳлар қайсилар?

3-илова.

Тест.

1. Халқаро иқтисодий интеграциянинг энг оддий шакли?

- а) тўлов иттифоқи;
- б) бож иттифоқи;
- в) эркин савдо зоналари;
- г) умумий бозор;
- д) иқтисодий ва тўлов иттифоқи.

2. Абсорбация нима?

- а) импорт тўловларининг экспортдан олинган даромаддан ортиқча қисми;
- б) экспортдан олинган даромаднинг импорт сарфларидан ортиқча қисми;
- в) ялпи ички маҳсулотнинг мазкур мамлакатдаги уй хўжаликлар, корхоналар ва давлатга реализация қилинадиган қисми;
- г) а) ва б) тўғри;
- д) барча жавоблар тўғри.

3. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти учун қандай мамлакат?

- а) Марказий Осиёдаги энг катта мамлакат;
- б) Шарқ дарвозаси;
- в) бозор иқтисодиётига қадам қўйган мамлакат;
- г) дунё учун очиқ мамлакат;
- д) меҳмондўст мамлакат.

4. Республика иқтисодиётининг келажаги нимага боғлиқ?

- а) ички резервларни ишга солишга;
- б) жаҳон хўжалигига қўшилишга;
- в) давлат мулкани хусусийлаштирилишига;
- г) кўп укладли иқтисодиётни яратилишига;
- д) чет эл инвестициясига.

5. Ўзбекистон ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларни шакллантиришда қандай тамойилларга амал қилмоқда?

- а) фақат умуминсоний манфаатларни инобатга олиш;
- б) фақат миллий манфаатлар асосида иш юритиш;
- в) синфий ва умуминсоний манфаатларга асосланиш;
- г) умуминсоний ва миллий манфаатларнинг муштараклиги асосида иш юритиш;
- д) кўп партиявийлик тамойилларига.

6. Республикаимиз мустақилликка эришгач неча аср ташқи дунёдан ажралиб қолганлигимизга барҳам берилди?

- а) 2 аср;
- б) 1,5 аср;
- в) 1 асрдан ортиқ;
- г) 1 асрдан камроқ;
- д) 1 аср.

Халқаро иқтисодий муносабатлар

Халқаро иқтисодий муносабатлар жаҳоннинг ҳамма мамлакатларининг хўжалик муносабатларидаги ўзаро таъсирлашиш характери ва усулларини тавсифлайди.

Халқаро иқтисодий муносабатлар

- халқаро товар ва хизматлар савдоси
- халқаро кредит
- капиталнинг халқаро миграцияси
- меҳнат ресурсларининг халқаро миграцияси
- халқаро илмий-техник алоқалар
- эркин иқтисодий ҳудудлар
- валюта муносабатлари
- иқтисодий интеграция

Жаҳон мамлакатлари гуруҳи

❖ **саноати ривожланган мамлакатлар** – бозор иқтисодиёти, илғор ва самарали ишлаб чиқариш, аҳоли жон бошига юқори ЯММ/ЯИМ кўрсаткичи ва мувофиқ тарзда кишиларнинг юқори сифатли турмуш даражасига эга ИХРТ мамлакатлари (Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти)

❖ **янги саноатлашган мамлакатлар** – бозор иқтисодиёти шиддатли ўсиб бораётган, фан ва техника тараққиёти, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорти юқори суръатда ортиб бораётган, жамиятда эркинликлар ривожланаётган ва демократияга эга давлатлар. Бу – Корея, Сингапур, Тайвань ва бошқалар.

❖ **нефтни экспорт қилувчи мамлакатлар** – Саудия Арабистони, Қувейт ва қатор ОПЕКка аъзо мамлакатлар – XX асрнинг сўнгги чорагида хорижга нефтни кўп миқдорда етказиш орқали ўз даромадларини кескин кўтара олдилар.

❖ **ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар**– самарасиз «буйруқбозлик иқтисодиёти»дан озод бўлган ва демократия, шахс эркинлиги, очиқ жамият, ҳуқуқий-бозор муносабатларига ўтган мамлакатлар.

❖ **иқтисодий қолоқ мамлакатлар** – жаҳоннинг ривожланмаган, қашшоқлик ва камбағалликдан азият чекаётган (тахминан 100 та) Африка, Осиё ва Лотин Америкаси давлатларининг бир қисми (Сомали, Эфиопия, Бангладеш, Бирма, Гайана, Гаити ва

